

ЭРКИН ВОҲИДОВ

АСАРЛАР

Тўртинчи жилд

*Қиши
ҳаловати*





Жұкин Вөхидов

Тұла асарлар түплами

IV

Жиши ҳаловати

Орзүш дүниө

«Аңғи шеңбілар»

Дың түбінега түккән дахшалар

Сүз шатоғати



УЎК: 821.512.133-1

КБК: 84(5Ў)6

В 88

Нашрга тайёрловчи

Мирзо Кенжабек

Масъул мухаррир

Носиржон Жўраев

Воҳидов, Эркин.

В 88 Тўла асарлар тўплами. 4-жилд. Шеърлар, драма, адабий мақолалар. Масъул мухаррир Н.Жўраев. – Т.: “Sharq”, 2016. – 416 б.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Эркин Воҳидов Тўла асарлар тўпламининг 4-жилди – “Қиши халовати” шеърлар, драма ва адабий мақолалардан тузилди.

ISBN 978-9943-26-419-9

УЎК: 821.512.133-1

КБК: 84(5Ў)6

ISBN 978-9943-26-419-9

© Э.Воҳидов, 2016 й.

© “Sharq” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Буш таҳририяти, 2016.



Өрзүрийн дүрнэ

Шүүкрона дышигга ошино бүрсийнүү
Арионийн ийж, десанг хато бүрэади.
Дүнёнийг энг күхнэ фалсафаси дү:
Өргүүцээ ҳаёт адо бүрэади.



ШОИРГА МАКТУБ

– Мен бир қызни севаман, аммо
 Киз дер: – Боринг, тошингиз теринг.
 Шоир ака, сиздан илтижо,
 Менга битта шеър ёзиб беринг.

Уни ўзим оқقا күчириб
 Ҳар сатрини қонимга белай.
 Гулдастага аста яшириб,
 Эшигига қистириб келай.

Үқисин-у ўша парвосиз-
 Қалбида хам бир ҳис уйғонсин.
 Қасамимга ишонмаган қиз
 Ўша ёниң байтга ишонсин.

Шундай ёзинг, токи юраги
 Эриб кетсин бўлса ҳамки тош.
 Жонига ўт тушсин мен каби,
 Оқиб кетсин кўзларидан ёш.

Ошиқда ишқ бўлса мукаммал
 Маъшуқани этармиш шайдо.
 Мажнунлигим англаш у гўзал
 Зора севса бамисли Лайло.

Кучогимга отилса дилбар,
 Юрагимда армон қолмаса...
 Ахир шоир шоирми агар
 Бир юракни эритолмаса.

Шеър кутарман сиздан умидвор,
 Ёрга етсам баҳтли бўларман.
 Йўқса менга ҳаёт не даркор,
 Тоғдан ўзни ташлаб ўларман.



— Ох, бечора ошиқ укажон,
Андухларинг менга аёндир.
Ишқ — вужудни ўртаган армон,
Англаб бўлмас сирли жаҳондир.

Бир бевафо ишқида мен ҳам
Поёни йўқ дардга тўлганман
Шу дард менга тутказган қалам,
Куя-куя шоир бўлганман.

На оҳимга парво килган у,
На шеъримни назарга илган.
Неча дафтар тўлдирганману
Улар бари йиртиб отилган.

Укам, менга қилмагин ҳавас,
Юрагимда юз минг армонлар.
Бахтли бўлсанг битта шеър эмас,
Ёзиб берай сенга достонлар.

Ташбиҳларим кадрига етиб,
Ёринг кўнгли тушса жойига.
Менинг бор-йўқ ёзганим элтиб
Ташла ўша қизнинг пойига.

Бўлсин, укам, умринг чароғон,
Мен етмаган бахтга етгин сен.
Ёрингни ишқ деган бепоён
Осмонларга олиб кетгин сен.

Гул очди, деб, бир қалб сўзимдан,
Бахра олди, деб, биргина жон —
Рози бўлай мен ҳам ўзимдан,
Бу дунёдан ўтай беармон.

КЎЗУНГ, НЕ БАЛО ҚАРО БЎЛУБТУР

(Навоий газалига муҳаммас)

Ишқинг менга то жафо бўлубтур,
 Кўнглимга жафо сафо бўлубтур,
 Қошинг, не жазоки, ё бўлубтур,
 Кўзунг, не бало қаро бўлубтур,
 Ким жонға қаро бало бўлубтур.

Ҳажрингки, юзимни зард қилди,
 Дунёни кўзимга сард қилди,
 Даشتни адам ичра гард қилди,
 Мажмуъи давони дард қилди,
 Дардингки, манго даво бўлубтур.

Чун ўтли юзинг адоси юз жон,
 Қош бирла кўзинг гадоси юз жон,
 Зулфингни чу мубталоси юз жон,
 Ишқ ичра онинг фидоси юз жон,
 Ҳар жонки санго фидо бўлубтур.

Тун-кун тиладим висол Худодин,
 Ҳижронни юборди ул самодин.
 Ёр юз ўгирибди мен фидодин,
 Бегона бўлубтур ошнодин,
 Бегонаго ошно бўлубтур.

Чун икки жаҳон саодати – ишқ,
 Чун умрим ўзи – ҳикояти ишқ,
 Эркин тилаги – ҳидояти ишқ,
 То тузди Навоий ояти ишқ,
 Ишқ аҳли аро наво бўлубтур.

1997



ҲАММА БОЛАМ, ДЕЙДИ

Ҳамма болам, дейди.
Шу кори олам!
Бола улғайиб, сүнг у ҳам дер, болам,
Сув пастга оқади.
Ота меҳрини
Фарзандига бериб қарз узар одам.

2001

ЯХШИЛИК

Марҳаматли инсон күнгли доим оқ,
Барчага баробар даргоҳи кенгдир.
Лекин ёмонга ҳам яхшилик қилмок
Яхшига ёмонлик қилмоққа тенгдир.

2002

ЎЛМАС ЭДИ БАЛКИ ОДАМЗОД

Ўлмас эди балки одамзод,
Бўлар эди дунёга устун.
Акли бўлса жаҳлидан зиёд,
Сабри бўлса нафсидан устун.

Ажал дея аталувчи чоҳ –
Ичра зинҳор тушмасди одам,
Бўлса эди озгина огоҳ,
Ўйлабгина кўйсайди қадам.

Иш ўлдирмас, ишқал ўлдирап,
Жон заволи юз ёшмас, кўз ёш,
Инсон нега дунёдан кетар
Кувлаб унга отмасалар тош?!

Таҳкир заҳру ханжар ила тенг,
Тухмат ортиқ ўқдан ва дордан.
Инсон ўлмас бири бирининг
Ўлишига бермаса ёрдам.

Инсон ўлмас ўлдирмаса ғам,
Макон қилмас қаро турбатни
Қўрса агар тиригида ҳам
Ўлганида топган ҳурматни.

Оlam тўла фитна, адоват,
Мангу қолиб нетар одамзод?
Бир кун чарчаб, излаб фарогат
Тинч дунёга кетар одамзод.
2004



ВАФО

Қабристонда кеча ёккан қор
Милдир-милдир эриб ётибди.
Гүр устида бир ит инграб зор,
Лойга бағрин бериб ётибди.

Кечат тобут күтарилиган дам
У беором югурган-елган.
Қувсалар ҳам, тош отсалар ҳам
Эл ортидан мозорга келган.

Отасидан айрилса агар
Бунча куймас одам боласи.
Ёлғон эди кечат йиғилар,
Рост эди шу итнинг ноласи.

Совуқ тунда қотиб, дийдираб,
Қабрга у қўйиб ётди бош.
Эриган қор каби милдираб
Кўзларидан тинмай оқди ёш...

Биз инсонмиз, сохиби дунё,
Кудратлимиз, мағурумиз, тўқмиз.
Садоқатда, меҳрда аммо
Шу бечора бир итча йўқмиз.

2005

ҚАЙ БИРИ АЗИЗ?

Шогирд сүрди:

– Қай бири азиз,

Дўстми ёки қариндош-жигар?

Устоз жавоб берди:

– Шубҳасиз,

Қариндош! У дўст бўлса агар.

2005

ДЎСТЛИК ВА АДОВАТ

Адоватдан сира келмаган бойлик,

Ҳосил гадолигу қуллик бўлади.

Лой отишган ёвлар икков ҳам лойлик,

Гул тутишган дўстлар гуллик бўлади.

2005



КЕКСАЛИК ИЛТИЖОСИ

Беш маҳал дуога қўл очади чол:
– Оллоҳим, оз оғриқ, осон ўлим бер.
Ақрабо жонига тегмай жоним ол,
Йўлга каратмасдан сўнгги йўлим бер.

2005

АЙРИЛИҚ

Дўстнинг ўлимига қандок кўнармиз?
Жон парчасин ерга кўшиб кўмармиз.
Айрила-айрила адо бўлгач жон
Дўстлар кетган юртга биз ҳам жўнармиз.

2006

ҚАЛАМ

Қалам, сени йўндин килиб
Мен бир – икки уч,
Икки учли найза бўлиб
Сен бир-икки уч.
Бемеҳрлик, бекадрлик,
бевафолникка
Санчил бориб, санаб турай
Мен: бир...икки...уч...

2006



СЕН УЧУН

Мен ҳаётда бор эканман,
Үйласам, сен бор учун,
Кўксим ичра қалб урар
Тун-кун ўзингга зор учун.
Жонга чун сенсан тириклик,
Жон фидо бўлсин сенга,
То жаҳонда бор эканман,
Борлиғим сен ёр учун.

2006

ДҮСТЛАРИНГ БҮЛСИН

Бир кам дунё.
Сен ҳам бир банды.
Майли, каму күстларинг бўлсин.
Лек кўрганда шод, кўрмаганда
Софингувчи дўстларинг бўлсин.

Уларга дил тўла ҳимматинг,
Мехр тўла кўзларинг бўлсин.
Қайдасан, деб, бузиб хилватинг,
Босиб келар дўстларинг бўлсин.

Севин улар тегса жонингга,
Ишдан қўйса кул, яира, кулдир.
Келмай қўйса бирор ёнингга,
Дунё охир бўлгани шулдир.

2007



БЕДОР ТУНЛАР

Мижжа коқкани йўқ шоир ўтган тун,
Шеър коралаб, оққа кўчириб чиқди.
Бу кеч ҳам ухламай, барини бутун
Бир сатр қолдирмай ўчириб чиқди.

2008

СЎЗ – ЗАБАРЖАД

Сўз – забарждад,
Сўз – гавҳар, олтин,
Заргарликнинг машаққати кўп.
Сўзни байтга қадашдан олдин
Кафтингга қўй, тўйиб қара, ўп!

2009



ЭРКАК БҮЛ

Эрмисан, эркак бүл, саналмас бутун
Бир аёлни баҳтли қилмаган эркак.
Бошимда эрим бор, деган сўз учун
Аёлни бошингга қўйишинг керак.

2009



ТҮКИСЛИК

Бутликка не етсин,
Камликтан қўра
Инсон тўкис бўлиб юргани яхши.
Лекин Яратгандан бир баҳтни сўра,
Нимангдир етмасдан тургани яхши.

Шукронда дилингга ошно бўлсину
Армоним йўқ, десанг хато бўлади.
Дунёнинг энг кўхна фалсафаси бу:
Орзу ўлса ҳаёт адо бўлади.

2009

НҮНОҚ ШОИРЛАР

Биз бир замон мұхаррир бўлдик,
 Қисмат экан, бўлдик ноширлар.
 Ўлсак ёмон шеърлардан ўлдик,
 Адо килди нўноқ шоирлар.

Қўлёзмалар ўкирдик дил ғаш,
 Кўргиликдан оҳлар урадик.
 Сўзи чалкаш,
 Ўзи жанжалкаш
 Шеърбозлардан кочиб юрадик.

Йиллар ўтди.
 Танидик одам,
 Дунё надир, қилдик тафаккур.
 Энди ўша ташбиҳи мубҳам
 Нозимларга деймиз ташаккур.

Кўп зотларни кўрдик,
 Алҳазар,
 Ёқа тутдик, астағфируллоҳ!
 Энди бизга энг ғўр байтёзар
 Валий бўлиб кўринар, биллоҳ!

Шеър йўлласа –
 Ҳатто саёз, хом –
 Ёш шоир ё ҳаваскор бахши
 Мақтаб-мақтаб тилаймиз илҳом,
 Шеър ёз, деймиз, ёзганинг яхши.



Сени шоир билишмаса ҳам,
Шеърингни чоп қилишмаса ҳам,
Қофияси келишмаса ҳам
Шеър ёза бер, ёзганинг яхши.

Оқ қоғозга қоматинг эгиб,
Оқ кўнгилга умидлар экиб,
Муҳаррирлар жонига тегиб
Шеър ёза бер, ёзганинг яхши.

Бахтни уйғоқ тунлардан сўра,
Бўлма кину хасадга жўра,
Юмалоқ хат ёзгандан кўра
Шеър ёза бер, ёзганинг яхши.

Дунё нўноқ шеърга тўлса ҳам,
Мунаққидлар хуноб бўлса ҳам,
Таъби нозик ўқиб ўлса ҳам
Шеър ёза бер, ёзганинг яхши.

Зинхор-зинхор бу ишдан тўйма,
Ишқибозлик умрнинг нақши.
Бизга ўхшаб ёзмасдан қўйма,
Шеър ёза бер, ёзганинг яхши.

2009

ТАҚДИРДА БОР ЭДИНГ

Кўнглиңг борми, десам, “Эй, бор-бор!” – дединг,
Лол турсам, “Тур-тур”ни юз, минг бор дединг.
Тушундим, ёнингга бордиму турдим,
Чунки пешонамда ўзинг бор эдинг.

2000

БУЮК САДОҚАТ

Шоирларнинг бари бевафо,
Кўш хотинлик бари-бариси.
Битта уйда эр-хотин аро
Кундош яшар – илҳом париси.

Бир истисно – Навоий ҳазрат,
Садоқати даҳоларга хос.
Устоз икки паридан фақат
Биттасига уйланган холос.

2009



РОСТ ГАП

Тукканингга рост гап ёқмаса,
Хотинни-ку гапирмаёқ кўй.
Ростгўй эрнинг ҳар куни аза,
Ёлғончининг бутун умри – тўй.

Сен ёрингга тўкиб ташла байт,
Париваш де, ата сарвиноз.
Рост гапингни мажлисларда айт,
Тўғри сўзни газетага ёз.

Писта кўмир қовурса ёринг,
Сен ўшани оҳ-оҳ деб егин.
Ташаккур айт совурса боринг,
Захар сочса “асалим” дегин.

Тўлиб кетсанг тоғларга бақир,
Садо берсин нолаларингга.
Хотинингни “жоним” деб чақир,
У онадир болаларингга.

У жонфидо, умрингга ҳамдам,
Фақатгина бир айби бордир.
Айби шуки, ёлғон бўлса ҳам
Битта ширин сўзингга зордир.

Аслида-ку гуноҳ ёлғон гап.
Лекин гуноҳ тўла дунёда
Ёлғон гапир аёлни мақтаб,
Рост гап йўқдир бундан зиёда.

ХАЁТ ЙҮЛИ

Замон тез, фурсат оз,
Хар лахза зиқдир,
Хар лахза зиқлиги билан қизиқдир.
Хаёт йўли надир? Қабр тошида
Икки сана аро қисқа чизиқдир.

ЙҮЛ ТАДОРИГИ

Ёшлигингда яхшидир йўл,
Юрт кезиш, олам кўриш,
Кексалик келгач насибинг
Йўлга боқиб ўлтириш.
Энди манзил ҳеч харита –
Ичра номи йўқ диёр,
Кексалик – ул мамлакатга
Йўл тадоригин кўриш.

2004



ҚИЗ БОЛАНИНГ СЕВГИСИ

Қиз кўнглига муҳаббат
Олов солмасин экан.
Оллоҳ-Оллоҳ, қиз бола
Севиб қолмасин экан.

Ошиқ йигит девона
Бўлса ҳам ярашади.
Гул ушлаб қиз йўлини
Тўсса ҳам ярашади.

Йигит ишқ оташида
Сўзон бўлса айб эмас.
Йигит ишқи дунёга
Достон бўлса айб эмас.

Қиз кўнглига муҳаббат
Олов солмасин экан.
Оллоҳ-Оллоҳ, қиз бола
Севиб қолмасин экан.

Қиз боланинг пойига
Занжир экан ҳаёси.
Қиз севгиси сим-сим дард,
Бўлмас экан давоси.

Қизу йигит – teng деманг,
Зинҳор-зинҳор teng эмас.
Қизга олам кенг деманг,
Унга олам кенг эмас.

Қиз кўнглига муҳаббат
Олов солмасин экан.
Оллоҳ-Оллоҳ, қиз бола
Севиб қолмасин экан.

Йигитларга бер, Тангрим,
Ишқнинг тожу тахтини.
Қиз болага ато эт
Севилмоқнинг баҳтини.

Йигит ёнсин, қалбини
Аланга қил, гулхан қил.
Қизни гулдек яратдинг,
Кўнглини ҳам гулшан қил.

Қиз кўнглига муҳаббат
Олов солмасин экан...



БҮСАҒА

Үпмокқа қўлин бермади,
остонани мен зор-
Үпдим. Бўсаға бўсаға ном –
олмади бекор.

СОЯ

Куёшли кун соянг қолмас изинғдан,
Булут чиқса ғойиб бўлар қўзингдан.
Офтобинг тик келса пойингда ётар,
Кун ботарда узун бўлар ўзингдан.

АМАЛИЁТДАН СҮНГ

Амалиётдан сўнг кўз очган бемор
 Дейди: – Раҳмат доктор, муташаккирман.
 Доктор айтар: – Сўзинг кўп жимжимадор,
 Лекин мен доктормас, Мункар-Накирман.

Бемор кулар: – Эй-ҳа, фариштаман, денг,
 Ҳазилингиз бунча совуқ, докторжон!
 Мункар-Накир айтар: – Сўроққа келдинг,
 Раббинг ким, жавоб бер, гуноҳкор инсон.

Бемор дер: – Дўк урманг! Ёруғ дунёда
 Мункар-Накирларнинг кўпини кўрдим,
 Кўргиликлар қилди илмим зиёда,
 Сўроқлардан мулла бўлиб улгурдим.

Мункар-Накирман, деб алдаманг фақат,
 Мункар билан Накир икки малакдир.
 – Рост, лекин бизда ҳам қисқарган штат,
 Иш кўп, улгуролмай жоним ҳалакдир.

– Хўп Накир бўлсангиз Мункар қаёқда,
 Мункар бўлсангиз не иш қилар Накир?
 – Жонга тегдинг, сенми ё мен сўроқда?
 Бор, йўқол, кўзимга кўринма, факир!

Амалиётдан сўнг кўз очган бемор,
 Мункар-Накир қувган факир мен ўзим,
 Оғриқларим унут, олам беғубор,
 Шунчалар ёруғки, қамашар кўзим.



Қайтдим мулки бақо остонасидан,
Үйғондим қайта бу ажиб гулшанда.
Ё жой олдим фирмавс кошонасидан
Гунохи авф бўлган мен осий банда?

Кўзимни яшнатган ҳусну жамоли
Фаришталарми ё гул рухсоралар?
Жаннат насими ул ё юрт шамоли,
Бу Оби Кавсарми ё фавворалар?

Қайдаман? Кўз тўла, дил тўла ҳайрат,
Равзаи ризвонми ё ўз чаманим?
Мен ватанда бўлсан, демак у жаннат,
Агар жаннатдаман, жаннат – Ватаним.

Гўё икки олам менга ошино,
Уйгоқлигим тушдек, уйқуда бедор --
Қадамлаб юрибман ер ва кўк аро
Амалиётдан сўнг кўз очган bemор.

ЎЧМАС ЧИРОҚЛАР

Тунлар аччик-аччик қаҳволар ичиб,
Муздек сувларга юз ювган эканмиз,
Ёшлиқда муттасил уйқудан кечиб,
Уни қайтmas килиб қувган эканмиз.

Мудрок йўқламайди энди бир дафъа,
Аразлаган вужуд, озор чеккан жон.
Юрак хафа, юрак ичра қон хафа,
Ортирган дардимиз номи хафақон.

Минг бу хасталиклар, санчик, оғриқлар
Ўша юз ўғирган оромдан тортиқ.
Биз энди тун бўйи ичган дорилар
Умр бўйи ичган қаҳводан ортиқ.

Бахш этмокни истаб дилларга зиё,
Тунлар чироғимиз ўчмади, бироқ
Ўчмайдиган килиб маҳшаргача то
Биз ўз бошимизда ёқибмиз чироқ.



УСТОЗ

Сохибқирон ётар устоз пойида,
Жомийни пир тутган Навоий ҳазрат.
Устоз буюк деган буюк қоида
Бу қайтар дунёда азалий ҳикмат.

Афлотунга шогирд эди Арасту,
Ул шогирдга шогирд бўлди Искандар.
Бу олтин силсила давоми мангу,
Ўзи устоз бўлар устоз кўрганлар.

Борми мураббийдан баҳтирик инсон,
Шогирдлари килса юксакка парвоз.
Бошимизга тожсиз, бор бўлинг омон,
Табарруклар ичра табаррук устоз!

ҲАЗИЛ ТҮГРИСИДА ЖИДДИЙ ШЕЪР

Бир замонлар Эрон шоҳи
Ҳоким бўлган дунёга.
Юнон юзта олтин тухум
Бож тўлаган Дорога.

Ёш Искандар Юнон тахтин
Олгач бермай қўйди бож.
Эрон шоҳи хат юборди:
“Ё жонни бер, ё хирож.”

Искандардан жавоб келди
Тўла ўткир мажозлар:
“Бизда энди товуклар йўқ,
Тухум бермас хўроллар.”

Шу ҳазилдан жанг бошланди,
Юнон енгди Эронни.
Шоҳ Искандар ҳазил билан
Олди ярим дунёни.

Кўхна тарих кўп турфа хил
Ҳазилларга гувоҳдир.
Ҳазил борки, кони савоб,
Ҳазил борки, гуноҳдир.

Массагетга ҳазил қилмок
Йўқ, деб айтган Искандар.
Окс ёнида оёғидан
Ўқ еб қайтган Искандар.



Соҳибкирон қудратидан
Бехабар эл қолмаган.
Ман-ман деган жаҳонгир ҳам
Ҳазиллаша олмаган.

Наполеон Россияга
Қалтис ҳазил ўйлади.
Совуқ уни хуштак чалиб
Парижгача қувлади.

Юз ўттиз йил ўтиб яна
Бир ҳазилкаш юз тубан.
“Катюшалар” қаҳ-қаҳ отиб
Кулдилар ёв устидан.

Бекормаски, эл қадимдан
Ҳазил таги зил, дейди.
Ўйнаб ҳазил қилганда ҳам
Ўйлаб ҳазил қил, дейди.

Ўйнашмагин арбоб билан,
Арбоб гарчи минг дилкаш.
Билки, бўри қўзичоққа,
Шер охуга ҳазилкаш.

Бўғма илон куёнга дўст,
Қучоклашни ўйлайди.
Мушук эса сичқон билан
“Микки-маус” ўйнайди.

Менинг ҳам кўп дўстларим бор,
Кўп келишар ёнимга.
Улар – юз хил хасталиклар,
Ҳазилкашдир жонимга.

Дору билан меҳмон қилсам
 Тинчигандай бўлишар.
 Зум ўтмасдан яна йиқиб,
 Юмалатиб қулишар.

Мен-ку битта сабил жонман,
 Ўзига дард тилаган.
 Ҳазил билан, инсон недир,
 Салтанатлар қулаган.

Завол топди қаттол тузум,
 Уни енгган қўшин йўқ.
 Бу қалъага ҳажв аталган
 Замбаракдан ёғди ўқ.

Тўрт томондан кулгу, мазах
 Паймонасин тўлатди.
 Йиқолмасди ҳеч бир кудрат,
 Латифалар қулатди.

Ҳазилни ҳеч ўйин дема,
 Ҳазил таги пуч эмас.
 Қанот ёзган бир ҳазил сўз
 Ҳазилакам куч эмас.

Бу дунёда яйраб яша,
 Шўх, ҳазилкаш бўл, майли.
 Лекин англа, ҳазил билан
 Ҳазиллашиб бўлмайди.



БОДОМ ВА ОДАМ

Бодом одамга ўхшар,
Навбаҳорни сужди.
Одам бодомга ўхшар,
Эрта гуллаб қўяди.

ИГНАНИНГ ҲАСРАТИ

Игна айтар эмиш инсонга,
Қадримга ет, кўзни оч, дермиш.
Кийим тикдим жумла жаҳонга,
Ўзим эса – ялангоч, дермиш.

Асли унга либос нима ғам,
Бу ҳасратнинг сабоғи бордир.
Шу беминнат игначанинг ҳам
Рахматга зор қулоги бордир.

2005

ЁМОНГА ЁНДОШМОҚ

Тош билан ўйнашса,
дарз кетар чинни ҳам,
Арига дўст бўлса,
таланаар шинни ҳам.
Ёмонга ёндошмоқ
Оқибати не,
Сен англаб етмадинг,
биларди жинни ҳам.

1994



ովականացած առաջարկութեան
համապատասխան առաջարկութեան
անդամակից անդամակից
առաջարկութեան առաջարկութեան

առաջարկութեան առաջարկութեան

ЗАМОНА ЗАЙЛИ

Үғлим ошно бўди “Бони-Эм” билан,
Ранжидим, мақомни тингламайди, деб.
Энди хафа бўлар ўғлим ўғлидан,
Нодон “Бони-Эм”ни англамайди, деб.

1997

ШОИР ВА ТАНҚИДЧИ

Танқидчидан андак ҳайиқиб,
Хурматлаймиз, қулоқ соламиз.
Мунаққидлар шархини ўкиб
Ўз шеъримиз англаб оламиз.

1997



КАРАШМА

Қиз боланинг рост гапи оздир,
Ёлғонлари бисёр, адашма.
“Тегманг менга”, дегани – ноздир,
“Нари туринг”, деса – карашма.

Ишва билан “Куриб кетинг”, дер,
Күнгилга ҳеч қаттиқ олмагин.
“Ұлинг” деса, яшиаб юравер,
“Кочинг” деса, қочиб қолмагин.

Хеч гул борми ахир тикансиз,
Тиканига фидо қылгин жон.
Бир кун айтар: – Ёмон экансиз,
Маъноси: – Сиз энг яхши инсон!

2002

ОЖИЗ КҮЗЛАР

Күзидан шикоят қилар қария:
“Менга нима бўлди, ҳайронман ўзим.
Ҳов узоқда турган кулранг Нексия
Рақамини яхши илғамас кўзим”.

Уни ўраб олган бир тўп ўғил-қиз
Хўрсиниб тинглашар чолнинг сўзини.
“Эй, отахон, – дерлар, – биз кўрмаяпмиз
Ўша Нексиянинг ҳатто ўзини”.

2002

ТОПИШМОҚ

Топишмоқ айтади менга набирам:
– “К” дан бошланади, ҳар уйда бор, – дер, –
Содда иш асбоби...
Мен, кетмон, десам,
Набирам кулади: – Йўқ, бу – компьютер!

2005



ГҮДАК

Эркаланиб, тилда бол билан
Кайхисравни от қилди гүдак.
Соддагина бир савол билан
Афлотунни мот қилди гүдак.

2005

ЎЗБЕКНИНГ СЎЗЛАРИ

Ўзбекнинг хўп сўзлари бор.
Мехрибон эр –
Гапин айтиб сизларни бир кулдирман:
У хотинга, мендан олдин ўлмагин, дер,
Кўшиб қўяр, ўлсанг худди ўлдирман.

2006

ЗАМОН ЖОНОНИ

Десам, мен сенга парвона,
У бепарвода парво на?

Замон жонони фарқ этмас
На жон, жонон на, жоно на.

Ғазал ҳам бир, ғизол ҳам бир,
Не фарқ девону девона?

Писанд этмас сўзим дурин,
Ўзим дур, дейди Дурдона.

Дил англар дил тополмасман,
Бу савдо на, бу савдо на?

Қочиб парвоси йўқлардан,
Кетарман, қайда Фарғона?

2006



ДАНГАСАЛАР

Ғайратлилар елиб-югуриб,
Мәхнат билан мудом овора.
Дангасалар эса ўй суриб,
Ётиш учун излашар чора.

Ишчан азал тинмай ер чопган,
Үғир туйган, совурган сомон.
Ялков ўйлаб чархпалак топган,
Ижод қилган шамол тегирмон.

Парвоз этсам юксак самода
Замонавий лайнерда буқун,
Рахмат дейман ёруғ дунёда
Дангасалар борлиги учун.

Йўкса юрар эдик ҳойнаҳой
Ҳануз яёв чангитиб тупроқ.
Хўб юртим бор, хаёлкашга бой,
Ишчанидан ўйчани кўпроқ.

Рост айтсам, бу менинг ҳам дардим,
Холимасман бу касалликдан.
Ғайрат килсам бир касб топардим,
Шоир бўлдим дангасаликдан.

Ётокчилар ҳолини тушун,
Эй дўст, бунга чидаган чидар.
Шахталарда узала тушиб
Ётиб ишлар қора кончилар...

Бизнинг меҳнат шундок,
Нима бор –
Дабдабаю асьасаларга.
Сизлар тинманг, ишланг фидокор,
Халал берманг дангасаларга.

2006



НЕГА ЯПОН ЮЗ ЙИЛ ЯШАР...

Нега япон юз йил яшару
 Ўзбек бунча ёшга бормайди?
 Чунки япон биздек қоронги
 Саҳар туриб ошга бормайди.

Таъзияда эл кўзи учун
 Минг кишилик зиёфат қурмас.
 Ҳайити йўқ, бел боғлаб уч кун
 Шамдай қотиб кўчада турмас.

Гарчи биздан юз бор фаровон,
 Гарчи биздан юз карра тўқдир.
 Тўй харжида юзта бой япон
 Бир камбағал ўзбекча йўқдир.

Бу сўзимни японга айтсам
 Деди баттар қисиб қўзини:
 – Япон бундок яшолмас ҳеч ҳам,
 Харакири қилар ўзини.

2006

ҲАЗРАТ ХИЗР ВА ЗАМОН АЁЛИ

Бу эртак эмас ё шоир хаёли,
 Ҳангома ҳам эмас сұхбат қизирга.
 Шу күнларда бизнинг замон аёли
 Учради ногақон Ҳазрат Хизрга.

Ул Алайхиссалом одатга күра
 Тила тилагингни, деб қилди хитоб,
 Хизрман, хоҳлаган нарсангни сўра,
 Муҳайё килурман борини шитоб.

Эртак ҳақиқатга айланган даврон,
 Ҳайратни унутған бизнинг аёллар.
 Айникса уларга хуш келар ҳар он
 Тила тилагингни, деб турса чоллар.

Жувон лол қолмади, арз қила кетди,
 Рўйхат айта кетди беҳад-бепоён.
 Ҳазрат чарчаб ўлар ҳолатга етди,
 Хизр бўлганидан юз минг пушаймон.

Шўрлик қўкка қараб ҳасратда, доғда,
 Деди: ишингни ол, ё парвардигор.
 Йўқ эса, эй тангрим, ёруғ дунёда
 Мени аёлларга дуч қилма зинҳор.

2006



ЁМОН ДЕБ БҮЛМАС

- Шанғи хотинингдан маҳалла безор,
Нега чурқ этмайсан, бардошинг тўлмас?
- Не килай, меники ўша дилозор,
Ўз хасмингни эса ёмон деб бўлмас.

- Мана, қутулдинг-ку, хотининг кетди.
Кўрган кунларинг айт, ичга солма, бас.
- У аёл бироннинг хотини энди,
Бироннинг хасмини ёмон деб бўлмас.

2007

ЎҒРИГА НАСИҲАТ

Ўғри бўлсанг, жон ука,
Бозорга бор, дўмга бор.
Ўзбек маҳалласига
Кирма зинҳор ба зинҳор.

Шаҳарлар кўп, бироннинг
Бирор билан иши йўқ.
Тоғни кўтариб кетсанг
Ҳой, дейдиган киши йўқ.

Маҳалла ҳам замонбоп
Бўла қолса қанийди...
Бемазалар ҳаммаси
Бир-бирини танийди.

Салом берар учраган,
Сўзсиз, алик оласан.
Алик олиб, сен шўрлик
Балоларга қоласан.

“Йўл бўлсин”, деб аввало
Тўсиб олар йўлингни.
Етти пуштинг сўроқлаб
Эзғилайди қўлингни.

Зўрлаб уйга етаклар,
Меҳмон қилас ош билан.
Бундан ургани яхши
Бошгинангга тош билан.



Кузатиб, чўнталингга
Қант-курс солиб қўяди.
“Насиба” деб куйдириб
Сени тифсиз сўяди.

Чуқур эҳтиром билан
Кавушингни тўғрилар.
Маҳаллага бормайди
Эси бутун ўғрилар.

Иккала қулоқ билан
Эшитиб ол сўзимни.
Сенга насиҳат қилдим
Яқин олиб ўзимни.

Ростин айтсан, бизда ҳам
Касб шу, кўнглинг бўлсин тўқ.
Навоий сандигига
Қўл солмаган шоир йўқ...

Ўғрилик – гулдай ҳунар,
Омад сенга бўлсин ёр,
Ўзбек маҳалласига
Борма зинҳор ба зинҳор.

2008

СОЧИЛГАН БАЙТЛАР

Майли тойсам, майли ёрсам бош,
Ховлим бўлсин фақат мармар тош.

*

Ҳар берк йўлнинг битта очиқ йўли бор,
Унда нафснинг узатилган қўли бор.

*

Урмас уни нега жин?
Жиндан зўрроқ мегажин.

*

Лаб чўзишдан олдин ўпгани,
Босиб олиш керак ўпкани.

*

Эринчоқ кам яшар, нимага десак,
Яшамоқ учун ҳам хафсала керак.

*

Бугун сўфи кечаги кўр, кар атеист,
Кўр, кечаги сўфи бугун – каратеист.

2009



КЕЛАЖАКНИНГ МАТМУСАЛАРИ

Бир ҳўплам чой баҳонасида
Унут бўлар ғам-ғуссалари –
Келажакнинг чойхонасида
Келажакнинг Матмусалари.

Матмусага айтар Матмуса:
– Шу йил уч юз ёшга тўламан.
Наҳот зумда шунча йил ўтса!
Ёқа ушлаб хайрон бўламан.

Жавоб айтар Матмуса: – “Адаш,
Уч юз нима, беш юзимда ҳам
Жуда ширин дунёда яшаш,
Ҳеч ўлгиси келмайди одам”.

Бошқаси дер: – “Тез ўтса давр,
Сабаб камрок бўламиз Ерда.
Гоҳ жойимиз Альфа Кентавр,
Гоҳи манзил – Андромеда”.

Тўртинчиси айтар: – “Ўзимга
Тўқман, йўқдир ҳеч кимдан камим.
Бир ташвишим – “бутлов қисм”га
Кетаётир барча топганим.

Етти юзга кирса-да ҳамон
Ташламайди отам ароқни.
Алмаштиридик ўн уч ошқозон,
Ўн саккизта кораталокни.

Яна айтар: – “Пул бор, осон бу,
Камбағалга аммо кўп қийин.
Марсга сафар миллион бўлдию
Одам қадри бўлди бир тийин”.

Янги минг йил остонасида
Ҳасратлашар, кўп ғуссалари –
Келажакнинг чойхонасида
Келажакнинг Матмусалари.



ЯШАВОР

Мева берма болангга,
Асра меҳмон холангга.
Маҳкам беркит, яшавор,
Қорайтириб ташлавор!

ЗҮРДИ

Коч, четга ўт, йўл бер йигитга! –
Дея тоғни тепди чигиртка.



ИНГЛИЗЧА КЕТИШ

Хайрлашмай кетар инглиз
Мезбонини нотинч этмайди.
Донишқишлоқ ахли, билингиз,
Хайрлашадиу кетмайди.

ИШ БҮЮРСАНГ

Иш буюр, “йўқ”, деса
Ёлбор, кўндиргин.
“Хўп” деб бажармаса,
Уриб ўлдиргин.

2011




ҚҰЛИНГНИ ПАРДАЛАР ҚИЛДИНГ...

*Юзингни бир күрай десам
Күлингни пардалар қилдинг.
Завқый*

Ёр юзини бир күрмоққа зор,
Фарёд қилиб үтди устозлар.
Замон үзга энди, үзга ёр,
На парда бор, на ишва-нозлар.

Мұмтоз шоир қайтса тирилиб,
Үзга байтлар айтиб кетарди.
Құлни юзга пардалар қилиб,
Замонига қайтиб кетарди.

2004



ЯНГИ БОШЛИҚ

Бошлиғимиз мард эди, ўқтам,
Янгисидан күнгил тўлмади.
Ўнта мажлис ўтказганда ҳам
Битта одам инфаркт бўлмади.

1983

ЖОХИЛ

Жохилда ҳам кўз бор, сўкирмас, кўрмас,
Фақат у бурнидан узоқни кўрмас.
Не кўрса феъл боис кўрар у, лекин
Бирордан кўради, ўзидан кўрмас.

1985



ШОИРЛАР ҲАҚИДА

Китоб ўқиб шеърлар тўқимас шоир,
Ундан-бундан бир-бир чўқимас шоир.
Сабабини рўй-рост айтсан, умрида
Ўзидан бошқани ўқимас шоир.

ИҚРОР

Агар шахмат ўйнаганимда,
Ўйлагандек ўйлаганимда
Етти ўлчаб бир сурсайдим от,
Бўлмас эдим ҳар қадамда мот.

СИРНИНГ ҚАНОТИ

Сирни ёймоқ бўлсанг, бир оғиз сўз бас,
 Радиода эълон килиш шарт эмас.
 Очмоқ ҳам керакмас интернетда сайт,
 Хеч кимга айтма, деб бир кишига айт.

КИМ НИМА ИЧАДИ?

Бой ичади сара май
 Ўртаҳолга қарамай.
 Алам қилиб ўртаҳол
 Эзиб ичар пўртаҳол.

Камбағал ўз ҳолича
 Сўриб ётар олича.
 Бечорада йўқ арак.
 Сув ичиб кайфи тарақ.



УСТА КЕЛДИ

Уйимизга уста келди,
Мутафаккир тусда келди.
Касби битта, иши битта,
Гапи эса юзта келди.

Топинг деди, арра топдим,
Мих сұғурдим, теша чопдим.
Бу ишларнинг орасида
Чой ташидим, носга чопдим.

Фишт буюрди, тош буюрди,
Икки дастёр ёш буюрди.
Тушлик учун барра кабоб,
Кечкуунга ош буюрди.

Қум ташидим, тупрок үйдим,
Оёк ювса сувлар қуйдим.
Мизғиб олай деганида
Түшак солиб ёстиқ қўйдим.

Дебмидимки, қул бўлайин,
Меҳмон қилиб пул тўлайин.
Уста бўлмай ўлсин уста,
Уста топмай мен ўлайин.

НАСИҲАТ

Бахт аршига чиққаннинг
Оёғидан ушлама.
Худо ерга тиққаннинг
Калласига муштлама.

ДОНИШМАНД ВА ЖОҲИЛ

— Мен яхшилик қилдим-ку сенга,
Нега урдинг, недир гуноҳим?
— Сендаги бу ҳимматни нега
Бергани йўқ менга Оллоҳим?

2006



ПАРИШОНХОТИРЛИК

Ёддан чиқмасин, деб, хаёл аралаш,
Ҳар кеч унга одат режа коралаш.
Рўйхатни батафсил ёзару, аммо
Тонгда эсдан чикар коғозга қараши.

1995

НОАҲИЛ ЖУФТЛАР

Дерлар, баҳтли жуфтлар бир хил баҳтиёр,
Баҳтсиз оиланинг бор минг бир хили.
Эр-хотин қирпичноқ бўлса сабабкор –
Бирининг қўлию бирининг тили.

Уларни фарзандлар уволи тутсин,
Кўз ёши, фарёди, дарз кетган дили.
Бундоқ эр-хотиннинг кесилиб тушсин
Кўтарган қўлию вайсаган тили.

2008

ДҮРМОН МУШОАРАСИ

Исм саодати

(Сирожиддин Сайийд ва Иқбол Мирзога)

Иқбол Мирзо исми – толе нишони,
Сирожиддин Сайийд – баҳт чароғидир.
Саодатли экан юртим шеърхони,
Омади қўшалоқ келган чоғидир.

Иккинчи ёшлиқ

(Умарали Норматовга)

Умарали ака саксон ёшида
От бериб улоққа солса ярайди.
Ғайрати жўш урган йигит кошида
Саксон ёш уялиб ерга қарайди.

Не илож!

(Ўткир Ҳошимовга)

Гарчи етмаса-да ёши ёшимга,
Гап бермайди, чиқиб олган бошимга.
Ўзи ҳам, сўзи ҳам, кўзи ҳам ўткир,
Тан бермай не илож ўткир Ҳошимга.

Отдошлилар

(Турсунбой Адашибоев ва Турсун Алига)

Турсунбойга деди Турсунбой:
– Адаш!
Шартми иккимизни Турсунбой аташ?
Шеърхон адашмасин, бўлайлик энди –
Сен – Турсун Али, мен – Турсунбой Адаш.



Назм ва базм
(Азим Суюнга)

Ой дүст!
Сен ҳам бир ўки-чи назм, суюн-чи!
Назм туғилган кун базм, суюнчи.
Ой дүст, деб барчага севинч улашган
Шоир йўқми? Бор-да! Азим Суюн-чи?

Фазогир
(Дадаҳон Нурийга)

Икки фазогир бор осмонга учган,
Яшил сайёрани она деб қучган.
Ракетада чиққан Гагарин Юрий,
Газетада чиққан Дадаҳон Нурий.

Гараша
(Саъдулла Ҳакимга)

Шоир ўсган қишлоқ номи Гарашадир,
Жамолига тоғлар тўймай қарашадир.
Гар Саъдулла Ҳакимга у ярашиқ ер,
Саъдулла ҳам Гарашага ярашадир.

Шеър ва қурол
(Анвар Обиджонга)

Шоир Анвар Обиджонга ҳазил шеър йўқ,
Үйлар, акам тўрт йўл ёзса ўлардими?
Унинг ўзи тўппонча-ку, ҳар сўзи ўқ,
Қурол билан ҳазиллашиб бўлардими?

Мусофир
(Рустам Мусурмонга)

Тошкентнинг Рустамдек шоири бўлмок
Қишлоқ йигитига ҳеч осон бўлмас.
Ўзбекнинг қадимий ҳикмати бундоқ:
Мусофир бўлмаган Мусурмон бўлмас.

Шоҳ ва гадо
(Мирпўлат Мирзога)

Шеър унга ҳам хунар, ҳам гизо,
Ҳалол ижод луқмасин еди.
Литгазета, Мирпўлат Мирзо –
Ўз калбининг сultonи, деди.
Не ажаб, рост бу одил садо,
Шоир қалби ҳам шоҳ, ҳам гадо.

Қурбон ўлам
(Шукур Қурбонга)

Шукур Қурбон бўлиш осонмас,
Яшамасанг шеър ғамини еб.
Ёш шоирлар куйлар басма-бас
“Қурбон ўлам” деб.

Олтин қўприк
(Носир Фозиловга)

Собит Муқон уни деган, Носир ўзбек,
Носир козоқ – устоз Қаххор ибораси.
У икки халқ ўртасида олтин қўприк,
Олтин! Аммо бунда йўқ ранг ишораси.



Юксакликда
(Маҳмуд Тоирга)

Халқ таниган халқ шоири – Маҳмуд Тоир
Ширин байтлар айтди она юртга доир.
У Паркентдан қараганда пойидадир –
Бу ён Лондон, Париж, у ён Ал-Жазоир.

Лазги
(Омон Матжонга)

Ўзбек азал-абад ғазал шайдоси,
Айниқса шеърпааст Хоразм томон.
Ана, келиб қолди “Лазги” садоси:
“Омон-ей, Омон!”

Юлдузлар бағрида
(“Шарқ юлдузи” муҳаррири Улугбек Ҳамдамга)

Юлдузга юлдузлар ошнолиги бор,
Фалакда ёлғизмас “Шарқ юлдузи” ҳам.
Навоий унга Ёр, Бобур Мададкор,
Беруний Ҳамнафас, Улугбек Ҳамдам.

Завқли йигит
(Низом Комиловга)

У шеър ёзган.
Бармоқ – аruz фарқламаган.
Отганда ҳам кеча-кундуз фарқламаган.
Кўп йилларки, ғазал ёзмас, отмайди ҳам,
Лекин завқ бор, кайф то ҳануз тарқамаган.

Икки дўст

(*X. Дўстмуҳаммад ва M. Муҳаммаддўстга*)

Икки адиб, иккиси ҳам бекаму кўст,
Бир-бирига ҳеч ўхшамас, бу ҳам дуруст.
Мурод зинҳор Хуршиддан қам нур таратмас,
Дўстлар ёндош – Дўстмуҳаммад, Муҳаммаддўст.

Имзо

(*Муаллифнинг ўзига*)

У шеър ёзиб бир замон
Кўп хатога йўл қўйди.
Ўзи бўлиб пушаймон,
“Э, воҳ” дея қўл қўйди.



МАТМУСАНИНГ ШЕЪРЛАРИ

СҮЗ БОШИ

Мени ёзди бир шоир,
Қўлимга дутор тутди.
Кийдириб кўйди тандир,
Сўнгра бирдан унуди.

Сабаб бордир ҳарқалай,
Нима дея оламан?
У ёзмаса не қилай,
Ўзим ёзақоламан.

ҲИКМАТЛАР

Ҳикматни мендан сўра,
Кунт билан эшиг, чироқ!
Касал бўлгандан кўра
Соғлом юрган яхшироқ.

Ҳикматни мендан сўра,
Айтаман ўйлаб узок.
Қашшоқ бўлгандан кўра
Бой бўлган ҳам яхшироқ.

Ҳикматни сўра мендан,
Чунки йўл босдим йироқ,
Охир билдим, ўлгандан
Тирик юрган яхшироқ.

Ҳикматни сўра мендан,
Ўзинг билиб кўй бироқ:
Мендек ҳикмат айтгандан
Соқов бўлган яхшироқ.



БИЗНИНГ МОТАМ

Ахли аёл боғлаган бел,
Ичқарида тұқар ёш.
Ташқарида тумонат эл
Енг шимарыб урар ош.

НАРХ-НАВО

Наво – қүшиқ, мусиқа, оҳанг,
Нарх маъноси баҳо бўлади.
Нархни кўриб ашула айтсанг,
Ўшандада нарх-наво бўлади.

АРСЛОН ВА ЭШАК

Номард хизматин қил ўлгунингча то
У сени эшак деб билиши учун.
Кулмисан қул бўлгин, чанг солма асло
Арслон санаб иззат қилиши мумкин.

ДЎНДИҚЧА

Хой, дўндиқча, хой,
Хой, ингичка бел.
Бошқаларни қўй,
Қучоғимга кел.

Бунчаларвой-бўй,
Ошифинг кўпдир.
Бошқаларни қўй,
Ўзимга ўптири.

Мақсадга етдик,
Илоҳо омин!
Овулга кетдик,
Хачишимга мин.



ТУХУМ КУЛГУДАН МУХИМ

Бир кулгуда тўрт тухум
Куввати бор, биласан.
Тухум е – ўша муҳим,
Кулиб нима қиласан?

Кулгу – кулгу ҳарқалай,
Тухум – тухум ҳархолда.
Товукдай қакоқламай
Тухум еб қўяқол-да.

Димоғинг чоғ,
Нафсинг тўқ,
Қорнинг чиқар дўмбайиб.
Завқи йўқнинг дарди йўқ,
Юз йил яшар хўмрайиб.

Ҳамёнингни сол ишга,
Қуймоқ есанг бўлади.
Тухум сотиб олишга
Пули йўқлар қулади.

Қизиқчи нима деса
Десин, айшинг суравер,
Ўзи кулсин, сен эса
Бақрайганча туравер.

КҮКТЕРАК БОЗОРИДА

Күктеракка келдим соат ўнта кам бирга,
Мол бозорда ўзим билан ўн такам бирга.
Ўлар бўлсам ўлдим бу ўн така дастидан,
Сотвораман ўн такамни ўнта кампирга.



«Информация о состоянии здоровья граждан в Российской Федерации»

Извѣстія о
вѣществѣ

УМРИМ КЕЧАР БОШҚА ВАТАНДА

Йигирмада эдим ўтган кун,
 Бугун эса – йигирма бирда.
 Ёшим эмас, асримни айтдим,
 Умрим кечар икки асрда.

Ўтмиш – менинг болалик дўстим,
 Замон шукри ҳам жону танда.
 Бошқа юртда туғилиб ўсдим,
 Умрим кечар бошқа Ватанда.



ЕҢГИЛ ИШ ҚИДИРМА

Еңгил иш кидирма,
Еңгил иш йүқдир.
Жон чексанг енгиш бор,
Енгилиш йүқдир.

БИЗДАН ҚОЛГАНИ

Имкон йүқ дунёда мангу қолгани,
Таскин – биздан ҳам бир ёдгор қолгани.
Яхши иш, яхши сұз ва яхши фарзанд –
Қолари шу. Үтди-кетди қолгани.

БИЗНИ БУЮК ИШЛАР КУТМОҚДА

Адлпеша Ануширвоннинг
Доно қули тонг отар чоғда
Айтар экан: Шоҳим, уйғонинг,
Сизни буюк ишлар кутмоқда.

Шоир, юртинг қад кўтарган пайт,
Дунё таниб турган бу чоғда
Доно қул бўл, Ватанингга айт:
Сени буюк ишлар кутмоқда.

ЮРТНИНГ ЭГАСИ

Барча баҳт-саодат меҳнатницидир,
Тинчлик – дўстликники, ҳимматницидир.
Ўзбекистон ёлғиз ўзбекникимас,
Бир юзу ўттиз тўрт миллатницидир.



ХАЗИЛКАШЛАР ҚИШЛОГИ

Бизнинг қишлоқ ажойиб ер,
Халқи қувноқ ва дилкаш.
Бунда ҳамма асқиябоз,
Бунда ҳамма ҳазилкаш.

Мисол, бўзчи қассоб дўстдан
Мантибоп гўшт сўрайди.
Қассоб кафтдек чандир билан
Муштдек суяк ўрайди.

Бўзчи қарздор бўлиб қолмас,
У ҳам тўла “ҳиммат”га.
Қассоб келса бўзни сотар
Уч баробар қимматга.

Икковидан ошиб тушар
Кувнокликда сартарош.
Сочга сал тиф тегизса бас,
Юриб бўлмас ялангбош.

Шифокор ҳам қувноқ одам,
Ҳазилларни кечирап.
Кўзи оғриб келганларга
Сурги дори ичирап.

Бизнинг қишлоқ ажойиб жой,
Халқи қувноқ ва дилкаш.
Бунда ҳамма асқиябоз,
Бунда ҳамма ҳазилкаш.

Алдокчисан, демас ҳеч ким
 Тилимиздан окса бол.
 Оқсоқолни биз алдаймиз,
 Бизни алдар оқсоқол.

Уста девор курса, ғиштни
 Қинғир-қийшиқ теради.
 Хўжайн ҳам ҳазил ишга
 Ҳазил маош беради.

Талабалар китоб кўрмас,
 Очмас бирор сахифа.
 Домла – қувноқ, дарс ўрнига
 Айтиб берар латифа.

Бизларда бор қизиқ-қизиқ
 Оламда йўқ одатлар,
 Шамолларга пул совуриб,
 Биз қиласиз роҳатлар.

Тўй қиласиз, ашуладан
 Қулок келар қоматга.
 Ҳофиз ўзи ёқа ушлаб,
 Ҳайрон бизнинг тоқатга.

Бизга тинчлик керак эмас,
 Зерикамиз, озамиз.
 Зерикканда юқорига
 Юмaloқ хат ёзамиз.

Тегажоқмиз, оёқ чалиш,
 Йўлга чуқур кавлаш нақд.
 Қокилганни кўриш маза,
 Иккилганга қарашибахт.



Биз куламиз, құшнимиздан,
Дүстимиздан куламиз.
Мазза килиб үзимизнинг
Устимиздан куламиз.

Бизнинг қишлоқ ажойиб ер,
Халқи қувноқ ва дилкаш.
Бунда ҳамма асқиябоз,
Бунда ҳамма ҳазилкаш.

БИР ЖАНЖАЛ ТАРИХИ

Эр хотиннинг жағини ёрди,
 Хотин дод деб үйнашга борди.
 Босолмади үйнаш жаҳлини,
 У ҳам ёрди эрнинг жағини.

Бўлди жанжал, бўлди тўполон,
 Маҳкамага борди учовлон.
 Учовлон teng сўйлашга тушди,
 Охири айб үйнашга тушди.

Эру хотин топишар экан,
 Ётга бало ёпишар экан.
 Йиртиқ жағлар ямалиб кетди,
 Үйнаш йигит қамалиб кетди.



ДҮСТЛИК ШАРТИ

Кел, бизлар дүст бўлайлик,
Келишайлик олдиндан.
Кейин хафа бўлиш йўқ
Сен мендану мен сендан.

Мехмонингман – бой бўлсанг,
Яйраб ейман, ичаман.
Лекин омадинг кетса
Дархол сендан кечаман.

Бугун баланд мартабам,
Сен ҳам бағринг очиб қол.
Эртага ишдан кетсам,
Тирақайлаб қочиб қол.

Айшни бирга сурайлик,
Майни бирга тотайлик.
Сўнг мен сени, сен мени
Беш тийинга сотайлик.

Аҳду вафо – эски сўз,
Эскиликдан кечамиз.
Сиртда зарбоф тўн ёпиб,
Ичда кафан бичамиз.

Кўрганда дўст, кўрмасак
Танимайман, дейиш бор.
Элдан номус қилиш йўқ,
Бир-бировни ейиш бор.

Бугун дўстлик расми шу,
Айтиб қўйсак олдиндан,
Кейин ранжиб юрмаймиз
Сен мендану мен сендан.



КАМОН ВА ЎҚ

Лёл зоти камон бўлар, эркак зоти – ўқ,
Ўқ камонга илинади, бошқа илож йўқ.
Камон ўқни тортиб маҳкам қучмок бўлади,
Ўқ тортилган сари йироқ учмок бўлади.

БЕГУНОҲ ОДАМ

У отдан қуласа гуноҳ жиловда,
Тойиб йиқилса айб қорда, қировда.
Бошига ҳар неки қўргилик келса,
Айб ўзида эмас, доим бирорвда.

ЯНГИ ЙИЛ КЕЧАСИДА

Ким нимани жон-дилидан хуш кўради,
Янги йилда, дерлар, шуни туш кўради.
Мунажжимлар кўкда гала-гала юлдуз,
Овчи кўкда гала-гала қуш кўради.

Янги йилдан биз яхши туш тиламаймиз,
Чунки янги йил кечаси ухламаймиз.
Дўстлар билан тонг отгунча базм қилиб,
Шишаларни кулатамиз, қуламаймиз.



ШОГИРДЛИК ҲАЗИЛЛАРИ

Ғафур Гулом ёмғир ҳақида

Қадим Ўзбек тупроғи бу қўклам кўрган ёмғир,
Чамалаб қарап бўлсам, Оролдай кўл бўлади.
Үлкан ер ноғорасин така-тум урган ёмғир
Барака нишонидур, пахтамиз мўл бўлади.

Озод Шарафиддиновга

Сиздан таълим олди сонсиз кадрлар,
Тошкент вилояти сизни қадрлар.
Олтин бошингизга тилло ҳайкалтош –
Энг гўзал масканнинг номи – Озодбош.

Ёқуб Гуломовга

Тиливузда “вотти-вотти”
Аста секин йўқолвотти.

Лазиз Қаюмовга

Шеър деганинг тури кўп,
Туйғу бўлса хўбу хўп,
Йўқса шеър эпик бўлур.
Қизил кўзойнак тақиб,
Дурбин орқали боқиб
Кўрганинг типик бўлур.

Эркин Қосимовга

Чумчуқлар деразада,
Чумчуқларга маза-да.
Оғрийдиган боши йўқ,
Ўт қопида тоши йўқ.

АЙРИЛИҚ

Дўст кетди, кўз ёшим дувиллаб қолди.
 Ҳушим кетиб, бошим ғувиллаб қолди.
 Кеча тўкис эди бу ёруғ олам,
 Ногаҳон коинот ҳувиллаб қолди.

ҚУДУҚ

Эр – битмас-туганмас қудук бўлади,
 Гохида қудук ҳам қуруқ бўлади.
 Шунда сайраб кетар тилсиз хотин ҳам,
 Энг бийрон эркак ҳам дудук бўлади.



БИЗНИНГ ЖОН

Одамзод мизожи тўрт яралибdir,
Жон шу тўрт ичида мўрт яралибdir.
Мўртлар ичида ҳам энг мўрти бўлар,
Бизнинг жон охирги сорт яралибdir.

ШОШҚАЛОҚ ОДАМ

Ўзига хос эди дўстимиз,
Бошқалардан бошқарок эди.
Орамиздан эрта кетди у,
Бирозгина шошқалоқ эди.

ОШНОЛАРИНГ

Бирор ошно бўлар сени бой билиб,
 Валинеъмат билиб, Хотамтой билиб.
 Бирорга хуш келар хулкинг, одобинг,
 Миниб юрмок бўлар сени той қилиб.

МАРД СЎЗИМ ШУ

Чин шоирлар бари отилган,
 Колганлари бари сотилган.
 Мард сўзим шу, ҳаммаси кўрқоқ!
 Ўзим кимман?
 Сўраманг бироқ.
 Мен исмимни айтмасман зинҳор,
 Замон нозик, бола-чакам бор.



БЕҚАСАМ

Аскар шинел кияр ичганда қасам,
Кишлоғига қайтиб кияр бекасам.
Она юртга қасам ичган у кунни
Унутмас кийганды бекасам түнни.

МУМ ТИШЛАГАНЛАР

Биз бошдан кечирған қаттол тузумни,
Илоҳо, кўрмасин ҳеч ким ҳеч қачон.
Бунчалар ҳам қаттиқ тишилабмиз мумни,
Оғиз очолмасдан юрибмиз ҳамон.

ҲАМИША ЎЗДИК

Муслим бўлдик арабдан ортиқ,
Ўрис бўлдик русдан зиёда.
Бирни топсак ёруғ дунёда,
Ўн каррани қилганмиз тортиқ.

Ичдик, чекдик, шўро юртида
Ўздик барча оғалардан ҳам.
Юзизлиқда ошмасак бўлди
Овруполик тоғалардан ҳам.



АГАР ҲАР ҒАМГА КУЙСАНГ

Агар ҳар ғамга куйсанг,
Нахр эсанг ёшиңг адо бўлгай.
Агар ҳар итга отсанг,
Тоғ эсанг тошиңг адо бўлгай.
Агар уммонча бўлса
Косаи сабринг тўлар бир кун,
Агар қудратда филсан,
Филча бардошинг адо бўлгай.

ҚАРИЛИК

Киши қариб, юзга тўлгани яхши,
 Мулойим, дуогўй бўлгани яхши.
 Лекин инжик, тажанг қаришдан кўра
 Каримасдан туриб ўлгани яхши.

НОДОНГА ИЛТИФОТ

Нодонга илтифот килмоқ не керак,
 Жоҳилни дилбар сўз ҳуркитар, аён.
 Думини тарасанг тепади эшак,
 Бошини силасанг ниш ураг чаён.



ИЙМОН

Сув бўйида тимсоҳ ётар,
Ўрмон ёқда айиқ бор.
Миниб қочмоқ учун сенда
На от бор, на қайиқ бор.

Лекин ишонч тўла қалбинг
Ҳеч нарсадан ҳайиқмас.
Тимсоҳ сенга тимсоҳ эмас,
Айиқ сенга айиқмас.

ЁРУҒ ДУНЁ

Дейдиларки, дунё бевафо,
 Ўтиб кетар беш кунлик гўё.
 Майли, лекин қаро бўлмасин
 Ёруғ дея аталган дунё.

ЮРАК

Дардлар тоши ёғди, юрак –
 Шишасининг дарзи кўп.
 Синмай турсин, ҳали керак,
 Элдан унинг қарзи кўп.



ИНСОФ

Қонунларда инсоф сўзи йўқ,
Сабаб шуки, инсоф ўзи йўқ.
Ноинсофга жазо ҳам йўқдир,
Кози ҳам йўқ, қазо ҳам йўқдир.

КАМОЛОТ

Камолотнинг босқичи бисёр:
Мактаб, лицей, сўнг дорилфунун...
Йигирма йил жон чекмоқ даркор
Ўргатмоқни ўрганмок учун.



БИЗНИНГ ҚИШЛОҚ ОДАТИ

Олмону фарангу хитою араб
Оёгин узатар кўрпага қараб.
Лекин бизнинг қишлоқ одати бошқа,
Кўрпани ҳаммамиз тортамиз бошга.
Ҳайрондир фарангу олмону араб
Бизнинг очиқ колган оёққа қараб.



КҮНГИЛ, ДЕСАМ КҮНМАЙДИ КҮНГИЛ

Вақт ўз ишин қиласар.
Вақт ғолиб.
Бунга кўнар инсоннинг марди.
Кексаликни бўйнимга олиб
Уйимда тинч ётсам бўларди.

Қариганда ҳаловат керак,
Арзир мен ҳам тин олсан енгил.
Лекин бунга юрмайди юрак,
Кўнгил, десам кўнмайди кўнгил.

КАФТГИР НАВОСИ

Машшоқ оч меҳмонга танбуру дутор,
Ғижжак чалди.
Меҳмон эшитиб туриб,
Дедики, дунёда энг яхши куй бор,
Чалинар кафтгирни қозонга уриб.

ҚИЗ ТАНЛАШ

Тўйга бордим, париларга кон,
Қиз танлашнинг хонаси экан.
Қарангки, мен танлаган жонон
Бир парининг онаси экан.



ШЕЪРИЯТНИ АНГЛАШ

Мен кимёгар бўлолмасдим,
Мактабдаёқ билардим.
Менделеев жадвалини
Ёдлаб нима қиласдим!

Қани эди ғазал ўқиб,
Айтиб юрсам яллани.
Ньютоннинг биномига
Тўлдирмасдан каллани.

Беш баҳо деб Хўжа Ҳофиз,
Фузулийдан кечибман.
Медал учун болхонадор
Формулалар ечибман.

Барин билдим, ҳеч бир дарсни
Ҳеч бир канда қилмадим.
Шоир бўлдим охир, лекин
Шеър ёзишни билмадим.

ҚИЗИЛ ЧИРОҚЛАР

Йўлнинг якини соз,
Умрнинг эса
Йўлларида дуруст йироқ-йироклар.
Қани эди, бу йўл кенг, равон келса,
Ёниб турса доим яшил чироқлар!

Лекин бу дунёнинг шодликдан доғи,
Висолидан кўра фироғи кўпдир.
Бисёр берк қўчаси, чигал сўқмоғи,
Чорраҳаси, қизил чироғи кўпдир.



* * *

Май – қизил, гүзал қиз яноғи – қизил,
Бизга бўса бермас дудоғи – қизил.
Бир бор яшайдиган дунёда нечун
Лаззат кўчасининг чироғи қизил?

ДУШМАНГА ТАШАККУР

Сен борки, мен бежо қўймадим қадам,
Манзилни билмайин йўлга тушмадим.
Парвосиз бўлмадим бирор лаҳза ҳам,
Ташаккур, ҳамиша бор бўл, душманим!

ЎТМИШНИ СОҒИНИШ

Узун кўйлак тасқара бўлди,
Одоб, ҳаё масхара бўлди.
Қизлар тақди киндикка узук,
Кўргунча кўр бўлганинг тузук.

Аёл сонин очиб яйради,
Эр қизариб ерга қаради.
Ор-номусга тимсол бўлган Шарқ
Уяти йўқ Ғарбдан қилмас фарқ.

Буни кўриб оғриниб кетдим,
Ўтмиш!
Сени соғиниб кетдим.



СОХТА ДҮСТ

Сохта дүст күнгил сүрар,
Күнгилга лекин ёр эмас,
Дардинг очма, дарди йүқдир,
Зоринг айтма, зор эмас.
Соғлигингда соғинар,
Соғмоқчи бўлса соғинар,
Сухбатингни истадим, дер,
Мақсади дийдор эмас.

АРМОНЛАР КЎП

Осмон номи – чархи кажрафтор,
 Замин исми кемтик оламдир.
 Бу оламда одамзодки бор,
 Дардга ёр кўп, баҳтга ёр камдир.

Бу – Саъдийни куйдирган фироқ,
 Бу – Машрабни ўртаган ғамдир.
 Ёруғ дунё дейдилар, бироқ
 Зулмати кўп, ёғдуси камдир.

Юртлар кездим,
 Турфа хил олам,
 Хоҳ арабдир, хоҳи Ажамдир,
 Энг фаровон ўлкаларда ҳам
 Нола кўпу шукронна камдир.

Бу кун энди ўзгача даврон,
 Одамзод ҳам янги одамдир.
 Лекин шундок экан бу жаҳон –
 Армонлар кўп, комронлар камдир.



ҚАРИГАНДА

Қариганда юрак толади,
Соғлиқ, хусн, куч йўқолади.
Улар бари бевафо, фақат
Оғриқларинг содик қолади.

ДАВРОНДАН ЎКИНЧ

Кечаги келинчак бугунда – кампир,
Асал, новвот эди, энди – қалампир.
Бунча ҳам аёвсиз экансан, даврон,
Сендан аразладим!
Бор! Ҳафсалам пир.

БИРОВНИНГ ҚИЗИ

Ёшликда насиҳат эшитдим кўп бор:
 “Кўнгил кўчасига бехуда кирма.
 Тўғри юр, тўғри тур, зинҳор ба зинҳор
 Бировнинг қизига қўз олайтирма.”

Кўз олайтирмадим, қарадим холос,
 Соҳир нигоҳига илиндим-қолдим.
 Агар гуноҳ бўлса ишқу эҳтирос,
 Мен ўша гуноҳни бўйнимга олдим.

Туташдик, боғ бўлдик биз – икки ниҳол,
 Мевалари тотли, теран илдизи.
 Ёлғиз ҳаётимда ягона иқбол,
 Жонимга жон ўша бировнинг қизи.



ХАМЛЕТ

Отам қуёш эди, волидам – турбат,
Қуёшим заволнинг уфқига ботди.
Уни адо қилган амаким – зулмат
Вафосиз онамни кучоклаб ётди.

Энди менга олам, тириклик абас,
Тилагим – йўқ бўлиб кетай дафъатан.
Қотил бағридаги она – онамас,
Ватанмас зулматга ёр бўлган ватан.

ТАНГРИГА ИЛТИЖО

— Тангрим, менга бер дардларинг,
Ғамларингда күйдиргин.
Лекин тўймас бандаларинг
Кўзларини тўйдиргин.

Сандикларга мўл-кўл қилиб
Зар тўлдиру очиб кўй.
Япроқларни яшил пул қил,
Бошларидан сочиб кўй.

Сув ўрнига кумуш оқсин
Ёнларида ариқдан.
Улар тун-кун териб ётсин,
Тошларни қил ақиқдан.

Не истарлар, баҳш эт бекам,
Токи улар тўйсинлар.
Мулк бериб кўй олам-олам,
Юрт талашни қўйсинлар. —

Шундоқ дея, тўлиб ўпкам,
Кўкка қилдим илтижо,
Бир хўрсиник келди кўқдан,
Эшитилди бир садо.

Тангрим деди:
— Менга бошқа
Тилагингни айт, болам.
Оч кўзларни тўйдирмоққа
Ожиздирман ўзим ҳам.



Хар неъматни қилдим ато,
Очиқ килдим қўлимни.
Инсон тўйса, унга раво
Кўрармидим ўлимни!

Бағишиласам қанча кўпроқ,
Чопар яна кўпроқقا.
Яралишдан жисми тупроқ,
Тўяр факат тупроқقا.

АҚЛ ТОПМАДИНГ

Кўз-кўз қилиб уй курдинг баланд,
Том ёпдинг, нафс оғзин ёпмадинг.
Наф кўрмади сендан бир дардманд,
Пул топдингу ақл топмадинг.

Камхарж дўстни масхара қилдинг,
Мулзам қилдинг, қадрин топтадинг.
Бой бўлишнинг йўлини билдинг,
Пул топдингу инсоф топмадинг.

Қўлинг китоб ушламади хеч,
Театрга қиё боқмадинг.
Ҳирс учун жон чекдинг эрта-кеч,
Пул топдингу фикрат топмадинг.

Ой-йилларинг югурад шитоб,
Ҳаётнинг чин завқин тотмадинг.
Яшамадинг дунёда ҳисоб,
Пул топдингу ҳикмат топмадинг.



ШУНДОҚ СҮЗ АЙТ

Шундоқ сүз айт, шоир укажон,
Сүзинг калблар тубига борсин.
Бахтни ёзсанг ярасин жаҳон,
Ғамни ёзсанг додлаб юборсин.

Шундоқ сүз айт,
Кўкка сол жаранг,
Ер юзини ҳайратларга сол.
Шундоқ сўзни топа олмасанг,
Укажон, шеър ёзмай қўякол.

КЕЛИШУВЧИ ТОМОНЛАР

Эски, қолоқ давронни бузиб,
Турфа янги замонлар бўлди.
Эру хотин шартнома тузиб,
Келишувчи томонлар бўлди.

Севги деган сўз йўқ хужжатда,
Расмий тилу забонлар бўлди.
Келин-куёв олдию патта,
Келишувчи томонлар бўлди.

Шартномасиз ҳаёт курганлар
Сарқит бўлди, ёмонлар бўлди.
Ёмонларга қарши турганлар
Келишувчи томонлар бўлди.

Муҳр билан бир парча қофоз
Ишқ бўлди, аҳд-паймонлар бўлди.
Ошиқ йигит билан сарвиноз
Келишувчи томонлар бўлди.

Кўнмади бу ҳолга шайдо дил,
Келишолмай ҳайронлар бўлди.
Бу нўноқ шеър ва телба қўнгил
Келишувчи томонлар бўлди.



ҚОРА ЛАМА

Шеърим ҳали мусаввада – қоралама,
Мунаққид, сен уни ўқиб коралама.
Қаламхаки учун шошиб нашр эттиридим,
Бизнинг ёрга пальто керак – қара лама!

ПАРИШОН ДҮСТЛАР

– Хотин туғилган кун эртага, ўртоқ,
Гулдаста олишни эсимга солгин.
– Албатта эсингга соламан, бироқ
Эсингга солишини эсимга солгин.



ЧЕРЧИЛНИНГ ҒИШТЛАРИ

Черчилнинг тўрт юзта ғишти бор эди,
Ҳар кун одат қилган иши бор эди.
Дафъи хумор керак, дерлар, эркакка.
Черчил ғишт таширди кунда эрмакка.

Масофа – қирқ қадам, канда қилмай ҳеч,
Тонг элтиб, жойига кайтарарди кеч.
Сафарда ҳам қўймай бу турфа ишни,
Олиб юрар эди тўрт юзта ғиштни.

Черчил бардам юрди тўқсонга кириб,
Май ичди, ёр севди, муродга етди.
Буюк ишларини юртига бериб,
Бизга ғиштларини қолдириб кетди.



ШОИР

Элга факат шодлик ҳадя этарман,
Ғамни ўзим билан олиб кетарман.
Айтсан, кўтаролмай ногоҳ заминнинг
Меҳвари узилиб кетса нетарман.



ЗАМОН РОҲАТЛАРИ

Ўтириб чарчасак ётиб дам олдик,
Бундан қўп дард топдик, роҳат кам олдик.
Минг бир неъмат берди бизга замона,
Эвазига минг бир оғат, ғам олдик.



МЕНГА НЕ ҚАЙГУ!

Кимдир мени ёқтирмай колса,
Үчирилса исмим қатордан,
Не қайғум бор!
Номлар саналса,
“Ва бошқалар” ичидә борман.

ҒАЗАЛҒА ҚАЙТИШ

Мен ёш шоир эдим
 Ва ёш муҳаррир.
 Шўрим қуриб,
 Бўлдим бош муҳаррир.
 Ўйлардимки,
 Шеъримни севгучилар кўп,
 Билдим,
 Дастимдан дод дегувчилар кўп.

Кимнинг ёзганлари босилмас,
 Йиллаб алами ёзилмас.
 Ўз дўстларим Тўлқин билан Сайёр
 Мени бўғиб ўлдиришга тайёр.
 Расул Раҳмон,
 Сулаймон Раҳмон,
 Муҳаммад Раҳмон
 Тўғрилар менга палаҳмон.

Ҳолид Ризо,
 Ҳамроқул Ризо,
 Ихтиёр Ризо,
 Ҳатто москвалик Николай Доризо
 Мендан норизо.

Энди мен нетарман?
 Бу амални ташлаб кетарман.
 Ундан кўра ғазал ёзганим тузук.
 Хатлар келар Термиз, Қаршидан...
 Бир замон
 Усмон Носир хўб айтган:
 “Шеърим, яна ўзинг яхшисан.”


Жалохамга мактудлар

Шарқдан қүёш тиқар,
олам нүрга бұнар гәрк,

Олаңға күз оғыб қара,
үйгөнімокқда Шарқ!

Тұ үйгөнни замырида
бір ҳикмет ишон:

Панааддұнылар қалоңыда
нұрланар жағон.



Тўққиз манзарали фантасмагория

И ш т и р о к ч и л а р:

Фикрат – Тошкент университети талабаси.

Саид Музаффар Зако

(аслан Саид Ашрафхон) – Фикратнинг бобоси.

Хосият биби – Фикратнинг онаси.

Малоҳат – Тошкент университети талабаси.

Комил – Фикратнинг курсдоши.

Муфтий

Министр

Дипломат

Ректор

Элчи

Шарқавий – Жабалияда машварат раиси.

Генерал

Абу Баттол – Жоҳил мутаассиб

Котиб ва котиба, қавм ва қабила сардорлари, аъёнлар, жарчи ва бошқалар.



БИРИНЧИ МАНЗАРА

Талабалар шаҳарчаси. Университет боги. Бўйнига транзистор осган, жинси шим, катак кўйлак кийган Фикрат мусиқа мақомига тебрапиб, кайфи чоғ боқقا киради, скамейкага ўтиради. Транзистордан таралган “Бозургоний” тинади.

Радио овози:

“Аланга” тўлкинида хориж хабарлари. Кеча Жабалияда этник тўқнашувлар давом этди. “Янги кун” агентлигининг маълумотига кўра қурбонлар сони ўн еттига. Ярадорлар тўғрисида аниқ маълумотлар йўқ. Энди “Алиқамбар” куйини тинглаб дам олинг. Бизнинг тўлқиндан айрилманг.

Фикрат – (Ўтиб кетаётган Малоҳатни кўриб транзисторни ўчиради, ўрнидан туриб унга яқинлашади)

Малоҳат, Малоҳат, менга бир қара!

Малоҳат – Бас, бу нима қилиқ? Уят, масхара.

Фикрат – Хатимни олдингми?

Малоҳат – Йиртиб ташладим.

Фикрат – Сенга янги мактуб ёза бошладим.

Малоҳат – У ҳам корзинкага совға бўлади.

Фикрат – Фикратинг бир куни сен деб ўлади.

Аввал юбормаган хатим бор эди...

(Кўйнидан хат чиқаради.)

Малоҳат – Қоғоз йиртавериб қўлим оғриди.

Тўхтат, ёзма, дадам билса – ўламан.

Фикрат – Даданг ўлдирса мен қурбон бўламан.

Малоҳат – Э, бор-е!

(Кетади)

Фикрат – Севасан мени, Малоҳат,

Хатларимни ўқиш сен учун роҳат.

Тунлар номим айтиб ухлаб қоласан,

Факат айтолмайсан, сен – қиз боласан.
(Элга)

Қизларга термулинг, кўзни олмангиз,
Йўқ деса сўзига кулоқ солмангиз,
Қиз боланинг ҳамма гаплари ёлғон,
Кет деса ишониб кетиб қолмангиз.
Қиз бола десаки, “ўлинг худоё”,
Маъноси – бор бўлинг тургунча дунё.
Ковок солиб деса: – Сиз жуда ёмон,
Дунёда йўқ сиздан яхшироқ инсон.

(Комил киради)

Комил – Эй, яхши инсон! Нега мажлисга кирмадинг?

Фикрат – Мажлисда нима бор? Кайфни учирма,
Мени осмонимдан ерга туширма.

Комил – Осмонда учсанг ҳам, ерда юрсанг ҳам
Энди ихтиёринг ўзингда, ошнам.
Тўрт томонинг қибла, институтдан
Ҳайдалдинг, Фикратбой.

Фикрат – Марҳамат, лутфан –
Ҳайдасинлар. Лекин йўқ бунаقا мард.
Институтга кирган битириши шарт.
Ўз ҳақ-хуқумни яхши биламан,
Кўр қоридай ёдлаб нима қиласман?

Комил – Бу нима деганинг?

Фикрат – Гапимдан маъно –
Асли ўқиши хато, ўқитиш хато.
Аллақандай олим, қайсиdir хумбош
Ўйлаб топган равиш билан равищдош –
Кўшма гап, эргаш гап мен учун нега?
Сўзлаш санъатини ўргатсин менга.
Ўргатсин, уч-тўртта чет тилни билай,
Оlamda ўзимни одам ҳис қиласман.
Ҳамиша бир ишга лолман, адоман –
Хаёт бошқа, китоб бошқа тамоман.



Билсайдинг, қанчалар кийналар жоним,
Менинг “икки”ларим – менинг исёним.

Комил – Дуруст. Тафаккуринг чакана эмас.
Домла бўлсанг тузук, талаба эмас.

Ўқима бошингга ғалвани ортиб,
Бутун факультетни орқага тортиб –
Иккичи ном олиб нима қиласан?

Фикрат – Сабабини ўзинг яхши биласан,
Қирқ хунармас, бизда бир диплом даркор.
Асли бўлсан дейман қурувчи-меъмор.

Комил – Ҳайдалиш қўшиғи айтилди.

Фикрат – Йўқ гап.

Сиз мени шатакка олдингиз сўраб.

Комил – Қандай етиб келди сенга бу дарак?

Фикрат – Оғайнни, радио эшишиш керак.

(*Котиба қиз келади.*)

Котиба – Ҳайдарқулов Фикрат! Сиз ректор
қабулхонасида бўлишингиз керак эди-ку!

Фикрат – Қачон?

Котиба – Ярим соат аввал. Қани кетдик.

Комил – Мушкулинг осон бўлди, ўртоқ. Ректор
бошингни силаш учун чақирмайди.

Фикрат – (*Котиба билан чиқаётуб*)

Одамлар, мен сизни севардим!

(*Коронгилик чўқади.*)

ИККИНЧИ МАНЗАРА

Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонларининг диний назорати идораси. Муфтий қабулхонаси. Аз он овози оҳиста пасайиб намознинг сўнгги дуоси ўқилади. Бир-икки сониядан сўнг ичкари эшикдан Муфтий кириб келади ва иши жойига ўтириб мутолаага берилади. Ташқари эшикдан замонавий костюм кийган, галстук таққан, бошида дўппи ёш котиб йигит киради.

Котиб – Ҳазрат, меҳмонлар келишди.

Муфтий – Кўп яхши. Таклиф қилинг. (Ўрнидан туриб меҳмонлар истиқболига юради. Дипломат, Элчи, Шарқавий кирадилар.)

Дипломат – Ассалому алайкум, Муфтий ҳазратлари. Сизга меҳмонлар олиб келдим.

Муфтий – Марҳамат. Қадамларига ҳасанот.

(Кўришув ва ўриндиқларга жойлашув.)

Дипломат – (Элчини танишитиради.) Вишванатан Сингх жаноблари. Бизга дўст Жабалияning мамлакатимиздаги элчиси.

(Элчи ўрнидан туриб таъзим қиласи.)

Муфтий – Тошкентга хуш келибсиз, элчи жаноби олийлари!

Дипломат – (Шарқавийни танишитиради.)

Шайх Мухаммад Ҳасан ибн Мухаммад Жалол Шарқавий ҳазратлари Жабалияда танилган олим, давлат арбоби. (Шарқавий таъзим қиласи.) Машварат раиси.

Муфтий – Муҳтарам Шарқавий, Сизни ғойибона танийман. Шайх Баҳовуддин Нақшбандий тариқати хақидаги китобингизни ўқиганман.

Шарқавий – Ташаккур, ҳазрат. Сиздек ислом



лунёсининг таникли арбоби билан кўришганимдан мамнунман.

Дипломат – Мен вазифамни бажардим. (*Сотига қараб*) Бир ярим соатдан кейин шимоли-ғарб йўналишида парвоз қилишим керак. Тонг билан Иттифоқ министри хузурида бўлмоғим шарт. Сизлар гаплашиб олинг. Менга рухсат берасиз, ҳазрат.

Муфтий – Хуш кўрдик, муҳтарам Наимжон Расулий, Сизни Оллоҳнинг паноҳига топширдик.

(*Кузатади. Мехмонларга мурожсаат қиласди.*)

Қалай, азиз меҳмонлар, юртимиз об-ҳавосига кўнишиб колдингларми?

Шарқавий – Агар фирдавс дар рўйи заминаст, Ҳаминасту ҳаминасту ҳаминаст.

Юрtingиз бамисоли жаннат. Бундай иклим етти иклимда йўқ. Жабалияда ҳозир эллик дараҷа иссиқ.

Муфтий – Мамлакатингиз тоғлар орасида жойлашган, салқин юрт деб ўйлардим.

Шарқавий – Дарҳаққат, юртимиз тоғлар орасида. Лекин бу тоғларда на дараҳт, на гиёҳ бор. Жанубдаги уммондан рутубатли ҳаво келади, куёш тиғида яйдоқ тошлар тандирга айланади. Не илож, инсон ватанин танламас. Ватан онадек ягона деган кўхна ҳикмат бор.

Элчи – Юрting тинч, халқинг омон бўлсанку Ватанинг жазирамаси ҳамроҳат. Лекин бизнинг тинчлигимиз йўқолди. Бир йилки қавмлар ўртасидаги ирқий низо тинчимайди.

Муфтий – Афсус... Минг афсус. Бу ҳол аҳли олам ташвишига айланди. Бизнинг ҳам юрагимиз қонга тўлади. Таассуфдан бўлак чорамиз йўқ.

Элчи – Биз бу азиз тупроқка, буюк имом Муҳаммад Ал-Бухорий ватани, Ҳожа Баҳовуддин Нақшбандий ватани бўлган муқаддас тупроқка чора излаб, нажот излаб келдик. (*Шарқавийга юзланиб*) Максадни сўзланг, мавлоно Шарқавий.

Шарқавий – Улуғ амиrimиз Сайд Музаффар Зако қавмий, диний, тариқий муросаи мадоранинг тимсоли эдилар. Дини исломда мустаҳкам эътиқод ила баробар ул буюк зотда барча дину мазҳабларга ҳурмат, эътибор юксак эди. Биз амиrimиздан айрилиб тинчлигимизни ҳам йўқотдик. Асосий кўнчиликмиз дея мусулмонлар, кадимдан жойлашганмиз, деб ҳиндулар, асл ер эгасимиз деб тубутулар амирлик тахти учун жанг қилиб ётибдилар.

Элчи – Бу низо дунёning ўзидай қадим, дунёning ўзидай битмас-туганмасдир. Камалакнинг етти рангидек етти қавм бор. Улар ҳеч қачон бир бош бўлиб бирлашмаган. Юртни ҳамиша ўзга эллардан келиб идора қилганлар. Ўзимиздан амир чиқмаган. (*Шарқавийга*) Шоиримизнинг байти ёдингизда борми?

Шарқавий – (Бироз ослаб)

Ўзимиздан чиқкан муҳтарам
Донишмандни нодон билурмиз.
Ўзга юртлик эшак бўлса ҳам
Афандим деб тавоф қилурмиз.

Элчи – Дарҳақиқат, бизлар учун энг юксак рутба, аслзодалик унвони “мухожир” ҳисобланади. Авлодлари аслан чет эллик бўлган мартабали инсонлар номига “мухожир” сўзи қўшиб айтилади.

Муфтий – Бизларда ҳам меҳмон жуда азиз саналади.

Элчи – Сиз чет элликни меҳмон деб сийлайсиз. Бизнинг удумда муҳожир – хожа, юрт эгаси демакдир.

Муфтий – Хўқанди латифдан чиқкан машхур шоиримизнинг шундай байти бор:

“Мулки Ҳинду Марвдин келсам топардим
эътибор,

Шул эрур айбим, Муқими, мардуми Фарғонаман”.



Шарқавий – Лекин улуғ амиримиз Сайд Музаффар Зако мухожир бўлганлари учунгина эмас, балки доиниманд инсон, кенг бағирлик арбоб сифати юргимизда азиз эдилар.

Якинда ул зотнинг бисотлари ичидап кундалик дафтарлари топилди. Дафтарлар кўп, мен шулардан ошр иккисини олиб келдим.

(*Чарм ўйлуктидан дафтар олиб муфтийга узатиш.*)

Мени юртингизга олиб келган – ана шу дафтар. Ора у халқимиз тарихига “нажот дафтари” бўлиб сирса.

Муфтий – (*Дафтарни очиб ўқийди.*) “Туркистонда мухторият учун кураш тарихи... 1917 йил апрель... Мусулмонларнинг биринчи Бутуптуркистон анжумани... “Шўрои ислом”... Виждон эркинлигига кафолат берилиб ҳеч кимса ўзининг эътиқоди шун таъқиб килинмайди... “Ал-изоҳ” журнали... Абдулмалик Ҳожи Набисев... Махмудхўжа Бехбудий... (*Дафтарни варақтийди.*) Туркистон хукумати кумитаси... Яшасин мухториятли Туркистон... Мустафо Чўқай ва кичик Эргаш... Мадаминбек билан оҳа... Миллий мустақиллик... Мунавваркори билан сувбат... Анвар Пошиб ким?...” (*Дафтардан бош кутариб*) Бу бизнинг юрт тарихи-ку. Жабалия амири бисотига бу ёзувлар қандай тушибди?

Шарқавий – Дафгарнинг охирги сахифасини очинг. (*Ўрнидан туриб топишга ёрдам беради.*)

Бу ерни ўқинг.

Муфтий – (*Ўқийди*) “Шўро чекистлари изимдан колмаяптилар. Қайси юртга келсам, айғоқчилари тошиб келмоқдалар. Исимни ўзgartиришга мажбур оиласим...”

Шарқавий – Таҳлилу тадқиқотларимиз шуни курсайдики, амир Сайд Музаффар Зако шу муқаддас

тупроқнинг озодлиги ва мустақиллиги учун курашган, золим тузумнинг тазиётидан қочиб умри хорижда ўтган Сайд Ашрафхон экан.

Муфтий – Ҳай-ҳай-ҳай! Мухтарам Шарқавий, бу сўзни менга айтдингиз, бошқа бирор эшитмасин. Щуро заминида турибсиз. (*Бироз сукутдан сўнг*) Ҳали буни текшириш, исботлаш керак.

Шарқавий – Исбот бор. Мана бу дафтарни кўринг. (*Бошқа дафтарни варақлаб керакли саҳифани қўрсатади.*)

Муфтий – (*Ўқийди*) “Минг тўққиз юз етмиш тўртинчи йил. Ёшим саксон иккига етиб юртдан айрилганимга роппа-роса эллик йил тўлганда менга Самарқанд сафари насиб этди. Жазира юртининг Шайхулисломи сифатида Имом ал-Бухорий таваллудининг бир минг икки юз йиллиги анжуманига мукаллаф бўлдим. Анжуман кичик доирада, юрт матбуотида ёритилмасдан ўtkазилди. Шундай бўлса ҳам дин афъюн деб саналган мамлакатда бундай издиҳомни ташкил этган кишиларга минг раҳмат. Айниқса, Муфтий ҳазратнинг хизматлари улуғ...” (*Шарқавийга*) Сизда ул зотнинг сувратлари борми?

Шарқавий – Албатта бор. (*Йўлқутидан сурат олиб узатадилар.*)

Муфтий – Эсладим. Шайх Сайд Музаффар Зако пурхикмат бир маъруза қилган эдилар. Ўша воеага тўққиз йил бўлибди.

(*Хотира саҳнасида Шайх Музаффар Зако пайдо бўлади ва Муфтийга мурожсаат қиласди.*)

Шайх Зако – Мухтарам муфтий ҳазратлари! Қисматнинг аччиқ шамолларида ҳазон япроғи каби узилиб ўз гулшанидан бенасиб бўлган ватандошларингиз, биласизки, хорижда кўплаб истиқомат қиласдилар. Шундай ғурбатзадалардан бири – дўстимиз – бизнинг ушбу сафаримиздан воқиф



бўлиб, бир илтимос ила юзланиб эдилар. Яъни, Самарқанднинг Бозоргузар маҳалла масжиди ёнидаги хонадон соҳиби Озодбек Ҳайдарқул ўғлига кичик бир омонатни топшириб қўйиш сўралган эди. Шуни адо этиш иложи борми?

Муфтий – Жаноб Шайхулислом ҳазратлари! Кўнглингиз хотиржам бўлсин, адо этиш чорасини килурмиз.

(*Зако гойиб бўлади. Муфтий хаёлан*)

Ваъда беришга бердиму, бу ишга ижозат бўлишидан умидим камроқ эди. Хорижлик меҳмоннинг, айниқса дин арбобининг ҳар бир қадами назорат қилинадиган мамлакатда Шайхулисломни оддий ўзбек хонадонига олиб бориш мумкин эмасди. Оллоҳдан илтижо қилиб раҳбарларга инсоф, шафқат сўрадим. Эртаси кун ўша маҳалла масжида аср намозини меҳмонлар билан бирга ўқиши учун ижозат тегди. Шогирдларга тайинладим. Айтилган хонадон соҳибларини масжид ҳовлисига олиб келдилар.

(*Хотира саҳнасида масжид ҳовлиси. Айвон. Муфтий, Шайхулислом Зако, Хосият, ўн ёшли бола*)

Муфтий – (Аёлга) Давом этинг, келин.

Хосият – Қайнонам раҳматли кўп нолалар қилиб умр йўлдошларини эслар, қайда бўлса омон бўлсин, деб дуо қиласдилар. Қайнотам бўлмиш Ҳайдарқул ота йигирма тўртинчи йилда бир бойга чўпон бўлиб Олатовга қўй хайдаб кетганча ҳеч бир дарак йўқ окан. У кишидан колган сармояни авайлаб очарчилик, қаҳатчиликдан омон чиқишибди.

Шайх Зако – Завжингиз не дард билан оламдан ўтган?

Хосият – Озодбек ака тракторчи эдилар. Пахтага сепиладиган заҳарли доридан жигари касал бўлиб ёллик бир ёшда оламдан ўтдилар. У кишидан ёлгиз ёлгор бўлиб мана шу Фикратжон қолди.



Шайх Зако – (*Қайгуға чўқади. Ёнидан рўмолнча олиб кўз ёшларини артади. Фикратга*) Бери келингчи, болажон. Ўша Олатовга қўй ҳайдаб кетган Ҳайдаркул бобонгиз сизга салом айтдилар. (*Ёнидан олтин занжирли туморни олиб, боланинг бўйнига солиб қўяди.*)

Келин, бу сизга қайнотангиздан совға (*Қутича совға қиласди. Қўлини дуога очади.*)

Марҳума қайнонангизни, қирғин жанғдан омон қайтиб тинч қунларда жон берган умр йўлдошингизни Оллоҳ раҳматига олган бўлсин. (*Дуо ўқиб юзига фотиҳа тортади. Қоронгилик чўқади, замон саҳнаси ёришишади.*)

Муфтий – (*Хаёлан*) Шунча хиссиёт бир юракка қандоқ сифди экан? Ватан ҳасрати, ёр қайғуси, фарзанд доғи, набирани қўриш кувончи. Тасаввурга сифмайдиган, қалб кўтаролмайдиган дақиқалар.

Элчи – Муфтий ҳазратлари, бизга сизнинг ёрдамингиз керак. Самарқанддаги ўша маҳалла ва хонадон бизга бугун қутлуғ пирхонадир. Ҳазратнинг ўз набираларига ғойибона ёзган мактублари ҳам бир дафтар экан. Фикратжонни қўришимиз керак. У хозир йигирма ёшдаги йигит бўлса керак.

Шарқавий – (*Хаёлан*) Юрагим бамисоли парвоздаги кабутардай потирляяпти. Ахир Самарқанднинг бир маҳалласида юртимиз ва халқларимиз учун халоскор бўлувчи бир йигит яшаб турибди. У – валиаҳд амирзодамиз бўлади.

Эй, дунёга буюк зотларни берган кўхна ва муқаддас тупроқ! Эй буюк Соҳибқирон пойтаҳт қилган табаррук замин! Оллоҳ қудрати ила сен бизларни тинчлик-омонликка, файзу баракотга етказгайсан, омин!

(*Қоронгилик чўқади.*)



УЧИНЧИ МАНЗАРА

Москва. Кремль. Ташиқи ишлар министрининг кабинети.

Деворда Ю.В.Андропов портрети. Министр қовоқ солиб ўтиради. Генерал тик ҳолатда.

Генерал – Ўртоқ министр, Жабалияда бугун өрталабдан этник қирғин авжига чиқди. Мамлакат ўт ичида. Ҳар бир дақиқа ғанимат. Кўрсатмангизга караб турибмиз.

Министр – Баридан хабарим бор. Таклифингиз?

Генерал – Зудлик билан қўшин киритиш керак. Айни пайти келди. Сабаб тайёр. Мамлакатни тинчиши, интернационал бурчни бажариш...

Министр – Йўқ, бу зинҳор мумкин эмас. Жаҳон жамоатчилиги олдида юзимиз қора бўлади. Босқинчи номини оламиз.

Генерал – Бошқа иложимиз йўқ. У юртнинг нефть, олтин, уран захиралари бошқаларнинг қўлига ўтиб кетадими?

(Министр жисм)

Биз қўшин киритмасак Ғарбий Уммония киритади. Стратегик муҳим миңтақани бой бериб қўямиз.

Министр – Сиз генералларга фақат жанг бўлса. Таппа боссангизу сичқон тутган мушукдек есангиз-қўйсангиз. Замон бошқа, муҳит бошқа. Саксонинчи йиллар бошида турибмиз.

(Сукут)

Интернационал бурч бўлса – бажардик, қойил қиодик. Минглаб йигитларимиз жонига завол бўлдик, дунёда обрўйимиз бир пул бўлди. Буларнинг ҳаммаси генералларнинг маслаҳати билан бўлган.

(Тугмани босади. Ёрдамчи киради.)

Дипломатимиз Тошкентдан келдими?

Ёрдамчи – У киши қабулхонада...

Министр – Кирсин.

(*Ёрдамчи чиқади.*)

Кирқ уч йилдан буён дипломатик хизматдаман. Не кунларни қўрмадим, кимлар билан ишламадим. Йигирма беш йилдан бери министрман. Лекин бунақа боши берк кўчага кириб қолган эмасман. Авваллари ҳамма нарса ойдин, аниқ бўларди. Дўстдўст, душман-душман. Муносабат ҳам шунга яраша.

(*Дипломат киради. Министр сўзида давом этади.*)

Энди замон чигаллашди. Ҳар масаланинг юзта “агар”и, ҳар ечимнинг мингта “лекин”и бор.

(*Дипломат билан кўришиб*)

Тошкентдаги меҳмонлардан гапиринг.

Дипломат – Мехмонлар кеча дин назорати хизматчилари билан Самарқандга кетиши. Ишонасизларми, йўқми, ўртоқ министр, ўртоқ генерал, Жабалияning марҳум амири Сайд Музаффар Зако ўзимизнинг юртимиздан бўлиб чиқди. Йигирманчи йилларда Туркистондан кетиб, тақдир тақозоси билан саксон тўрт ёшда амир бўлган Сайд Ашрафхон экан. Мехмонлар амирзодани кўришмоқчи.

Генерал – Қанақа амир? Қанақа амирзода? Шўро хукуматида амирзода нима қиласди?

Министр – (*Дипломатга*) Давом этинг. Амирнинг авлодлари бор эканми? Яъни валиахд амирзода...

Дипломат – Валиахд амирзода бор, ўртоқ министр.

Министр – Ана бу энди бошқа гап. Эй генерал, генерал, сиз қўшин киритиш, босиб олишни



ўйлайсиз. Сиёсат ишида баъзан бир шахс ўнта дивизиянинг ишини қилади.

Генерал – Ҳарбий ишда ҳам шу. Лекин мен бир оддий ўзбекнинг олис Жабалияда амир бўлганига ишонолмаяпман.

Министр – Менинг бу кекса бошимдан не ишлар ўтмади. Минг тўққиз юз қирқ тўртинчи йилда Гоминдан ҳокимиятига қарши халқ ҳаракатига бошчилк қилган, Шарқий Туркистон жумхуриятини тушиб миллий қўшинга қўмондон бўлган болосоғунлик бир тўразод ўзбек эди. Кейинроқ, замона қалқиб турган вақтларда бошқа бир тўразод ўзбекнинг ўрт хони бўлишига бир баҳя қолган. Хотирамда турипти. У инсон андижонлик шоир эди. Аслзодаларни вақт бўлганки, отганмиз. Керак бўлганда яхши нархга сотганмиз. (*Дипломатга*) Валиаҳд ким?

Дипломат – Марҳумнинг ягона ўғлидан ягона набира... Тошкент университети талабаси.

Министр – Неча ёшда?

Дипломат – Йигирма ёшларда.

Министр – Ёш экан-да... (*Ўйга чўмади.*)

Генерал – Балки алмаштириб қўярмиз. Бизда ҳар томонлама тайёргарликдан ўтган муносиб одамлар бор.

Дипломат – Бунинг иложи йўқ. Кечанинг ўзида ёлчи билан олим Тошкентта қайтиб келишган. Бугун валиаҳд амирзода билан қўришадилар.

Министр – Майли, йигирма – балоғат ёши. Александр Македонский ҳам йигирма ёшда тахтга ўтирган. Ишга киришинг.

Бир шарт... Ташаббус албатта улар томонидан чиқсин. Ёзма илтимосларини олинг. Режанинг номини “Тинч истило” деб атаемиз.

Генерал – (*Дафтарчасига ёзиб*) Яхши ном. Истило сўзи кулогимга хуш ёқади, юрагимни эркалай-

ди. Мен худога ишонмайман. Лекин бу имкон бизга осмондан тушган марҳамат бўлди.

Дипломат – (Хаёлан)

Оллоҳим, даргоҳинг бунчалар кенгдир,
Мурувватинг мўмин, кофирга тенгдир.
Марҳамат килурсан, сарвари олам,
Худо йўқ, деб турган гумроҳларга ҳам.

(Коронгилик чўқади.)

ТЎРТИНЧИ МАНЗАРА

Тошкент давлат университети ректорининг шинам кабинети. Хонага Элчи ва Шарқавийни бошлиб ректор киради. Мехмонлар креслоларга жойлашидилар. Ректор ўз иш столидан анкеталар, ҳужжатлар олади.

Ректор – (Иш асносида) Сизларнинг келишинигизни менга ярим соат аввал министрлиқдан айтишди. Ҳамма ҳужжатларни тайёрлаб ултурмадик. Ҳатто Ҳайдарқулов билан ҳам гаплашиб масалани тушунтиrolганим йўқ. Узр, шошиб қолдик. (Ҳужжатларни олиб меҳмонлар олдига қўяди, ўзи ҳам улар ёнига ўтиради.) Университетимизга хуш келибсизлар. (Котиба чой, кофе келтиради.) Марҳамат, чой, кофе... (Котибага) Ҳайдарқулов келса дарҳол кирсин. (Меҳмонларга) Мана булар Ҳайдарқулов Фикратнинг анкеталари, бу таржимаи ҳоли, мана бу – унинг талабалик варакаси... Тўғри, ўзлаштириши мақтанаидиган даражада эмас. Лекин яхши спортчи. Мана бу велосипед пойгасида олган соврин қофози.

Шарқавий – (Қозозларни Элчи томонга суруб)



Узр, мен кирилл ёзуvida ўқиёлмайман. Ниятимиз тезроқ амирзодани кўрмоқ.

(*Фикрат киради.*)

Ректор – Мана ўzlари. Сиз сўраган валиаҳд шу йигит бўлади.

(*Элчи ва Шарвақий ўринларидан туриб Фикратга таъзим қиладилар.*)

Шарвақий – (*Элчига*) Вой ажаб, инсон инсонга шунчалар ўхшарми? Қош-кўзлар худди ҳазратники.

Фикрат – (*Ҳайрон*) Ассалому алайкум.

Элчи – Овоз-чи, овоз! Вужудим титраб кетди. Айни ҳазратнинг овозлари.

Ректор – Ваалайкум ассалом. Мехмонлар билан кўришинг. Улар сизни йўқлаб келишган.

(*Фикрат ҳайрон бўлиб хорижлик меҳмонларга қарайди.*)

Шарқавий – Мухтарам амирзодам! Сизни шундай аташга ижозат беринг. Биз бобонгиз – улуг амир Сайд Музаффар Зако, аслан Сайд Ашрафхон изларини кўзга суртгани бу азиз тупроққа келдик.

Фикрат – Қанақа амир? Қанақа Зако? Менинг бобом батрак ўтган.

Элчи – Сиз батракнинг набираси эмассиз. Зотингиз улуг. Асли наслингиз Хожа Баҳовуддин Нақшбандийга ва ҳазрати Fav sul Аъзамга туташдир. Жаноб пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг туркистонлик авлодлари бўлмиш Миён ҳазратлари зотидансиз.

Фикрат – Сизлар кимсизлар ўзи? Қаердан келгансизлар? (*Ректорга*) Нега булар менга тухмат килади? Мен ахир чўпон Ҳайдарқулнинг набираси, колхозчи Ҳайдарқулов Озоднинг ўғлимани. Комсомол аъзосиман. Наслимда ҳеч бир ёт унсур бўлмаган.

Шарвақий – (*Хаёлан*) Шиддати ҳам бобоси-

нинг худди ўзи! (*Фикратга*) Биз кеча табаррук Самарқандда бўлиб сизнинг муҳтарама волидан-гизни зиёрат килдик. Онангиз Хосият биби бизнинг мақсадимизни англаб, эски ҳужранинг бўғоти орасидан мана бу ҳужжатни олиб бердилар. Сиз бу муборак васиқани қўрмаган экансиз. Унда бобонгиз шажараси битилган. (*Йўлқутидан ўрама қозоз олиб Фикратга узатади.*)

Фикрат – (*Ўрама қозозни очиб*) Арабча хатни ўқиёлмайман. Барибир бу қоғознинг менга алоқаси йўқ.

Ректор – Кани васиқани менга беринг-чи. Тишим ўтармикин? (*Фикратдан қозозни олиб*) Қоғози антиқа-ку. Мен бунака қоғозни ушлаб қўрмаганман.

Шарқавий – Туя терисидан қадимги услубда ошлаб тайёрланган қоғоз. Билгичлар ҳали аниқлар, лекин менинг тахминимча бу васиқанинг тарихи саккиз юз-тўқиз юз йилга боради.

Ректор – (*Ўрамани тўлиқ очади, бир қулоч узунликдаги чарм қозоз очилади.*) Бай-бай-бай, (*Ичидан санаб*) етмишдан ортиқ қозикалоннинг муҳри бор экан. Ҳақиқий ва мўътабар ҳужжат.

Фикрат – Тушундим, домла. “Икки” баҳоларни тузатмасанг каматаман, демокчисиз. Бўлди, тавба килдим. Қайсаликни йифиштираман. Яхши ўқийман. Фақат бир арзим бор. Мени меъморчилик – курилиш факультетига ўтказиб қўйинг. Аълочи бўлмаган номард.

Ректор – Бунинг яраси енгил. Ҳал киламиз. Лекин бугун сизнинг елкангизда оламшумул вазифа бор. Мехмонлар билан танишинг. Улар – яхши ният элчилари. Жаноб Вишванатан Сингх – Жабалиянинг мамлакатимиздаги элчиси. Жаноб Шарқавий шу юртнинг шайхулраиси, машҳур олим, бобонгизнинг шогирди ва издоши ҳисобланадилар. Марҳамат, элчи жаноблари, сўз энди ўзингизга.



Элчи – Ташаккур. Аҳли оламга аёнки, бизнинг мамлакатда авжланаётган иркий-диний қирғинни тұхтатиши чораси топилмаяпти. Бирор қудратли мамлакатнинг қүшин киритиши бу оловни бадтар авжлантириши мумкин. Бирлашган Миллаттар Ташкилоти ҳам бир фикрга келолмаяпти. Ҳар куни ўнлаб одамларнинг ёстиғи қурияпти. Яқында мухтарам Шарқавий топған дафтарлар, кеча топилған васиқа ва ниҳоят сиз мухтарам амирзодани учратганимиз бизга нажот қопқаларини очгандай бўлди. Бугун тонгда Жабалия газеталарида Шарқавий жанобларининг мақоласи босилди. Мана ўша газеталарнинг бири.

Сарлавҳа – “Сайд Музаффар Зако иккинчи. Валиаҳд амирзода” деб аталади. (*Папкасидан газетта олиб Фикратга узатади.*) Сизнинг катталашибилган суратингиз. Мана. Сувратингизни кечада мухтарамангиз бизга тақдим этдилар.

Ректор – (*Хайратда қотиб қолған Фикратдан газетани олиб қўради ва у ҳам ҳайратга тушади.*) Дарров-а? Қандай улгурдинглар?

Шарқавий – Биз томонда газеталар жуда тезкор. Ярим соат аввалги ҳодисани газетада ўқиш мумкин. Мен бу мақола ва сувратни телеграф орқали кечада оқшом юборганман. Бугун дунё газеталари уни кўчириб босишган. Мухтарам амирзоданинг сувратлари жаҳон аҳлиниң нигоҳида.

Элчи – Бир соат аввал менга телефон бўлди. Жабалия халқи сувратингизни кўтариб кўчаларга чиқишиганди. “Амирзода, амирзода нажоткоримиз, юртимизга марҳабо, амирзода”, деган ҳайқириқларга кўчаю майдонлар тўлиб кетган. Сабаб – Сизнинг бобонгиз – улуғ амиримиз давлат бирлигининг, юртинглигининг рамзи эдилар.

Фикрат – (*Қўлларини чимчилайди, қулоқ-бурнини ушлаб қўради.*)

Үйғон, Фикрат, сен туш күраяпсан. Шунаңа қаттиқ ухлайсанми? Ахир бунаңа вокеа ўнгда бўлиши мумкин эмас. Үйғон, үйғон! (*Ўз юзига тарсаки уради.*)

Шарқавий – Сизни Жабалияга олиб кетамиз. Мамлакатингиз раҳбарларидан ижозат олдик. Сиз улуғ амиримиз бўласиз.

Фикрат – Ё мен жинниман, ё сизлар ҳаммангиз ақлдан озгансиз.

Шарқавий – Оёғингизга йиқилиб илтижо қилишга тайёрмиз. Халоскоримиз бўлинг.

Ректор – Илтижонинг ҳожати йўқ. Юқори давлат идораларининг топшириғи бор. Ҳужжатларни расмийлаштириш керак.

(*Қўнгироқ тугмасини босади.*)

Фикрат – Мен-ку қолоқ, “икки”чи талабаман. Каллам жойида эмасдир. Лекин юқори давлат идораларига нима бўлган? Э, қўйинглар-э!

(*Кўл силтаб эшикка қараб юради. Шу пайт эшик очилиб Генерал ва Дипломат кириб келадилар.*)

Генерал – (*Фикратнинг қўлидан тутиб*) Фикрат сенмисан? Йўл бўлсин? (*Фикратни орқага қайтаради ва жавоб ҳам кутмай, ҳеч кимга қарамай ректорга мурожсаат қиласди. Бу вақт орасида Дипломат меҳмонлар билан, Фикрат билан саломлашади.*) Қани паспорт? Суврат, анкеталар тайёрми? (*Соатига қараб*) Бир соат ичидаги оралиқ визаларни олиш керак. Махсус самолёт учиш майдонида таҳт турипти.

Ректор – Ҳали бир фикрга келолмаяпмиз.

Генерал – Нега?

Ректор – Фикрат рози бўлмаяпти.

Генерал – Сиз қанаңа ректорсиз? Бир студентга сўзингиз ўтмаса бу креслони нимага банд қилиб ўтирибсиз?



Ректор – Мен билан бунақа оҳангда гаплашманг, генерал. Мен академикман, ректорман. Сизнинг солдатингиз эмас. Қолаверса, бу креслони мен илтимос қилиб олган эмасман.

Дипломат – (*Хушёрлик билан гапга аралашиди.*) Узр. Можаронинг вақти эмас. Биз катта мажарони бартараф қилиш учун бу даргоҳга келдик. Қани, марҳамат, ўртоқ генерал, ҳурматли ректор, меймонлар, режани гаплашиб олайлик. (*Ишора билан ҳаммани стол атрофига тақлиф этади. Ҳамма ўтиради.*) Фикратжон, қани бери келинг, сиз ҳам ўтиринг. (*Фикрат ҳам бир чеккага ўтиради.*) Энди гап бундай, Фикратжон. Сиз ҳарбий хизмат ёшидаги йигитсиз. Сизни чақириқ қоғози билан ҳарбий комиссарликка чақириб, дунёнинг хоҳлаган томонига юборсак бўларди. Лекин кўриб турибсизки, биз ўзимиз сизнинг олдингизга келдик. Ўртоқ генерал ўzlари бўлғуси аскарнинг ҳузурига келдилар. Ватан олдида шарафли бурчингиз бор. Шуни адо этишингиз керак.

Фикрат – (*Ўрнидан туриб*) Ҳарбий бурчни ўташга тайёрман.

Дипломат – Сизнинг бурчингиз ҳарбий хизматдан ҳам муҳимроқ, шарафлироқ... Яъни сиз бир муддат Жабалия амири бўлиб туришингиз керак.

(*Фикрат индамай эшикка қараб юради.*)

Генерал – (*Ўрнидан туриб*) Қайт, аскар! Қайт, бўлмаса отиб ташлайман. (*Қабура тугмасини ечишига уринади. Фикрат тўхтаб орқасига қайрилади ва тилини чиқаради. Кўрсаткич бармогини чаккасига қўйиб, ҳамманг жинни, деган ишорани қиласади. Генерал тўппончани қўлига олади.*) Жанг майдонидан кочган аскар отилади.

Фикрат – Мен жанг майдонидан эмас, жиннихонадан қочаяпман.

Ректор – Қайтинг, Фикрат! Илтимос қиласан. Сиз, генерал, тўппончани қинга солинг. Бу ер илм даргоҳи. Ҳарбий полигон эмас. Бу ерда ҳозирча мен командирман.

Фикрат – (*Ректорга*) Кечирасиз, устоз! Ўқитсангиз бинокор муҳандис бўлардим. Лекин мендан амир чиқмайди.

(*Кетади*)

Генерал – Ана сизга тарбия! Ректор студентга ялинади, илтимос қилади. Студент уни бир тийинга олмайди. Қандай кунга қолдик? Интизомнинг расвоси чиқкан. Мамлакат раҳбарлигига – мана, ўзимизнинг ҳамкасабамиз келди. Бўшашган мурватларни бураб қўяди. (*Элчи оҳиста ўрнидан туриб, сигарет чекиши баҳонасида ташқарига чиқади.*)

Дипломат – Айб ўзимиздан ўтди. Томдан тараша тушгандай, сен амир бўласан, деса ёш талаба довдираб қолади-да! (*Ректорга*) Ётиғи билан гаплашиб, тушунтириш керак эди.

Ректор – Гаплашиб у ёқда турсин, қидириб тошига зўрға улгурдик. Ўт тушгандай бунча шошилмасангиз!

Шарвақий – Ўт ёниб ётибди, жаноб ректор. Ҳар бир кун эмас, ҳар бир дақиқа қиммат. Мамлакат тақдири қил устида турипти. Шу кунда халқ амирзодани қабул қилишга тайёр. Эртага нима бўлади, айтиш қийин.

Генерал – Бизга ҳам масалани биринчи даражали зудликда бажариш топширилган. Самолётнинг мотори ёқилган ҳолатда турипти... Ҳали ҳам бўлса номзодни алиштирайлик. Бола менга ёқмади. Машк кўрган, амирликни ўрнига қўядиган зобитларим бор.

Шарвақий – Зинҳор мумкин эмас. (*Газетани генералнинг олдига қўяди.*) Бу суврат энди ҳамманинг кўлида, ҳамма автомобиллар ойнасида.



Дипломат – Нима киламиз?.. (Сукут. Генерал столни муштлаб сўз айтмоқ учун ўрнидан турганда Фикрат киради. Шаҳдам юриб стол ёнига келади ва столга паспортини қўяди.)

Фикрат – Мана бу паспортим. Ўйлаб қўрдим. Мен боришга тайёрман. (Ҳамма лол. Элчи ҳам кириб жойига ўтиради.)

(Халққа қаратса)

Жабалия қайда, юртим қаёқда,
Хешлик, яқинликнинг нишонаси йўқ.
У элда бегуноҳ қон тўкилмоқда,
Ғам-қайғунинг эса бегонаси йўқ.
Агар бирор жонга нажот бўлолсам,
Камина амирмас, хизматкор бўлсин.
Мушқул йўлда мени қўлласин эгам,
Улуг бобом руҳи мададкор бўлсин.

(Қоронгилик чўкади.)

БЕШИНЧИ МАНЗАРА

Иттифоқ Ташқи ишлар министрининг хос тайёраси салони. Ўртада катта стол. Бир томонда Шарқавий ва Элчи, бир томонда Фикрат ўриндиқларда. Стюардесса дастурхон тузаяпти. У шиша очиб, қадаҳларга қуяди.

Шарқавий

(қадаҳни кафти билан ёпиб)

Менга куйманг. Ичмайман.

(Стюардесса чиқади.)

Элчи – Жаноб Шарқавий парҳездалар.

Фикрат – Бобом бу нарсалардан тотганмилар?

Шарқавий – Ҳазрат тақвodor эдилар. Ичкиликтан ҳазар қилганлар. Лекин ичкилиқ ичганлардан эмас. Бағрикенг инсон эдилар.

Элчи – Бобонгизни таниганимизда у зот саксондан ошган эдилар. Тўқсон тўрт ёшда оламдан ўтдилар. Ёшлиқда дўстлар даврасида Махмудхўжа Беҳбудий, Мустафо Чўқайлар билан чўкиштирган бўлсалар ажаб эмас. Сиз ёшсиз. Қани, сафаримиз бехатар бўлсин. Олдик. (*Ичадилар, газак қилатуриб давом этади.*) Мен кўп тайёralарда учганман. Бунақасида биринчи учишим.

(*Яна кириб қадаҳларни тўлдираётган стюардес-сага*) Тайёранинг номи нима, кимники?

Стюардесса – Самолётимиз – Ил-62. Иттифоқ Ташқи ишлар министрининг хос самолёти. Бу салон – таом учун. Ичкарида музокаралар хонаси, иш кабинети, дам олиш ва жисмоний машқ хоналари бор. Истасангиз кириб дам олинглар.

Элчи – Ташаккур. Зарурати йўқ.

(*Стюардесса чиқади.*)

Фикрат – (*Иллюминатордан ташқарига қараб*) Икки соатдан бери сув устида учамиз. Ҳали-ҳамон денгиз тугамайди.

Элчи – Яна беш соат учганимизда ҳам уммон тугамайди. Юртимиз бамисоли каттакон ҳовузга кўнган чибин. Оролни биз Жазира деймиз. Бизга кўшни мамлакат номи ҳам Жазира. У бизнинг биринчи манзилимиз бўлади. У ердан хеликоптерга ўтириб – сиз уни вертолет дейсиз – Жабалияга учамиз. Шунаقا... биз поёнсиз сув ўртасида сувга зор бўлиб яшаймиз. Бориб кўрасиз.

(*Ичадилар*)

Фикрат – Мен умримда тўртта одамга бошлиқ бўлмаганман. Қандай килиб бутун бир мамлакатни бошқараман – ўзим ҳайронман.

Шарқавий – Мамлакат бошқаришнинг сизга ҳеч кераги йўқ. Қавм сардорлари, вилоят султонлари бор. Машварат бор, аркони давлат, аъёнларингиз



атрофингизда бўлади. Нихоят, мана мен ёнингизда бўламан. Ҳеч хавотир бўлманг.

Фикрат – Мен нима иш қиласман? Эртадан кечгача оғзимни очиб ўтираманми?

Элчи – Нега энди. Сизга сардорлар, султонлар маслаҳат сўраб келадилар. Сиз ҳа, ёки йўқ дейсиз.

Фикрат – Тил билмасам...

Шарқавий – Мен таржима қилиб тураман. Факат бир нарсада янглишмасангиз бас. Бизларда “ҳа” ишораси бундай (“Йўқ” ишорасини қилиб бош чайқатади) “йўқ” ишораси бунақа (“Ҳа” ишорасини қилиб бош силкитади.)

Фикрат – Мен Британия қироличаси, Япония императорига ўхшаб тахтда ўтираману юртни бошқалар идора қиласами?

Элчи – Айнан, айнан. Сиз ҳеч нарса қилмайсиз. Бизга сизнинг борлигингиз кифоя.

Фикрат – От миниб, голф ўйнаб, зиёфатларда юраман-да...

Шарқавий – Худди шундай...

Фикрат – Бекорнинг бештасини айтибсиз. Мен хезалак подшо бўлмайман. Юртнинг эгаси менми? Ўзим бошқараман.

Шарқавий – Албатта, албатта. Юртда тинчлик ўрнатилса, омон-омонлик бўлса бас. У ёғини маслаҳат қилиб оламиз.

Фикрат – Йўқ! Юртга қадам қўйган қунимдан халқ англаши керакки, сўз – менинг сўзим, хукм – менинг хукмим. Амир халқини биринчи кундан, эр хотинни биринчи кечадан қўлга олиши керак. Бобом шундай ёзган.

(*Шарқавийга*) Сиз – таржимоним, маслаҳатчимсиз. Лекин бош маслаҳатчим – бобом бўладилар.

Элчи – Амирзодам, бобонгиз вафотига эртага бир йил тўлади.

Фикрат – (*Стол устидаги дафтарларни қўлига олиб*) Бобом ўлган эмас. Мана унинг юраги, тафаккури, ҳикмати, орзу ва режалари. Булар мен учун дастур, Қобуснома.

Шарқавий – Бобонгиз ҳам шунақа шижоатли инсон эдилар. Сиз нима десангиз шундоқ бўлади. (*Соатга қараб*) Яна тўрт соатдан кейин тайёрамиз кўнади. Озроқ дам олишингиз керак, амирзодам. Эртага оғир кун бўлади.

(*Фикрат ўриндиқ суюнчигини орқага сурib, кўзини юмади. Коронгилик чўкади. Улкан майдон тўла халойиқ, Саид Музаффар Зако сиймоси пайдо бўлади.*)

Саид Музаффар – Халойиқ! Менким Саид Музаффар юртингизга амир бўлиб эмас, тинчлик элчиси бўлиб келдим. Аҳли уламо, аркони давлат, улус пешволарининг сўровлари ила ва ўз юрагим амри ила келганман. Билингки, инсон қонини тўкмак ҳеч бир дин, ҳеч бир маслакда вожиб эмас. Қавму эътиқодлар аро кутқу солганлар жазосини топажак. Уларнинг нияти эл лошидан пиллапоя ясаб мартаба аршига чиқмоқдир.

Кишининг дину ирқи фарқ эмасдир,
Одам бўлса, худоси бўлса басдир.

Халойиқ! Агар сиз мен томон бўлсангиз юртда осойишталик, ободлик, фаровонлик бўлгай. Ўз ичингиздан чиққан ёвларингиз томонда бўлсангиз, майли, мен ёшини яшаб бўлган одамман. Сўнгги икки йил ичида беш амирнинг боши олинди.

Кечиб жондин, у майдон ичра кирдим,
Ҳаётим ихтиёрин сизга бердим.
Низога чора айланг истасангиз,
Танимни пора айланг истасангиз.

(*Халқ ичидан қўлида қилич тутган бир қавм сардори чиқади. Шаҳдам юриб Саид Музаффар*



қошига келади ва бир-икки ҳаяжонли лаҳзадан сүнг қиличини Саид Музаффар оёгига ташлайди.)

Сардор – Тинчлик!

(Халойиқ “тинчлик” дега ҳайқиради.)

Саид Музаффар – Сўкир, жоҳил эмас, оқил ба-шарсиз,

Баланд тоғлар аро озод яшарсиз.

Шукрким, ажратурсиз оқ-карони,

Биларсиз, бошлаган ким можарони.

(Бир неча қуролли йигитлар Абу Баттолни тутиб келадилар ва Саид Музаффар қошида тиз чўктирадилар.)

Қуролли йигит – Жангарилар сардори Абу Баттолни келтирдик. Буюринг, қатл этайлик.

Саид Музаффар – Кўлларини ечинг. Ўзни ҳимоя қилиш ҳар бир банданинг азалий ҳуқуки. Ҳақ бўлса исботи, ноҳақ бўлса тавбаси мақбулдир. Халойиқ олдида жавоб бер, Абу Баттол, маслагинг недир? Нега эл ичра қутқу солурсан?

Абу Баттол – Маслак учун ўлим бўлмаса айтай, Барча ишни билиб қилганман, атай.

Жиҳод аскариман. Мақсадим бир иш – Насроний, мажусий – барини қириш.

Аввал мамлакатда, сўнг минтақада

Қитъа, бора-бора бешов қитъада

Бир дин қарор топар, мен – сарвариман, Билинг, охир замон пайғамбариман.

Саид Музаффар – Сен пайғамбар эмас, ёвуз дажжолсан,

Жаҳаннамдан қочган шайтон мисолсан.

Эътиқодинг – нифоқ, касбинг – қабоҳат,

Эл учун вабодан ортиқ заволсан.

Сен боис эл аро кину можаро,

Сен қилдинг пок диннинг шаънини қаро.

Турфа гуллар билан олам чамандир,

Турфа эллар билан бу юрт ватандир.
Дунёда халқ борки, қавм, элат борки,
Барчаси бир она, бир отадандир .

(*Абу Баттолга*)

Шайтон йўлидан қайт, тавба қил, гумроҳ!

Абу Баттол – Йўқ. Асло қайтмасман.

Сайд Музаффар – Жойинг – қора чоҳ!

(*Халққа*)

Дониш ила ой сатхига қўйса-да қадам,
Жаҳолатдан фориг бўла олмади одам.

Ўз қавмини емас махлук, лекин ер инсон,
Бу ваҳшатдан ҳануз замин кўкси тўла қон.

(*Тайёра салони. Элчи ухляяпти. Шарқавий журнал ўқиб ўтирибди.*)

Фикрат – (*Уйқудан уйгонади, керишади ва Шарқавийни оҳиста туртиб қулогига*) Кечиринг. Нозик бир саволим бор.

Шарқавий – Эшитаман...

Фикрат – Ҳалиги... майли... кейин биларман...

(*Шарқавий журнал кўришида давом этади. Бироз вақтдан сўнг яна Шарқавийнинг енгидан тортади.*)

Бир нарса сўрасам майлими?

Шарқавий – Қулоғим сизда, амирзода.

Фикрат – Мавлоно! (*Унинг қулогига секин*) Амирнинг ойлик маоши қанча?

Шарқавий – Маош сарой аъёнлари, аркони давлатга берилади. Амир ҳазратлари маош олмаганлар.

Фикрат – Ие, қизиқ экан-ку. Тирикчилик нима бўлади? Амирнинг маоши дуруст бўлса қишлоқда қолган онамга ёрдам қилсам, орзу қилган нарсаларимни олсам, дегандим.

Шарқавий – Амир бобонгизнинг шахсий ҳисобларида тўрт миллиард Жабалия динори бор. Бу сармоя энди сизнинг қонуний мулкингиз.

Фикрат – У қанча пул бўлади?



Шарқавий – Кўп. Жуда қўп пул бўлади.

Фикрат – “Жигули”га етадими?

Шарқавий – (*Кулиб*) Агар мамлакат аҳолисига, янги туғилган гўдакдан то кекса бобою момолар-гача биттадан автомобил совға қилса, бу пулнинг ярми етади.

Фикрат – (*Хайратдан хуштак чалиб*) Бобом шунча пулни қандай топган?

Шарқавий – Ҳазрат Зако дунёнинг энг бой инсонларидан бири бўлганлар. Юртдан қувгин бўлиб, қўп мамлакатларда мударрислик килганлар ва бизнинг Жазирага келганларида йикқан барча сармояларига битта нефт қудуғи харид қилган эканлар. Ақлу тадбирга бахту омад қўшилса шундай бўлар экан. Ҳазрат кирқ йилда ҳам юрт амири, ҳам нефт амири бўлдилар.

Фикрат – Нега гапни шундан бошламадингиз? Биринчи кўришганда айтмайсизми? Сенга бобонгдан шунча мерос қолган, демайсизми?

Шарқавий – Айтар эдим, лекин аён сабабга кўра юрtingизда буни сир тутдим. Очифини айтсам, мамлакатимизда бошланган жангу жадалнинг бош сабаби аслида эгасиз қолган шу мерос. Сиз – конуний соҳиб келгач, можаро битади.

Фикрат – Айтинг-чи, мавлоно, Жабалияда камбағаллар йўқми?

Шарқавий – Бор. Жуда қўп. Қашшоклар, гадолар тўлиб ётибди.

Фикрат – Бўлмаса, нега бобом уларга пул бермаган, бой килиб қўймаган?

Шарқавий – Бобонгиз кекса, ногирон, қаровсиз қолганларга, етим болаларга сахийлик билан ёрдам қилганлар. Лекин камбағални пул бериб бой қилиш мумкин эмас, дердилар. Айтардиларки, тутган балигингдан ночорга берсанг бир савоб, уни балиқ тутишга ўргатсанг – минг савоб.

Фикрат – (Хаёлан)

Бу қандай мўъжиза, сехрлик, сирлик,
Кўлимда бир йўла икки амирлик.

Хўкмим сарҳад билмас, бойлигим поён,
Менга мадад беринг энди, бобожон.

Ёзибсиз, йўқлик бор ерда сабр бор,
Лекин бойлик юкин кўтариш душвор.

Ёзибсиз, пок сўмдан нон иси келар,
Нопок миллиондан қон иси келар.

Ёшман, донишим кам, раҳнамо бўлинг,
Йўлим ёритгувчи нур-зиё бўлинг.

(Коронгилик чўқади.)

ОЛТИНЧИ МАНЗАРА

*Жабалия. Жамоат майдони. Халойик гавжум.
Одамлар қўлида Саид Музффар Зако ва Фикрат-
нинг сувратлари. Ҳинд, араб, лотин ёзувларида
турли тилларда “Тинчлик” сўзи ёзилган шиор-
лар. Халқ орасидан “Тинчлик” деган чорлов эши-
тилади. Барча бу сўзни нақорат қиласиди. Минбар-
га Шарқавий кўтарилади.*

Шарқавий – Халойик!

(Сукут чўқади.)

Халойик, бундан роппа-расо бир йил муқаддам
мамлакатимиз бошига оғир мусибат тушган, улуғ
устозимиз Амир Саид Музффар Закодан жудо
бўлган эдик. Мусибат мусибатларга уланди. Биро-
даркушлиқ кирғинида минглаб хешу ақраболардан
айрилдик.



Улуғ устоз хотирасини ёд этмок учун, йиллик маросимни ҳар қавм ўз урфига қўра ўтказмоғи учун муваққат сулҳи умум эълон қилиб, бу майдонга йиғилдик. Ҳазратнинг ўлмас сўзларини яна бир эсга олайлик.

Пок инсон бўл, дунёдан ўтсанг,
Барча қавмнинг кўз ёши оқсин.
Мусулмонлар зам-замга ювиб,
Хинду танинг ўтларга ёксин.

(Ииги, фарёд садолари)

Орзу килурмизки, ҳазрат руҳи мададкор бўлиб, муваққат сулҳ давомли сулҳга, иншоолоҳки, абадий сулҳга айланажак.

(“Тинчлик” нақорати)

Халойик! Бу маросимга олис Туркистондан улуғ ҳазратнинг зоти мубораклари бўлмиш набира зурриёд – валиаҳд амирзода ташриф буюрганлар.

(Аъёнлар қуршовида амирзодага хос чиройли кийинган Фикрат кириб келади. Элчи ҳам аъёнлар орасида.)

Жарчи – Улуғ амирзода Сайд Фикратхон ибн Сайд Озодхон, ибн Сайд Музффархон Зако зоти олийларига салламно!

Овозлар – Салламно!

Жарчи – Халойик! Валиаҳд амирзода макдамлари шарафига машварат бўлгай. Мардум барча ўз маросимларини адо килгайлар. Аҳли машварат, вакоили ақвом даврага марҳабо!

(Турфа хил, турфа ранг кийинган, оқ, сариқ, қора одамлар даврани кенг олиб, бирор чордона қурган, бирор чўккалаган, бирор ёнбошлигар ҳолатда жойлашадилар.)

Шарқавий – Муҳтарам амирзода! Улуғ бобонгиз ўрнатиб кетган ақоидга қўра амир машварат олдида ҳисобдор саналади. Яъни қавм вакиллари

амирга савол, таклиф, талаблар билан мурожаат этмоққа ҳақли ва амир жавоб бермоққа бурчлидир. Ижозатингиз билан машварат бошланур. Марҳамат!

Жарчи – Мусулмон қавми номидан Шайх Муҳаммад Сулҳий сўз айтадилар!

Шайх – Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим. Улуғ амирзодани Оллоҳ паноҳида асрасин. Юртимизга кўйган қадамлари ҳасанотлар келтириб, йўқотган оромимиз қайтсин. Омин.

Гарчи юрт аҳолисининг ярмидан кўпи мусулмон бўлса-да, муҳтарам амир бобонгиз бизни устун кўймаган, барча жамоатлар каторида кўрган эдилар. Ҳазрат вафотларидан кейин ўз ичимиздан чикқан бузғунчилар хукмронлик даъвосини қилиб, макруҳ дъяватлар билан ёшларни оёқка турғиздилар ва кирғинларга сабаб бўлдилар. Сиз, муҳтарам амирзода, бобонгиз тахтига ўтириб ул зотнинг маслагу тарикини бардавом қилурмисиз?

(*Фикрат бош иргаб “ҳа” ишорасини қиласди.*)

Шарқавий – (*Унинг қулогига таржима қилиб турган ҳолда*) Ундей эмас. Сиз “йўқ” дедингиз. Бош чайқаш керак.

Фикрат – Айтганча. (*Бошини сарак-сарак қиласди.*)

Шарқавий – (*Машваратга*) Амирзода кафолат бераман, дедилар.

(*Машварат орасида хайриҳоҳлик садолари – “ваҳ-ваҳ-ваҳ”*)

Жарчи – Насоро қавми номидан муҳтарам Микоил жаноби олийлари сўз айтадилар.

Микоил – Улуғ амирзодага Исои масих руҳлари мададкор бўлсин. Биз муҳтарам бобонгиз руҳларига дуо қилиб калисоларимизда шамлар ёқамиз, ҳамду сано қўшиқларини айтамиз. Ул буюк зот шундай деб эдилар: Мен амирман, лекин юртни машварат



идора қилади. Халқ вакилларининг иродаси мен учун муқаддасдир.

Агар валиаҳд амирзода тахтга ўтирсалар шу ань-анага содик қоладиларми?

Фикрат – (*Таржимани эшишиб*) Юртни бошқалар идора қилса, мен амир бўлиб нима қиламан? Йўқ, ўзим идора қиламан. (*Бош чайқатиб “йўқ” ишорасини қилади. Машварат буни “ҳа” деб тушунади ва яна “ваҳ-ваҳ-ваҳ” деб қувватлайди.*)

Шарқавий – (*Фикратга*) Бу сафар ишорани тўғри қилдингиз.

Жарчи – Ҳиндуда қавми номидан муҳтарам Рам сўз айтадилар!

Рам – Улуғ амирзодага барча илоҳларимиз маддкор бўлсинлар.

Кишининг ирқу дини фарқ эмасдир,

Одам бўлса, худоси бўлса басдир.

Муҳтарам бобонгиз айтган бу сўзлар биз ҳиндулар учун ҳам табаррукдир. Ул буюк зот фақат тинчлигимиз эмас, балки озодлигимиз ва мустақиллигимиз рамзи ва таянчи эдилар. Узоқ-яқиндаги курдатли давлатлар бизнинг бойликларимизга кўз тикиб, курраи заминнинг ҳарбий жиҳатдан энг муҳим минтақасида ўрин тутганимиз учун ҳам турли ҳийлаю найранг билан мамлакатимизни эгалламоқчи бўлдилар. Бобонгиз юритган доно сиёsat боис еримизни бегона аскар этиклиари тепмас, бегона зирхли машиналар ларза солмас. Муҳтарам амирзода, улуг бобонгиз йўлидан бориб, келажакда ҳам юртнинг мустақиллиги ва даҳлсизлигига кафолат берасизми?

Фикрат – (*Ўрнидан туриб дадил бош чайқатади.*)

Ҳа-ҳа, кафолат бераман. Мен амир бўлсан ҳеч бир зўравон бу юртга қадам қўёлмайди.

(Шарқавий таржима қилишига улгурмай “ваҳ-ваҳ-ваҳ” садоларига “улу-лу-лу” овозлари уланиб кетади.)

Мажусийлар сардори – (Ўрнидан туриб) Сен бизнинг амиримиз бўлдинг! Яшасин амир! (Кувватловчи садолар, улу-лу-лу овозлари)

Табата – (Фикратнинг пойига йиқилиб) Биз – сенинг қулларингмиз. Сенга юкинамиз, сенга сажда қиласиз.

(Фикрат нима қилишини билмай Шарқавийга қарайди, унинг ишораси билан Табатанинг бошини силайди. Табата улу-лу-лу овозлари остида жойига қайтади.)

Шарқавий – (Кўлини баланд кўтариб) Эй ахли машварат, қавм сардорлари, вилоят султонлари, аркони давлат, тингланг! Мен садрул машварат бурчини адо этиб, сизларнинг истак ва иродангиз билан муҳтарам амирзода Сайд Фикратхон ибн Сайд Озодхон ибн Сайд Музаффархон Зако ҳазратларини Жабалия амири деб эълон қиласман!

(Кувонч, қутлов, хайриҳоҳлик садолари. Фикратга тож кийдирилади ва уни таҳтга ўтқизилади.)

Жарчи – Шон-шарафлар бўлсин амиримизга!

Барча – Шон-шарафлар бўлсин амиримизга!

Элчи – (Фикратнинг ёнига келиб)

Табриклайман, хушнудликдан қўзим ёшланди,
Иншооллоҳ, юртимда тинч ҳаёт бошланди.

Рухсат этинг, вазифамга энди қайтайин,
Лекин аввал дилдаги бир гапни айтайин.

Элчи бўлсанг аҳил юртга бўлганинг яхши,
Йўқса элчи бўлмай туриб ўлганинг яхши.

Жарчи – Ҳаммамизга қутлуғ бўлсин тинчлик,
ҳаловат,

Улуғ амир шарафига бошланг зиёфат!

(Дастурхон тўшалиб таомлар тортилади, ўр-



тада турлι қавмларнинг турфа рақслари бошланади. Базм авжисида Табата тантана билан олтин табоқда таом кўтариб келади ва Фикратнинг олдига қўяди.)

Табата – Бу зафоди деб аталган муқаддас таом – Зираланган тоза асл чўл қурбақаси.

Фикрат – Йўқотинглар! (“Йўқ” ишораси билан бош чайқатади ва буни “ҳа” деб қабул қилган қабила бошлиги шод.)

Шарқавий – Ҳеч бўлмаса тотиб кўринг. Яна мажаро бошланиб кетмасин.

Фикрат – (Шарқавийга) Йўқотинг, деяпман. Ҳозир товоғини тепивораман.

(Ўрнидан туриб зарда билан чиқиб кетади.)

Шарқавий – Амиримиз миннатдорлар. Бу лаззатли таомни хос хонамга олиб киринг, дедилар. Тўйиб тановул килмоқчилар.

(Жарчига ишора қиласди.)

Жарчи – Кўп йўл босган амиримиз тилайди роҳат,

Бизга эса энди уч кун базму фароғат.

(Ўйин-кулги давом этади. Қоронгилик чўкади.)

ЕТТИНЧИ МАНЗАРА

Амирнинг хос хонаси. Тун. Фикрат ҳам ёзмоқда.

Фикратнинг овози –

Малоҳатим, сендан кўп узокдаман,

Уришсанг ҳам яна ҳат ёзмоқдаман.

Жазира аталган орол маконим,

Жазирама соғинч ўртайди жоним.

Бу – уммонлар аро жой тутган бир юрт,

Яратганинг ўзи унуган бир юрт.
 Дараҳтда нон битар, хар ён түяқуш,
 Кенгуру болажон экан бояқиши...
 Табиат бетакрор. Нақд жаннат эди,
 Бўлмаса намтоба кўланса ҳиди...
 Одамлари жоҳил, бир-бирига ёв,
 Яхшилик тиламас бировга биров.
 Менга аён бўлди бир ажиб ҳикмат,
 Бир хил бўлар экан феъл билан кисмат.

Шарқавий – (*Киради ва бир нафас Фикратга қараб тургач*) Узр, амирим, хаёлингизни буздим.

Фикрат – Келинг, мавлоно! Сиздан илтимосим, мени ўз номимни айтиб чақиринг. Бўлмаса исмим эсимдан чиқиб қолади... Рост айтсан, “амир” деган сўзга қулогим ўрганолмади. Ҳеч бўлмаса ёлғиз кўришганда Фикрат денг, Фикратжон денг. Ёшингиз ҳам, илмингиз ҳам улуғ...

Шарқавий – Асло. Тилим бормайди. Сиз давлат тимсоли бўлган зотсиз. Ўз мамлакатини эҳтиром қилган инсон мамлакат сардорини эҳтиром қиласди... Амирим, ҳузурингизга Тубуту қабиласи бошлиғи Табата Куку жаноб ташриф буюрганлар.

Фикрат – Шу ярим кечада-я? Иш вақти тамом бўлди, деб айтинг.

Шарқавий – Бизнинг мамлакатда иш вақти тунда бошланади. Кундузи одамлар қуёш тифидан қочиб тоғ ўнгирларида, чуқур ертўлаларда жон саклайдилар. Бозору расталар, идоралар туни билан ишлайди.

Фикрат – Нима иш билан келибди? Яна қўлида товоғи йўқми?

Шарқавий – Йўқ. Ўз қабиласининг ташаккури ва совғаларини олиб келган.

Фикрат – (*Ажабланиб, бироз чўчиб*) Қанақа совға?



Шарқавий – Тубуту қабиласининг касби – ғаввослиқ – денгиз тубидан марварид териш. Совғаси ҳам марварид бўлса керак, валлоҳи аълам.

Фикрат – Олмайман! Мутлақо! Бизда буни пора дейди. Пора олган отилади.

Шарқавий – Тубутулар буни сабара дейди. Сабара олмаган отилади. Панадан заҳарли камон ўки билан отиб ўлдирилади.

Фикрат – Унда на илож. Масжидга Инжил, Калисога Қуръон кўтариб кирилмайди. Ҳар ернинг ўз конуни бор. (*Четга*) Малоҳатим, сенга никоҳ, совғаси ўз оёғи билан юриб келмоқда.

(*Шарқавийга*)

Майли, таклиф қилинг.

(*Шарқавий чапак чалади. Тўртта қора қул катта сандиқни елкада кўтариб кирадилар ва уни Фикратнинг олдига қўядилар, сўнг орқа билан юриб чиқадилар. Табата кириб Фикратга қуллуқ қилгач, сандиқни очади.*)

Табата – Улуғ амирим! Бу жавоҳирлар менинг умрлик бойлигим. Улар сизники бўлсин. Мен қариб колдим. Тўримдан гўрим якин. Қабул қилинг, ўтинаман.

(*Фикрат Шарқавийга қарайди, Шарқавий бош чайқатиб кўрсатади. Фикрат унинг ҳаракатини тақрорлайди. Табата хурсанд бўлади.*)

Улгунча миннатдорман. Аслида бу дуру жавоҳир мендаги бир дурдона олдида ҳеч вақо эмас. Мен сизга ўша баҳосиз дурдонамни совға қилиб олиб келдим. Қабул қилинг.

(*Унинг ишораси билан икки аёл ўртасида гулдор чодирга ўранган улкан “келин” нозу карашмали қадамлар билан киради.*) Бу менинг қизим, ой деса ой, кун деса кун. (*Қизига*) Қани, париваш жамолингни оч, амирим сени кўрсинлар!

(*Қиз юзини очади. Ўта хунук, бадбашара нусха намоён бўлади. Фикрат бу қоп-қора барзангидан чўчиб тисарилади.*)

Шарқавий – (*Фикратга*) Ўзингизни тутинг, амирим, рад қилсангиз иш чатоқ бўлади. Икковимиз ҳам тирик қолмаймиз. (*Табатага*) Амиrimиз қизингиз жамолидан ҳушларини йўқотдилар.

Фикрат – Даф бўлсин. Жавоҳири ҳам, қизи ҳам керакмас! Ҳе, оннасини... олдига обориб қўйсин!

Шарқавий – (*Табатага*) Амиrim, бу офтобжамолни харамга олиб киринг, бугунги кечам шу гўзал ораз шуъласидан мунаvvар бўлсин, дедилар.

Табата – Куллук, амирим! (*Тиз чўкиб таъзим қиласди.*) Қизим ўлгунча хизматингизда бўлади. Кеча оқшом сиз суйиб тановвул қилган таомни ҳар куни пишириб беради. (*Унинг ишораси билан қизи ва аёллар чиқадилар.*) Шу дақикадан бошлаб энди биз қайнота-куёв бўлдик. Тўй кунини белгилаш ихтиёрингизда, амирим!

Фикрат – Қайнота бўлмай сен ўл, куёв бўлмай мен ўлай. Қандай қунларга колдим?

Шарқавий – (*Табатага*) Амиrim, тўйимиз шоҳона бўлади, деб айтдилар.

Табата – (*Осмонга қўл чўзиб*) Эй офтоб худоси, ўт худоси, сув худоси, ўрмону боткоқлар худоси – ҳаммангиз мададкор бўлиб мени ниятга етказинг. Олачипор, ширин-шакар невараларни эркалаб ўтирай!

(*Йиглаб ташқарига чиқади.*)

Фикрат – Ҳе, сендақа қайнотадан ўргилиб қўйдим. Лаънати, ваҳший, одамхўр. Жавоҳирингга ҳам, қизингга ҳам...

(*Жаҳл билан сандиқни тепади.*)

Мана сенга куёв, мана сенга тўй!

Шарқавий – Қизишманг, амирим. Бу ҳали



бошланиши. Юртимизда гўзаллар кўп. Сизни куёв қиласман деган ундан кўп. Ҳарамхонаси бўлмаган амир қанақа амир? Қирқта хотин, элликта қанизак хизматингизда бўлади.

Фикрат – Эй Худо, бундай балодан ўзинг асра, у “гўзал”ларнинг бетини тескари қил. Мавлоно! Мен Бухоро амири эмас, замона авлоди, университет талабасиман. Ўз юртимда севганим бор.

Шарқавий – Юртингиз узоқда қолди. Энди у ҳаётингиз битди, янги дунё, янги ҳаёт бошланди. Ҳар юртнинг ўз қонун-коидаси бор.

Фикрат – Мен маданият дунёси одамиман, сизларнинг вахший қоидангиз билан яшашга токатим йўк. Юртга амир бўлсан менинг айтганим бўлади. Бу ерда ё янги тартиб ўрнатаман ёки... ўзим бош бўлиб амирликни ағдараман. Ўзимни ўзим таҳтдан қулатиб маданиятли давлат қураман... (*Сукут*) Нега индамайсиз, Мавлоно? Гапим тўғрими?

Шарқавий – Амирларнинг гапи ҳамиша тўғри бўлади. Мен ҳам кўп юртларни кўриб ҳавас қилганман. Лекин улар билан биз бамисоли бошқа бошқа сайёralарда яшайдиган хилқатлармиз. Мен ҳам шу юрт фарзандиман, унинг ҳолига куяман. Бобонгиз халқ онгини ўзгартириш учун кўп меҳнат қилдилар. Лекин тўқсон фоиздан ортиғи саводсиз бўлган халқдан нима ҳам талаб қилиш мумкин?

(*Сукут*)

Фикрат – Мавлоно, мабодо Тубуту қабиласи одамхўр эмасми? Ҳар эҳтимолга қарши ҳарамхона эшигини тамбалатиб қўйинг. Келин мени еб қўймасин.

Шарқавий – Хўп бўлади, амиrim. Хайрли кеч.

(Чиқади. *Фикрат яна хат ёзишга ўтиради.*)

Фикратнинг овози – Малоҳатим, эртаю кеч ўйлайман сени,

Бу ердаги гўзаллардан рашк қилма мени.
 Мунтазирман майли, деган битта сўзингга,
 Юртга қайтсам уйланаман фақат ўзингга.
 Чашма кошида тиник сув
 Қадрини билмас киши,
 Сайр этиб гулшандга гулни
 Кўзига илмас киши.
 Воҳ, бу не ғафлатки инсон –
 Кўксига тутмиш ватан,
 Ким ватан ичра ватаннинг
 Шукрини қилмас киши.
 Юрт недир, юрт доғи недир,
 Юртдан айрилган билар,
 Англагувчи юрт фирокин
 Юртда топилмас киши.
 Эй, ватандошим, эшит
 Бобуру Фурқат ноласин,
 Бесабаб андуҳ тифида
 Бағрини тилмас киши,
 Мен ватан ҳажрини кўрдим,
 Сен унинг қадрига ет,
 Ким ватан қадрин ҳис этмас,
 Англа, комилмас киши.

(Эшик олдида оқ ридо кийган, салла ўраган соқолли одам пайдо бўлади ва атрофга олазарак қараб ташқарида турган мулозимларини қўл ишораси билан кеткизади.)

Нотаниш одам – Саломларимизни қабул қилинг, ҳурматли амир! Халал бермадимми?

Фикрат – *(Ҳайратда)* Кимсиз? Бу ерга қандай кирдингиз?

Нотаниш одам – Мен Шимол мамлакати мусулмонларининг элчисиман. Сизга муборакбод ёрлиғи билан келдим. *(Кўйнидан ёрлиқ чиқариб Фикратга узатади.)* Беизн, беижозат бостириб



кирганим учун узр, албатта. Лекин соқчиларингиз кечаги базми жамшиддан кейин тарракдек қотиб ухлашяпти. (*Сўз асносида оҳиста бошдан саллани ечиб курсига қўяди. Ясама соқолни кўчиради, ридони ечади. Ҳарбий кийим, погон ва лампаслар билан генерал намоён бўлади. У парвосиз сўзида давом этади.*) Рухсатсиз киришга мажбур бўлдим. Бу мамлакат шунака. Унинг бор қуролли кучлари элликта ялангоёқ, ярим ялангоч қора боладан иборат. Алмисоқдан қолган ўнта милтиғи бор. Ҳозир чикиб ғалати томошани кўрсангиз бўлади. Саккизта ҳабаш бола ёғоч ўйинчогини қучоқлаб ширин тушлар кўриб ётишибди.

Фикрат – (Ҳайратда) Сиз қа... қандай келдингиз?

Генерал – Топшириқ бўлди – келдим. Бизнинг қадамимиз етмаган ер дунёда йўқ. Бўлмаган ва бўлмайди. Ишга ўтайлик. Вақт зиқ. Қаламни олинг. Ёзинг. (*Фикрат ўзига келолмай қўлига қалам олади.*) “Биринчи рақамли буйруқ”. Бу сарлавҳа... “Мамлакат тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида буйруқ бераман: Бугун минг тўққиз юз саксон учинчи йил тўққизинчи майдан – дарвоҷе, бугун улуғ ғалабанинг ўттиз саккиз йиллиги куни, табриклайман. – Тўққизинчи майдан эътиборан Жабалияга Шимол мамлакати қўшинлари киритилсин. (*Фикрат ёзишдан тўхтайди*) Ҳарбий вертолётларнинг қўниши учун майдонлар ҳозирлансин.... (*Генерал Фикратга қарамай сўзида давом этади, унинг овози йўқолиб, Фикратнинг хаёлида кечаги машварат жонланади.*)

Рамнинг овози – “Узок-яқиндаги қудратли давлатлар бизнинг бойлигимизга кўз тикиб, курраи заминнинг ҳарбий жиҳатдан энг муҳим минтақасида ўрин тутганимиз учун ҳам турли ҳийлаю найранг

билан мамлакатимизни эгалламоқчи бўлдилар... Муҳтарам амирзода, улуғ бобонгиз йўлидан бориб келажакда ҳам юрт мустақиллиги ва дахлсизлигига кафолат берасизми?"

Генерал – Нега ёзмаяпсиз?

Фикрат (*қаламни ташлаб*) – Мен бундай буйруқни беролмайман.

Генерал – Сабаб?

Фикрат – Сабаб шуки, мамлакат, халқ тақдири билан боғлиқ масалаларни машварат ҳал қиласи.

Генерал – Машварат? У нима дегани?

Фикрат – Халқ вакиллари мажлиси.

Генерал – Халқ? Шу тубан маҳлуклар халқ бўлдию, уларнинг вакилларидан ақл чиқдими? Юртнинг амирисиз, ҳокими мутлақсиз. Ёзинг.

Фикрат – Ихтиёр ўзимда бўлса, икки карра йўқ. Сира ҳам ёзмайман.

Генерал – Тушунмадим. Сиз ўз юртингизга дўстмисиз, душманмисиз?

Фикрат – Дўст бўлганим учун ҳам бундай буйруқни ёзмайман. Менга юртнинг обрў-эътибори керак.

Генерал – Унинг қудрати-чи? Манфаати-чи? Ахир дунё халқларининг қисматини ўйлаш бизнинг тарихий бурчимиз. Мен буни юртнинг солдати сифатида айтаман.

Фикрат – Мен юртнинг онгли фукароси сифатида сиздан сўрайман: қайси дунё, қайси халқ сизга ўз қисматини ишониб топширди? Олам тақдирини ҳал қилинг, деб ким сўрадио ким сизга ваколат берди? Эртага бошқа бир қудратли давлат ер юзининг қисмати менинг кўлимда, деса сиз нима дер эдингиз?

Генерал – Ҳеч қачон бундай бўлмайди. Шунинг учун ҳам мен ҳозир бу ердаман. Иссиқ ўринни таш-



лаб, жонимни хатарга қўйиб юрибман. Сиз қудратли ватанингиз билан ифтихор қилмайсизми?

Фикрат – Менинг бир ҳамсухбат дўстим бор. У ҳамиша ёнимда. Мана у. (*Транзисторни олиб кўрсатади.*) Шу дўстим менга дунёнинг бир дунё гапларини айтади. Мен фуқаро бўлган мамлакатнинг халқаро саҳнадаги оти нима, биласизми? Ёвузлик салтанати! Мен зўравон мамлакат билан фахрланмайман.

Генерал – Ўйлаб гапиринг. Амирлигингиз ўткінчи, ўша мамлакатга қайтишингиз бор.

Фикрат – Қайтганда ҳам сўздан қайтиш йўқ. Бошқа гапингиз бўлмаса, сизга хайр, генерал.

Генерал – Ҳаддингиздан ошманг, мен бугун буйруқни олиб кетишим керак.

Фикрат – Буйруқ бўлмайди. Бобомнинг руҳи хурмати, мен бундай буйруқ ёзмайман.

Генерал – Сен мишиқи бола, ким билан ўйнашяпсан? Асли зотим – чекист. Сен – ёт унсурнинг зурриётини ўша синфий душман – бобонгнинг ёнига жўнатаман. Сенинг муҳториятчи бобонги Машриққача қувиб борган менинг отам бўлади. Бундан эллик йил аввал отамнинг панадан туриб отган ўқи бобонгга текканда сен бу ерда бўлмас эдинг.

Фикрат – (*Эшикни кўрсатиб*) Марш!

Генерал – Ҳали шунаками? (*Тўппончанинг гилофини еча бошлайди, лекин Фикрат эпчиллик қилиб курси тортмасидан тўппонча олиб унга тўғрилайди.*)

Фикрат – Қўлингни кўтар! Сен генерал бўлсанг, мен амирман! Дунёга дарча очишни сенинг пешонгдан бошлайман.

Генерал – (*Кўл кўтарган ҳолда*) Эй, мен хом калла! Сени олдин ҳарбийга чақириб, бурнингни

тошга ишқалаб, мулла килиб кейин бу юртга юборсам бўлмасмиди? Менга қара, бола, тўппончани бунақа ушламайди.

Фикрат – (*Тўппончани қийшиқ ушлаган ҳолда*)
Хозирги ковбойлар шунақа ушлайди.

Генерал – (*Кўлинни тушириб, соқолни тақади, ридо ва саллани кияди.*) Майли, ўзингдан кўр. Биз қўшин киритсак, сендан сўраб ўтирмаймиз. Интернационал бурчни адо қиласми. Сен бўлсанг давлат тўнтарилиши курбони бўласан. Бир рота аскарим сенинг ўз “илтимосинг”га кўра келиб ўзингни тинчитади. (*Бафуржса кийиниб, “соқол”ни тарайди.*) Саломат бўлсинлар, амирим. Дарвоке, анови ёрлиқнинг энди кераги йўқ. Тинч музокара билан иш битмади. (*Ёрлиқни йиртиши учун қўлига олади.*) Балки ҳали ҳам бўлса... келишармиз?

Фикрат – Йўқ.

Генерал – (*Ёрлиқни йиртади.*) Йўқ бўлса чора ҳам йўқ. Хайр. Қолган гапни қиёмат куни гаплашамиз. (*Чиқади. Фикрат столга ўтиради.*)

Фикратнинг овози – Қайдаман? Бу Жабалиями,

Ё тарихга етди кадамим?

Юз эллик йил муқаддам балки

Шундок эди менинг ватаним.

Қайсики эл жаҳолат ичра

Аҳилликдан маҳрум бўлибдир,

У зўравон бир мамлакатга

Ем бўлмоққа маҳкум бўлибдир.

(*Ташқаридағи шартани сезиб, эшик ёнига келади ва қулоқ солади. Жимлик. Яна ёзишини давом эттиради.*)

Сўз бўлса зўравон давлатнинг сўзи,

Жаҳон тақдирини ҳал қилса ўзи,

Замона зўрники бўлгани шудир.

Кора бўлсин ахли оламнинг юзи



Очиқ туриб буни кўрмаса кўзи,
Томоша кўрники бўлгани шудир.

(*Ташқаридаги “улу-лу-лу” деган ёввойи овозлар эшиштилади. Фикрат ўрнидан туриб деразани очади ва ташқарига қарайди. Шу пайт ярим ялангоч, белига похол боғлаган икки ёввойи одам кириб Фикратга ҳамла қиласади. Фикрат каратэ усули билан икковини икки ёққа отади. Лекин деразадан бир-бир ошиб тушиган ёввойилар уни ииқитиб қўл-оёгини боғлашади ва “улу-лу-лу” айтиб атрофида айланиб туришади. Эшикдан уларнинг кичик жуссали шериги бояги барзангি келин билан етаклашиб киришади, ишора билан ўртоқларини чақиришади ва гойиб бўлишади. Қўл-оёги боғлиқ ҳолда Фикрат ночор ҳаракатлар қиласади.)*

Фикрат – Ҳа, баттол генерал. Айтганини қилди. Зўрлар билан ўйнашма, деб бекорга айтишмайди. Ёз, деганда ёзавермайманми, Шимолнинг соясида ялло қилиб юравермайманми?!.

(Сукут)

Йўқ. Бундай қилолмас эдим. Халқ вакилларига сўз бердим. У дунёда бобомга қандай рўбару бўламан? Мен тўғри иш қилдим. Охиригача мард бўлишим керак.

Шарқавий – (*Ховлиқиб киради.*) Амирим, омонмисиз? Хайрият... Хайрият... (*Фикратнинг қўлларини ечади.*) юз хайрият, минг хайрият – фалокатингиз ариди. Бобою бобокалонларингиз рухи сизни қўллади.

Фикрат – Қизик экансиз-ку, мавлоно! Давлат тўнтарилиши бўлиб турибди-ю, хайрият, дейсиз-а!

Шарқавий – Ҳеч қандай давлат тўнтарилиши йўқ. Сизга совға қилинган қизнинг яхши кўрган йигити бор экан. Соқчиларнинг ухлаб қолганидан фойдаланиб, ўртоқлари билан келгану қизни олиб кочган.

Фикрат – Э, хайрият, э хайрият...

Шарқавий – Хайрият деб секин айтасизми? Ечиб бўлмас мушкулнинг ечимини Оллоҳим ўзи юборди. Гап шундаки, бугун сиз куёв бўлиб қизнинг ёнига кирмасангиз, Тубуту қабиласи уруғаймоғи билан сизга душман бўлар эди. Бу қабилада келинга қарамаслик унинг етти пуштига ҳақорат ҳисобланади.

Фикрат – Йўқолган пичоқнинг сопи олтин, дейдилар. Йўқолган келин энди хаёлимда чиройли кўриняпти.

Шарқавий – Худо асрасин. Чиройли кўринса яна бир бало эди. Унда қизни севган йигит бошингизни оларди. Икки ўт ўртасидан самандардек бутун чиқдингиз. Ҳамиша сизни худойим шундай кўлласину, рухлар мададкор бўлсин.

(Хўнграб йиглаган ҳолда *Табата* киради ва *Фикратнинг оёғига йиқилади*.)

Табата – Бир қошиқ қонимдан ўтинг, амирим! Бу қари, тентак Табатани кечиринг! Қизим менга, бутун Тубуту қабиласига иснод келтириди. Менинг бундай фарзандим йўқ.

Фикрат – Ҳе, тавбангдан ўргулдим. Ўзингга ҳам, қизингга ҳам... минг лаънат. Тур-чи қани, бир туёғингни шиқиллат!

Шарқавий – Амирим қаттиқ афсусдалар. У гўзалнинг висолига етолмадим деб изтироб чекмоқдалар.

Табата – Амирим истасалар яна еттига қизим бор. Барини келтириб берай.

Фикрат – Қизларини пишириб есин.

Шарқавий – Амирим, ул паривашга бир боқишда ошиқу шайдо бўлганман. Ҳеч ким биринчи муҳаббатим ўрнини босолмайди, деяптилар.

Табата – Эй мен шўр пешона! Эй нодон қизим-а!



Шундай келишган йигитдан кечиб, хонзодалигу миллиард-миллиард бойлиқдан юз ўгириб, бир камбағал пакана балиқчини танладингми? Бу дунёнинг тескари ишлари мени жинни қилиб кўяди.

(Шарқавий Табатани овутган бўлади, уни кузатиб эшикка томон юрганда ярим ялангоч танаси бўяб ташланган, бошига кийик шохини тақсан ваҳший Катора қабиласи сардори киради ва Табатага кўзи тушиб, унга ташланади. Табата қўрқиб Шарқавийнинг орқасига яширинади ва панада туриб ириллаган овоз чиқаради. Катора сардори қаттиқроқ ириллаб уни таъқиб қиласди. Шарқавий Табатани ҳимоялаб эшикка томон чекинади ва пайт топган Табата ўзини эшикка уради-да қочиб қолади. Шарқавий уни қувламоқчи бўлган Катора сардорининг йўлини тўсиб Фикратга мурожсаат қиласди. Катора сардори ҳушёр тортиб Фикратга таъзим қиласди ва Табатанинг орқасидан тиши кўрсатади.)

Шарқавий – Амирим, ҳузурингизга келган бу улуғ зот Катора қабиласи сардори Нгомо Си-си жаноби олийлари бўладилар. Катора ва Тубуту қабилалари орасида азалий душманлик бор. Низонинг сабаби шуки, тубутулар қурбака гўштини муқаддас санаб, одам гўштини ҳаром ҳисоблайдилар. Есалар ҳам яширинча, пана-панада ейдилар. Каторалар эса аксинча, одамни ошкора пақкос тушириб, қурбақани беркитиб тановул қиласдилар. Шу фарқ туфайли икки қабила бир-бирига ёв. Улар тўқнаш келган ерда албатта қон тўклилади.

Фикрат – Буни бизга “антагонизм”, қарамакарши ғоялар кураши деб ўргатишган.

Шарқавий – *(Катора сардорига)* Мен улуғ амиримизга сизни таништирдим, сиз бошқариб турган қабиланинг олижаноб фазилатларини айт-

дим. Амирим сизга ўз хурматларини билдирилар. (*Фикратга*) Бу қабила инсон бўлиб шаклланган бўлса ҳам ҳали сўзлаш қобилияти у қадар ривож топмаган. (*Катора сардорига, гапиринг, деган ишорани қиласди. Сардордан сўз шаклига кирмаган гайритабиий садолар чиқади ва дам-бадам Табата қочган эшикка қараб ириллаб қўяди. Шарқавий уни таржима қиласди.*) Нгомо жаноблари айтдиларки, ҳаромхўр Табатанинг шарманда қизи сизнинг табаррук ҳарамингиздан қочгани бизни ғазабга тўлдирди. Сизга ўз хурилиқоларимизни совға қилиб келтирдик.

Фикрат – Хурилиқоларини пишириб есин.

Шарқавий – Бу қабила одамни хомлигича ейди.

Фикрат – Шақоллар! Тўнғизлар! Ҳайданг бу исқиртни! Кўришга тоқатим йўқ. Бу ер амирнинг саройими, ёки ажойибхонами? Ҳайвонот боғининг ҳам панжараси бор ахир!

Шарқавий – Бобонгиз ҳам куйиб-ёниб ўтдилар. Қонун қонун эмас, урф-одат қонун экан. Не илож, чидайсиз. Марҳамат, тахтга ўтиринг, амирим.

(*Фикрат гап айтмоқчи бўлганда Нгомонинг ириллашини эшишиб чўчийди ва дарҳол бориб таҳтга ўтиради. Шарқавий ишораси билан Нгомо оғзида сурнай чалади. Тасқара “келин”лар бир-бир кириб турқидан ҳам хунук қилиқлар билан таҳт атрофидаги айланадилар: Неандартал аёлдан тортиб тош, бронза асрининг хотинларигача ним қоронгидага ярим ялангоч рақс қиласдилар. Қоронгилик қуюқлашгани сари “стриптиз” ҳам қизиб, охири тўла қоронгилик чўқади. Саҳна ёришганда Фикрат ёлғиз.*)

Фикрат овози – Инсон бугун қандоқ, неларга кодир,

Қандоқ эди миллион йиллар муқаддам,

Жабалия ичра замонлар жодир,

Одамзод тарихи бўлмиш мужассам.



(Шарқавий киради.)

Шарқавий – Иккита янгилик бор, амирим.

Фикрат – Яхши хабардан бошланг, мавлоно.

Шарқавий – Иккиси ҳам хушхабар эмас. Бири шуки, Шимол мамлакатининг раҳбари оламдан ўтди. Ҳозиргина Жазира радиоси хабар берди.

Фикрат – Мамлакатнинг боши ўлик кўмишдан чиқмай қолди. Тузумнинг ўзи тезроқ гўрга кирса яхши эди.

Шарқавий – Яна бир нохуш хабар шуки, Жанубдаги чангалзорда яшовчи зулужулар Шимол мамлакатининг хеликоптерига ҳужум қилганлар. Тўрт аскар ва бир генералнинг кийимлари, суюклари чангалзордан топилди.

(Сукут)

Текширув хулосасида айбни бўриларга тўнкаб кўя қолайлик. Нима дейсиз, амирим?

Фикрат – Гап кўпаймасин. Ёпиғлиқ қозон ёпиғлиқ қолсин, демоқчисиз-да?

Шарқавий – Шундай.

Фикрат – Шимолдаги қудратли мамлакат даъвогар бўлиб тинчимизни бузмасин...

Шарқавий – Айнан...

Фикрат – Дунёда одамхўр деб ном чиқармайлик, демоқчисиз.

Шарқавий – Балли, амирим. Зийраксиз, доносиз.

Фикрат – Йўқ, мавлоно, ундей бўлмайди. Ҳодисани аниқ, очик-ойдин текшириб дунёга хабар қиласиз. Одамхўрларни топиб қонунда ёзилган энг даҳшатли жазони берасиз. Ёпиғлиқ қозон ёпиғлиқ қолмайди. Бу воқеа зўравонларга сабоқ, ҳийлагар айғоқчиларга дарс, ўзимизга мактаб бўлсин. Ухлаб қолган соқчиларнинг юмшоқ ерига тиканли дарра билан савалашни буюринг.

Шарқавий – Хўп бўлади, амирим.

(Чиқади)

Фикрат – (Бир муддат ўйга чўмгач)

Дунёнинг ажабтовур ишларини кўринг. Ҳозиргина савлат тўкиб, оламга дағдаға солиб турган инсон энди йўқ... Заминнинг хўжасиман деган бу юксак увон соҳиби заминнинг энг тубан ваҳший қабиласига ем бўлса-я!

Генерал каттол тузумнинг садоқатли аскари эди ва ўз маслаги учун қурбон бўлди. Бобом ҷоҳга солган Абу Баттолдан унинг фарқи нима эди? У мутаассиб эмасмиди? Олий ирқ даъвоси, бошқалардан устунлик ғояси ҳеч бир инсон ва ҳеч бир ҳалқка яхшилик келтиргмаган, ҳамиша хор қилган, ҳароб килган экан... Алвидо, генерал!

Гарчи инсон – коинот нақши,
Гарчи унга қалб, дониш ёрдир,
Бир-бирини гажиган ваҳший
Махлукотдан не фарқи бордир?

Эй одамзод, эй олий башар,
Дилинг равшан ҳақ анворидан.
Қачон бўлгай чиқмоқ мұяссар
Сенга ваҳшат чангалзоридан?..

(Коронгилик чўкади.)

САККИЗИНЧИ МАНЗАРА

Майдон. Ногораю там-тамлар машваратга чорлайди. Майдонга қавм сардорлари, вилоят сultonлари, аркони давлат йигилади. Гала-говур.

Фикрат – Эй ахли машварат, қулок беринглар!

(Жимлик чўкади.)



Мана, бир ойдирки, мамлакатда тинчлик хукм сурмоқда. Эл ўз тирикчилиги билан банд. Энди юрт қаддини күтаришга, дунёга йўллар очиб ободлик, фаровонлик учун ғайрат килишга навбат келди. Энди бизга Шимол мамлакатидан таҳдид йўқ. У юрга янги, адолатпарвар, тинчликсевар инсонлар раҳбарликка келдилар. Улар бизга дўстлик қўлини узатмоқдалар. Энди Жазираға очиладиган йўлдан аскарлар, зирхли машиналар эмас, саноий ускуналар, маданият ва маърифат куроллари, мадад ашёлари етиб келажакдир.

Фарб томонда тор дара йўлини кенгайтириб жаҳон уммонига дарбоза очамиз. Марказда тоғ дарёсига тўғон куриб, улкан сув ҳавзаси бунёд этамиз. Бу ҳавза саҳроларни боғу бўстон, хонадонларни чароғон қиласадир.

Шимолдаги ишларимизга у томонда макон тутган ҳинду қавмлари сардори Рам мутасадди бўлгай. Фарbdаги ишларга насронийлар сардори Микоил мутасадди бўлгай.

Марказдаги ишлар мавлоно Шарқавийга топширилади. Уч йўналиш уйғунлиги ҳам ул зот зиммасида бўлсин. Сўзим тамом. Машварат нима дейди?

Рам – (*Ўртага чиқиб*) Мақсадингиз буюк ва олижаноб. Тўрт тарафи тоғлар билан ўралган юртимизда ҳеч қачон дунёга йўл очилмаган. Бу оламшумул режа албатта жуда улкан куч-кудрат, сармоя ва ускуналар талаб қиласади. Бизда эса буларнинг ҳеч бири йўқдир. Иложу имконни қайдан топамиз, амрим?

Фикрат – Иложу имкон топилади. Улуғ амир бобом Саид Музaffer Законинг ёзиб қолдирган мактубларида бу режа баён қилинган ва сармоя белгиланган. Шимолдан ва ғарбдан ускуналар етиб келажакдир. Биз улар билан тенглик ва тенг манфа-

атдорлик тамойилига кўра муносабат қиласакмиз. Сизлар иш тадоригини кўринг. Буёғини Мавлоно Шарқавий билан бизга қўйиб беринг.

Микоил – Денгизга йўл очишнинг ўзи бўлмайди. Бизда на мухандис, на бир тошкесар бор. Нима қиласамиз?

Фикрат – Хавотир бўлманг. Мағрибия юртидан озиқ-овқат, анжомлар ортилган кема аллақачон йўлга чикқан. Бугун эрта етиб келади. Юздан ортиқ мутахассис бор. Ҳатто ошпазгача бўлади. Одамларингиз ишлик, маошлиқ, уй-жойлик бўлади. Машварат тамом.

(*Коронгилик чўқади.*)

ТЎҚҚИЗИНЧИ МАНЗАРА

Тун. Шам ёргуда Фикрат мактуб ёзмоқда.

Фикратнинг овози –

Мен амирман, дунёда кам мендек бадавлат,
Лекин менга нимадир бу давлату савлат?
Юрагимда ёлғиз сен бор, танҳо соғинч бор,
Дафтар-дафтар хат ёзишдек битта овунч бор.
Шўрлик онам... она ҳоли не кечар менсиз.
Ох, у менсиз ўртанади, мен эса сенсиз.
Орзум битта, юртга қайтсан, ишлаб, уй қурсам,
Велосипед олиб сени миндириб юрсан...
Кеча ажиб бир туш кўрдим...

(*Сайд Музаффар Зако сиймоси пайдо бўлади.*)

Сизмисиз, бобо?

Сизни бир бор гўдак хаёл тумани аро
Кўрган эдим. Туморингиз бўйнимда ҳамон.
Сайд Музаффар – Мен бобонгман, болам, сенга
ёр бўлсин худо.



Амалларинг хайрлидир, кўриб турибман,
Ёнингдаман, гайбдан сени қўллаб юрибман.
Ер юзига чин ҳадисни илк бор таркатган
Ал-Бухорий бобонг руҳи сени қўлласин.
Маърифатнинг уммонида кенг қулоч отган
Ал-Хоразмий бобонг руҳи сени қўлласин.
Нил устига Миқёс қуриб шуҳрат таратган
Ал-Фарғоний бобонг руҳи сени қўлласин.
Арабларга араб тилин ёзиб ўргатган
Замаҳшарий бобонг руҳи сени қўлласин.
Самарқандда Гўри Мирда дуода ётган
Соҳибқирон бобонг руҳи сени қўлласин.
Насли уч юз йил Ҳиндистон таҳтин тебратган
Мирзо Бобур бобонг руҳи сени қўлласин.
Сен шу зотлар авлодисан, болажон, билгин,
Не иш қилсанг аждодингта муносиб қилгин.
Фикрат – Узр, бобо, аслим билмас нодон экан-
ман,
Элга доим, менинг бобом – батрак, деганман.
Наслимиз ким?
Сайд Музаффар – Бизлар асли Шахрисабздан,
Ҳиндистонлик Мирзо Ғолиб аслида биздан.
Бухорода Мир Арабда таҳсил олганман,
Мадрасада сўнг мударрис бўлиб қолганман.
Авлодимиз Баҳовуддин зотига туташ,
Зарур бўлди насабимни батрак деб аташ.
Мухторият ҳаракати бўлгач тору мор,
Сафдошларим бари бўлди қирғинга дучор.
Навбат менга етганини англағаним он
Оиласми олиб кетдим Самарқанд томон.
(Қўлида ёш боласи билан Сайд Музаффарнинг
хотини пайдо бўлади. Сайд Музаффар унга муро-
жсаат этади.)
Энди ҳижрон вақти етди, бу масканда қол,

Бир кунингга яратарсан, мана буни ол.
(*Халтacha беради.*)

Элга айтки, сенинг эринг Хайдарқул батрак,
Чўпон бўлиб тоқقا кетган бедому дарак.
Бу – фарзандинг келажаги учун керакдир,
Унутмаки эринг етти пушти батракдир.

(*Аёл қўздан йўқолиб Саид Музaffer яна Фикрата мурожсаат қиласди.*)

Жонни асраш бўлган эмас асло матлабим,
Ўйлаб эдим уруғ-аймоқ, наслу насабим.
Мен ватандан кетганим йўқ, кетдим тузумдан,
Лекин тузум айғоқчиси тушди изимдан.
Бўлганимда Истанбулда мударрис, имом,
Жазирада шайхурраис ва шайхулислом
Соя каби қувди, қатлим муқаррар бўлди,
Саид Ашраф исмим Саид Музaffer бўлди.
Яшириду Жабалия тоғлари мени,
Тарк этмади ватан ҳажри доғлари мени.
Умид қилдим, истиқлолга етарманми деб,
У дунёга шукр ила тинч кетарманми деб.
Бундай кунга мен етмадим, сен ет, болажон,
Озодликнинг боғларини сайр эт, болажон.
Мен тилаган ўша боғнинг ғунча гули бўл,
Ўзга юртда шоҳ бўлгунча юрting қули бўл.
(Сукут)

Шарқдан қуёш чиқар, олам нурга бўлар ғарқ,
Оlamга кўз очиб қара, уйғонмоқда Шарқ!
Бу уйғониш замирида бир ҳикмат нихон:
Тамаддуналар камолида нурланар жаҳон.

Саҳна ичида саҳна. Тўғон ва йўл қурилишида одамлар гайрат билан ишламоқдалар. Узоқда гўзал водий манзараси.

Т а м о м

Дил түрбига түккән лаҳзалаар

Шүүркүм, долгалий үйрүләрдан бориб,
Түү одод күнләргө етдик альяа ион.
Тиз шундай яшадик:
Эликда қарид,
Етмийшга етганаңа бүрдик наңқирон.



МЕН АЙТИБ ТУРАЙ, СЕН ЁЗ!

1960 йили мен эндиғина университетни битириб, ёшлар нашриётида иш бошлаган эдим. Торгина хонада түрт киши ўтирадик: уч муҳаррир ва мен – кичик муҳаррир.

Бир куни хонамизга орден таққан кекса бир одам кириб келди ва салом-алиқдан сўнг:

– Менга шоир керак, ичингизда ким шоир? – деб сўради. Нашриётнинг энг катта шоири Кудрат Ҳикмат эди. Лекин у кишининг чоллар билан суҳбат қуришга тоби йўқ эди шекилли, меҳмонга пойгакда ўтирган мени кўрсатиб, ана шоир, деди ва ўзи ўтирган стулни қарияга бўшатиб ташқарига чиқди. Қолганлар ҳам бирин-сирин чекиши баҳонасида хонани тарқ этдилар. Қария стулга бафуржা чўкиб, муддаони баён килди:

– Гап бундай, ўғлим. Ёшим етмишдан ошди, икки урушни кўрдим, колхоз қурилишида қатнашдим, Фарғона каналида ишладим. Кўрган-кечирганларим ўзим билан кетмасин, мен айтиб турай, сен ёз. Айтаверсан катта рўмон бўлади.

Ёши улуғ, муҳтарам меҳмонга қандай баҳона килишни билмай турган эдим, “рўмон” сўзи жонимга оро кирди.

– Мен рўмон ёзмайман, – дедим афсус оҳангидага фақат шеър ёзаман.

– Барибир эмасми, – дея эътиroz билдириди меҳмон – биз китоб ёзадиганларнинг ҳаммасини “шоир” деймиз.

Хуллас, ўша куни муҳтарам қарияни хурсанд килолмадим. Минг узр ва баҳоналар айтиб кузат-



дим. Чолнинг ғамгин чехраси кўз ўнгимдан кетмайди. Мана бугун замонлар ўтиб ўзим ўша қариянинг эҳтиёжини сезиб турибман. Бирор қаламкашга, мен айтиб турай, сен ёз, дегим келади-ю, аммо мен қалдан кечирган туйғуларни ким ўзимдек баён килолади?

Инсон умрида кўрган-кечирганларини ёзиб чиқса яна битта умр керак бўлади. Ўйласам, ўтган фурсат сув билан оқиб кетган қум экан. Ботмонлаб қумдан мисқоллаб олтин олингандек, ҳаётинг мазмуни бўлган, сени инсон қилиб шакллантирган, дил тубига чўккан олтин лахзалар бўлар экан. Бундок олтинларни фарзандларга мерос қилиб қолдирса арзиди. Шу ният билан қўлга қалам олдим.

БУ ДУНЁГА САВОЛИМ КЎПДИР

Болалигимда савол беравериб ҳамманинг жонига тегар эканман. Гўдак онгимда туман аралаш ўрнашиб қолган бир воқеа гоҳ тушимда, гоҳ ўнгимда тикланиб туради.

Амаким тажанг, баджахл одам эди. Бир куни у кўчадан қофозга ўралган бир нарса кўтариб кирди. Мен югуриб бориб сўрадим:

– Опокдада, қўлингиздаги нима?

– Гўшт олиб келдим, болам, – деди аввал мулоимлик билан.

– Қаердан олдингиз?

– Бозордан.

– Кимдан?

– Тожи қассобдан.

– Неча кило?

– Бир кило.

– Неча пулга олдингиз?

Яна уч-тўрт саволдан кейин амакимнинг авзои

бузилди. Юзи оқариб, лаби титрашга тушиди. Охири чидолмай кўлидаги гўштни деворга улоктирди:

– Кутулдимми?!

Бу воқеа кирқ биринчи йилнинг июлида бўлган экан. Мен катта бола бўлиб мактабга борганимда ҳам қариндош-уругларимиз уни латифа қилиб айтишар, ҳар гал ҳикояни “уруш бошланганига ҳали бир ой бўлмаган эди”, деб бошлишарди.

Юрт бошига, оила бошига келган кулфат шундоқ ҳам жаҳлдор амакимни бадтар асабий ва серзарда қилиб кўйгани шубҳасиз. Лекин мен – энди тўрт ярим ёшга кирган болакайнинг дунё билан иши йўклиги ҳам табиий ҳол эди.

Гўдаклик ўтди, саволлар битмади. Савол бериб ҳеч вақт барака топмадим. Тушунган одамлар ундов белгиси каби тик, саволи қўплар – савол белгисидек эгик бўларкан.

Амаким саволдан кутулди. Ўзим ҳали-ҳамон кутулганим йўқ. Энди билсан ёзганларим бари бу дунёга берган саволларим экан.

ПАРТКОМНИНГ ЎҒЛИ

Кирқ биринчи йил қишида отамни Марғилонга МТС – колхозлараро машина-техника станцияси парткомига котиб қилиб юборишиди. Қор аралаш ёмғир ёғиб турганда занжир ғилдиракли тракторга уланган тиркаманинг очик саҳнига юкларимизни ортиб Олтиариқдан Марғилонга кўчганимиз эсимда. Онам, мен ва чақалоқ укам Элбурс трактор кабинасида, отам, амаким, яна бир-икки ёрдамчилар юк олдига чиқишиди. Йўлда тиркама ғилдираги арикка тушиб, юкларимиз ағдарилганини кўрганман. Ягона мебелимиз ҳисобланган шкаф – уни ўзбекча қилиб “ғаладон” дейишарди – лойга қорилгани кўз олдимда. “Ғала-



дон”ни эслаб колганим сабаби шуки, мактаб ўқитувчиларій бўлган отам, онам икковлари олган ойлик маошларини унинг тортмасида сақлар эдилар. Ким бозорга борадиган бўлса унга кўпинча, – пул ғаладоннинг тортмасида, деган сўз айтилар эди. Тортма қулфланмас, шогирдлар, жиянлар керакли пулни олиб бозор килишар экан. Ўша – кишлоқча соддалик, тўғрилик, кенглик, ишонч муҳити мен эсимни таниб кўрган, билган, умрим бўйи юракда ҳавас билан асраган эзгу хотирадир.

Астайдил ният қилган эканман, йиллар ўтиб ўзим оила курганимда хонадонимизда шундай муҳит қарор топди. Бунга мингдан-минг шукрлар қиласман.

Хуллас, қирқ биринчи йил охирларида, қишининг қор аралаш ёмғири остида биз Олтиариқдан Марғилонга кўчдик. Ўша лойли йўл, тунд об-ҳаво, куппа-кундузги ярим қоронғилик руҳиятимда оғир таассурот қолдирган.

Айниқса, отамнинг шалаббо бўлган пальтоси, лой теккан юзи кўз олдимдан кетмайди. Урушдан оғир ярадор ва хаста бўлиб қайтган отам қирқ олтинчи йилда айнан ўпка шамоллаши касали билан оламдан ўтди.

Ҳамма буни урушдан кўрса ҳам, мен ўз гўдак хаёлимда ўрнашиб қолган ўша кўчиш воқеасидан кўраман. Отам ўшанда ўпкасини совуққа олдирган деб ўйлайман. Ўйлайману ўз-ўзимга савол бераман. Шундай об-ҳавода усти очиқ аравада кўчиш шартмиди? Соддаликмиди, ватанипарварликмиди, ё партиявий топширикни бажариш заруратимиди бу? Яъни халқ бошидаги азалий қулчиликнинг белгисимиди?

Марғилон. Кенг дала баҳор чечаклари билан қопланган. Янги кўчиб келган ишчилар учун

курилган қатор ёғоч уйлардан МТС биноси қўриниб турарди.

Бир кун болалар билан ялангоёқ ўйнаб юриб у бинога бориб қолдик. Бир тўп одамлар орасида гаплашиб турган дадамни кўриб севинчим ичимга сиғмай қичқирганча унинг олдига югуриб бордим. Дадам эса мен томонга ўгирилиб, зарда билан: “Почему бояжом?” – деди. Ўша кунгача уйда ҳам, кўчада ҳам бир оғиз русча сўз қулоғимга кирмаган эди.

Табиийки, тушунмадим. Кўркиб уйга қоғдим. Ўша аччиқ зардали сўз қулоғимга энг ёмон сўкишдек ўрнашиб колди. Кўшни рус болалар билан уришиб қолсам уларнинг “мат-мат”ларига жавобан мен ҳам “Почему бояжом!” деб юрганман.

Ўшандаги мен болакай парткомнинг ўғли ялангоёқ юрмаслиги, маданий оила фарзанди сифатида русча гаплашиши кераклигини қаёқдан билай?

“Почему бояжом”нинг маъносини тушунгунимча йиллар ўтди. Лекин ўша кунги ҳолатнинг моҳиятини англаш учун умр керак бўлди.

ОДОБЛИ НОДОН

Ўн ёшга кириб кап-кatta бола бўлганимда ҳам кўпракнинг ит эканини билмас эканман. Ваҳоланки, кишлоқда ўсанман. Ит боқсанмиз. Тошкентда тоғам хонадонида яшаб турганимга икки йилгина бўлган.

Тоғамнинг паст бўйли, сарғиш юзли, билакларини ҳам сариқ тук босган ўртоғи бўларди. Уйимиздаги бирор йифин у одамсиз ўтмас, вазмин, камгап киши эди. Уни ҳамма олдида “мулла ака”, деб чақиришса ҳам ортидан “кўпрак қори” деб аташарди.



Мен содда болакай бу номнинг лақаб эканини билмай, мұлла аканинг асл исми деб үйлар эканман.

Бир куни окшомда у киши тогамни йўқлаб келди. Мен эшикни очиб, одоб билан салом бердим. Тоғамнинг меҳмонга кетганини айтдим ва тавозе кўрсатиб, “уйга киринг, бир пиёла чой ичиб туинг, тоғам келиб қоладилар”, дедим. Эндиғина учинчи синфда ўқийдиган боладан бунақа мулозаматни кутмаган Мулла ака, “баракалло”, деб бошимни силади, кўл очиб дуо қилди. Сўнг, тоғангизга мендан салом дeng, келганимни айтиб қўйинг, деб хайрлашди. Мен ҳам юксак одоб намунасини кўрсатиб, кирсангиз, ўтирангиз бўларди, дея қўлимни кўксимга қўйиб хайрлашдим. Мулла ака кўча томонга иккича қадам қўйиб яна оркасига ўгирилди: “Дарвоҷе, мени танидингиз-а?” – деган савол билан юзимга каради. Кошки эди у киши хайрлашгач индамай кетаверса, тўхтаб, оркага ўгирилиб бу саволни менга бермаган бўлса. Кошки эди мен ҳам “танидим” деб қўяқолган бўлсам. Билағонлигимни кўрсатмасам. Мен оқсоқолга ҳурматимни астойдил кўрсатиб, у кишининг “азиз” номларини алоҳида эҳтиром билан айтдим: “Сизни яхши танийман. Кўппак қори ака бўласиз”.

Мулла аканинг юзидағи халиги юмшоқлик, меҳрли табассум тамом бўлди. Кўзлари пирпираб, лаблари титрай бошлади. Ҳассасини найза қилиб мен томонга юрди. Ура қочиб ҳовлига кирдиму эшикни занжирладим. Мени уришга улгуролмай қолган мулла ака ҳассани эшикка уриб, мени энг “сара” иборалар билан сийлай кетди. Энг “олижаноб” ниятлар билан дуойи бад қилди. Хуллас, мулла ака бир зумда кўппак қорига айланди-қўйди.

Узоқ йиллар ўтиб бу воқеани эслар эканман, ўйласам мулла аканинг дуолари ҳам, кўппак

қорининг қарғишилари ижобат бўлиди. Кори ака бошида мени, “умрингдан барака топ”, деб дуо қилган эди. Баракали умр, баҳт-саодат, солиҳ фарзандлар кўрдим. Оллоҳга шукр қиласман.

Кейин эса ғазабга мингани қори мени, ниятингга етма, деб қарғаган эди. Ҳамма ўғил болалар каби мен ҳам учувчи бўламан, дердим. Мухандисликни ҳавас қилган эдим. Бу ниятларга етмадим. Лекин пешонамга ёзилган ўз қисматимдан ўкинмайман.

Кори яна, умрингда ҳаловат кўрма, бoshing ғамдан чикмасин, деб қарғаган эди. Умрим ҳаловатсиз кечди. На уйқуда, на уйғоқликда ҳаловат кўрдим. Ижодий меҳнатнинг табиати шундай экан, мен уни баҳт деб қабул килдим. Бошимга қўп ғамлар ҳам тушди... Оллоҳга шукрлар бўлсинки, ғамларимнинг кўпроғи эзгулик ташвишлари бўлди. Китоб ёзиш ва нашр қилиш ғами, иморат қуриш ғами, янги журнални оёққа турғизиш ғами... То тирик эканман мени бу хил ғамлар тарқ этмасин, деб ният қиласман.

Жойингиз жаннатда бўлсин, мулла ака! Мен одобли нодонни кечиринг. Ўша куни менда гуноҳ йўқ эди. Балки шунинг учун қарғишиларингиз ҳам дуойи хайр бўлди. Қабрингиз нурга тўлсин.

БОЛАЛИГИМ БОҒЛАРИ

Тахтапулдан чиқиб кунчиқар томонга бирор чақирим юрмасдан кенг дала ва боғлар бошлинарди. Биз ёз бўйи билқиллаган иссиқ тупроқни ялангоёқ босиб, олмазор, узумзорларда ўйнар, полизлардан ҳандалак, қовун-тарвуз узиб, ёриб ердик, ариқларда чўмиладик.

Тошкент ахлининг кўпчилиги ёзда дала ҳовлисига кўчиб кетар, кеч кузгача меҳнат қилиб, қишлиқни гамлаб қайтарди.



Ҳозирги кичик халқа йўл билан Уста Ширин кўчаси оралиғида қариндошларимизнинг боғлари, полизлари бўлар, баҳорги қулупнай мавсумидан то кузги ҳазончинаккача, ҳам ҳашар, ҳам ошар деган-ларидек, у ерлардан қадамимиз узилмасди. Ёнгок қоқиш ва териш борми, тутга чиқиб шоҳ силкитишу тут тагида чодир тутиб туриш борми, ҳаммаси бизнинг бўйнимизда, ўйнаб-яйраб бажарап эдик.

Кекса тут шохлари бизга ҳам топ-аттракцион, ҳам люкс ресторон эди.

Ўша болалик кунларимни эсласам димофимга жийда гулининг ҳиди келади. Дала ҳовлининг эшиги ёнида ўсган бир туп жийдадан атрофга ширин бўй таралар, унинг тагидан нари кетгим келмасди.

ИШҚИБОЗЛИК БАЛОСИ ЁКИ МУКОФОТГА АЙЛАНГАН ЖАЗО

1956 йилнинг ноябри эди. Жаҳон Олимпия ўйинларида иштирок этиш учун Австралияга кетаётган мамлакат футбол терма жамоаси Тошкентда бир неча кун тўхтаб, машқ учрашувларини ўтказадиган бўлди. Ўша замонда бу жамоа жаҳон футболининг олдинги категорида саналар, таркибида номи оламга кетган Лев Яшин, Эдуард Стрельцов каби улуғ спорт усталари бор эди. Уларнинг юртимизга келиши ўзбекистонлик футбол ишқибозлари учун байрам бўлган. Лекин ишқибозларнинг энг ашаддийлари бўлган биз талабалар бу байрамдан бенасиб эдик. Ноябрь ойи пахта теримининг энг қизғин палласи, бизлар ялпи сафарбар этилганмиз ва бирор талабанинг бирор соатга ҳам даладан кетиши мумкин эмас. Терим – фронт, уни ташлаб кетиши жанг майдонидан қочиш, ватанга хиёнат қилиш билан тенг саналган.

Иттифоқ терма жамоаси билан Ўзбекистон терма жамоаси ўргасидаги учрашув куни яқинлашгани сари оромимиз кетиб борар, вужудимиз Жиззах далалида бўлса ҳам жонимиз Тошкентда – “Пахта-кор” стадионида эди.

Ўйин бошланадиган кун ашаддий ишқибоз курсдошим Раҳматулла Иноғомов билан гапни бир жойга қўйиб, коронги сахарда турдик ва қуёш ёйилгунга қадар иккитадан қопни тўлдириб пахта тердик. Кундалик мажбуриятни ортиги билан тайёрлаб, ишончли дўстларга топширдик. Улар пахтани бизнинг номимизга ёздириб қўядиган бўлишди. Шу тарзда йўқлигимизни бирор билмайдиган қилиб, тушга яқин икковлон Тошкентга қараб сурдик.

Ишни пухта қилганимиздан бошимиз осмонда. Стадионга икки соат аввал келиб, энг яхши жойни танлаб ўтирдик. Ўзимизга ўхшаш чарм тўп девоналари билан баҳслашиб, турли башоратлар қилиб, ўйналажак футбол спектаклининг завқини олдиндан суриб ўтирдик.

Ўша куни бизлар олий маҳорат мактабини, спортнинг юксак санъат даражасига қўтарилиганини кўрдик. Гарчи республикамиз жамоаси йирик ҳисобда ютқизган бўлса ҳам биз хафа бўлмадик, улуғ футболчиларнинг гўзал ўйинидан завқшавқقا тўлиб қайтдик.

Қайтдигу факультет штабига келганда завқшавқдан асар ҳам қолмади. Эълонлар тахтасида факультет деканининг буйруғи осиғлиқ туради: Ўрнатилган интизомни қўпол равишда бузганлари учун қуидаги талабалар университетдан ҳайдалсин, деган даҳшатли сўзлар тагида икки нуқтадан кейин биз икки азаматнинг фамилияларимиз кўр тўкиб туради.

Хозиргина яйраб-яшнаб шаҳдам одимлар отиб



келаётган баҳтиёр ишқибозларнинг ўша ондаги аҳволини тасаввур этиб кўринг. Бамисоли бошимиздан бир пакир совуқ сув қўйгандек, ногаҳон электр токи уриб қотириб қўйган беҳуш одамдек эдик.

Кечкурун штаб мажлисида комсомол фаоллари бизларни энг бурро, энг аччиқ сўзлар билан уркалтак-суркалтак қиласетдилар. Ўша оқшом шаънимизга айтилган оташин таърифлар ҳали ҳамон қулоғим остида жаранглаб туради. Биз факультет шаънини ерга урган, талаба деган шарафли номга доғ туширган, ватан ишига хиёнат қилган, эртага ўз юртини ҳам сотиши мумкин бўлган тубан инсонларга айландик. Биз териб қўйган паҳтани хирмонга топшириб, йўқлигимизни билдирамаган дўстларимиз ҳам дашномдан қуруқ қолмадилар. Бизларга ҳайдалиш, уларга жиддий ҳайфсан тайин бўлди. Шу пайт бир чеккада жим ўтирган профессор Алякринский ўрнидан туриб сўз сўради:

“Мажлисга келишдан олдин мен бу йигитларнинг ҳам дарсдаги, ҳам паҳта теримидағи кўрсаткичлари билан қизиқдим. Ҳамма фанлардан “беш”, ҳамма меҳнат кунларининг режаси аъло баҷарилган экан. Ҳатто кечаги кун хиссасини ҳам ортиғи билан адо этибдилар. Мен бошлиқ бўлган рус группаси талабалари бу йигитлар терган етмиш килонинг ўндан бирини ҳам термайдилар. Мабодо уларнинг биронтаси бирор кун шу гуноҳкорлардек меҳнат қилса, мен ўзим шаҳарга бориб ўйнаб келишга рухсат берардим. Сиз эса уларга раҳмат айтиш ўрнига университетдан ҳайдамоқчисиз. Мен ўзим ҳам ёшлигимда футболга қизиқканман, ўша ёшда бўлсан кеча мен ҳам “Паҳтакор” стадионида бўлардим.”

Хурматли профессорнинг сўзи мажлис аҳлини шаштидан туширди. Кейинги сўз олганлар домла-

нинг фикрида жон борлигини айтиб, кескин чора кўришга шошилмаслик керак, дедилар. Ҳайъат маслаҳатлашиб шундай қарорга келди: “Икки талаба-нинг ўзбошимча хатти-ҳаракати қатъий қоралансин, белгиланган жазо ижросини пахта мавсуми туга-гунча кечиктириб туриш деканатдан сўралсин”. Бу қарорни ҳамма маъқуллади.

Ўша кун йигирма ёш арафасидаги икки бебош талаба жар ёқасида эдик. Институтдан ҳайдалиш, олий маълумотсиз қолишгина эмас, манглайга ўчмас қилиб урилган қора доғ бўлиши тайин эди. Узоқ йиллар ўтиб бугун хаёл қиласман: Яратганнинг ўзи ўшанда бизларни фалокатдан кутқариш учун ўз нажот фариштасини юборган, бу фаришта рус адабиёти домласи шаклида намоён бўлиб, жаҳолат чангалидан бизни тортиб олган экан. Жаҳолат деганда одатда маърифатсизликни тушунамиз. Аслида маърифатли инсонлар ҳам жоҳил бўлиши мумкин. Онгига сингдирилган ғояни мутлақ ҳақиқат деб билган, ўзгача тафаккурни қабул қилмайдиган, бошқа фикрга нисбатан шафқатсиз одам энг қўрқинчли жаҳолат бандасидир. Улардан ҳайиқмаслик мумкин эмас эди.

Ўшанда қўрқанимиз рост. Қамчи теккан тулпордек жон аччиғида олдинга интилганимиз ҳам рост. Университетда қолишнинг ягона чораси пахта теримида ўзини кўрсатиш эди. Ўша йили мен уч яrim тоннадан ошириб пахта терганман. Талаба учун бу улкан кўрсаткич эди. Ўн тўққиз ёшимда Ўзбекистон Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлигини олганман. Жон кўзга кўринганда одамзод нималарга қодир бўлмайди!

Жазо сўзининг асл маъноси мукофот демакдир. Оллоҳ яхши амалларинг жазосини берсин, дея дуо қиласмадилар араблар. Биз ўшанда ҳақиқий маънода жазо олган эканмиз.



Сўнгги сўз: Бу хотираларимни қоғозга туширап эканман, олис Япониядан хушхабар келди. Ўзбекистон футболчилари жаҳон олимпиадасининг саралаш баҳсида Осиё китъаси чемпиони Япония терма жамоасини мағлуб этиб гурух пешқадами бўлдилар. Бизнинг спортчиларимиз бугун энди дунё миқёсида ҳеч кимдан кам эмаслар. Ҳозирги ишқибозларга ҳавас қиласман. Улар севимли жамоаларини рухлантириб дунёning ҳамма бурчакларига борадилар. Бизнинг кўргиликлар улар учун бамисоли эртак. Олам бошқа, юрт бошқа, футбол бошқа, ишқибоз бошқа бугун.

КЎМИЛГАН ТРАКТОРЛАР

Ўттиз еттинчи йилнинг “қама-қама”сида кунлардан бир кун Олтиариқ тумани прокурорига махфий конверт келади. Конверт ичида судья Карим Сахибоевни қамоққа олиш тўғрисида ордер бўлади. Прокурор ўз дўстини, яъни менинг тоғамни бу гапдан огоҳ қиласми ва тунги поезд билан Тошкентга жўнатиб юборади. Эртаси куни ўзи қамоққа олиниади.

Мен бу улкан гавдали одамни биринчи бор 1956 йилда кўрганман. Маҳкам ака Сибирнинг қаҳратонларини кўриб, Магадан, Воркута лагерларида соғлиқдан айрилиб қайтган эди. Бизниги ҳарсиллаб-гурсиллаб, улкан гавдасини зўрға кўтариб келар ва айвонга ўтириб сув сўрарди. Чўмичда эмас, пакирда олиб кел, дерди.

Ҳозир энди фикр қилсан, у шўрлик исканжа азобларида минг дард қатори қанд касаллигини ҳам орттирган экан.

Мустабид тузумнинг қурбони бўлиб тирик вайронага айланган бу инсон ўз бошидан кечирган

антиқа ва даҳшатли воқеаларни менга сўзлаб берарди.

Маҳкам акани Фарғона ҳибсҳонасиға қамагач, уни сўроқ қилиш ўрнига олдига бир варақ оқ қоғоз кўйиб, шундай дейдилар: “Ўзинг прокурорсан, бизнинг ишимизни биласан. Сени қийноққа солиб ўтирумайлик. Халқ душмани эканингни бўйнингга олиб, иқрорномани ўзинг ёз”.

Замон сиёсатини тушунган Маҳкам Каримбоев шундай мазмунда иқрорнома ёзади: “Мен ҳақиқатдан ҳам колхоз тузумига қаршиман, халқ душманиман. Бунинг исботи шуки, колхознинг элликта тракторини жарликка кўмдириб юборганман...”

Тутқун прокурор албатта бундай “иқрорнома”га бирор оқил инсон ишонмаслигини билган. Биринчидан, ўша замонда колхозда элликта трактор нима қилсин! Иккинчидан, яқин атрофда жарликнинг ўзи йўқ. Учинчидан, трактор игна эмаски, элликтаси кўмиб юборилса-ю, бирор тополмаса.

Ўшанда айбим текширилар, адлия тизимида бирор эсли одам бордир, деб ўйлабман. Адашган эканман, – дерди Маҳкам ака. Бундай тизимнинг ўзи йўқ,adolat эса отиб ўлдирилган экан. Ўзим тўқиган бетайин гуноҳ билан ўн тўққиз йил маҳбуслик азобини чекдим.

Бу сўзларни эшитганда мен талаба эдим. Менинг ёш кўнглимга ғалаён солган, содда хаёлларими ни ағдар-тўнтар қилган бу дардли ҳикояни эсласам, хали-хануз вужудим ларзага келади.

ҲАЁТНИНГ БИРИНЧИ ЗАРБАСИ

1962 йил мени бир гурӯҳ ноширлар қаторида Боку ва Ереванга, Озарбайжон ва Арманистон нашриётчилари билан тажриба алмашиш учун сафарга



юбориши. Кавказнинг сехрли манзаралари, денги-зу тоғларий мени лол қолдириб, бир туркум хаёлчан руҳдаги шеърлар ёзган эдим. Айникса, ғазалларини жондан севиб қолганим Мухаммад Фузулийнинг мармар сиймосини Бокуда кўриб чексиз ҳаяжонга тушганман. Ўшанда бамисоли ўз-ўзидан қуолиб келган “Фузулий ҳайкали қошида” шеъри мен учун ҳали-ҳамон қадрлидир.

Ўшанда мумтоз шоир шеърларига маҳлиё бўлиб, ўзим ёзган сатрлардан ўзим завқланиб юрганимда, бу шеър менга талай кўргиликлар келтиришини ўйлабмидим?

Шеър “Ўзбекистон маданияти” газетасида бо-силгач, кўп ўтмай Ёзувчилар уюшмасининг йиғинида ушбу даргоҳ раҳбарларидан бири мени аёвсиз танқид остига олиб, шеърларимни сиёсий тутуриқсизликда, ёт ғояларни тарғиб килишда, пессимизм ва яна аллақанча мен тушунмаган “изм”ларда айблади. Танқид марказида “Фузулий ҳайкали қошида” турди: “Бизлар, – деди нотик, – ёш шоирни Кавказга сафарга юборганимизда у Боку нефтчиларининг қаҳрамонлик меҳнатидан илҳом олиб, кўкка бўй чўзган нефть миноралари ҳақида залворли шеърлар ёзар, деб ўйлаган эдик. У бўлса аллақайси шоирнинг кўзёшларини шеърга солибди. Партия шоирлар олдига улкан вазифалар қўйиб турганда, бундай ижод намуналарини ёзиш ўтакетган масъулиятсизликдир!” Ўшанда гулдурос қарсаклар билан қарши олинган оташин бу нутқ Ёзувчилар уюшмаси деворларидан ошиб, компартия ва ком-сомолнинг баланд минбарларига қўтарилиди. Аввал менинг исмим комсомол съездидаги маърузага тушди, сўнг Ўзкомпартия котибининг пленумдаги нутқида тилга олинди. Барча танқиднинг мазмуни ўша Ёзувчилар уюшмасидаги дашномнинг ўзи эди. Ёш

умидли шоир бўлиб юрган йигит бир лаҳзада буржуа ғояларини ташувчи ёт унсурга айланиб қолдим. Менинг изтиробли, аламли, ички исён билан тўлиб тошган кунларим бошланди.

Ҳар балонинг дафи бор, ҳар заарнинг нафи бор, дейдилар. Юқори даргоҳларнинг ғазабли наъраси акс садо бериб, элдан менга эътибор, ҳамдардлик бўлиб қайтди. Танимаганлар таниди. Бирор шоирни ҳалқ ичидаги машҳур қиласман, деган ҳукумат унга мақтовлар ёғдириб тарғиботлар килмасин, балки аёвсиз дўппосласин экан. Айниқса, шўро давридаги каби эл назаридан қолган ҳукумат учун бундай тескари тадбир айни муддао бўлар экан.

Шундай қилиб, менинг ҳеч ким танимаган номим миш-мишлар канотида элга тарқалди, бирор ўқимаган шеърларим қидириб топиб ўқиладиган бўлди. Ахир Ўзкомпартиянинг мафкура котиби ўзи олий фирмә минбаридан тилга олиб турса, мен машҳур бўлмай ким машҳур бўлсин?! Менга томон йўналтирилган қурдатли зарба бамисоли митти қушга қаратса отилган замбарак эди. Бу зарба ҳар жиҳатдан менга фойдали бўлди. Аввало мени элга танитди, ўз юртимда ва қардош ҳалклар ичидаги дўст ва хайриҳоҳларим кўпайди. Ўзим хушёр тортиб, ёшлиқ, ҳаваскорлик қобиғини тезроқ ёриб чиқишим учун ҳам бундай “совуқ сув”нинг фойдаси бўлди.

Аслида бизнинг устимизга етиб келган қора булутларнинг туғилган макони Москов шаҳри эди. Шўро раҳбари Никита Хрущёвнинг бир гуруҳ янгича фикрловчи ижодкорларга минбарни муштлаб қилган дағдағаси, мафкурада мен сталинчиман, дея ўшқирган овози Тошкентда ҳам акс садо берган эди. Московдаги каби бу ерда ҳам адашган ёш ижодкорларни топиб танбех бериш керак эди. Шу талабга “лаббай” деб жавоб берган ўзимиз бўлиб чиқдик.



Бу тарихни эслашдан максад зинхор ўзимни ўтмиш жабрдийдаси қилиб кўрсатиш эмас. Шукрки, ўттизинчи ёки эллигинчи йилларнинг довулла-ри бизнинг бошимизга келмади. Давр бошқа, мухит бошқа эди. Хаётнинг илк зарбасидан омон чикдик, лекин синовлар ҳали олдинда эди.

БИР ХАТОНИНГ ИЗТИРОБЛАРИ

Беайб – Парвардигор. Инсон зоти хатолардан эмин эмас. Бу чалкаш дунёда, айниқса, биз бошдан кечирган янглишлар тўла давронда адашмоқ табиий эди, бугун ҳам шундай ва балки одамзод ноқисликдан ҳеч қачон холи бўлмас. Лекин бу оламда шундай хатолар борки, уларнинг чоҳига тушган киши умрбод ёруғликка чиқолмайди. Мен ўз кўзим билан кўрган бир қисмат бундай фалокатнинг аянчли намунасиdir.

Иккинчи жаҳон уруши тугаб, ғалаба ҳайқириклари тинмасдан, байрам мушаклари сўнмасдан Шўролар давлатида ялпи қаматишларнинг навбатдаги тўлқини бошланди. Бу тўлқиннинг дастлабки зарбасига зиёлилар – атоқли олимлар, шоирлар, ёзувчилар учрадилар. Миллий адабиёт вакиллари ичida умумэътироф этилган барҳаёт мумтоз адиб, ўша замонда, шубҳасиз, Ойбек эди ва шўро мафкуравий сиёсатининг палахмон тоши даставвал шуулуг ёзувчига қаратади.

Биз бошдан кечирган тузумнинг ўта нозик, кўп синалган ва, очиғини айтганда, ўта қабих услуби бор эди. Уни қисқача қилиб, “сопини ўзидан чиқариш” услуби дейиш мумкин. Агар бирор миллат фарзандига зарба уриш керак бўлса, бу иш албатта ўша миллат вакилининг қўли билан қилинар, ҳукмни ижро этувчи ўша юртнинг ўзидан топилар эди.

Тақдир тақозоси билан Ойбекка отилган тошга адабиётшунос Ботир Файзиев палахмон бўлди. Ўзкомпартия газетаси бўлган “Қизил Ўзбекистон”да Ойбекни миллатчиликда айловчи мақола шу олим имзоси билан босилди. Ёзувчига қўйилган айб ўтакетган уйдирма, кулгили даражада саёз ва мантиқсиз эди. “Навоий” романида тасвир этилган бир қаҳрамоннинг шароб ичиши лутф билан қозоқнинг кимиз сипқаришига ўхшатилган. Маколада айтилишича, бу ўхшатиш қозоқ халқини масхара қилиш бўлар экан. Бундан холоса, Ойбекнинг романида миллатчилик гояси олға сурилган, халқлар дўстлигига бегона рух мавжуд.

Аввало қозоқнинг қимизхўрлиги ўзбекнинг чойхўрлиги, француз ёки гуржининг майхўрлиги каби одатий ҳол ва бундан ор қилиш ўринисиз. Бильакс, миллий одат сифатида кадрланадиган ҳолатdir. Қолаверса, асаддаги тасвирда азал-азалдан ўзбекка биродар, туғишиган, ҳазилкаш дўст халкка нисбатан беозор ва меҳр тўла лутфдан бошқа туйғу йўқ. Буни қозоқ ҳам, ўзбек ҳам ҳис қилиб турганда улуғ адиб бошида гумбирлаган момақалдироқ, айниқса бугунги кўз билан қараганда, бағоят таажжублидир. Лекин у замонда ёзувчини миллатчиликда айблаш, унга ўлим ҳукмини чиқаришдек даҳшатли иш эди. Чўлпон, Кодирий, Усмон Носир каби ўнлаб ижодкорларнинг шу каби танқидлардан сўнг йўқ қилинганини ўз кўзи билан кўрган Ойбек адолатсизлик изтиробидан фалаж ҳолатга тушди ва умрининг сўнгигача ўнгланолмади. Бу зарбадан кейин яратилган асадлар яримта жон билан, кучли сабот ва ирода эвазига дунёга келган ижод намуналаридир.

Ойбекни фалаж қилган аслида қаттол тузум эди. Аммо тузум кўз билан кўриб, қўл билан тутиб бўлмайдиган бир қудрат бўлгани учун элнинг ғазаб



— Онаси, гохидা котади бошим,
Сизми ё шеърми, деб, умр йўлдошим.



Бундай дамда үзни сезасан бикир,
Биздан хам кексалар борига шукр!




Токи мафтун бүлмагунча ўлкамизга,
Билб күйинг, офтоб тегмас елкамизга!



Дўстимнинг исми гар Ўткирдир, бирок
Қалами ўзидан кўра ўткирроқ.



Гар шоир күёшлек чараклаб кулса,
Билингки, яна сүз бошлар Матмуса.



Орага күшилмок эмасдир осон,
Иккى улкан адил турса ёнма-эн.



Остонантни хатлаг ўтганда меҳмон,
Калбингдек уйинг хам булар чарогон.



Фарғонача гурунг ширинидир ошдан,
Мехр-иззат гуллари ёғилар бошдан.



Саид Ахмад оға дастурхон ёзса,
Демак, омадингиз чопибди роса.



Шу Эркин акани килар эдим мот,
Фарзиним түрттаю бешта бүлса от...»



Биз тинмай машқ киلىп толикىكىк, болам.
Олавер, сеники энди бор олам!



Ярашар худди күз күйилган узук,
Улфат асли учта булгани гузук.



Шेърлари калбларга сочар ёруғлик,
Устоз хам, шогирд хам – олтиарыклик.



Сизларға дил-дилдан айтар сүзим бор:
Халқым дийдорига күнгім дөм зор!

Үйбүр маңсұздарда Акесар Обайдетек шерларидан фойдаланылады.



ва каргиши ўша тузум ҳукмини ижро этган аниқ ва мавжуд шахс – Ботир Файзиев бошига ёғилди.

Мен 1960 йили университетни битириб ёшлар нашриётига ишга келганимда Ботир Файзиев шу даргоҳда муҳаррир бўлиб ҳизмат қилас экан. Гакдирнинг тақозосини қарангки, Ойбек ижодининг шайдоси, Ойбек сўзининг сехрига маҳлиё бўлиб юрған ёш шоир Ойбекка тош отиб, ўзбекдан чиқсан Ҳангес дея ном олган одам билан бир хонада бир йилга яқин рўбарў ўтириб ишладим.

Ошкора ва пинҳон надоматлардан, таҳкир ва қарғишлардан зада бўлган бу одам кун бўйи қоғоздан бош кўтармай ишлар, хеч ким билан гаплашмас, девонаваш ҳолатда хаёл суриб юрар эди. Ҳеч бир гурух, ҳеч бир улфат уни ўз қаторига чақирмас, ўзи ҳам бунга интилмас, ёлғизликни ҳаёт гарзига айлантирган инсон эди у. Бундайлар тўғрисида, ерда унинг ўзи эмас, сояси юрипти, дейдилар.

Бир йилга яқин индамас одам билан бир хонада ўтириб ишлаш осон эмас. Мен неча бор оғиз жуфтлаб Ботир Файзиевдан ўша машъум мақоланинг ёзилиш тарихи тўғрисида, уни шундай ишга мажбур қилган ҳолат тўғрисида сўрамоқчи бўлдим. Лекин бу мажруҳ юракнинг ярасини янгилагим келмади. Уни биринчи кўргандаги хушламаслик ойлар ўтиб ачинишга, замоннинг тирик қурбони бўлган инсонга нисбатан раҳм-шафқатга айланди.

Ҳар қандай жазо гуноҳга яраша бўлса дуруст. Салгина паришенлиги учун машина уриб ўлдирган йўловчининг очик қолган кўзларида ҳайрат қотиб колади... Биргина иродасизлик, замонасозлик, виждонга хилоф иш Ботир Файзиевни тириклай ҳалок қилган эди. Ҳалқ нафрати умрбод қамоқдан ёки сургундан, ҳатто ўлимдан оғир жазо. Ботир Файзи-

евнинг изтиробларини ҳеч ким англамади ва кечирмади. Фақат бир олижаноб инсонгина уни кечириб, мадад қўлини узатди. Бу инсон – Ойбекнинг ўзи эди. Адашган олимнинг илмий асарини улуғ адибнинг ўзи қўллаб-қувватлади.

Бу воқеа – мен гувоҳ бўлган бир тақдир ҳикоясидир. Ойбекнинг ўзи кечирган инсонни Оллоҳ ҳам раҳматига олган бўлсин. Улуғ адиб ва улуғ инсон бўлган устозга эса ўзи гўзал шеърларида тарьифлаган боғу чаманлар бақо салтанатида насиб этсин. Биз – янглиш тўла дунёда яшаб юрганларни Оллоҳ оғир хатолардан, умрни хазон қилгувчи гумроҳликлардан асрасин.

Яна бир тилагим, жамият баркамол, ҳаёт маъноли ва ёруғ бўлмоғи учун инсонлар ичидаги Ойбек каби олижаноб, кечиримли қалб эгалари кўпроқ бўлсин!

КОФИЯСИНИ ТОПОЛМАДИМ

Етмишинчи йилларнинг боши эди. “Ёшлик девони”га кирган қасида устида гап-сўзлар тинмаган, иш жойимдан паттам қўлимга тегиб, тўрт томоним қибла бўлган пайт. Бир куни мени юкори идоранинг юкори амалдори чақиртирди. У даргоҳга одатда яхшиликка чақирилмас эди. Лекин раҳбар мени кулиб қарши олди, хол-ахвол сўради ва шошмасдан мақсадга кўчди:

– Қасидангизни бу ерда синчиклаб ўқидик. Хато йўқ. Ҳаммаси жойида. Фақат озгина маромига етмаган. Етук асар бўлиши учун яна тўрт-беш байт кўшиш керак, – деди у қатъият билан ва қўлимга қофоз билан қалам берди, – ёзиб олинг. Биринчидан, ўзбек халқи Октябрь инкилоби туфайли баҳт-саодат топди, юксалди. Шеърда бу албатта акс этиши керак. Ёзинг. Иккинчидан...



Раҳбар улуғ доҳий таълимоти, комфириқ гоялари, улуг рус халқининг оғалик ёрдами түғрисида бағифсил сўзлаб, охири Москва, Кремль юлдузининг шуъласи билан илҳомбахш сўзларини якун килди. Мен ҳаяжонли дарсга маҳлиё бўлиб, ёзиш эсимдан чиққанда, қайта-қайта “ёзинг” деб турди.

– Гап келажагингиз устида бормоқда. Сиздан умидимиз катта. Қасида маромига етса, китобингиз кўп нусхада босилади. Яхши ниятларимиз бор. Кенишдикими?

– Ҳаракат қиласман, – дедим бўшашибгина.

– Бу даргоҳда чучмал гап бўлмайди. Сизни маслаҳатга чақирганимиз йўқ. Бу қатъий топшириқ, – дея амалдор кўрсаткич бармоқларини шифтга тўғрилади. Хайрлашар экан, яна юмшаб, ижодий муваффакиятлар тилади ва ҳазил аралаш:

– Мавзуни байтма-байт айтиб бердим. Кофиясини ўзингиз топасиз, – деб қўйди.

Ўша даргоҳдан эсон-омон чиқиб, бир йилгача ҳеч қаерда қўринмай, телефонларга жавоб бермай, ёз дала-даштда, қиш турли кутубхоналарда беркиниб юрдим. Лекин қисматдан қочиб бўлмас экан, кунлардан бир кун академик театр йўлагида ўша раҳбарга рўбарў келиб қолдим. Қочишнинг иложи йўқ эди. У кучли қўллари билан билагимдан сиқиб:

– Келишган эдик, ваъда қани? – деди. Дабдурустдан жавоб тополмай оғзимга келган сўз шу бўлди:

– Кофиясини тополмадим...

Ўшандан буён кўп сувлар оқиб кетди. Дунё бошқа, дунёқарашиб бошқа бўлди. Биз ўзимиз ҳам энди бошқа одамлармиз. Собиқ раҳбар ҳозирда хурматли олим, профессор, устоз. Илмий, ижодий давраларда кўп учрашиб турамиз. Фалсафа ва тарихнинг кенг билимдони бўлган улуғ ёшли мударрис

билин қадрдонмиз, кўп сухбатлар қурганмиз. Лекин ўша қирқ йил аввалги гапни мухокама қилмаймиз. Ўтган ишга салавот. Мен ишонаманки, бу олижаноб инсон ўшандада менга яхшилик қилмокчи бўлган. Ўз қўлим билан мен ўз бошимга келтирган хавфхатарни бартараф этмокчи бўлган. Балки ўзидан хам юкорида турганларнинг топширигини бажарган ва юкоридагилар ҳам менга ёмонликни раво кўрмаганлар. Замон нозик эди. Ҳукмрон мафкура посбони бўлган органларнинг кучи кўп, шафқати кам, чангали каттиқ эди.

Не бўлса ҳам мен топшириқни бажаролмадим. Ҳимоячиларимнинг умидларини оқлаёлмадим... Қасида улар ният қилганча сиёсий етук асар бўлолмади ва йигирма йилдан зиёд қора рўйхатдан чиқмади.

Нихоят, Ватан Истиклоли “Ўзбегим” қасидасини маҳкумликдан озод қилди. Радио, телевидение оркали ҳам барадла ўқиладиган, куйланадиган бўлди. Мактаб дарслигидан ўрин олди. Бундай куни ўз кўзим билан кўрдим. Минг шукр. Яна шукрларки, ўша замонда юксак топшириқни адо этолмадим, “қофиясини тополмадим”.

Инсон ақли нокис, у олис келажакни кўрабилмайди. Мен ҳам ўшандада буйрукни бажармаган бўлсам, донолигим ёки узокни кўрганим учун эмас, азбаройи кўнглим чопмагани, ўша ғояларнинг шеър руҳига сингмагани учундир. Яна ҳам тўғрироғи, Яратганинг ўзи асраганидир.

Ҳамиша ният қилайликки, Оллоҳ айтган сўзимиз, қилган амалимиз, қўйган қадамимизни оқибати билан тўғри килсин!



ЁРДОНГА КЕЛГАН ИОРДАН

Бир вақтлар булғор ёзувчиси Иордан Милев Ўзбекистонга келганда уни Фаргонага олиб бордик, Шоҳимардонни кўрсатдик. Гўзал тоғ қишлоғи Ёрдонга келганимизда таниқли адиб Ўлмас Умарбеков дўстига ҳазиллашиб деди:

– Сен бу қишлоққа келган биринчи чет эллик ёзувчисан. Кеча оқсоколлар кенгаши қарор чикарди. Қишлоқ сенинг номинг билан аталадиган бўлди.

Биз ҳаммамиз буни тасдиқладик. Атрофда юрганларни чақириб бир-бир қишлоқнинг номини сўрадик. “Ёрдон” сўзини эшитиб меҳмонимиз яйраб кетди. Уни боплаб алдадик, деб биз ҳам хурсанд. Лекин кечки зиёфат вактида Иордан сўз олиб ҳазилда биздан ҳам ўтиб тушди:

– Бу ажойиб сўлим масканга менинг номим берилгани учун бошим осмонга етди. Араблар бир замон катта дарёни менинг шаънимга Иордан деб, бир мамлакатни Иордания деб атаган эдилар. Мана улар ёнига қишлоқ ҳам қўшилди. Булғорияда бирор таниб, бирор танимаган бир ёзувчига дунёда шунча иззат, эътибор! Араб дўстларимга раҳмат, лекин уларнинг дарёси ҳам, мамлакати ҳам менга керак эмас. Булбуллар сайраган, сойлари шарқираган, жаннат шамоли эсиб турган бу қишлоққа оламни алишмайман!

Иордан Милев Ўзбекистонга кўп бор келди. Ҳар келганда биринчи саволи шундай бўларди:

– Қишлоғимга қачон борамиз?

БИЛМАГАННИНГ БИЛАГОНЛИГИ

1988 йил ёзида биз – Хорижий мамлакатлар билан маданий алоқа килиш жамиятининг бир гурух фаоллари Америка Кўшма Штатларининг “Friendship – force”, яъни “Дўстлик – кудрат” деб

номланган жамоат ташкилоти таклифига кўра океан ортига сафар қилдик. Бу менинг АҚШга биринчи саёҳатим эди.

Бизнинг мезбонимиз ўртаҳол америкаликларнинг нодавлат уюшмаси бўлиб, уларни турли юртларга камроқ харажат билан сафар қилиш истаги бирлаштирган экан. Дунёнинг юздан ортиқ мамлакатларида ўзлари каби нодавлат уюшмалар билан алока ўрнатиб оиласвий борди-келдини йўлга кўйишибди. Сафар килувчининг бўйнида факат тайёра харажати, қолган чиқим: тураг-жой, сайру саёҳат, еб-ичиш мезбоннинг зиммасида бўлар экан. Улар одатда мезбон хонадонида туришар, унинг оиласи билан бир дастурхондан овқатланишар, оддий одамлар турмуши билан танишиб, юрт кезиб, маънан бойиб қайтишаркан. Рости, бу ташкилотга ҳавасим келди. Уларнинг камтарин уйларида бўлиб, биз ҳам ўзимизнинг янада камтаринроқ уйларимизда янги дўстларни меҳмон қилдик. Бундай самимий муносабат менга қимматбаҳо Интурист меҳмонхоналарию, ҳашаматли ресторонлардан минг бор афзал туюлди.

Ўша вақтда мен бир оғиз ҳам инглизча билмас эдим. Делегациямиз таркибида менга ўхшаганлар кўп бўлгани учун бизга ҳамроҳ бўлган учтагина таржимон ўртамиизда талаш эди. Мен мақола ёзишим кераклигини айтиб илтимос қилганим учун таржимонлардан бири менга бириклирилди.

Биз Сиэтл шаҳрида Валерий Чкалов ёдгорлигини зиёрат қилиш учун мўъжазгина хусусий аэропортга бордик. Бу тайёра майдонига Чкалов бошчилигидаги экипаж 1936 йилда Шимолий муз океани оша келиб қўнган.

Ўзбекистонлик сайёҳларни кўриб атрофимизда ўша ерлик авиоспортчилар йигила бошладилар. Бизнинг қайси юртдан келганимиз, ўзимиз ким, касбимиз нима, суриштира кетдилар.



Улардан бири, шўхроқ учувчи бўлса керак, менга қараб ўз тилида, юр, сени спорт самолётида учирман, деди. Мен ўзим билган энг жўн инглиз сўзларини ишлатиб, “но, ай хев чилдрен” дедим. Яъни: “Йўқ, менинг болаларим бор”, – деб айтдим.

Ҳаммалари бирдан қах-қаҳ уриб қулиб юборишиди. Кейин билсам, мени самолётига таклиф қилган йигит ўзининг қалтис машқлари билан, осмондаги чирпирак ўйинлари билан машҳур экан. Мен уни таниган, билгандек жавоб қайтарибман. Дўстлари, ана, сенинг довруғинг Ўзбекистонгача етибди, дея хандон уришаётган экан. Айниқса, уларнинг бири аввал тиззаларига уриб, кейин ерга ётиб олиб кулди. Сафардошларим ҳайрон, ўзим ҳайрон. Нима деб қўйдим-у, нега бунақа қах-қаҳ кўтарилди, англамайман.

Билар-билмас айтилган гапнинг натижаси шу бўлдики, делегациямиз раҳбари, ўша замонда министр лавозимида ишлаган йирик арбоб менга қараб жиддий оҳангда шундай деди: “Бугундан бошлаб сизга таржимон йўқ. Инглиз тилида асқия қиласиз, америкаликларнинг ичагини узасиз, яна тил билмайман, дейсиз. Қўйинг-е”!

Ўз тилим – ўз душманим, деб бекорга айтмайдилар. Бир марта маҳмадоналиқ қилганим учун икки ҳафта соқов бўлиб, имо-ишорага куним қолиб юрдим.

УЧ СОҚОВНИНГ САРГУЗАШТИ

Тил билмаганга катта шаҳар нимаю кимсасиз ўрмон нима. Адашдинг – адo бўлдинг. Ўрмонда дод десанг эшитадиган одам йўқ. Бегона шаҳарда гапингни уқадиган кишини тополмайсан.

1989 йили икки биродарлашган шаҳар Тошкент ва Сиэтл ҳақида хужжатли фильм суратга олиш

“фазилати”ни билдик. Раисдош хоним шаҳар мэри-нинг рафиқаси экан. “Керак бўлса, бутун шаҳарни оёқка турғизамиз”, – дер эди баъзан бизнинг “ило-жи бормикан”, – деган камтарона илтимосимизга жавобан.

Бир кун Каролина бизни бир пиёла чойга таклиф қилди. Даврамизда яна бир меҳмон бўлишини айтиб, кимлиги ҳозирча сир, деб қўйди. Окшомда тайин килинган жойга келдик. Не кўз билан кўрайлики, Каролина ёнида шахмат бўйича жаҳон чемпиони Анатолий Карпов ўлтирас эди. Мезбон бизларни таништирди.

– Анатолий Евгеньевични таништириб ўтираманг. Бу улуғ инсонни дунё танийди, – деган сўзимизга Карпов камтаринлик ва ҳозиржавоблик билан: “Улуғлик сифати кўпроқ сизлардек ижод ахлига ярашади”, – дея жавоб берди.

– Шахмат ижоднинг олий мақоми, – деб сухбатга қўшилди режиссёrimиз. Гап ўз-ўзидан қовушиб кетди.

Анатолий Карповни олтмишинчи йилларнинг бошидан, у ҳали М.Ботвинник мактабига қатнаб юрганда, устоз шахматчи ёш Толянинг келажагига умид боғлаб башоратомуз сўзлар айтганда ғойибона таниганман. Кўп ўтмай у ёш шахматчилар ўртасида жаҳон чемпиони бўлди. Ўшанда мен ўн олти ёшли Анатолийнинг газета мухбири билан сухбатини ўқиб ҳайратга тушган эдим. Мухбирнинг, эндиғи режаларингиз қандай, деган саволига жавоб бериб, чарчадим, дам оламан, дегани ақлимни лол этган эди. Аввало шахмат ўйнаб инсон чарчайдими? Сўнг шундай ўспирин ёшда одам умуман чарчашни биладими? Ўшанда биз Анатолийдан икки баробар катта ёшдагилар тунни тонгга улаб шахмат сурардик, чарчаш деган сўзнинг ўзи бизларга нотаниш эди. Кейин



англадимки, биз ўйнаган шахмат билан гроссмейстерлар юқори даражадаги мусобакада ўйнайдиган шахмат ўртасида ер билан осмонча фарқ бор экан. Бунда шахмат хурсандчилик, завқ-шавқ эмас, улкан жисмоний ва руҳий зўрикишга олиб келувчи ҳаётмамот жанги эканини қўзим билан қўриб, ҳис этгач ўспирин Анатолийнинг ақлига тан берганман. Ўз вужудингга қулоқ солиб, ўз ҳолатингни англамоқ, ўз имкониятингга тўғри ва холисона баҳо бера олиш асл донишмандлик экан. Ўша оқшом унутилмас сұхбат бўлди. Ўн иккинчи жаҳон чемпиони бизга шахмат тарихидан қизиқ-қизиқ воқеаларни гапириб берди, бизнинг сафар мақсадимизни билиб, ўзининг Тошкентда бўлган кунларини эслади, шаҳримизга, ҳалқимизга меҳри ва ҳурматини билдириди. Ҳар бир кулай имкониятни қўлдан чиқармайдиган кинорежиссёrimiz чемпионни тилидан илинтириб, шу сўзларни фильм учун қайтариб айтасиз, суратга оламиз, деб туриб олди.

Ўша кунлари Карпов Сиэтлга хордик чиқариш учун келган экан. Гарри Каспаров билан бағоят узоққа чўзилган яккама-якка олишув уни толиқтирган, бу сокин шаҳарга тинчлик истаб, мухбирларнинг саволларидан, суратга оловчи камералардан қочиб келган экан. Шунга қарамай, илтимосни қабул қилди. Юртимиздан ташқарига ҳам ёйилган ўзбек мақолини эслаб: “Йигитнинг сўзи ўлгунча ҳўқизнинг шохи синсин”, – деди ўз она тилида.

Эртасига тайинланган вақтда чемпионнинг апартаментига келдик. Кираверишдаги катта меҳмонхона столи устида шахмат доналари сочилиб ётарди. А. Карпов юқори қаватдаги ётоқхонадан йўл-йўлакай галстугини тўғрилаганча тушиб келди ва саломлашиб хонанинг тартибсизлиги учун узр сўради:

— Кеча шахматчи ўртокларим келишди. Эрталаб-гача дона сурдик. Ухламадим.

— Бу гап мени ҳайратга солди. Ўн олти ёшлигига чарчаганини билган йигитча қирқдан ошиб сонсаноқсиз жангларни кўрган жаҳон чемпиони энди толиш, ўзни аяш нималигини билмаса! Карповнинг кулиб турган чехрасида ҳорғинликдан, уйқусиз кеча чарчоғидан асар ҳам йўқ эди.

Операторимиз гайрат билан ишга тушиб кетди. Бизнинг сухбатимизни турли ракурсда суратга олди. Сочилиб ётган шахмат доналарини териб, бир қўл ўйнашимизни сўради. А. Карпов йўқ демади. Биз дона сура бошладик. Тасвирчи суратга тушириб бўлганда эндиғина бешинчи юришга келган эдик. Ўйинни давом эттиришдан маъно йўқлигини билиб, улуғ шахматчига малол келтирмаслик учун камера тиниши билан Карповга қараб: “Дурангга розимисиз, гроссмейстер?” – дедим. Анатолий Евгеньевич ўзининг боладай майин товуши билан: “Мен дурангга аллакачон розиман”, – деди.

Шундай қилиб, АҚШнинг Сиэтл шаҳрида жаҳон чемпиони билан яккама-якка жанг қилиб, дурангга эришганман, – дея гердайиб юрсам бўлади. Ҳаммаси бўлиб беш юриш бўлганини эса айтишим шарт эмас.

ШАФТОЛИ ГУЛЛАГАНДА

Бир йили баҳор чиройли келиб, шафтолилар чунон ҳам гулладики, дала ҳовлимиз димоғни эркаловчи хушбўй ифорга тўлиб кетди. Қараб кўзим кувонди, кўнглим энтиқди, Ҳамид Олимжоннинг машхур сатрлари ёдимга тушиб яйрадим:

Новдаларни безаб ғунчалар,

Тонгда айтди ҳаёт отини.

Яйрадим-у, яна ўйлаб қолдим. Новдаларни бу-



гун безаб турган ғунчалар эртага ғўра тугса, ғўра шарбатга тўлса, бу нозик, мўрт шоху шохчаларнинг ҳоли нима кечади? Бир вақтлар сафарда, олис мамлакатларда ўз кўзим билан кўриб кузатган бир иш ёдимга тушди. Суяма нарвонни шафтоли дарахтнинг тагига қўйиб, навдалардаги гулларнинг бир қисмини териб ташлашга тушдим. Уни кўрган bog кўшним оҳак чўткасини пакирга ташлаб ёнимга келди:

– Ҳорманг, шоир, нима ҳаракат?

– Шафтоли новдаларига раҳмим келиб қолди.

Юкини енгиллаштираյпман.

– Боғбон эмассиз-да, – деди у кулиб, – мевали дарахтнинг гули териб ташланганини қаерда кўргансиз?

– Японияда, Германияда кўрганман, – дедим мен ҳам бўш келмай, – дарахтнинг гули нечоғли сийрак бўлса, ҳосил шунча йирик, чиройли бўлар экан.

– Э, қизиқ одам экансиз, сиз айтган мамлакатларда мевали дарахт тақчил бўлади. Юзта одамга бир тупдан тўғри келгандан кейин атрофида уймалашиб ётишади-да. Бизнинг юртимиз ўзи боғдан иборат бўлса, қайси эринмаган сарт новдалардан гул чилпийди? Умр етмайди-ку, – деди кўшним.

– Бу йилги гулларнинг кўплигини кўряпсизми? Ҳаммаси мева тугса шафтоли таги билан синиб тушади-ку! – десам қўшним яна билимдонлик қилди:

– Шафтоли етилгунча ҳали бутун баҳору ёз бор. Гулу ғўранинг ортиқчаси ўзи тўкилади. Худойим ёмғир билан шамолни бекорга бермаган. Қолаверса, ота-бободан қолган тиргович бор. Сизни қаранг... Мен бўлсан, янгам шафтоли гулидан чучвара тутмоқчилар деб ўйлабман. Бўлди, пастга тушинг, қўшни, ота-бобонг қилмаган ишга қўл урма, дейди-

лар. Якшанба бекор ўтмасин. Уч-тўрт қўл шахмат сурайлик.

Боғ қўшним нозик жойдан тутди. Завқ билан бошлаган ишимдан ҳеч нарса қайтара олмасди. Шахмат ўртага тушгач, бўшашиб-қолдим.

Шафтоли гулини теришга қайтиб вақтим ҳам, ҳафсалам ҳам бўлмади. Ўша йили мевалар ғўралигидаёқ шохлар синди, тиргович қўйилиб синмай қолган шохларда ҳам мева бўлмади. Ғўраларга шарбат етказиб беролмаган шафтоли дараҳтининг афтодалиги қатор-қатор эгизакларига сути етмай қолган бечора онани эслатар эди.

Ўша зое кетган, армонли якшанбани ўйлаб ҳозиргача афсус чекаман. Ўшанда қатъиятлироқ бўлиб, бошлаган ишимни қилиб қўйганимда, балки менинг боғимда ҳар бири нақд чойнакдек шафтолилар етилиб қўшниларимни меҳмон қиласардим, ҳаммани қойил қолдирадим. Балки... яна ким билади, дейсиз. Ахир мен боғбон эмасман. Ҳарқалай, бу воқеани давраларда ҳикоя қилсан, кўплар мароқ билан тинглашади, кулишади, лекин бироннинг баҳорда мевали дараҳтдан гул чилпиганини кўрмадим, эшийтмадим.

Европа супермаркетларида кўриб ҳавас қилганим сархил мевалар энди Олой бозорига ҳам, Эски Жўвага ҳам етиб келди. Лекин уларнинг кўпи Бешарикдан ёки Ҳасанбойдан эмас, олис Эрондан келган. Ўзимизнинг мазалироқ ва фойдалироқ жайдари олмамиздан кўра ўша дастурхонбоп “келгинди” олмалар беш-үн баробар қадрлироқ, қимматроқ...

Менинг бу ёзганларим кўнгил кечирмалари, холос. Биз боғбонга мева етиштириш, баҳорда гул чилпиш, қишда яхоб беришни ўргатсак, боғбон бизга шеър ёзишни ўргатиши керак бўлади. Ризамат



отадек пири комил, Маҳмуд Мирзаевдек машхур академикларни етиштирган боғбон халқимиз бор. Дунёга номи кетган Шредер номли илмий текшириш институтимиз, унда килни қирқ ёрадиган олимларимиз бор. Зероки, гап шафтоли гули устида ҳам эмас, балки юрт боғларига, ҳар бир гулу дарахтга меҳр-муҳаббат ҳақидадир. Боғ учун қуёш ҳарорати баробарида инсон юрагининг тафти ҳам керак.

*Мулки борлик ичра бир маҳал
Кўрксизгина олам яралган.
Бермоқ учун дунёга сайқал,
Олам аро одам яралган.
Шундан бери инсон тинмайин
Шу ер узра тер тўқар ҳамон.
Ерни гўзал қилгани сайин
Гўзал бўлар ўзи ҳам инсон.*

Ватанимизда меҳмон бўлган япониялик депутатнинг бир сўзи ёдимда қолган: “Йигирманчи асрда техникаси бой мамлакатлар кудратли бўлди, йигирма биринчи асрда озиқ-овқат саноати ривож топган юртларнинг омади келади. Негаки, компьютерни инсон йилларда бир янгиласа, дастурхонни ҳар қуни уч маҳал янгилайди. Сизнинг қуёшли, курук иклимингизда етишадиган шифобахш, мазали мева ҳам, чорва маҳсулоти ҳам дунёда йўқ. Уч кунгина юрtingизда турдиму дунёга ўзбек бўлиб келмаганимга афсусландим”, – деган эди у.

Япониялик меҳмоннинг сўзини тинглаб ўшанда бир тарих ёдимга келган эди. Йигирманчи аср бошларида машхур тошкентлик Орифхўжабой юрак хасталигини даволаш учун Фарангистонга – у пайт Францияни ва бутун Европани шундай аташарди – борган экан. Дунёга номи кетган докторлар уни кўриб, текшириб, катта пул эвазига зар қофозга

ўроғлик бир қутичада дори беришибди. Дорининг жуда узоқ мамлакатдан олиб келингани ва бағоят фойдали эканини айтишибди. Орифхўжабой дорини очиб кўрса, ўзимизнинг жайдари туршак экан.

У ҳайрон бўлиб, бу мева бизнинг боғларимизда тўкилиб ётади-ку, деса, докторлар, шундай юртда яшар экансиз, Фарангистонда сизга нима бор, дейишган экан.

Бу – элда машҳур бўлган, она юрт қадрини улугловчи ибратли ҳикоя. Дарҳакиқат, бекиёс имкониятлар ватанида яшаймиз. Тиллога бергисиз еrimiz, иклимимиз бор. Ер-сув ўзимизники, Ватан ўзимизники. Бизга барча имконият берилган, барча йўллар очиқ. Озроқ куюнчаклик бўлса бас... Вакт келарки, Машҳад бозорини Паркентнинг узуми, Париж супермаркетларини Қуванинг анори, Пекин ярмаркаларини Сирдарёning қовуни босиб кетар. Ўшандай кунларни, иншооллоҳ кўармиз.

ПОЛИГЛОТЛАР

Ўзбекистонлик олим ва ижодкорлардан тузилган сайёҳлик гурухи Канада сафарида эдик. Калгари университетига таклиф этилдик. Университет талабалари бизни машиналарида олиб кетишиди. Анчагина йўл экан, мезбонларимиз биз билан сухбатлашмоқчи бўлиб мурожаат килишди:

– Инглиз тилида гаплашсак бўладими?

– Билмаймиз.

Француз тилида-чи?

– Тушунмаймиз.

– Немис тилига қалайсизлар?

– Ўргатишмаган.

Итальян, испан тилларини биладиган ҳам ичимизда йўқ экан. Хижолатимизнинг чек-чегараси йўқ. Шунда бир қорақалпок дўстимиз бизни



ноқулай ҳолатдан чиқарди. У бүш келмай мезбонларни саволга тутди:

- Русча биласизми?
- Йўқ.
- Ўзбекчани-чи?
- Йўқ.
- Қорақалпок тилига қалайсиз?
- ...
- Қозоқча, кирғизча, туркманча, озарбайжонча...

Хижолатлик навбати мезбонларга келди:

– Биз бунча кўп тил билмаймиз, – деди афсус билан бир талаба ва шеригига қараб, – булар полиглотлар экан! – деб қўйди.

АНТИҚА ВИДОЛАШУВ

Ногаҳоний айрилик ҳар қандай иродали инсонни ҳам довдиратиб қўяр экан.

Узоқ йиллар газетада ишлаб босмахона шовқини ва корректуралар ичида қариган камтарин, ҳалол инсон оламдан ўтди. Чигатой қабристони ўша куни халойиқ билан тўлиб кетди. Марҳумнинг фарзандлари, энг яқин одамлари каторида унинг ҳамкасб ўртоги, қадрдон улфати, ёшликтан бирга ўсган дўсти ҳам тобут олдида борар эди. У хурматли журналистнинг исмини айтмай қўяколай. Дўстидан кейин бир-икки йил орасида у ҳам фоний дунёни тарк этди. Қувноқ, дилбар, ҳазилкаш, сўзга чечан одам эди раҳматли.

Ўша замон таомилига кўра қабр устида митинг бўлди ва унга ҳам сўз берилди. Шўрликнинг қаловланиб қолгани қўйган қадамларидан кўриниб турар эди. Карангки, не-не анжуманларга раислик қилган, не-не ўлтиришларда косагули бўлган, давраларни яшнатган сўзамол бу инсон мотамда дудукланиб қолди, гапини йўқотди-қўйди. Узук-

юлук, пойинтар-сойинтар нутқини у шундай тугатди:

– Қабрингда тинч ёт, дўстим, сог бўл, омон бўл!

Шундай деди-ю, беихтиёр айтиб юборган сўзидан хижолат бўлиб юзлари ловуллаб кетди. Хатони жойида тўғриламоқчи бўлиб: – Дўстим, мен учун сен ўлмагансан, доимо барҳаётсан, – деди ва яна такрор қилди, – сог бўл, омон бўл!

Бошқа ҳолат бўлса, бу гапга ичакузилди кулгу, қаҳқаҳа кўтарилиши шубҳасиз эди. Лекин у пайт сукут сақлаб турган тумонат одам ичида бирор зот “пик” этиб қулмади. Зероки, дўстини йўқотиб аклу ҳушдан ҳам айрилган бу муҳтарам инсоннинг ҳолати йиғлагулик эди.

СОФ ЎЗБЕКЧА СЎЗ

Биз университетнинг биринчи боскичидаги таҳсил олаётганимизда Озод Шарафиддинов аспирантура ни эндиғина тугатиб, дарс бера бошлаган ёш мударрис эди. Қардош халқлар адабиётидан бир туркум маъруза ўқиган Озод ака Низомий Ганжавийнинг “Хусрав ва Ширин” достонидаги лавҳани шундай баён қилган эди:

“Фарҳод сехрли тешаси билан тоғни кесиб, водийга сув очди. Ширин эрта тонгда қараса, тоғдан шарқираб сув оқиб ётибди. Малика ҳайрат ва ҳаяжон ичида : – Ничего себе! – деди”.

Талабалик йиллари пахта теримида қишгача қолиб кетардик. Ётар жойимиз молхона, тўшагимиз похол, ташнобимиз очиқ дала. Ҳаммомни тушда кўрардик. Арқон билан қор тўкиб пахта териш ҳам, ҳўл тўнкаларни ёриб овқат тайёrlаш ҳам азоб эди.

Шундай вактларда Озод ака ёнимизда бўлиб маъноли сухбатлари билан руҳий мадад берарди.

Бир кун домламиз тўнка ёришни бизга ўргатиб



қўймоқчи бўлиб қўлимиздан болтани олдилар. Хўл ўрик ғўласи чайир экан, устозимизни қийнаб қўйди. Ун карра болта уриб, ўн карра “чёрт побери” десалар ҳам тўнка ёрилмади. Шунда қишлоқда ўсган бир курсдошимиз Озод акадан болтани олиб шундай деган эди:

— Тўнка – тўнка-да, домла! Ақли йўқ. Бўлмаса хурматингиз учун ҳам ёрилиши керак эди. Бу ишни бизга қўйинг, сиз “чёрт побери” деб туринг, биз болта урайлик. Русчага тилимиз келишмайди.

Бу икки воқеани дўстлар даврасида айтиб берсан, Озод ака сира бўйнига олмас, мен бундай демаганман, ҳеч қачон ўзбек тилига ўрисчани аралаштирган эмасман, аралаштирумайман! “Ни в коем случае!” дердилар.

Домланинг ўша биринчи дарсию тўнка ёриш воқеаси билан сўнгги сухбатимиз орасида роппароса эллик йил вақт ўтибди. Ярим аср! Бутун бошли умр! Бунча замон ичидаги ёш фарқи ҳам унут бўлар, устозу шогирд ака-укага, ҳазилкаш дўстларга айланиб қолар экан. Озод аканинг одамохунлиги, ўз номига муносиб озод муҳит яратса олганлиги учун биз ҳам ўзимизни устоз олдида ўз номимизга яраша эркин тутардик, очиқ-сочиқ латифалар айтиб, қалтис асқиялар қилишга журъат этардик.

Лекин ҳар қанча ҳазил-хузул қилмайлик, устоз – устоз мақомида бўлган. Мен ҳам домланинг русча сўзларини ҳикоя қилганда бир гапни қўшардим:

— Мана эллик йилки, шеър ёzsак Озод Шарафиддиновга ёқармикан, дея ҳаяжонда юрамиз. Домланинг сўзлари ўша-ўша: ёқса, “ничего себе”, – дейдилар, – ёқмаса, “чёрт побери”! Лекин ёзганимизни эътиборсиз қолдириш йўқ. “Ни в коем случае!”

*Шеър ёзгандага юрак сўзидан
Бошқа сўзни уққан эмасмиз.*

*Нозирларнинг қаттол кўзидан,
Ғазабидан қўрқсан эмасмиз.
Фақат шеърлар росмана тиниб
Етилмаса, хом чиқса бехос,
Устоз Озод Шарафиддинов
Қовоғидан қўрқсанмиз, холос.*

Шундай улкан истеъдод соҳиби, ҳақгўй инсон, одил мунаққид билан замондош бўлганимдан фахрланаман.

ИНДАМАС ДИРЕКТОРНИНГ БАШОРАТЛИ ҲАЗИЛИ

Мен университетни тугатган йилим Тошкентда янги нашриёт таъсис этилиб, ходимлар танлаш бошланган эди. Табиийки, мен ҳам ҳужжат топширдим. Ишга илиниб олсам шаҳарда колганим, бўлмаса таксимот бўйича Сурхондарёга мактаб ўқитувчиси бўлиб кетишим керак. Тошкентдаги адабий муҳит, ёзувчилар уюшмасидаги учрашув ва сухбатлар, Миртемир домла семинаридан бенасиб қолишим тайин бўлади.

Белгиланган кун директор хузурига кирдим. Бўйи икки метрдан кам бўлмаган дароз бошлиқ менга қайрилиб ҳам қарамади. Саломга алик ҳам, ўтиришга таклиф ҳам, нега келдинг, деб сўраш ҳам йўқ. Тек турганча турибман. Агар тақдирим шу индамас, ғўдайган раҳбарга боғлиқ бўлмаганда, Сурхондарё ваҳимаси турмаганда, бор-ей, деб шартта бурилиб чиқиб кетардим.

Иложисизликдан тишни-тишга қўйиб туравердим. Ниҳоят, бошлиқ қоғоздан бош кўтариб менга қаради ва кўзи билан стулга ишора қилди. Ўтиредим. Яна жимлик. Директор бир даста қаламни муштида тутганча менга тикилиб ўтирибди. Ўша дамда кўнглимга, бу одам соқов эмас-



микин, деган хаёл ҳам келди. Йүғ-ей, дедим яна ичимда, шундай катта лавозимга соковни ўтказиб кўйишмас.

Жим ўтирсам ўтираверадиганман. Ноилож ўзим гап бошладим. Университетни битирганим, ишга кириш ниятим борлигини қисқа қилиб айтдим. Яна жимлик. Шеърлар ёзиб туришимни, матбуотда, радиода қатнашиб туришимни билдирам. Садо йўқ. Яқинда “Шарқ юлдузи” журналида достоним бо- силганини, шоир Туроб Тўла газетада катта мақола ёзиб мени мақтаганини ҳам айтдим. Нокулай бўлса ҳам айтишга мажбур бўлдим. Хаёлимда, жим турсам, паттам қўлимга тегадиган. Нашриётга китоб топширганим, қизил дипломим, пахта теримида олган фахрий ёрлиғим ҳам колмади, боримни дастурхонга тўқдим. Гапим тугади. Ҳамон сукунат. Узоқ жимликдан сўнг раҳбар шундай деди: – Нашриётга директор тайинланган. Бош муҳаррир ҳам олганмиз. Сизга лойиқ лавозимни қандай топамиз?

Шунда ўзимга ортиқча баҳо бериб юборганимни сездим. Менда айб йўқ эди. Бошлиқнинг индамай ўтирганини, кароматингни кўрсат, нимага қодирсан, деган маънода тушундим-да!

– Менга энг кичик лавозимни берсангиз ҳам майли. Иш ўрганишим керак, – дедим энди бир оз ўзимни босиб. Бу гап бошлиқка ёқди шекилли, кичик муҳаррир вазифасига тайинландим.

“Ёш гвардия” деб номланган нашриётнинг биринчи директори Сотиболди Йўлдошев билан бирга ишлаб бу камгап, етти ўлчаб, бир кесадиган, ўзишига пухта раҳбарнинг кўп фазилатларини билдим. Давраларнинг гули бўлиб ўтирганини ҳам кўрдим. Нашриёт муҳити менга катта мактаб бўлди. Ёшлар нашриёти, сўнг бадиий адабиёт нашриётида ўттиз йилга яқин ишладим. Бош муҳаррир бўлдим,

директор ҳам бўлдим. Сотиболди Йўлдошевнинг ҳазил билан айтган сўзлари башорат бўлиб чиқди.

Ўшанда мен икки йўл ўртасида турган эдим. Бундай лаҳзаларни унутиб бўладими?

КЎНГИЛЧАНИК

Миртемир домла ўта кўнгилчан инсон эдилар. Бир куни нашриётнинг узун йўлагидан бир одам домлага қараб, “э, бормисиз, сизни ҳам қўрадиган кун бор экан-ку”, дея кучок очиб кела бошлади. Домла у билан хуш кайфиятда қадрдонларча қучоқлашиб қўришдилар. Обдон чакчақлашиб бўлишгач, яна қучоқлашиб хайрлашдилар. Эшиккача кузатиб қайтгач, биздан сўрадилар:

– У одам ким?

Ҳаммамиз ҳайрон бўлдик:

– Ажабо, ўзингиз қучоқлашиб қўришдингиз, узоқ отамлашдингиз. Қадрдонингиз эмасми?

– Умримда кўрган бўлсам ўлай.

– Унда нега энди...

– Ай, бўталарим-а! Узоқдан қучоқ очиб келган одамга, кимсан, деб бўладими? Андиша борку, ўзбекмиз-ку! – дея бир оз сукут қилгач, қўшиб қўйдилар: – Бир элнинг болалари туғишган бўладилар. Оғамдир, инимдир, битта қадрдоним кўпайса кўпайипти-да!

Етмишинчи йилларда шеърият ҳам, шеърият отаҳониFaфур Fулом номи билан аталган нашриёт ҳам гуркираган, лекин ана шу нашриётнинг айни шеърият бўлимида ишлар пачава эди. Бўлимда Миртемир домла, Абдулла Ориф ва камина ишлар эдик. Домла шогирдлардан, Абдуллажон муҳлислардан, мен шахматдан ортмас эдик. Кўлёзмалар вақтида топширилмаган, корректуралар ўқилмаган, план баҷарилмаган, ҳамма иш ўлда-жўлда. Нашриёт дирек-



тори бир мажлисда зарда билан, шеърият бўлимини ёпиш, тарқатиш керак, деган. Ўшанда машхур жавоб айтилган эди:

– Тарқатиш учун аввал йиғиш керак. Уч ходими тўплаб бўлмаса, қандай тарқатасиз?

– Тўплайман, тарқатаман, – деди, директор ва айтганини қилди. Яъни учовимизни ўз хонасига йиғди.

Ажойиб инсон эди директоримиз Тўлқин Рустамов. Миртемир домла билан тенгдош, эски қадрдон, сенсирашиб гаплашадиган ўртоқ эди.

Раҳбар узоқ гапирди. Партия сиёсати, давлат олдидаги масъулият, нашриёт плани, интизом нима эканини бизга яхшилаб уқтириди. Миртемир домла унинг ҳар гапига бош ирғаб маъқуллаб ўтирилар. Охири маълум бўлдики, бирор сўз домланинг том битган қулоғига кирмабди. Директор:

– Миртемир, қани айт, гапларим тўғрими? – деганда, устоз:

– Тўғри айтасан, Тўлқин, библиотекани тартибга солмаса бўлмайди, – дедилар.

Ташқарига чиққач, домлани ўртага олдик. Устоз:

– Ўлай агар, бир оғиз сўзини ҳам эшитмадим, уят бўлди, жуда уят бўлди, – дедилар.

– Қаттикроқ гапир, десангиз бўлмасмиди, ахир ўз қадрдонингиз-ку!

– Ошнам бўлса ҳам хўжайиним. Раҳбарга индаб бўладими! Каттаконнинг гапини бўлиш одобдан ёмас, бўталарим.

У вақтларда нашриётда маош кам, гонорар кўп бўларди. Ойлик ва қалам ҳақи нисбати бирга ўн, бирга йигирма эди. Биз Миртемир домлага айтардик:

– Биз ёшлар давлат хизматини қилишга мажбурумиз. Сиз улуг шоирсиз. Шу арзимас ойликнинг

баҳридан ўтиб ҳар йил бир китоб чиқарсангиз, кўнглингиз хотиржам, кулоғингиз тинч, чўнтағингиз ўн карра бақувват бўлади-ку.

Домла жавоб берар эдилар:

– Шундайликка шундай. Лекин мен кетаман, десам директоринг хафа бўлади-да. Дўстимни ранжит-сам бўлмас.

Биз устознинг бу сўзини директорга айтиб, домлага рухсат беринг, пенсия ёшидалар, чарчаганлар, десак, директор: – “Домланг ўзи сўрамаса, ариза бермаса, мен қандай қилиб кет, дейман”, – дерди.

Бу ўзаро кўнгилчанлик яна бир йилча давом этди. Сўнг олдинма-кейин учовлон ҳам “ўз аризамизга кўра” нашриётни тарқ этдик. Манас, Данте, Гёте мушкулимизни осон қилди. Уч буюк шоҳ асар таржимасини зиммамизга олиб давлат хизмати билан хайрлашдик.

Директоримиз қўй сўйиб худойи қилган бўлса ажабмас.

КЕЧИККАН ҚАҲҚАҲА

Бу воқеага ҳам, қарангки, қирқ йилдан ошибди. Ёзувчилар анжуманида содир бўлгани учун у тезда тилдан-тилга, китобдан-китобга кўчиб шуҳрат топди ва эшитмаган одам деярли қолмади. Биласизларки, адиллар тўқимага уста бўладилар. Битта рост гапга ўнта ёлғонни қўшиб, оддий воқеани латифага айлантириб ҳикоя қиладилар. Кизик бўлсин деб туппа-тузук инсонларни гўл, далли-девона қилиб тасвирлайдилар.

Аслида воқеа бундай бўлган:

Ёзувчилар уюшмасининг йиллик ижодий ҳисобот йиғинида ўша вақтда ёш мунаққид бўлган Салоҳиддин Мамажонов ёш ёзувчи Юсуф Шомансурнинг “Қора марварид” романини таҳлил қилиб



роса пўстагини қоқди. Яроқсиз асарга чиқарди. Унга жавобан Юсуф Шомансур сўз олиб танқидчини ноҳолисликда айблади:

– Мамажоновнинг менда қасди бор, – деди у. – Уюшма боғида биллиард ўйнаб унинг мазасини қочирган эдим. Аламини оляпти.

Залда қаҳқаҳа кўтарилди.

Мажлисда ўтирган Миртемир домланинг қулоги оғир эмасми, танқидни ҳам, жавобни ҳам эшитмади. У то ён атрофдагилардан кулгининг сабабини сўраб билгунча Юсуф аллақачон гапини тугатиб бўлган, минбарда академик Воҳид Зоҳидов ижодкорнинг замон олдидаги, инсоният олдидаги бурчи тўғрисида чукур фалсафий фикрларни баён қилиб турар эди. Анжуман аҳли улкан файласуфнинг сехрли овозига маҳлиё бўлиб жим эшитарди.

Шу вақт залда бирданига Миртемир домланинг кучли қаҳқаҳаси янграб кетди:

– Оббо тентаг-ей, оббо жинниво-ей! Топган гапини кўринг!

Домла завқдан ўзини тўхтатолмас, минбарга қарамай кулишда давом этарди. Ҳамма ҳайрон. Академик олим минбарда қотиб колган. Унинг кўнглидан ўша лаҳзада нималар кечди экан?

Вазиятни Носир Фозилов енгиллаштирди.

– Домла ўтиб кетган гапга куляпти. Юсуф Шомансурнинг жавоби нашъа қилди.

Залда яна кулгу кўтарилди. Бу галги қаҳқаҳа аввалгисидан ҳам қаттиқ ва узоқ бўлди.

БЕРЛИНГА ҚАНЧА ЙЎЛ

1975 йилнинг ёз ойлари эди. “Фауст” таржимони сифатида Германияга борадиган бўлдим. У замонда чет элга фақат Москва орқали чиқиларди. Ҳозирги Тошкент – Франкфурт, Тошкент – Париж рейслари тушимизга ҳам кирмаган эди.

Пойтахтнинг “Украина” меҳмонхонаси йўлакларида кунни қандай ўтказишни билмай у ёқдан-бу ёкка юрар эдим. Эртага Москва – Берлин поезди билан йўлга чиқишимиз керак. Гёте ватанини кўриш иштиёқи қўнглимга тинчлик бермайди. Бундай пайтда кимгадир ҳаяжонларингни айтгинг келади. Ёлғизлик азоб беради, вақт ўтиши қийин бўлади.

Шундай ҳолатда меҳмонхонада муҳтарам адиб Иброҳим Раҳимни учратиб қолдим. Иброҳим aka ҳажвий журналларнинг бош муҳаррирлари йиғинига келган эканлар. Ўша куни кечгача сайр этиб, сухбатлашдик.

Кўпни кўрган адиб, қарийб ярим асрлик адабий жараён ичида яшаб ижод қилган, жаҳон урушининг бошдан-охиригача зобит аскар бўлиб, жанговар мухбир бўлиб хизмат қилган, неча бор ажал доидан омон чиққан ёзувчининг ҳикоялари нақадар мароқли эди.

Гап айланиб 60-йилларнинг ўртаси, Иброҳим Раҳим раҳбарлик қилган “Гулистон” журналиниң энг гуллаган вақтларига бориб тақалди.

– “Темур тузуклари”ни нашр этиб дашномлар эшитганим учун заррача ҳам ўқинмайман. Агар бу табаррук асарни босиб чиқара олмасам, ўзимни кечирмасдим, умр бўйи виждоним азоб чекарди, – деди ўшанда Иброҳим Раҳим.

Дарҳақиқат, “Гулистон” журнали у йилларда онг ва шууримизни тарбиялаган, халқимиз кўксини кўтарган нашр эди. Унинг таҳририяти ижодкор ёшлилар учун табаррук даргоҳ ҳисобланарди. Менинг ҳам бир туркум ғазалларим, “Ўзбегим” қасидаси шу журналда босилган. Айниқса, Расул Ҳамзатовнинг “Доғистоним” асари анча шов-шувларга сабаб бўлганди. Журналнинг уч-тўрт сонида босилгач, “юқори”нинг буйруғи билан тўхтатиб қўйилди.



Миллий хис уйғотувчи асарларнинг турли элатларга ёйилиши у замон мафкурасига зид эди. Эгаллаб турган курсиси азиз, жони ширин бўлган бирор муҳаррир бундай ишга журъат қилолмасди.

– Фашистнинг ўқидан кўркмаган, майдада амалдорнинг дўқидан кўркманми? – жасоратли муҳаррирнинг бу сўзлари қулоғимдан кетмайди.

Ҳамма газета-журнал раҳбарияти, редактор, редколлегия деб аталганда биргина “Гулистон”да муҳаррир, таҳрир ҳайъати дея ёзиларди. Бу ҳам бошқаларнинг ғашини келтирас, очиқ айттолмасаларда пана-панадан, “бу нима олифтагарчилик” деб юрадилар.

Москвадаги тасодифий учрашув мен учун қисматнинг совғасидай бўлган. Ўшанда кўнглимга туғиб юрган кўп саволларимга жавоб олгандим. Охирги саволим шундай бўлди:

– Эртага поезд билан Германияга жўнашимиз ке-рак, билмайсизми, Берлинга неча кунлик йўл?

Жангчи адаб жавоб берди: – Поезд қанча юришини билмайман, лекин биз борганда Берлин тўрт йиллик йўл эди...

ЯХШИ НИЯТ ҚИЛИНГ, ШОИРЛАР!

Инсон тафаккури бу сирли оламнинг беҳисоб мўъжизаларини кашф этиб бўлган эмас, балки ҳеч қачон сўнгигача кашф этолмас. Бу ёруғ дунё очилмаган сирлари билан ажиб, ҳайратлидир. Сир бор сенда ҳайрат бор, ҳайрат бор ерда шеърият бор.

Шеъриятнинг сехри ҳам аслида сир. Инсон тафаккур билан етмаган манзилларга ҳиссиёт билан стиб бориши ҳакикатга айланган мўъжизадир. Балки шундан шоирларни авлиёга ўхшатишар ва бунда озроқкина ҳакикат бўлса ажаб эмас. Неча буюк

ижодкорларнинг тарихий башоратлари рост чиққан ҳамда бунга мисоллар жуда кўп. Ноstrandamus оламда ёлғиз эмас. Айниқса, шоирлар ўз қисматлари ҳақида ҳайратомуз башоратли сатрларни кўп битгандар. Афсуски, бундай башоратларнинг аксари қайғули, ҳатто фожиалидир.

Захириддин Муҳаммад Бобур:

“Ўлганим яхши бу навъ элликдан ар ўтса ёшим”,
дека оҳ урди ва қирқ етти ёшда оламдан кўз юмди.

Бобораҳим Машраб:

“Чун, қўлим бирлан оёғим боғламоқ ҳожсат эмас,
Мен ўлимга розиман, бас, тургали тоқат эмас”,

дека нолали сатрлар битди ва Балхда дорга тортилди.

Пушкин “Евгений Онегин” шеърий романида Онегин билан шоир Ленский ўртасидаги дуэлни, шоирнинг ўлимини тасвирлаган. Бамисоли ўз қисматини олдиндан кўргандек башоратли манзара ни бутун тафсилоти билан чизиб қўйган. Бу манзара болаликдан тасаввуримга ўрнашиб колган эди. Пушкиннинг Данtes билан дуэли ўтган ўрмонни бориб кўрганимда вужудим ларзага келган. Хаёлимдаги ўша манзара қархисида турадим...

“Мен эрта бошладим, эрта кетарман.” Бу сўзларни ёзган шоир Лермонтов йигирма етти ёшида ҳалок бўлди.

Фурқат ўзига айриликинираво кўргандек, ушбу тахаллусни олмагандабалкиумри ёрудиёр фуркатида ўтмас, қабри олис Ёркентда колмай, Мукимиий каби она шаҳри Кўконда муким яшармиди...

“Кирланиб битдим ўзим, дунёни поклай олмадим”, деди афсус билан Абдулла Тўқай. У ҳам айни йигит ёшида дунёдан кетди.

Умри ёш хазон бўлган шоирлардан яна бири Сергей Есенин. Унинг сатрларига қулоқ тутинг:



*Биз барчамиз кетаётирмиз
Ҳаловатли сокин юртларга.
Оҳ, менинг ҳам фурсатим тигиз,
Отланишиим керак сафарга.*

Ҳам синфдош, ҳам курсдош дўстим, дилбар инсон, нафис шоир Анвар Истроилов эллик бешга етмаган ёшда хаётдан кетган. Унинг йигит ёшида битган сатрларини армон билан эслайман:

*Ошиққанча айланар даврон,
Ихтиёrsиз биз ҳам шошармиз.
Шафтолилар гули нафармон,
Ажисб бир тонг хайрлашармиз...*

Бу каби башоратга айланган сўзларни ўтмиш шоирларида кўп учратганман. Чўлпонда “Куёшнинг нурига тоқат қилолмай ерга ботдим-ку”, деган сатрни ўқиб, Усмон Носир шеърларида бамисоли видолашувдек ҳазин мисралар кўриб юрагим эзилган. Бундай сўзларни ёзмаган бўлсалар қани эди, дея ўкинганман. Шунинг учун ҳам севимли шоир укам Муҳаммад Юсуф, “Райҳонга суюниб ўлиб қоламан”, деб ёзганда умримда бир бор унга, койиб эмас суйиб, бундай сўзларни тилга олмасликни айтган эдим.

Халқимизда бир ҳикмат бор: “Яхши ниятга ҳам, ёмон ниятга ҳам фаришталар “омин” дейдилар!” Мен ижодкор дўстларимга мурожаат қилиб айтгим келади: Яхши ният қилинг, шоирлар! Ўзингизга ҳам, юртингизга ҳам омонлик тиланг. Фақат тирабгина қолмай, ёруғ келажакка ишонинг, ишонганда ҳам астойдил, бамисоли шоир Асқад Мухтордай қаттиқ ишонинг:

*Умрим узоқ бўлар,
Сезиб турар кўнгил,
Баракали бўлар шубҳасиз.
Кумуш чўққисига қарайман дадил,
Мен бормасман унга тухфасиз...*

Мана бу – чин башорат, эзгу башорат, барча шоирларга ўрнак ва сабоқ бўлгулик башоратdir.

Дарҳақиқат, Асқад Мухтор узоқ ва баракали умр кўрди, ўлмас асарлар, ижодий мактаб, истеъоддли шогирдлар, маърифатли фарзандлар колдирди, адабиётнинг жонкуяри, ташкилотчиси, арбоби ва заҳматкаши бўлди ва ҳамиша ёниб яшади...

МЕРГАНЛИК МАКТАБИ

1963 йил Хоразм учун омадли келган эди. Пахтадан мисли кўрилмаган ҳосил кўтариб “Машъал Хоразм” номини олган, мамлакатга донг таратган эди. Декабрнинг корли, аёзли кунларида вилоятнинг ҳосил байрамида қатнашиш учун Ёзувчилар уюшмаси топширигига кўра (у вактларда ёзувчиларга ҳам топшириқ бериларди) шоир Шуҳрат, унга ҳамроҳ ва ёрдамчи бўлиб камина Урганчга келдик. Ўшанда мен илк бор таникли адибга бўлган эл хурмати, муҳлислар меҳрини кўрган, ҳавас килган ва кўнглимда, киройи шоир бўлсанг Шуҳрат акадай шоир бўл, деган фикр кечган эди.

Хоразмда бир ҳафта қолиб кетдик. Тантаналар ўтгандан кейин ҳам муҳлислар Шуҳрат акани Тошкентга юборишмади. Ҳар куни зиёфат, шеърхонлик, тонготар ширин сухбатлар...

Бизнинг бош мезбонимиз вилоят ёзувчилар уюшмаси раҳбари, овчи, шикор мавзусида кўп ҳикоялар ёзган Раҳим Бекниёз бир кун эрталаб Шуҳрат акага қўшоғиз милтиқ олиб келди. – Бугун овга чиқамиз, – деди у, – айни мавсумда келдингиз, ўрдак, қашқалдоқ, каклик ёғилиб кетган.

Эски “Виллис”ни миниб йўлга чиқдик. Шуҳрат aka, Раҳим Бекниёз ов қиласидиган, Эркин Самандар билан мен йифиб копларга соладиган бўлдик.



Үша кечаси қор жуда қалин ёғган экан. Тиззадан қор кечиб ярим кун ов қидирдик.

Үрдак, қашқалдоқ у ёқда турсин, чурқ этган чумчук ҳам қўринмади. Шуҳрат ака Раҳим Бекниёзга ҳазил қилди: – “Ёғилиб кетди деганинг қор эканда?” Эркин Самандар устознинг ҳазилини давом эттириди: – Биздан нима отдинг, деб сўрасалар, корда одим отдик, деймиз.

Шундай қилиб, бизлар учун тушлик тайёрланган вилоят меҳмонхонасига оч қорин ва бўш қоплар билан қайтдик.

Хоразмликлар меҳмоннинг кўнглини олиш учун нималар қилмайдилар! Овимиз бароридан келмаганини эсдан чиқариш учун мезбонлар бир ажабтовур мерганлик мусобақасини ўйлаб топдилар. Овдан тежалган ўқлар билан ичкиликдан бўшаган шишаларни отадиган бўлдик. Ўйин шарти шуки, ким ўн қадамдан шишани урса, тўла бир қадаҳ мукофот олади.

Биринчи бўлиб мерганлик маҳоратини қирқ йиллик овчи Раҳим Бекниёз кўрсатадиган бўлди. Узоқ вақт мўлжалга олди. Бир неча марта милтиқни тушириб, қўлларини осмонга кўтариб, эй Худо, шарманда қилма, деб пичирлаб дуолар ўқиди. Ниҳоят, тепкини босганда варанглаган овоз таралди-ю, шиша ўрнидан қимирламади. Овчи афсус-надоматлар билан четга ўтди. Карангки, жанг-жадаллар кўрган, “Шинелли йиллар” романининг муаллифига ҳам омад кулмади. Шуҳрат ака совукни айбдор қилиб қўл силтаб уйга кириб кетди. Навбат каминага келди. Умримда милтиқ тутмаган эдим. Кўзимни юмиб тепкини босдим. “Тепки” деб бекорга айтилмас экан, кўндоқдан тепки еб қорга йиқилдим. Лекин омадни қарангки, шиша чилпарчин бўлди. Мезбонлар “ура” садолари би-

лан мени табрикладилар. Қарсаклар остида қадаҳни бўшатдим. Ўша куни ғалаба менда кетди. Отган ўқларимнинг барчаси нишонга тегди. Нечанчи қадаҳ мени қулатди, эслолмайман. Эрталаб бошда оғриқ, лекин кўнгилда “ғолиблик” кувончи билан уйғондим. Нонушта вақтида Шуҳрат ака менга айтган сўзлар ҳали-ҳамон эсимдан чиқмайди: – Содда бўлмай қол. Ўн қадамдан сочма ўқ билан шишани уриш эмас, урмаслик учун хунар керак. Дўстларимиз бизни хурсанд қилиш учун ҳаракат қилишди. Омад келди, деб йиқилгунча ичасанми?

Кечаги ғуур, кўтариқиликдан асар ҳам қолмади. Ўзимнинг алданиб ҳаммага кулги бўлганим алам қилди. Рухиятимдаги ўзгаришни сезган Шуҳрат ака бир оз юмшади: – Булар-ку ўз дўстларимиз. Ҳали сени мақтайдиган, юзта-юзта қуийб берадиган, дўст бўлиб душманинг ишини қиладиган ошналаринг кўпаяди. Ўшанда ҳушёр бўл. Шуни билиб қўйки, шоирни адойи тамом қиладиган нарса “балли-балли” билан қарсак бўлади.

Бу аччиқ сабоқ умрим йўлларида менга асқотди.

Ижодкор деган номга муносиб ҳаёт кечирган, юриш-туришда ҳам, одамгарчиликда ҳам ҳаммамизга намуна бўлолган устознинг ўгитларини миннатдорлик билан эслайман.

ШИФОКОР СЎЗИННИНГ ҚУДРАТИ

1988 йил мен учун анчайин оғир келди. Ёзда ёпишган дард то қишигача вужудимни исканжага олиб кўп азоб берди. Ҳар нарсанинг чаласи дардисар бўлади, деган гап бор. Мулланинг ҳам, косибнинг ҳам, шоирнинг ҳам, ҳатто дарднинг, иситманинг ҳам чаласи ёмон экан. Ҳар кун кечга томон андаккина кўтарилган ҳарорат баданни жунжиктириб, силлани қурилади. Докторлар ҳафта сари консили-



ум қиласидилар, кўриб, текшириб, маслаҳатлашиб, бир фикрга келолмай таркаладилар. Бундай вақтда бетобнинг руҳий ҳолатини тасаввур қилиш қийин ёмас. Энг иродали, ишончи мустаҳкам одам ҳам “борса келмас” юртни ўйлаб қолади.

Ўшандай дардли, маҳзун кунларда қоронғи кўнглимни чироқдай ёритган шахс – дўстим, биродарим, дилбар ва меҳрли инсон, ўз касбининг алломаси доктор Эркин Қосимов эди.

Ўша вақтда хукумат шифохонасининг бош ҳакими бўлган атоқли шифокор ҳар кун ёнимда бўлиб, антиқа ҳикоя ва латифалар айтиб кўнглимни кўтарган, менга сабр-бардош, қатъият ва ишонч бағишилаганди.

Ўшанда мен буюк бобомиз Ибн Сино айтган, табобатнинг уч қуроли ичидаги биринчи қилиб санаган Сўзнинг қудратини яна бир бор англағанман. Бонимдан оғир хаёллар кўтарилигани. Режалаштирган ишларимни ишонч билан давом эттирганман. Кўхна Тошкентнинг жаҳон шаҳарлари билан дўстлик, маданий алоқалари ҳақида “Тошкент дарбозалири” номли ҳужжатли фильм сценарийсини бошлиб қўйган эдим. Ҳолсизликка сўз бермай, уни ёзиб тутгатдим. Қарангки, иситма ҳам тушди.

Ниҳоят, шифокор биродарим ишонтириб айтган умидбахш кунлар келди. Атоқли докторларнинг ярим йилга чўзилган машварати ниҳояга етди. Яъни ҳар бири ўзи бир олам ҳисобланган, умумий тил тошини ўлимдан қийин бўлган алломалар каминанинг биҳтига ниҳоят бир фикрда тўхтадилар. Ташхис шинқ бўлди. Ўт қопини олиб ташлаш учун амалиёт куни белгиланди.

Лекин ўша кунлари мен ёзиб тутгатган сценарий бўйича иш бошланиб кетган, Тошкент – Сиёл дўстлик алоқалари тўғрисида фильм олиш учун

Күшма Штатларга сафар вакти тайинлаб қўйилган эди.

Бу гапни бош шифокорга айтдим. Эркин Қосимов яна консилиум чакирди. Академиклар Р.А. Каценович, В. Вохидов, А. Убайдуллаев, А. Рахимжонов, К. Йўлдошев ва бошқалар маслаҳатга тўпландилар. Амалиёт кечиктириладиган, мен сафарга бориб келадиган бўлдим. Эркин ака мамнун жилмайиб менга қаради:

– Хурсандмисиз, шоир? Мана ташхис ҳам аник, сафар ҳам тайин бўлди. Энди бизга шифохонада ёзилган янги шеърлардан ўкиб беринг.

– Бу ерда шеър ёзолмадим. Бошқа иш билан банд бўлдим, – деб қутулмоқчи бўлдим. Отдошим тутган ерини кесадиган одам эди. Тўрт қатор шеър ўқимасангиз жавоб йўқ, деб туриб олди.

Ўшанда декабрь ойи эди. Киш бўлса ҳам қуёш нур сочиб турар, ташқарида дераза рахига қўнган чумчуклар чирқиллашар эди. Уларнинг яйраб сайраб юриши билан менинг дардли ҳолатим ўртасидаги зиддият қўнглимда тўрт сатр шеърга айланди ва ўша онда туғилган ҳазил бадиҳани ўқидим:

*Чумчуклар деразада,
Чумчукларга маза-да!
Оғрийдиган боши йўқ,
Ўт қопида тоши йўқ.*

Кулги бўлди. Ўша кундан бу мутойиба Эркин Қосимов тилидан элга тарқалиб ўз-ўзидан машхур бўлиб кетди.

Ҳеч қаерда эълон этилмаган, китобларимга кирмаган, матбаа юзини кўрмаган бу жўнгина бадиҳа мана, йигирма йил ўтса ҳам ҳали-ҳамон давраларда эсга олинади. Бунга боис яна ўша Сўз қудрати,



мухтарам шифокорим учун туғма фазилат бўлган дилбарлик, инсонни ўзига торта билиш, маҳлиё килиб қўйиш санъати бўлган.

Бундай инсонлар дунёга кам келади.

* * *

Неча-неча хасталарга малҳам бўлган шифокор ўз бошига келган дард кошида нажотсиз қолар экан.

2007 йилнинг навбаҳорида, куртаклар ҳаёт қўшиғини айтиб турган онларда Эркин Қосимов ҳаётдан қўз юмди. Бу олтинчи март куни эди.

Уч кун аввал ўз ахволини билган шифокор менга рози-ризолик сўзларини айтиб, энди болаларими сизга топширдим, деганда, мен бор иродамни тўплаб қудамни овутмоқчи бўлдим:

— Ундей деманг, ҳали кўп яшайсиз...

Шундай дедиму айтган сўзимдан ўзим уялдим. Оддий беморни юпатиш, ишонтириш мумкин. Лекин ўз ичида кечаётган хасталикнинг барча жараёнларини билиб, сезиб турган улкан шифокорни ёлғон сўз билан овутиб, таскин берib бўладими?...

Эркин ака аста бош чайқаб қўлимни қисди ва бошқа сўз айтмади.

Ўша дамда мен ўлимнинг ҳақлигини анлаган имонли донишманд, иродаси мустаҳкам инсон – умр бўйи ёниб нур таратган, энди сўнаётган шам кошида турадим. Биз сукут ичида видолашар эдик. Хаёлимда буюк ҳакимнинг сатрлари айланарди:

*Жаҳонда қолмади мен билмаган фан,
Не мушкул бўлса енгдим дониш илан.
Ва лекин бу ўлим отлик тугунни
Ечолмасдан ўтар бўлдим жаҳондан.
Алавидо, азизим, қадрдоним...*

ОДАМ ТАНИШ ИЛМИ

Икки нотаниш ўзбек учрашиб қолса, танишувни исм, наслу насаб сўрашдан, касб-кор суриштиришдан бошламайди. Аввало, “биродар, қаердансиз”, деб сўрайди. Манзил аён бўлгач, ўша ерлик таниш-билишлар саналади, фалончини танийсизми, фистончини биласизми, деган савол-жавобга ўтилади. Одам таниш халқимиз конида бор бўлган азалий хусусият. Икки нотаниш ўзбекнинг албатта учинчи умумий таниши чиқади. Сўраб-сўраб топилган ўша учинчи одам икки бегонани ғойибона таниширади. Ана шундан сўнг касб-кор, исму аъмолга навбат келади.

1982 йилнинг декабрида мен юрак хасталиги билан шифохонага тушиб қолдим. Кўпини палата-да даволанаётган оққўрғонлик бир шифокор, адабиёт муҳлиси бўлган дилбар инсон мендан хабар олиб турди, кўнглимни кўтариб хасталикни енгишимга ёрдам берди. Докторлар туришга ижозат бергач, ховлида бирга сайр қиласидиган бўлдик. Бу фикри теран, дунёқараши кенг, босиқ-вазмин, меҳрли инсоннинг сухбатини соғинадиган бўлдим. Биз гўёки шифохона боғини эмас, оламни сайр қиласардик. Тарих, фалсафа, сиёsat, маданият – қайси мавзуда сўз бормасин ҳамсухбатим берилиб баҳсга киришар, ҳар масала устида ўзининг айрича, мустақил фикрини баён қиласарди.

Мен неча бор, исм-фамилиянгиз нима, қайси тиббий даргоҳда, қандай вазифада ишлайсиз, деб сўрамоқчи бўлдим, лекин тилим бормади. У киши мени таниб, исмимни айтиб чақирса-ю, мен ўзингиз кимсиз, деб сўрасам одобдан бўлармиди? Халқимизда шифокорларга “дўхтири” деб мурожаат қилиш одати бор. Мен ҳам ўзимга қадрдон бўлиб қолган бу муҳтарам зотни “дўхтири” деб юравердим.



Обдон танишиб олишнинг қулай мавриди келар, дея ортиқча савол-жавобни кейинга қўйдим. Кўп вақт ўтмай шундай фурсат келди. Келганда ҳам мени лолу ҳайрон қилиб, тавбамга таянтириб келди.

Ўша йил эрта совуқ тушиб, пахта йиғимтерими кечиккан, декабрь ойида ҳам олти миллионлик ҳосил учун кураш давом этарди. Дала-да пахта қолмаган, кор-ёмғир аралаш ёғиб турган вақтда ҳам ҳашарчи талабалар ўқишга қайтмаган, совуқ молхоналарда қув-қув йўталиб ўтиришарди. Ҳатто иситмалаб ётганга ҳам қайтиш учун рухсат йўқ. “Ўлса ҳам далада ўлсин” деган олий буйруққа асосан ва катта раҳбарнинг “пахта ҳам фронт, жанг эса қурбонсиз бўлмайди” деган “ҳикматли” сўзига мувофиқ чаноқларда тола ҳам қолмаган қопқора далага, қор, ёмғир остида устларига пластик ёспинчиқлар кийдирилиб юз минглаб ҳашарчи ёшлиар ҳайдаб чиқиларди. Бундай сохта фидойилик кимга керак, бу азоб-уқубатдан мақсад нима, деб сўрайдиган одам йўқ эди.

Қишининг шундай аёзли кунларида иккинчи курс толибаси бўлган қизим Нозимани оғир хаста аҳволда тўғри пахта даласидан шифохонага олиб келишиди. Ташхис мураккаб, вақт тифиз, зудлик билан профессор Баҳромовни чақириш ва маҳсус схема асосида дори тайёрлаб қон қўйиш зарур эди. Профессорни яrim кун излаб топишолмади. Кечга томон унинг бетоб экани, даволанаётгани аниқланди. Фақат эртасига эрталаб профессор бир талай докторлар билан касал қизимиз ётган хонага кириб келди. Не кўз билан кўрайки, бир кеча-кундуз изланган шифокор ўзимнинг ўша қадрдон ҳамсуҳбатим, шифохонада эшигига рўбарў бўлган муҳтарам инсон эди...

Сайджалол Маҳмудович Баҳромов ўшандада

тұнғиң қизимни ажалнинг чангалидан күтқарып қолғанди. Йиллар үтиб қадрдонлигимиз дүстликка, дүстлик қудалик-қариндошликтек айланди. Үртанча кизим у меҳрибон шифокор хонадонига келин бўлиб борди.

Бу орада профессор Баҳромов институт директори, бошкарма бошлиғи, Соғлиқни саклаш министри лавозимларида ишлади. Бугунда бир неча тиббий академияларнинг аъзоси, тиббиёт фанининг таникли арбоблари сафидан муносаб жой олган довруқли олимдир.

Бизнинг набираларимиз улғайиб, мустақил ҳаёт куриш босқичига етдилар. Лекин назаримда биз ҳамон ўша қирқ олти, қирқ саккиз ёщдамиз, учрашиб қолсак сұхбатимиз, баҳсимиз адо бўлмайди.

Оилавий даврада ўша йигирма олти йил аввали танишувни хотирлаб қулишамиз, болаларимизга сўзлаб, уларни одам таниш илмини эгаллашга, бу ҳаётий зарурат эканини англашга чақирамиз.

Қарангки, етмишнинг маррасини ҳам эгаллаб кўйибмиз. Шу муносабат билан дўстимга айтадиган сўзим шу:

Шукрим, долғали йўллардан бориб,
Бу обод кунларга етдик алъамон.

Биз шундай яшадик:

Элликда қарип,

Етмишга кирганда бўлдик навқирон.

СОДДАЛИК

Содда одам қароқчидан ёмон бўлади, десалар авваллари ёқа ушлардим. Ажабо, гўллигидан доимчув тушадиган, бошқаларга ем бўладиган содда одам-ку, унинг нимаси қароқчи, дердим! Соддалик боис ўзим бир шўрликни ўлар ҳолга келтириб кўйганимдан сўнг бу ҳикматнинг тагига етдим. Воқеа шундай бўлган эди:



1971 йили “Москвич” сотиб олдим. У замонда автомашиналиқ “бойвачча”лар кам. Каттаги на маҳалламизга биринчи енгил машина кирди. Шодлигим чеку чегарасиз. Бир ёқда ёзиб қўйган комедиям ҳамма театрларда узлуксиз ижро этилиб, қалам ҳаки селдай оқиб турипти. Иш жоийим – уйдаги ижодхонам. Нашриётдан “ӯз аризамга кўра” кетганим, шеърларим бадарға бўлганини, яъни шу “арзимас” савдоларни демаса, мендан баҳтли одам йўқ. Тагимда ғилдирак, тўрт томоним кибла. Бу ён Самарқанду Бухоро, бу ён Фарғонаю Андижону Ўш. Гоҳ Чорвоқда, гоҳ Зоминда, гоҳ Иссиқкўлдаман. Оиласнг ёнингда бўлса машина ҳам хонадон бўлар экан. Ҳайдовчилик маҳоратини сўраманг. Фақат олдинга қараб ҳайдаш бор. Ҳатто капотни очиб қарап йўқ... Шу зайл яrim йил давру даврон сургач, бир кун шаҳарнинг ҳалқа йўлида машина таққа тўхтади. Ёрдамга келган ҳайдовчилар кўп уриндилар. Машина ўт олмади. Охир бир юк машинасига судратиб устахонага олиб бордик. Уста моторни очиб, “корзина” кетибди, алмаштириш керак, деди.

Кошки эди, мен машина сотиб олмаган бўлсан, кошки эди у бузилиб, “корзина”си ишдан чиқмаган бўлса-ю, мен “корзина” излаб автомагазинга бормаган бўлсан.

У замонда керакли нарсалар ҳаммаси ноёб эди. Илтимоссиз на дуруст кийим, на мебель ё гилам олиш мумкин эди. Ҳатто ўзимиздан чиқадиган атлас, чинни идишлар ҳам анқонинг уруғи бўларди.

Автомагазин директори йўқ экан, хушбичим, силлиқ юзли ўринбосарнинг ёнига кириб, ўзимни гаништиридим. У юксак ҳурмат ва тавозе кўрсатиб чой узатди, кўп ширин сўзлар айтди. Лекин илтимосга келганда, “корзина”нинг кўп вактдан бери

дўконда йўклигини, ўзининг тушишган укасига ҳам топиб беролмай хижолат бўлганини сўзлаб мени одоб билан эшиккача кузатди.

Ташқарига чиқиб, қаёкқа боришни билмай ҳайрон бўлиб турсам, ёнимга “Запорожец” келиб тўхтади. Ногиронларга мослаштирилган машина рулида ўтирган тўлагина рус киши менга қараб: “Эй, чў надо”, деди. Мен саволга жавоб қилмадим. Айтганим билан топиб берармиди? Магазин раҳбари ўзи кидириб юрган “корзина” сен чўлоқда нима қилсин, – деган гап кўнглимдан ўтди. Чўлоқ киши мени гаранг деб ўйлади шекилли, такрорлади: “Слыш, чў надо?” Мен парвосиз: “Корзина” дедиму тескари карадим. Чўлоқ “тридцать рублей”, деди. Мен ўз қулогимга ишонмай, ундан нима дединг, қайтар, дея сўрадим. Ўша онда ўттиз сўм у ёқда турсин, агар янги мотор олақол, минг сўм бўлади, деса оладиган ҳолатдаман. Ногирон менинг ҳайрат аралаш берган саволимни ўзича тушунди: “Ладно, двадцать пять”, – деди. Мен дарҳол ёнимдан пул чиқардим: “Давай!” У ҳозир олиб келаман, деб машинасини орқага қайтарди. Шу лаҳза хаёлимга бир фикр келиб уни тўхтатдим. Мабодо иккита топила-дими, деб сўрадим. У индамай машинани учириб кетди ва ўн дақиқада иккита “корзина” қўлимга тегди. Суюниб кетганимдан айтган пулини ортифи билан бериб, директор ўринбосарининг хонасига югурдим: “Омадни қаранг, – дедим ҳаяжон ичида, – қидирган нарсамиз топилиб қолди. Укангизга ҳам олдим. Мендан эсадлик. Китоб ёзиб беришга қарздорман”, – дедим.

Ўринбосар суюнар деб ўйласам, у лоладек қизариб кетди. Пешонасига маржон-маржон тер чиқди. Ўшанда мен ўз хатоимни англашим. Уни севинтираман деб соқов қилиб қўйибман. Соддалик курсин.



Кейин билсам, ноёб бутловчи қисмлар автома-
газинга “бошида шапкаси, елкасида погони” билан
келар экан. Бунинг маъноси шуки, “корзина” дав-
лат нархида саккиз сўм бўлса, қўлдан-қўлга ўтиб
дўконга ўн беш сўмга келар ва пештахта остидан
йигирмага сотиларкан. Уддабурон воситачилар-
нинг кўлидан ўтиб бизга ўхшаш оддий бандаларга
ўз асл баҳосидан уч карра семириб келар экан. Шу
бир парча темир гардишда юзлаб “захматкаш”нинг
ризки борлигини мен содда қаёқдан билай? Қаёқдан
билайки, дўкон раҳбари шоирдан “шапка” ололмай-
ди, “шапка”сиз беролмайди.

Биз бошдан кечирган кунлар ҳозирги ёшларга
эртак бўлиб туюлар. Энди “дефицит” деган сўз ар-
хивга тушиб кетди. Ҳеч ким ҳеч кимдан ҳеч нарса-
ни илтимос қилиб топмайди. Пул бўлса ҳамма нарса
бор. Тўғри, баҳоси заҳардаккина, сотувчиси инсоф-
сизгина, олувчиси камхаржгинадир. Лекин ҳамма
нарса бор. Дўконларда навбатга туриш йўқ, номард-
ларга бош эгиб бориш йўқ. Шунга минг-минг шукр.

ТЎЁНА

Элда нимаки урф бўлса, унинг тагида яхши
ният ётади. Тўёна ҳам аслида эзгу маросимга
холисаниллоҳ қўниладиган ҳисса, тўй эгасига
беғараз ёрдам тарзида пайдо бўлган. Лекин бу одат
бора-бора норасмий олди-бердига, мажбурлаб бе-
риладиган қарзга айланди. Қарз бўлганда ҳам ҳеч
бир омонат касса тўламайдиган фоизли қарз бўлди-
колди.

Тўқсонинчи йилларда ҳозиргидек ресторонлар-
да тўй қилиш урф бўлмаган, барча маросимлар хо-
надонларда ўтар эди. Ёзда кундузи соя-салқин ер
танқис, ошлар фақат эрта тонгда бериларди. Биз
ҳам қиз узатганда эл удумини қилиб наҳорда ош

бердик. Яқин қариндошлар, дўсту кадрдонлар ҳали кун чиқмай келиб кўчани тўлдириб қўл ковуштириб турдилар, яъни хизматда бўлдилар. Улар орасида, албатта, Ўткир Ҳошимов ҳам бор эди. У ҳаммадан эрта келиб гўзал табрик сўзлари билан чўнтағимга иккита юзталикни солиб кўйди. У замонда бу ўртача икки ойлик маошга teng катта пул эди. Мехрибонликнинг маъносини дарров тушундим. Ўша кезларда Ўткиржон ўғли Фаррухни унаштириб қўйган, тўй яқин, яъники тўёна ўз эгасига “бала туғиб” қайтиши керак эди. Пешонам тиришди-ю, удум экан, на илож, яхшиликка қайтарай, деб қабул қилиб олдим.

Ижодкорни хасис деган бекорнинг бештасини айтиби. Ижод аҳли сахий ва бағри кенг бўлади. Лекин уларга қалам ҳақи берувчилар хасис.

Тўрт вараққа сиғадиган гапни бир ёзувчи катта китоб қилиб ёзади, унинг ошиғи олчи. Бошқа ёзувчи икки жумлада таъсирлироқ қилиб айтади-қўяди. Шу сабаб косаси оқармайди. Гонорар ҳажмга қараб тўланади-да.

Бир шоир айтиби:

*Хасислардан ўзга хасисман,
Пулга эмас, сўзга хасисман.*

Буни эщитган бошқа шоир, бадтар бўл, дебди. Ўткир Ҳошимов ҳам сўзга хасис санъаткор. Бадтар бўлсин.

Шундай қилиб, эрталаб тўёна бериб қўйган Ўткиржон оқшомга никоҳ базмига хотини Ўлмасхон билан қўлтиқлашиб бойваччалардек ғоз кириб келди. Мен Ўлмасхон билан сўрашиб Ўткирга эътибор қилмадим. Ўлтириб фотиха қилгач:

— Ўткиржон, — дедим астойдил ранжиган оҳангда, — эрталабки ошда кўринмадингиз?



Дўстимнинг рангидаги қон колмади. Шу дамда кўнглидан нима кечгани менга аён эди. Гап саҳарги уйқунинг ҳаром бўлганида эмас, тўёнанинг “кулоғини ушлаб” кетганида эди. Шоирлар паришенликда донг чиқарганлар. “Эрталаб келганим эсида йўқ, тўёна берганимни ҳам билмаган бу девона шоир”, дерди Ўткиржоннинг бевозта кўзлари. Эрининг “маданий” йўқловига орка қилган Ўлмасхоннинг ҳам авзои ўзгарди.

– Ҳазилингиз қаттиқ-да, Эркин ака, – деди Ўткир дам оқариб, дам қизариб, – келдим, кўришдик, ёнингизда турдим...

– Сайд Аҳмад ака, Озод акалар ҳам ҳайрон бўлишди, – дедим мен қовоғимни уйғанча, – майли, соғ-саломат экансиз, хавотир олдик-да...

Ўткир тутоқа бошлади:

– Улар билан ҳам кўришдим. Наҳотки эсламсангиз! Ахир... ўрикнинг тагида кўришдик-ку.

Тўёна ўрик тагида берилган эди.

– Қайси ўрик, қанақа ўрик? – дедим ўзимни ҳайронликка солиб.

– Ана, анови ўрик, – деб кўлинини узатганча дўстим қотиб қолди.

Эрталаб ҳовлини тўлдириб турган ўрик йўқ эди.

Кечки базмга жой тайёрлаганда жуда тарвакайлаб кетган, шира тўқадиган бу дарахтнинг баҳридан ўтган эдик.

Ўткир Ҳошимов саросимага тушиб қолди. Тўёнанинг ягона гувоҳи бўлган ўрик дарахти йўқ!

Бизнинг бундай қаттиқ ҳазилни тасаввурига сифдирмаган Ўлмасхон эрини тинмай нуқилар эди:

– Одам бўлмай ўлинг худоё! Мени шарманда қилдингиз! Эрталаб қаёққа бордингиз?

Боз устига олдиндан “пишитиб” кўйилган устозларимиз Сайд Аҳмад ака, Озод ака Шарафиддинов,

қадрдонларимиз Носир Фозилов, Умарали Норматов, Худойберди Тўхтабоевлар бирин-кетин келиб Ўткирдан ҳол сўрашар, эрталаб кўринмагани учун хавотир олганликларини айтишар эди.

Мен ўз вазифамни бажаргач нари кетдим. Эрхотин ўртасида қандай гап бўлганидан хабарим йўқ.

Ижодкорлар одатда тун сокинида ишлаб, эрталаб кеч уйғонадилар. “Эй муғанийлар, Навоий масти эди, кеч уйғонур”, деганда Ҳазрат ҳам ижод кайфини, Оллоҳга яқинлик хуморини ифода этган бўлса ажаб эмас.

Тунни Арш тоқида уйғоқ ўтказган адига наҳорги ошларнинг малолати аён. Коронғи сахарда тўйхонага етиб келган ижодкор биродаримнинг аҳволини бошқалар англамаса ҳам мен тушунаман. Дўстликка, инсоний бурчга, қолаверса, ўзбекчиликка садоқат ва истиҳола унга уйку бермагани, каловлатиб қўйгани аниқ. Боз устига энг яқин устоз ва улфатларнинг жиддий туриб айтган сўзларидан шоиртабиат дўстим довдираб қолган бўлса, наҳордаги ош унга “тушда кечган умр”дай туюлган бўлса ажаб эмас.

Бу қаттиқ ҳазилнинг охири шу бўлдики, паришонҳол Ўткиржон олдимга келиб кечирим сўради, қайтадан тўёна берди. Бу гал тўёна оқ қофоз орасига яхшилаб жойланган, устига “Ўткир Ҳошимовдан” деб ёзилган эди.

Аслида “томоша”ни давом эттириб пулни чўнтакка солиб қўйсаму бир ойдан кейин икки тўёнани қўшиб қайтарсан айни рисоладаги иш бўларди. Лекин ҳафсала билан конверт қилиб ўралган қофоз ва ундаги кўрга ҳассадек исм-фамилияни кўрганда ўзимни кулгидан тўхтата олмадим.

– Содда бўлмай қолинг, Ўткиржон, – дедим чи-



ройли буқламани қайтариб, – эрталаб келдингиз, тўёна бердингиз. Бунчалар паришон бўлмасангиз?

Бирдан юзи ёришиб кетган Ўткиржон тўёни чўнтағига қайтиб солди-да, бир менга, бир ҳовли ўртасига караб деди:

– Албатта келганман. Ош едик, кўришдик... Эсламай ўлибманми... Лекин... ўрик дарахти қани?

Кейин эшитсам, машхур адаб ўзининг ўша кунги ахволини ўзи ҳикоя қилиб ёзибди. Китоб бўлиб чиқса ўқирман. Лекин ҳар холда хотинидан калтак еганини ёзмагандир. Олдиндан айтай-қўяй. Унинг ёзганларида тўқима кўп бўлади. Мен бор гапни айтдим. Менга ишонаверинг.

ТУГАТИЛГАН МУШОАРА

Олтмишинчи йилларда Ёзувчилар уюшмаси турли ижодий тадбирлар билан гавжум бўларди. Абдулла Қахҳорнинг ёшлар билан мунтазам учрашувлари, Миртемир семинари, Зулфия тўгараги, Шайхзода сухбатлари жуда қизғин ўтар, ёш шоир ва ёзувчилар уюшма даргоҳидан нари кетмасдилар. Айниқса, ҳар ойда бир ўтадиган мушиоара машхур эди. Каттагина зал ёш ижодкорлар, мухлис талабалар билан тўлиб кетарди. Шеър кечаси ўзига хос мусобақа майдони эди. “Бу гал байроқ фалончидаги кетди”, деган овоза вилоятларгача тарқалар, кейинги мушиоара интизорлик билан кутиларди.

Зилзиладан кейин шаҳар ижрокоми биносига кўчирилган уюшманинг катта мажлислар залида ўтган навбатдаги мушиоарада “Ўзбегим” ilk бор жамоа ҳукмига ҳавола қилинган эди.

Шеърни ҳаяжон титроғида ўқиб бўлганим, залга чўккан сукунат, мен қайтиб жойимга ўтирганда ҳам давом этган қарсаклар эсимдан чиқмайди. Мухлислардан бири шеър қўлёзмасини сўраб олди. Жу-

маниёз Жабборов келиб қўлимни сиқди. Мушоара давом этди. Навбат Абдулла Ориповга келганда у минбарга кўтарилиб, ҳозиргина ўқилган шеър тўғрисида эҳтирос билан гапирди ва ўз шеърини ўқиш ўрнига мени минбарга чақириб, “Ўзбегим”ни қайта ўқиб беришни сўради.

Ноилож яна минбарга чиқдим. Лекин қасида матни қўлимда йўқ эди. Айрим бандларини хотира-да тиклаб ўқиб бердим.

Уша шеърхонлик анъанаси кўп ўтмай тўхтаб қолди. Бунда расман нашр этилмасдан қўлёзма шаклида муҳлислар орасида тарқалиб кетган қасиданинг ҳам айби бўлгандир. Негаки, “Узлит” деб аталган цензура кўзидан ўтмаган, унинг рух-сат муҳри босилмаган бирор қофоз эл ичида тарқатилиши мумкин эмас, бундай иш у замонда давлатга қарши варақа тарқатиш деб баҳоланар эди.

Балки, дейман ўзимча, ўшанда қўлёzmани ҳеч кимга бермаган бўлсам, бошқа ҳамма шеърлар каби у ҳам аввал матбуотда эълон қилиниб сўнг элга тарқалса, ким билсин, бу савдолар йўқмиди...

Шундай дейман-у, лекин барча ғавғо қасида “Гу-листон” журналида чиққандан кейин бошланди.

ИЛК МУЖДА

1974 йил ёз ойлари эди. Мен “Фауст” таржимони сифатида Гёте ватанига таклиф этилдим. Бир оқшом Берлиннинг Унтер ден Линден кўчасида ёлғиз сайр қилиб юрган эдим. Қаршимда Бранденбург дарвозаси, унинг ортида Рейхстаг харобалари қўриниб турарди. Жаҳон халқлари бошига, немис халқининг ўзига ҳам тенгсиз кулфатлар келтирган Иккинчи жаҳон урушининг ўчоғига рўбарў турардим. Кўнглимда яқин тарихнинг изтиробли хаёллари эди. Шу пайт орқадан аёл кишининг соғ ўзбек тилида “Эр-



кин ака” деб чақирганини эшитдим. Қарасам, немис олимаси, туркшунос таржимон Дорис Шульц ёкан. Бизни кўриш учун шу кўчада жойлашган апартаментга кела туриб мени кўриб қолибди. Эски қадрдонлардек кўришдик ва сухбатни Дорис хоним – ўзбекча исми Дилором – таклифи билан сайр қилиб давом эттиридик. Мен олимага ижодий фаолияти, режалари ҳақида саволлар бердим. Шунда у бошқа асарлар қаторида ўзбек ёзувчиси Худойберди Тўхтабоевнинг “Сариқ девни миниб” романини таржима қилиб нашриётга топширганини айтди.

Бу хушхабарни Тошкентга олиб келганимда дўстларимиз буни байрамдай қарши олган эдилар. У пайтларда чет тилига таржима қилинган ўзбек китобларининг сони бармоқ билан санарли эди.

Ўша воқеага қирқ йилча бўлибди. Бугун Худойберди Тўхтабоевнинг ўнлаб китоблари дунёга тарқалган. Ёшларимизнинг севимли адиби – асарлари хорижий тилларга энг кўп таржима қилинган ёзувчидир. У саксон ёш арафасида ҳам ғайрат билан ижод қилмоқда, китоблари ўзимизда ҳам, дунё сахнасида ҳам қўлдан қўйилмай ўқилмоқда. Нашр этилган асарларининг сон-саноғини адибнинг ўзи ҳам билмаса керак.

Лекин мен Берлиндан келтирган хушхабар жаҳоний машҳурликнинг илк муждаси эди. Бу билан фахрланиб юрсам арзийди.

“САЛОМ, БОЛАЖОНЛАР!”

Университетнинг иккинчи босқич талабаси эдим. Атоқли болалар шоири Қуддус Муҳаммадийнинг эллик ёшига бағишлиланган издиҳом Ёзувчилар уюшмасида ўтадиган бўлди. Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Шайхзодалар йиғинда қатнашармиш, деган хабар муҳлислар ўртасида тарқалиб кетган ва

кўплар қатори биз ҳам эртарок бориб ишқибозларга ажратилган орқа қатордаги ўриндиқларга жойлашиб олганмиз.

Кутилганидек, барча улуғлар жам бўлдилар. Ўшанда мен устозларимизнинг болалар адабиётига бўлган катта эътибори ва ҳурматини ҳис қилган эдим. Ўша куни барҳаёт мумтоз адиблар болаларга асар ёзиш қийинлиги тўғрисида, болалар шоири деган номнинг улуғлиги ва камёблиги ҳақида ташбиху мажозлар билан кўп ажойиб сўзлар айтдилар. Куддус Муҳаммадий шаънига ҳам мақтовлар ёгилиди.

Тадбир сўнгидаги йигин сабабчиси бўлган машхур шоирга сўз берилди. Юбиляр ёш болаларга хос содда табассум ва енгил қадам билан юргурилаб минбарга чиқди ва кўнғироқдек овозда:

– Салом, болажонлар! – деди. Шундай деди-ю, хижолатдан юзи ловуллаб кетди. Узоқ йиллардан бўён кунда, кун ора минбарга чиқсанда беихтиёр айтадиган сўзи эди бу:

– Салом, болажонлар!

Умрини болалар ичидаги ўтказган, болалар шеъриятига умрини бахшида этган инсоннинг мурожаати эди бу:

– Салом, болажонлар!

Дабдурустдан айтиб юборилган бу сўзда Куддус Муҳаммадийнинг болалардай содда ва беғубор юраги намоён бўлган эди.

Бир дақиқалик ҳайрат ва сукутдан сўнг зал қарсакдан ларзага келди. Ойбек ҳаяжонланиб ўрнидан турди. Ғафур Ғулом ҳам ханда урганча кўзғолди. Абдулла Қахҳор, Уйғун, Яшин, Шайхзода тик ҳолда бир-бирларига қараб завқ билан нималардир дейишар, овозлари қарсакларга кўмилиб кетган эди.

Улуғлар ўтирган даврада беихтиёр янглиш айтилган бу сўз шоирнинг ҳаёти, таржимаи ҳоли эди.



Умримда кўп юбилейларни кўрдим, кўп оташин шутклар эшитдим. Лекин бундай қисқа, ёрқин, таъсирили, ҳаммани ўрнидан қалқитган сўзни эшитган эмасман.

ЖАЗАВАГА КЎЧГАН ЖОЗИБА

Бу воқеа 1985 йил бошлари Дехли шаҳрида Осиё-Африка халқларининг шеърияти кунларида бўлиб ўтган эди.

Катта мушоара белгиланган кун биз, мамлакат вакиллари – шоир ва адиб Сергей Баруздин билан иккимиз айтилган вақт – соат тўққизда, айтилган жой – меҳмонхона йўлаги олдида ҳозир бўлдик. Лекин бизни олиб кетадиган мутасаддилар ҳали етиб келишмаган экан, кутиб турдик. Ўн беш дақиқа ўтди, ярим соат ўтди ҳамки, мезбонлардан дарак йўқ эди. Дам соатга, дам қўлимиздаги дастурга қараймиз, безовта бўламиз, тайинланган вақтни ёжойни адаштиридикми, деб ўйлаймиз. Йўқ, ҳаммаси тўғри, ҳатто автомашина рақамигача ёзилган.

Нихоят соат ўнга яқин микроавтобус етиб келди. Кутишдан тоқати тоқ бўлган С. Баруздин таржимонга, бу қанақа тартиб, бу қанақа интизом, бир соатча куттирдинглар, дея тўнғиллади. Жиккаккина, қоп-қорагина ҳинди таржимон хотиржам табасум билан жавоб берди:

– Бу ерни Ҳиндистон дейдилар. Тартиб-интизом нима қилсин?! Ҳиндини Буюк Мўғуллар ҳам, инглизлар ҳам ўз қолипларига сола билмаганлар. Озодликни суйган халқмиз, баҳтиёр гадолармиз, баҳтли одамлар эса соатга қарамайдилар.

Мен таржимонга икки жиҳатдан эътиroz билдирам. Аввало, “Буюк мўғуллар” эмас, “Буюк Бобурйлар” дейиш тўғри бўлади. Чунки салтанатга асос солган Бобур бевосита Амир Темур авлоди.

Мушоара белгиланган жой кенг ўтлок ер экан. Бир ёнда тахтадан ясалган кўчма сахна ўрнатилган, бир ёнда майса устига тўшалган гиламларда йигирма-ўттиз чоғли одам чордона қуриб ўтирибдилар. Улар орасида ҳиндилар, араблар ҳам, африқоликлар ҳам бор.

Таржимон бизни гиламга таклиф қилди. Даврада Ҳиндистон президенти жаноб Сингх ҳам борлигини айтди.

Биз аввалда ишонмадик, наҳотки шундай мартағали зот ерда чордона қуриб ўтирган бўлса, дедик. Таржимонимиз давлат раҳбарининг содда ва камтарлигини, шеъриятни яхши кўришини айтиб бизни даврага бошлади. Бу ҳолатни бизнинг онгимиз, расмиятга кўниккан тафаккуримиз сира қабул қилмасди. Шундай улкан мамлакат, миллиард нуфузли халқ президентининг шоирлар даврасида ҳангома қилиб ўтириши, атрофида кўриқчиларнинг йўқлиги бизни ҳайрон қиласди. Шеригим чордона қуриб ўтиромаслигини, урушда тиззадан ярадор бўлганини айтиб узр сўради ва биз сахна ёнидаги курсиларга бориб ўтиридик. Кўп ўтмай гиламда ўтирганлар ҳам келдилар. Президент олди қатордан жой олди ва мушоира бошланди.

Шеърхонлик рисоладагидек ўтарди. Мажлис радиси навбатни Танзания вакилига берди. Сахнага ўз миллий кийимида, устига носқовоққа ўхшаш нарсалар осиб олган қора ҳабаш чиқиб келди. Охиста ва майинлик билан шеър ўқий бошлади. Назокатли оҳанг аста дағаллашиб бора-бора ҳайқирикка айланди. Шоир гоҳ ваҳший қушга ўхшаб чағиллар, қўлларини қанот қилиб сакрар, гоҳ арслон бўлиб ўкираради. Бошланишдаги жозиба росмана жазавага айланганда, президент кўриқчиларининг борлиги маълум бўлиб қолди. Улар қаердандир югуриб



келдилар ва давлат раҳбарини эҳтимолий хатардан куриқлаб ўраб турдилар. Шоир яна аста-аста соқинлик ва майинликка қайтди ва шеърни шивирланган овозда охирига етказди. Қўриқчилар хотиржам бўлиб тарқалдилар.

Маълум бўлишича, танзаниялик шоир халқ кўниклари услубида ижод килар, ўша куни ов манзарасини тасвир қилувчи шеърини ўкиган экан. Мушоира сўнгидаги президент унинг ёнига келди, қўл бериб кўришди, қучоқлади. Бу бишан у қўриқчиларнинг ҳаракати боис юзага келган иокулийликни тузатган бўлди.

Ўша куни президент Заил Сингх ҳаммамиз билан бир-бир сўрашиб чиқди. Менинг ўзбек эканлигими ни билиб Навоий ҳақида сўз очди ва Фарҳодни эслади. “Ўзбек деганда кўз олдимга Фарҳод келади”, деди. Мен Фарҳоднинг ўзбек эмас, Чин шаҳзодаси эканини айтиб ўтирамадим. Ҳиндистоннинг давлат раҳбари айтган сўзлар мантиқан рост эди ва кўнглимда ифтихор уйғотди.

Мен бу юксак мартабали, камтарин ва олижапоб инсон шахсияти билан қизиқдим. У шоир экан. Ҳинд ва ўрду тилларида шеърий китоблари нашр ўтилган экан. Шуни билгач, давлат раҳбарининг шеърият анжуманида бошдан оёқ иштирок этгани, ҳатто эртароқ келиб, шоирлар билан сухбатлашиб ўтиргани, ҳаммамиз билан бирма-бир танишиб чиққанининг сабаби аён бўлди. Ҳиндистонда Навоийни ҳамма ҳам билавермайди. Заир Сингхнинг буюк ҳазратга хурмати унинг кенг билимидан, шеъриятга чин меҳридан гувоҳлик бериб туарди.

Умрим давомида мен сон-саноқсиз мушоираларда қатнашганман. Лекин буниси ёдимда алоҳида муҳрланиб қолган.

ҚЎРҚУВНИНГ КЎЗИ КАТТА

Олтмишинчи йилларнинг боши эди. Ёшлар нашриётида эндиғина иш бошлаган эдим. Бир куни барча нашриётларнинг раҳбарлари ва ижодий ходимлари фирмә марказқўмига чакирилдилар. Рўйхатда мен ҳам бор эдим. Ҳали ёш, тажрибасизлигим учун у юқори даргоҳга чорлов яхшилик аломати эмаслигини билмасдим. Шу боис раҳбарларимизнинг оқарган юзлари ва бежо кўзларига қараб ҳайрон бўлардим.

Айтилган кун айтилган соатда марказқўм биносининг бешинчи қаватидаги мажлислар залида жам бўлдик. Ҳамма жим, бирор бирорвга қарамас, бамисоли ҳукмни кутган маҳбусдек кунишиб ўтирадик. Чамаси ярим соатларча ўтиб марказқўмнинг мафкура бўйича котиби бўлган барваста аёл важоҳат билан кириб келди ва ҳеч бир салом-аликсиз гап бошлади:

– Бизга яқинда тушган маълумотга кўра бадиий адабиёт нашриётида қора касса мавжуд экан. Нашриёт директори ўртоқ Ўразаев, ўрнингиздан туринг! Микрофонга келинг ва бизга тушунтиринг, бу қонунсиз маҳфий ишдан хабарингиз борми?

Кўп йиллар нашриёт раҳбари бўлган, тажрибали, обрў-эътиборли бу кекса ноширга дабдурустдан қилинган бундай кўпол муомала менинг ёш онгимга ҳеч сифмас эди. Абдулла Ўразаев оҳиста юриб минбарга чиқди, вазминлик билан сўз бошлади:

– Маълумки, нашриётларнинг адабий алоқалари бор, турли республика ноширлари билан бордикелдилари, ёзувчиларимизнинг, ижодий ходимларимизнинг юбилейлари билан боғлиқ сарф-харожатлари бор. Лекин бу хайрли ишларга маблағ ажратилмаган. Ҳар гал жамоадан пул йиғиш ҳам хизматчиларга малол келади. Шунинг учун биз бир



Шунда битта китобни ҳамкорликда таржима қилиб, қалам ҳақиғини шундай тадбирларга ишлатамиз. Бу кичик жамғармамиз махфий эмас, ишончли кишилардан тузилган гурӯҳ ҳисоб-китоб олиб боради ва жамоага ҳисоб бериб туради. Қолаверса, мен айтиб ўтган хайрли тадбирлар режаси марказкўмга тақдим ўтилган ва тасдиқланган.

Оқсоқол бу охирги сўзларни айтмай турса бўлар экан. Марказкўм котиби тутоқиб кетди:

– Демоқчисизки, сизни бу жиной ишга ундалан марказкўмнинг ўзи, шундайми?

– Бу ишда ҳеч қандай жиноят йўқ. Барча нашриётларнинг тажрибасида бор иш.

Нашриёт директорининг бу ҳалол гапи аввалингисидан ҳам кўпроқ хато бўлган экан. Кейинчалик давлат хизматида узоқ ишлаб англадимки, бундай ҳолатда узр айтиб, бош эгиб туришдан ўзга чора йўқ экан. Шундагина огоҳлантириш ёки ҳайфсан билан қутулиб қолиш мумкин экан. Ҳакиқатни ҳимоя қилган кишининг шўри қуриди экан. Ўшанда Абдулла Ўразаев айтган сўз марказкўм котибига, бекор айтибсан, дейиш билан баробар бўлгани аниқ ўди. Котиб ғазабдан жазавага тушди:

– Сиз нима деяпсиз? Айтган гапингизга ҳисоб берасизми? Айбингизни бўйинга олиб тавба қилиш ўрнига бошқаларга ҳам тухмат қилмоқчимисиз?

Шундай деб у ҳамма директорларни бирма-бир турғизиб сўради:

– Сизларда шундай қора касса борми?

Ҳаммалари бир хил жавоб бердилар: – Йўқ! – Ваҳоланки, бундай жамғарма ҳамма нашриётларда бор ва кўп йиллардан буён қоидага кирган экан.

Шундан сўнг котиб сўрок қилинаётган директорга қаради: – Мана энди нима дейсиз? Факат жи-

ноятчи эмас, тухматчи ҳам бўлиб чиқдингиз. Сизни партия сафидан ўчириб ишдан олиш масаласи шу бугунок марказкўм бюросига қўйилади.

Котибнинг айтгани бўлди. Абдулла Ўразаев ишдан олинди. Лекин партиядан чиқарилмади. Кекса директорга шафқат қилдилар чоғи. Партия сафидан ўчириш у замонда қамокка ташлаш демак эди.

Мустакил ҳаётга қадам кўйиб менинг биринчи кўрган мажлисим шу бўлди. Бир йўла адолатсизликни ҳам, бешафқатликни ҳам, номардликни ҳам шу мажлиснинг ўзида кўрдим. Бегуноҳ инсонни, хурматли оқсоқолни ўшандада ҳеч ким ҳимоя қилмади. Саволга тутилган ўнта нашриёт раҳбарининг бирортаси рост сўзни айтиб жоҳил котибни ноҳак хукмдан қайтармади. Ахир улар Абдулла аканинг дўстлари, сафдошлари эдилар!

Ўша воқеа ёш кўнглимда жароҳатли из колдирди. Авваллари мен хурмат қилиб юрган у каттаконларни ёмон кўриб қолдим. Ҳар кўрганда ичдан нафратланадиган бўлдим. Номардликнинг кўча тилида айтиладиган тилга олиб бўлмас ҳақоратли номи, ўша хунук киска сўз хаёлимга келадиган бўлди.

Йиллар ўтиб бу нафрат номардликни пайдо қилган муҳитга нисбатан ички исёнга айланди. Мажлисларда бир гапни, ташқарида бошқа гапни айтадиган, ўзи ўтказган зулмдан ўзи ғуурланадиган бошликларга дуч келдим. Ўша кўркув муҳитига кўнган, қамчисидан қон томган раҳбарни суйиб хурмат қилувчи золимпарвар инсонларни кўрдим. Бундек кўркувнинг бош сабаби халқдан эгалик хукуқини олиб ҳаммани давлат қулига айлантирган тузум эканини англай бошладим. Туйғуларим сатрларга кўчди. Шулардан бири:



*Кўрқувнинг кўзи катта,
Юраги кичик бўлур.
Кўрқув зўр келган юртда
Арслонлар кучук бўлур.*

Руҳимда ўчмас из колдирган, балки дунёқа-
ранимнинг шаклланишида дастлабки туртки бўлган
ўша мажлис онлари дилим тубига чўккан лаҳзалар
уди.

АЖРАЛМАС ДЎСТЛАР

Оила қуриб икки фарзандли бўлганимда менинг
ҳам пешонамга бир парча ер битиб, иморат тик-
лашга киришдим. Бу иш ҳеч қачон осон бўлмаган.
Лекин ҳамма нарса камёб бўлган у замонларда уй
қуриш азобнинг ўзи эди.

Иморат пойдевордан, пойдевор эса ер қазишдан
бошланади. Режа тортиб қозиклар қоқилгач, марди-
кор бозорига югурдим. Бозорда чамамга тўғри кел-
ган норғул йигитлардан иккисини мўлжалладим.
Улардан биттасига харидор чиқиб турган экан. Ле-
кин бу ажралмас жуфт, борсак иккаламиз борамиз,
якка-якка ишламаймиз, дея оёқ тираб турардилар.
Харидорнинг хафсаласи пир бўлиб нари кетгач, мен
бордим. Менга ҳам айтган сўзлари шу бўлди: “Сен-
га битта одам керак бўлса ана бозор тўла мардикор.
Биз ёлғиз бормаймиз, иккаламиз бирга ишлаймиз.”

Нархни ишбай келишиб уларни олиб кет-
дим. Қазиладиган ерни қўрсатдим, қўлларига кет-
мон, чўкич, белкурак, замбил дегандек, ер кавлаш,
тупроқ ташиш учун керак ускуналарни бердим.
Усталарга кўз-кулок бўлиб туришни ён қўшнимга
гайинлаб, ўзим цемент, шағал қидиришга кетдим.

У замоннинг англаб бўлмас ғаройиб ишларидан

бири нарх-наво эди. Курилиш дўконида пойдевор тугул йўлка қилишга ҳам ярамайдиган сифатсиз қизил цементнинг бир тоннаси пулига олий навли кўк цементнинг ўн тоннасини олиш мумкин эди. Цемент ортган исталган машинани тўхтатиб битта ароқнинг пули берилса бас, эшигингиз тагига тўкиб кетишарди. Негаки, ҳайдовчи учун юкни қаерга тўкиш фарқсиз эди.

Мен содда ёш шоир буни қайдан билай? Сарсон-саргардонлик бошланди. Баҳтимга, курилиш дўконларида ҳам инсофли одамлар бор экан, мени “тўғри йўл”га солдилар. Аклимни топгунча уч кун сарсон бўлдим. Ниҳоят, тўла цемент ортилган машинада гердайиб, ғолиб жангчидек қурилиш майдонига қайтдим. Ер қазиш ишлари жадал кетаётган экан. Азаматлар ғайрат билан меҳнат қилишар, уюлган тупрок тоғ бўлиб кетганди. Ҳорманглар, дедим. Жавоб бўлмади. Русчалаб салом бердим. Икковлон яна жим. Охири яқин бориб, баланд овозда отларини айтиб чакирдим. Шундагина ишдан бош кўтариб менга қарадилар. Ё алҳазар! Қай кўз билан кўрайки, икковининг ҳам башарасида бутун жой қолмаган, юзлар момоталоқ, жағлар шишган, қаншарлар ёрилган, таниб бўлмас даражада эдилар. Менга қарадилару индамай яна ишга тушиб кетдилар. Мен нима гап бўлганини тушунмай ҳайрон турганимда ён кўшним чиқиб қолди. Савол бермасимданоқ кейинги уч куннинг ҳангомасини сўйлаб берди. Айтишича, йигитлар ҳар кун кечгача бош кўтармай ишлашар, кечқурун кўшнига мен қолдириб кетган кундалик емак пулидан олиб, тўйгунча ароқ ичишар экан. Кайф тарақ бўлгач, арслонга айланиб бир-бирларига ташланишар, ҳолдан тойгунча жанг қилиб, сўнг ухлаб қолишар экан. Эртасига яна икковлон ишга



түшиб кетишар, чурқ этмай ишлаб, кечкурун яна ўша машмаша давом этаркан. Бу жанг маҳалла болалариға текин томоша бўлибди. Ҳар кеч бизнинг курилиш майдончамиз гладиаторлар жанггоҳига айланиб, ёшлар тўпланадиган кўнгилочар манзил бўлиб қолган экан. Томошабинлар икки гурӯхга бўлиниб, тарафкашлик килишар, ур-урлаб, карсак чалиб туришаркан.

Кўчамиз ёшларининг байрами яна бир ҳафта давом этди. Бетон ишлари тугаб, мен бу жангари мардикорларнинг жавобини берганимда маҳалла кексалари енгил “уф” тортган бўлсалар керак. Уларнинг миллатини ҳам, манзилини ҳам сўрамадим. Яна ишлатиш ниятим йўқ эди. Лекин рост гапни айтишим керак, ишлари пухта, топган пуллари ҳалол эди.

Орадан кўп ўтмай яна мардикорлик ишим чикиб, бозорга бордим. Сон-саноқсиз ёлланувчилар ичидаги ўша новча, норғул йигитларни қўрдим. Ҳамон, биз фақат бирга ишлаймиз, якка-якка юрмаймиз деб туришарди бу ажралмас дўстлар.

ТАФАККУРНИ ҮЙҒОТҒАН СЎЗ

Минг тўққиз юз эллигинчи йил кириб келганда мен бешинчи синф ўқувчиси эдим. Бизга рус тили ва адабиётидан дарс берган Николай Николаевич Уваров янги йилнинг биринчи дарсида шундай сўзларни айтган эди:

– Биз йигирманчи асрнинг ўртасига қадам кўйдик. Яна эллик йилдан кейин икки мингинчи йил келади. У тамоман бошқача замон бўлади. Инсоният улуғ кашфиётлар килади, фан мўъжизалар яратади. Тинчлик бўлса балки одамзод ойга бориб қўнса керак. Кулманг, хаёлпараст деб ўйламанг мени. Сиз ўша кунларни ўз кўзингиз билан кўрасиз, кўриб ме-

нинг сўзларим чинлигига ишонасиз. Менинг сизлардан бир илтимосим бор. Афсоналар ҳақиқатга айланган у янгича оламга биздан салом айтинг, орзуларимизни етказинг. Чунки у замонларга биз етиб боролмаймиз...

Бу таъсирили сўзлар юрагимга ўрнашиб қолди. Узоқ келажак тўғрисида, ҳаёт ва ўлим тўғрисида ўйлай бошладим. Ўзи орзу қилган замонга етиб боролмаслик алами, буни олдиндан билиш даҳшати мурғак юрагимга оғриқ бўлиб чўкди. Ўша олис замонга, янги мингийиллик бўсағасига мен етиб борамми? Етиб борсам олтмиш тўртга қадам қўйган, қариб-чуриб кетган чол бўламанми? Бу каби сонсаноқсиз саволлар мени чулғаб олди.

Менинг болалигим жаҳон уруши ва урушдан кейинги очлик, муҳтоҷлик йилларига тўғри келган. У даврда олтмиш ёш қарилик хисобланар, бундай ёшга етганлардан етмаганлар кўпроқ бўларди. УстозларимизFaфур Гулом, Абдулла Қаххор олтмиш ёшда кексайиб жуда тўкилиб қолган эдилар. Олтиариклик қўшнимиз Мадамин бовани эслайман. Оғзида бирорта тиши қолмаган, бадани қоқ суякка тери қоплагандек эди. Ҳазилкаш, асқиячи бу чолга ёшлар тегишиб, “бова, нон чайнасангиз киндиқдан томоққача ўйинга тушади-я”, десалар, бова завқ билан яланғоч милкларини очиб кулар ва жавоб қиласарди:

– Сен ҳам мендек иккам олтмишга борсанг томоша қиласман, қуриган саксовул экан, деб сени ўчокқа қалаб юборишади.

Ўшанда мен беш ёшларда бўлсам керак, “олтмиш”ни тушундим-у, “иккам”ни тушунмадим. Уйда аямдан сўраб билдимки, бова икки кам олтмиш, яъни эллик саккиз ёшга кирган экан. Мана бу-



тун эллик билан олтмиш ўртасидаги айни куч ва гайратга тўлган укаларимга қараб, ўша бовани эслайман. Энди замон бошқа, дунё бошқа, юрт бошқа, биз ўзимиз бошқа одамлармиз.

Болаликда эшитганинг қулоқда муҳрланиб қолар экан. Айниқса, юракка бориб етгувчи, тафаккурни уйғотгувчи сўзлар. Эллигинчи йил бошида муаллимдан тинглаганим айни шундай сўзлар эди. Улар менин жуда эрта хаёлчан қилиб қўйди. Кўпроқ ёлғиз колиб китоб ўқийдиган бўлдим. Замон ва маконнинг бепоёнлиги, боқийлик ва фонийлик, умр маъноси тўғрисида ўйлай бошладим. Ўша нидо менинтароқ уйғотиб қўйган қўнғироқ эди.

Ўйласам, устозлардан омадим келган экан. Ёттинчи-саккизинчи синфдаёқ Файратий тўгарагига бориб, бу донишманд устоз сабоқларини эшитдим. У киши бизни ёш бола демай, Саъдий, Ҳофиз, Бедил, Навоий, Фузулий ғазалларини форсий, туркий тилларда ёддан ўқиб берар ва биз уларни англаб стмасак-да, юксак шеъриятни ҳис қиласардик, билишга интилардик. Кейинча Миртемир семинари, Абдулла Қаҳҳор сұхбатлари бизга дорилфунун бўлди. Алихон тўра Соғуний ҳикматларини ул зотнинг ўз тилларидан эшитиш менга насиб қилди.

Аввало, мен ўқиган мактаб ўқитувчилари илм фидойилари, моҳир тарбиячилар эди. Николай Николаевич Уваров дарсдан кейин қолиб, бизга ажойиб ҳикоялар айтиб берарди. Толстой, Тургенев, Чехов асарларини оддийгина ва қизиқарли қилиб сўзларди. Биз маза қилиб эшитар, мириқиб кулар эдик, ибратли воқеалардан сабоқ чиқараардик. Мактаб унинг иш жойи эмас, бутун ҳаёти эди. У фақат дарс берибгина қолмаган, ўз касбига жонини берганди.

Муаллимнинг айтганлари бўлди. Бизларга янги аср, янги мингийилликни кўриш насиб этди. Мўъжизалар ҳакиқатга айланган замонда яшаяпмиз. Бугунги озод, фаровон ҳаётимизда у фидойи инсонларнинг, урушларда қон кечган, очлик, муҳтожлик йилларида сабр ва матонат билан меҳнат қилган ватандошларимизнинг орзулари бор. Бизлар ўша олис мاشақкатли замондан, ҳаловат қўрмай ўтган ота-боболардан хозирги ёшларга салом олиб келган одамлармиз. Аждодлар руҳи биз билан, ҳаммамиз билан ҳамма вақт бархаётдир.

Сүз латофами

Сүз - задаржаса,

Сүз - гавхар, аитин,

Заргаңылкынег машакқати күн.

Сүзни дайтга қадаудан оғын,

Жағтинге құй, тұйиод қара, ұп!



1. ОНА ТИЛИМ

Тил фидойилари, қаердасиз?

Халқимиз иродаси, ўша вақтда Ўзбекистон Компартиясининг биринчи котиби бўлган Ислом Каримовнинг дадил саъй-ҳаракати билан ўзбек тили 1989 йил 21 октябрь қуни юртимизда Давлат тили мақомига эга бўлди. Ҳали Шўро давлати кудратда бўлган замонда содир бўлган бу тарихий ходиса – истиқлол баҳорининг илк ғунчаси – илм ахли, ижод ахли учун чинакам байрам эди. Қалбларимиз нурланди, дўппини осмонга отдик ва... хотиржам бўлдик. Ваҳоланки, тилга Давлат мақомининг берилиши узоқ йиллар давом этадиган, барча касб эгалининг сафарбарлигини, айниқса зиёлиларнинг тинимсиз меҳнатларини талаб қиласидиган умуммиллий жараённинг бошланиши бўлган эди.

Ўша қалтис ва шукухли йилларнинг жўшқин баҳсларига, жонбозликларга шоҳид бўлган бир қаламкаш сифатида бугун афсус ва ўқинч билан ўйлайман: Она тилимиз фидойилари қанилар? Ҳар йили 21 октябрни табаррук қундай нишонлашимиз, тил байрамларини ўтказишимиз дуруст. Лекин Она тилимизни бойитиш, атамалар устида ишлаш, чет тилларидан кирган сўз ва терминларга муносиб ўзбек сўзларини топиш устида ғайрат ва жонбозлик ҳали етарли даражада эмас. Тилшунос олимларимиз, таржимонларимиз, айниқса ижодкорлар олдида улкан вазифалар бор. Тилимизнинг Навоий замонидаги қудратини тиклаш, бадиий, илмий, расмий тил бойлиги учун астойидил жон койитишимиз керак.



Унбу кўламли меҳнат Вазирлар Маҳкамаси қошида тушшиган Атамалар қўмитаси ёки Фанлар академиясининг ўзи амалга оширадиган иш эмас. Тилимизни чинакам давлат тилига айлантириш ҳаммамиз ва ҳар биримизнинг, мен ўзбекман деган ҳар бир инсоннинг шарафли вазифасидир.

Э, ўзимиз эканмиз-ку!..

Олтмишинчи йилларнинг охирида Fafur Fu-lom номидаги нашриётда ишлар эдим. Бош муҳарриримиз Тоҳир Иброҳимов партком котиби эди. Кунлардан бир кун у партия мажлисини, ўрнатилган гартибга кўра, рус тилида ўтказаётиб қайсиdir бир атаманинг русчасини тополмай қолди. Бир-икки дақиқа “Та-а-к... та-а-к...” деб турди-да, бирдан юзи ёришиб кетди ва ўзбек тилида “Э, ўзимиз эканмиз-ку, нега энди мен ўзимни қийнаб русча гапиряпман”, деб юборди. Дарҳақиқат, мажлисда бирорта русийзабон йўқ экан. Ҳаммамиз кулдик. Мажлис ўзбек тилида давом этди.

Ўшанда биз кулган эдик. Лекин у ҳолат замоннинг, миллатнинг, бир эмас, бир неча авлоднинг фожеаси эди. Ўзбекистон деб аталган юртда ўзбек тили қуи даражадаги тил, авом тили ҳисобланди, юксак минбарлардан, илмий, маърифий анжуманлардан кувгин қилинди. Бу дунёning олтидан бирини эгаллаган улкан мамлакатда узоқ йиллар давомида муттасил, куч ва босим билан олиб борилган катта сиёsatнинг меваси эди. Оқибат шу даражага етдики, ўзбеклар ўз фарзандларининг келажагини ўйлаб, замон сенга боқмаса, сен замонга боқ, дегандек уларни рус мактаблариiga бердилар. Натижада ўз она тилини чала биладиган, ёки мутлақо ўзбекча гапиролмайдиган бир авлод етишди. Бу ҳол ёшларнинг айби эмас, кўргиликлари эди.

Эсимдан чикмайди: олтмишинчи йиллар сўнгига
 Ўлжас Сулаймонов Ўзбекистонда меҳмон бўлди.
 Ўзбекнинг ёш шоирлари, машҳур қозоқ шоирининг дўстлари уни бир неча кун диёrimiz бўйлаб
 олиб юрдик, шеърхонлик учрашувлари ўтказдик.
 Шундай учрашувларнинг биридан сўнг дастурхон
 устида Ўлжас алам ичидаги шундай деган эди: “Мен
 қозоқнинг шоиринега русча ёзаман? Ўз она тилимда
 яйраб ёзсан, яйраб шеърлар ўқисам бўлмайдими?
 Афсуски, халқимнинг ёш авлоди, менинг тенгдошларим,
 ҳаётга келаётган янги авлод қозоқ тилида
 китоб ўқимай қўйган. Олмаотада якка-ёлғиз бир
 дона қозоқ мактаби қолди. Бу менинг ҳеч тузалмас
 дардим, оғриғим”.

Шундай деб туриб, Ўлжас юзини дарча томонга
 ўғирганча кўзига қалқсан ёшни беркитиб бир муддат жим қолган эди.

Шоир кўнглидаги ўша дард барчамизнинг қалбимизда бор эди. Шўро юртида барча миллий тилларнинг қисмати олдиндан белгилаб қўйилган эди. Билмадим, агар мустақиллик бўлмагандан – мен муқаддас сўзларни кўп тақрорлаб қадрини туширишни истамайман, аммо виждан сўзини айтишим керак – мустақиллик бўлмагандан ўзбек тили ҳам ўттиз-қирқ йил ичидаги батамом истифода қилинмай, унут бўлиши тайин эди. Энг ажабланарлиси шуки, бу жараённинг бош идеологлари Москвада бўлсалар ҳам, фаоллари, камарбаста ижрочилари ўзимизнинг ичимизда эди.

Ўша нашриёт фирмаси котибининг ”Ўзимиз эканмиз-ку“ деган сўзларига мажозий маъно бериб, ”Ўз она тилимизни юксакка кўтарган ҳам, уни хор қилган ҳам ўзимиз эканмиз-ку“, десак бўлади.

Шу ўринда бир илова лозим.

Ўзимиз етарли даражада қадрламаган ўзбек тили шўро замонида ҳам Америка, Япония, Европа мам-



шикатларида ўрганилар эди. Ильза Сиртаутас, Эдуард Олворт, Андраш Бодроглигети (АҚШ), Ингеборг Балдауф, Зигрид Клайнмифел (ГФР), Кисао Комацу (Япония) каби атоқлы профессорлар томондан она тилимиз тахлил қилинган ва ўқитилган. Мустақиллик йилларида улар билан дўстона алоқамиз мустаҳкамланди, янги маъно касб этди. Ўша йилларда ёзилган шеърдан:

*Термуламан Ильза хонимга,
Кўзларимга ишонмай ҳайрон.
Амриқолик хушрӯй олим
Сўзлар эди ўзбекча равон...
Келинг, Сизни она юрт учун
Фидолар бир тинглаб қувонсин.
Бу қувончдан лекин бир умр
Жудолар ҳам тингласин, ёнсин.
Ўз элати меҳридан дилин
Ёт тутганлар Сизни эшиитсин,
Ўз юртида ўз она тилин
Унуганлар Сизни эшиитсин.*

Она тилимиз чин қадр топган бу кунда олисни кўра билган ўша улкан қалб эгаларига, Ўзбекистоннинг хориждаги энг яқин дўстлари бўлган олимларга миннатдорлик сўзларини айтсак арзиди. Негаки улар хорижда ўзбек тилини тарғиб қилиш баробарида элимиз қадрини ҳам кўтарганлар.

Яна бир гап. Такдир тақозоси билан рус мактабларида ўқиб, русча таълим олганлар ичидан ўзбек тилининг энг курашчан жонкуярлари чиқдилар. Машҳур санъатшунос Ҳамидулла Акбаров, менинг курсдош дўстим, рус филологияси факультетини туттаган. Унинг тоза ўзбекча нутқини ҳамиша мароқ билан эшитаман.

Шунингдек, бир қанча давлат ва жамоат арбобларимиз, академикларимиз, ижод соҳибларимиз

борки, рус мактабидан улар чукур билим бароба
рида ўз миллати, ўз она тилига муҳаббат туйғусин
ҳам олиб чикқанлар.

Нелар топдик, нелар йўқотдик?

Ўзбек тилининг чинакам бойлиги ва қудрати рас-
мана ўрганилмаган. Тилимиз дунёning энг зангин
ва рангин тилларидан биридир. Негаки, у буюк турк
тили негизида таркиб топган, араб, форс тилларин
инг бой хазинасини кенг миқёсда истифода этган,
халқаро атамалардан баҳраманд бўлган, дунё тилла-
ридан сўзлар олиб бойиган тилдир.

Ўзбек тили каби сўз ясаш имконияти кенг, ше-
валарга ва синонимларга – маънодош сўзларга бой
тил ҳам дунёда кам. Лекин афсуски, кейинги етмиш
йил ичида “Девону луғотит турк”да улуғланган,
“Муҳокаматул луғатайн”да тавсифланган тили-
миз бойиш ўрнига камбағаллашди. Тилшунослиқда
“арабизм”, “форсизм”га қарши, адабиётда “сарой
тили”, “кибор тили”га қарши авж олдирилган ку-
раш, йўқсил тили йўқсилча дегандек, охир-оқибат
кенг халқ оммасини Навоий ва Фузулийдан, Оғаҳий
ва Машрабдан узоқлаштириди. Уларни ўкиб ту-
шунмаслик даражасига етиб келдик. Эсимда бор,
олтмишинчи йилларда ёзган кўпгина ғазалларим
муҳаррирлардан бир сабабу баҳона билан қайтарди:
тили мурakkab, қийин, халқ тушунмайди. Матбуот
ходимларининг ўзига хос “мантиқи” кўпинча шун-
дай бўлар эди: адабиётчи бўлатуриб менки тушун-
масам, оддий ишчи-дехқон қандай тушунсин?

Аслида тувакда ўсган гул каби ўз идорасидан
ташқарини билмаган, халқ турмушидан узоқ бўлиб
қолган ўша муҳаррирдан кўра оддий ишчи-дехқон
сўзга бойрок, зуккорок, фаҳмлирок бўлган. Лекин
пролетар мағкурасининг дастёрлари ўз ғояларини
оғишмай амалга оширилар. Мана шу ғоя билан



мұмтоз шоирларимиз құллаган сүзлар адабий тилеміздан бир-бир чиқиб кетди, тилемиз бир инсон үмри давомида батамом “ишчи – дәхқон тили”га айланып бўлди.

Іу-ку шўро сиёсатининг оқибати эди. Тарихий қылдриятларни тиклаш давлат сиёсатига айланган бу кунда ҳам ўша факирона дунёқараашнинг мавжудлигига нима дейсиз? Ҳали-ҳамон тилемизга кирабошлиган “бекат”, “тайёра”, “туман” каби сүзларни култи килиб, “остановка”, “самолёт”, “район” дейишга ҳалқ ўрганган, янги сўз топишнинг нима кераги бор, дегувчилар камми? Агар бундай дунёқарааш ўтган аср бошида яшаган маърифатпарвар жадидшар орасида ҳам ҳукмрон бўлганда, бугун бир газетамизнинг номи “Қишлоқ правдаси”, бир журналимиз “Жаҳон литератураси”, бир жамиятимиз номи “Культура ва просвещение” бўлар эди. Бир вактлар Чингиз Айтматов қирғиз тилида “ҳақиқат” деган сўзнинг йўқлигини айтиб фарёд қилган эди. Мустай Карим газеталарнинг бирида босилган мақола сарлавҳасини айтиб даврани кулдирган эди: “Советшар Россиясинда крестьянлар положениеси”!

Кулгили сарлавҳа. Лекин бошқалардан кулмайлик-да, ўз тилемизга эътибор берайлик. Ҳаммамиз ҳам рус сўзларини аралаштирумасдан гапирамизми?

Бир замонлар Фарғонанинг йўлларида бир гурух ёш ёзувчилар шу мавзуда баҳслашиб қолдик. Мен бир ўйин таклиф қилдим: ким гапида рус сўзини ишлатса, бир сўм штраф тўласин. (Ўша вактда бир сўм ҳам пул эди.) Одатда гаров ўйнашни яхши кўрадиган Ўткир Ҳошимовга таклифим ёкиб тушди ва дабдурустдан: – Давай, ўйнаймиз! – деб юборди. “Қани, **давай** учун бир сўм давай” – дедим мен ҳазиллашиб. Аввал сиз тўлаб қўйинг, деди Ўткир, – **штраф** эмас, **жарима** дейиш керак эди. Шундай

қилиб Фарғонага етгунимизча бир зиёфатнинг пули йиғилди.

Тайёрода тўқилган шеър:

*Парвоз чоги тайёранинг дилбар келини
Кўк юзини бизга тахти Сулаймон қилди.
Лекин эълон ўқигандага ўзбек тилини
Давлат тили бўлганига пушаймон қилди.*

Ўзбек тилининг бугунги даражаси, туркий тиллар ичида туттган мавқеи учун биз кўп жихатдан ўтган аср бошида яшаган жадид зиёлилардан миннатдор бўлишимиз керак. Улар ўзбек тилининг сўз ясаш имкониятларидан дадил ва моҳирона фойдаландилар, халқда миллий ғурур, она тилига ҳурмат туйғусини тарбия килдилар. Ҳали руслаштириш сиёсати авжига чиқмасдан илгари юзлаб, минглаб русча ва байналмилал сўзларни ўзбекчалаштириб улгурдилар. Биргина тилшунослик билан боғлиқ атамалар қанча! “От” (“атоқли ва турдош от”), “Сифат” (“сифатдош”), “Сон” (“Саноқ сон”, “тартиб сон”), “Олмош” (“Кишилик олмоши”, “кўрсаткич олмош”), “Равиш” (Равишдош), “Келишик қўшимчалари” (Бош келишик, қаратқич, тушум келишиклари)...

Ўқув қўлланмаларини эсланг: сиёҳдон, ўчирғич, чизғич, бир чизиқ дафтар, катак дафтар, қаламдон, жилд, бўр ва ҳаказо. Ахир юқорида келтирилган сўзларнинг ҳам байналмилал ёки русча номлари бўлган. Тайёр сўзларни қабул қилсалар осон эди, бош оғриғи кам бўларди. Биз бугун гапнинг эгаси ва кесими, дейиш ўрнига предложениенинг подлежащчеси ва сказуемоеси, деб юрган бўлардик. Лекин ўша замон зиёлиларининг ижодий жасорати боис биз бугун шундай бой мулкка эгамиз. Ўша атамалар аллақачон онгимизга жойлашиб, ўзимизники бўлиб кетганки, биз уларни кимдир излаб топга-



шини, яратганини, баҳсу мунозаралар билан қабул килинганини ўйламаймиз ҳам. Ваҳоланки, тилга бир янги сўзнинг кириши енгил жараён эмас.

Жаҳон тажрибаси ва “изм”лар

Она тилини бойитиб бориш соҳасида турли мамлакатларнинг турли хил тажрибалари бор. Араб давлатларида, масалан, арабчалаштириш марказлари мавжуд. Бу марказларда вақти-вақти билан барча араб давлатларининг тилшунос олимлари тўпланиб турадилар. Улар тилда пайдо бўлган янги сўз ва ибораларнинг арабча ифодасини излайдилар ва кўп таклифлардан бирини асосан яширин овоз бериш йўли билан қабул қиласидилар. Шундан сўнг янги сўз ёки ибора қонуний кучга киради. Уларни ҳаётда тадбиқ этиш тартиби ҳам ўзига хос. Масалан, идеология ифодаси учун “мафкура” сўзи қабул қилинса, бир йил давомида матбуотда “идеология” ёнида қавс ичида “мафкура” сўзи ҳам ёзилади. Иккинчи йил эса “мафкура” ёнида қавс ичида “идеология” ёзилади. Учинчи йилдан “мафкура” нинг ўзи ёзилади.

Тилни бойитиш кенг халқ оммасидан ташаббускорликни, олиму мутахассислардан ижодкорликни, янги сўзни ҳаётга киритувчи мутасаддилардан хайрихоҳликни, ўзбекчалаштиришга бўлган қатъий иродани талаб этадиган катта Ватаний ишдир. Агар биз “интернационализм”га садоқатимизни намоњиши қилиб, “атом” бор-ку, “зарра”нинг кераги йўқ, десак “арабизм”, “форсизм”дан ҳазар қилсак, энг ёмони янги маъқул сўз таклиф қилганни қўллаб-куватлаш, тарғиб қилиш ўрнига унинг устидан кулсак, биз турган еримиздан қўзғалмай тураверамиз. Ҳар қандай янги сўз токи ўрганиш бўлиб кетгунча ғайритабиий туюлади. Сўзнинг син-

гиб кетиши ҳам вақт талаб қилувчи иш. Абдулла Қаххор ўз асарига “Синчалак” деб ном қўйганда ҳам ўқувчиларга даставвал эриш туюлган. Абдулла Қодирийнинг “Мехробдан чаён”и ҳам аввал бошда ғалати туюлган бўлиши мумкин. Чунки ўзбек тилида “Мехробдан чиқкан чаён” дейилади. Қодирий инглиз, рус, араб тилларида мавжуд бўлган грамматик шаклни қисқа ва лўнда бўлгани учун дадил қўллади ҳамда буни халқ қабул қилди.

“Арабизм”, “форсизм”, “архаизм” каби тамғаларда мантиқнинг йўклиги шуки, аввало Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Беруний, Ибн Синолар ўз асарларини араб тилида ёзиб, ватандошимиз Замаҳшарий араб тилининг грамматикасини яратиб, бу тилнинг тарақкиётига улкан ҳисса қўшганлар ва биз бу кун яшаб турган минтакада туркий тил ёнида араб ва форс тили ҳам баробар қўлланилган. Бизнинг мумтоз шоирларимиз деярли барчаси форсий тилда ҳам шеърлар битганлар ва бу тилни иккичи она тили даражасига кўтарганлар. Биз кундалик ҳаётимизда юзлаб, минглаб араб ва форс сўзларини ишлатамиз. “Ангушона”дан то “ситора”гача, “турбат”дан то “илми нужум”гача аллақачон ўзбек луғатига кириб кетган. Халқ уларни ўзиники қилиб олган. Бизнинг Навоий жаҳон шоирлари ичida энг кўп сўз ишлатган, луғати бой шоирлардан бири ҳисобланади. Унинг тилини “архаик” десак, ўрганиб, қайта жон бахш этмасак, Навоийнинг ўзи бизники-ю, шеъри бизники эмас, деган бўламиз.

Навоий ўзбекнинг даҳо шоири деб ғуурлансак, Навоий номи билан энг катта кўчалар, бош кутубхоналар, шаҳар, вилоятларни атасак-да, ўзимиз унинг шеърларини ўқиб тушунмасак бундан оғир кўргилик борми?!

Бугун Афғонистонда яшаб турган ўзбеклар Навоийни биздан кўра яхшироқ тушунадилар. Не-



таки, улар шўро даврини ҳам, тил ва алифбо ишоҳотларини ҳам бошдан кечирмаганлар.

Дарҳакикат, бир миллатни йўқотиш учун уни кириб ташлаш шарт эмас, балки тили ва тарихий хотирасидан жудо килиш кифоя экан. Шеъриятда шунва тарихий хотира мужассам бўлади. Навоий имонида ҳар бир илми инсонга маълум бўлган Куръон суралари, ҳадис сўзлари, маълум-машхур ривоятлар, пайғамбарлар қиссалари, тасаввуф асосчарини бизлар ўрганмаганмиз ва Навоий тилини шугатга қараб тушунсак-да, мазмун-моҳиятини, ноҳик санъатини англашимиз мушкулдир.

Мумтоз шеъриятни англаш мустакил мамлакатимизда бошланган қадриятларни тиклашдек улкан, кенг қўламли ишнинг бир қисмидир. Йўқотишиларимиз миқёсини тасаввур қилсак, қайта тошини жараёнининг ҳали қўп ўн йилликлар давом гишини англаш мумкин.

Бобилми ёки Вавилон?

Ташқаридан сўзлар қабул қилиш барча тилларга хос ва барча тилларда ўз грамматик ва талаффуз коидалари асосида сўз қабул қилиш коидаси бор. Масалан, ҳолат маъносини билдирувчи лотинча “positio” (позитио) сўзи рус тилида позиция, француз тилида “позисион”, инглиз тилида “позишн” тарикасида ишлатилади ва ҳеч ким асли лотинчада қандай бўлса шундай талаффуз этишни талаб қилмайди. Бизнинг исмларимиз литвонияликлар тилида Аҳмадас, Маҳмудас, Муҳаммадас бўлади ва биз бундан хафа бўлмаймиз. Руслар ҳам “палов”ни “плов” деб, “Жаббор”ни “Джаббар”, “Муҳаммад”ни “Магомет” десалар айб эмас, лекин биз “борщ”ни “борш” деб, “цирк”ни “сирк” деб айтсак ёки ёзсан гуноҳи азим ҳисобланади.

*Юввошлиқдан ўзгаларни
Елкамизга миндирдик.
Ёт сўзларни айтолмасдан
Тилимизни синдирдик.*

Русча сўзларни ва рус тили орқали кириб келган сўзларни фақат русча талаффуз қилишга, ҳатто рус тилига бузиб кўчирилган сўзларни биз ҳам бузиб ёзиш ва ўқишга мажбур эдик. Масалан, рус тилида юмшоқ “х” товуши бўлмагани учун Ҳамлет, Ҳайне, Ҳамбург номларини Гамлет, Гейне, Гамбург деб талаффуз қиладилар. Биз ҳам аслиятга мос товушимиз бўлатуриб, шу тариқа ёзиш, айтишга мажбур эдик. Энди бу зарурат йўқ. Лекин бизга ўрганиш бўлиб қолгани учун ҳозирда ҳам шундай. Бутун дунё Сурия, Бобилун, барбар, деса руслар лотин ёзувини кириллицада ўкиб Сирия, Вавилон, варвар, деб қабул қилганлар ва биз ҳам шундай хато ёзиб, хато ўқидик ва бу хатолик ҳам давом этмоқда.

Четдан келган сўзларни халқимиз аллақачон ўз тилига мослаб олган. Биз доктор, машина, стакан, рюмка деб ёзсан ва айтишга уринсак-да халқ, дўхтири, мошин, истакон, румка деб ишлатади ва англаб-англамай халқаро қоидаларга амал қиласди. Билъакс тилшунос олимлар сунъий қоидалар билан ўз она тилимиз қонуниятига ҳам, халқаро қонуниятига ҳам зид иш тутадилар.

Курбон ота деган шоир “мотоцикл” сўзини аруз вазнига сололмай армон билан ўтган экан. Дарҳақиқат, “мотоцикл” сўзи аруз у ёқда турсин, ўзбек шеърининг ҳеч бир вазнига тушмайди. Негаки, мотоциклнинг ғилдираги айланса ҳам уни айтишга тил айланмайди. Агар мабодо бизда ҳам ўша халқаро қоидалар амал қилиб, халқ қабул қилгандек “мотоцикл”ни “матасекил” десак бу сўзни ҳамма вазнига солиш мумкин бўлади.



Байналмилал сўзларни таржима қилиш, ёки ўз она тилимизга мослаш халққа қулай қилиш баробарида бадиий адабиёт, аввало, шеърият учун зарур. Гилга бегона сўз бамисоли гурунчдан чиққан тошлек ўқувчининг тишига тегади.

Орзу қиласманки, “атом” сўзи ўзбекчада “зарра” деб ишлатилсаю, мен шундай туюқ ёзсам:

*Боқий эрмаслар қуёш ҳам, зарра ҳам,
Парчалангай парчаланмас зарра ҳам.
Лекин, эй дил, руҳ абаддир, руҳ абад,
Ўзгасига қилма парво зарра ҳам.*

Қани, “рюмка”, “стакан” сўзлари ҳам ўзимизнинг сўзларга айланиб, шеърий тилга кирса:

*Куй, эй соқий, лаболаб румка эрмас, истаконимга,
Қани мастона хобимда етишсам истагонимга.*

Ғалати машҳур

Тошкент вилоятида ёндош икки шаҳар бор: Ангрен ва Оҳангарон. “Ангрен” сўзи “Оҳангарон”нинг рус тилига бузиб кўчирилган шакли эканини бирор билар, бирор билмас. Оҳан – темир, оҳангар – темирчи, оҳангарон – темирчилар экани ҳам одамларнинг эсидан чиққан шекилли, ҳеч ким, ҳай, бу нимаси, битта номда икки шаҳар бўладими, деб сўрамайди. Сўраганда ким қулоқ соларди? Битта тентакнинг ишини мингта доно тузатолмас, деб шуни айтадилар.

Эскидан қолган “Ғалати машҳур” деган гап бор. Бу “машҳур бўлган хато” демакдир. “Ғалат” сўзининг ўзбек тилида “ғалати” шаклида “қизик”, “ажойиб” деган маъно касб этгани ўзи ғалати машҳурдир.

“Хунук” сўзи форсчада совуқ, “муттаҳам” арабчада жиноятчи маъноларини англатади. Кўпгина

Шарқ мамлакатларида “дафтар” деб идора, офисни, “маҳкама” деб судни айтадилар.

Кейинги йилларда тилимизга “олийгоҳ”, (институт) сўзи кириб колди. “Қароргоҳ”, “Саждагоҳ”, “Жанггоҳ” сўзларидаги жой маъносини билдирувчи “гоҳ” қўшимчаси олдидан предмет ёки ҳаракат номини англатувчи сўзни қўшиб атама ясаш мумкин. “Оромгоҳ”, “тайёрагоҳ”, дейиш хато эмас. Ҳатто “илмгоҳ”, “муолажагоҳ” дейиш ҳам мумкин. Лекин “олийгоҳ” дейишимиз ғалатдир. Чунки “гоҳ” қўшимчаси сифат ё равиш билан ишлатилмайди. “Олийгоҳ” – “ёргистон”, “кенгзор”, “тезхона”, “яшилгоҳ” деган каби мантиқсиздир.

Янги сўз ёки атаманинг луғатга кириши, ўзлашиб кетиши, дарҳақиқат, осон эмас. Бунинг тилшуносларимиз яхши биладиган кўпдан-кўп шартлари бор. Шулардан бири ва асосийси, назаримда, қисқаликдир. “Остановка” деган тўрт бўғинли сўз ўрнига икки бўғинли осонгина “бекат” сўзи тез сингиб кетди. Лекин қисқагина “шофёр” ўрнига сунъий ясалган “ҳайдовчи”нинг луғатга кетиши қийинроқ. Шунинг учун тилга мослаб олинган “шўпир” сўзини халқ кўпроқ ишлатади.

Америкада бир ёш уйғур йигитдан “унолғи” деган сўзни эшилдим. Микрофон маъносида. Жуда чиройли топилган, тил табиатидан келиб чиқсан, бинобарин тез ўзлашиб кетган сўз экан. “Қимматбаҳо металларнинг пробаси” тўғрисидаги қонун лойиҳаси муҳокамасида “проба” сўзининг ўзбекчаси устида баҳс кетди. Албатта, давлатчилик тарихи бор бўлган халкларда олтиннинг асилик даражасини билдирувчи сўз бўлади. Ўша муҳокамада биз ўз тарихимиздан ажралиб қолганимизни яна бир карра ҳис этдик. Ўзбекчада “проба” сўзига эквивалент атама бўлмаслиги мумкин эмас. Амир Темур давлатида,



хонилклар замонида олтин тангалар зарб этилган, гизла ём билар қуйилган. Биз Қонуннинг номини шактинга “Кимматбаҳо металларнинг асилик дарражаси” деб қўйдик. Кўнглимиз тўлмади. Якинда ҳоразмлик бир шоира “ёргит” деган сўз борлигини, олтиннинг қиммати ёргит билан ўлчанганини айтиб қолди. Бу сўзниң қанчалик “проба”га яқинлигини ўрганиб кўриш, яъни ушбу сўзниң асилик даражасини текшириш тилшунос олимларимизга ҳавола. Собиқ шўро замонида ўзбек тилида конун ёзилмаган. Умуман Ўзбекистонда конун ёзилмаган. Барча республикалар учун ҳам Москвада тайёрланган. Шу боис ўзбекнинг девон тили, яъни хужжат ёзадиган тили унутилиб кетган. Биз ўшлигимизда бирор жойдан маълумотнома оладиган бўлсак бундай хужжат одатда “Берилди ушбу справка...” деб бошланар ҳди. Кейинчалик маълумотномалар умуман ўзбекча ёзилмайдиган бўлди.

Ўзбек тили давлат мақомига эга бўлгач, энди барча қонуллар ўзбек тилида ёзилиб, кейин бошқа тилларга таржима қилиниши керак. Лекин конун тилининг ўзи мавжуд бўлмаса, боз устига кўпчилик олим мутахассисларимиз русча ўқиган бўлсалар, ҳам масидан ҳам адлия терминлари асосан русча бўлса, конун ёзувчиларга осон эмас. Лекин ҳолатнинг мушкуллигига кўниб, илож қанча, деб ўтирсак ҳам бўлмайди. Академия қошида бутун бошли институт бор. Турли соҳаларда терминология билан шуғулланувчи олимлар бор. Илмий курратимиз бошқалардан ҳеч кам эмас. Фақат ушбу улкан ишга астойдил киришмоқ, тилшунос олимлар, турли соҳа мутахассислари, турли минтақаларимиз вакилларини, умуман кенг ҳалқ оммасини, айниқса матбуотни сафарбар қилмоқ зарур бўлади.

Бир замонлар Наполеон Бонапарт, конун қисқа

ва тушунарсиз бўлсин, дея қўрсатма берган экан. Халқ ўз ҳақини танимасин, қонунни император қандай талқин қилса, шундай тушунилсин, деган мақсадда у шундай буйруқ бергандир. Халқка ўз ҳукуқини англатиш давлат сиёсати даражасига кўтарилигган бизнинг замонда қонун албатта қисқа ва тушунарли бўлмоғи керак. Узундан-узок жумлалар тузиш, ўзбекча ёзатуриб русча фикрлаш девон тилимиз учун безак эмас. Баъзи ҳужжатларни ўқиб, ёзган одамнинг ўзи уни тушунармикин, деган савол хаёлга келади. Мана бу гапни ўқиб кўринг:

“Ихтирога тааллуқли ахборотнинг муаллиф ёки ундан бевосита ёхуд бавосита шу ахборотни олган ҳар қандай шахс томонидан оммавий тарзда ошкор этилиши, агар ихтирога патент бериш ҳакидаги талабнома ахборот ошкор этилган санадан эътиборан кўпи билан олти ой ичидаги Патент идорасига топширилган бўлса, ихтиронинг патентга лаёқатлилигини тан олишга таъсир қўрсатадиган ҳолат сифатида эътироф этилмайди. Бунда ушбу ҳолни исботлаб бериш вазифаси муаллиф, талабнома берувчи зими масида бўлади”.

Бу каби чигал, жимжимадор баён услуби тилимизга бегона. Фикрлаш тарзи ўзбекча эмас. Шунинг учун гапнинг мағзини чакиш амри маҳол. Русчасини ўқиб тушуниш осонрок.

Гапирса гап, ўртага қўйса муаммо кўп. Хулоса сўзни айтсак, она тилимизни севиш, у билан ифтихор қилиш, таърифлар беришнинг ўзи кам экан. Тил устида меҳнат қилиш, уни бойитиш, янада гўзал ва қудратли қилиш олим ва ижодкорларнинг, мен ўзбекман деган ҳар бир юрт фарзандининг бурчи экан.

Сұхбатлардан бирида давлатимиз раҳбари, она тили ҳам она ерга ўхшайди. Унга ҳам



и тибор, парвариш керак, деб айтган эдилар. Цархакикат, она тилимиз-она еримиз. Она еримиздаги хазонсиз боғимиз. Уни парвариш қилиш, янги кўчатлар экиб, бу кўчатларнинг тутиб кетиши учун жон куйдириш бизларнинг зиммамиздадир.

2. ТИРИК ХАЗИНА ЁХУД ЖАҲОНГАШТА СЎЗ

Баҳсга чорлов

Ҳар улфатнинг ўз ҳангомаси бор, деганлари-дек, шоир, ёзувчилар йиғилиб колса, баҳс-мунозара кўпинча Сўз устида кетади. Негаки, бизни бинокор деса ғиштимиз, дехкон деса даламиз, ғаввос деса уммонимиз, учувчи деса осмонимиз – Сўз.

Дунёда қанча ижодкор бўлса, шунча тафаккур тарзи, шаклланган кўзқараш бор. Айникса, Сўздек рангин, мураккаб, серкирра мавзу устида гап кетганде фикрларнинг бир жойдан чиқиши қийин. Ҳар кимда бир нуктаи назар ва ҳар нуктаи назарда бир хақиқат бўлади.

Яқинда шундай баҳслардан бири *маҳкамама* сўзи хақида бўлди. Бир томон *маҳкамама* ҳукм чиқариладиган жой, яъни суд, эски замонда қозихона шундай аталган, деса, иккинчи томон, ҳукм сўзидан ҳукумат келиб чиққани, ҳукумат идораси *маҳкамама* бўлишини далиллаб эътиroz билдириди. Биринчи томоннинг *маҳкамага берииш, маҳкамага тортиши* каби далилларига қарши ҳар ишининг ўз *маҳкамаси бор*, деган ибора қарши қўйилиб, бу сўзнинг *идора* маъносига урғу берилди. Бу фикр кўпчиликка мақбул бўлди.

Ўша сухбатда мен асрнинг муҳокама асли экани, баҳсу муҳокаманинг эса буюк ҳикмат эканини ўйлаб яйраб ўтирдим. Аслиятга кайтишнинг кўламли жа-

раёнида зангин ва рангин она тилимиз фаол иштирок этаётганидан қувондим. Барча даражадаги маҳкамаларнинг факат ҳукм чиқарувчи даргоҳ эмас, балки муҳокама даргоҳига, тафаккур ва машварат масканига айланаётгани ҳакиқатдир. Зероки, ҳокиму ҳукму ҳакаму ҳукумат муҳокамага ўзакдош, ҳикмат дарахти ҳам шу илдиздан униб чиқкан.

Ижодкорлар баҳси одатда кизғин, қизиқарли кечади. Турли ҳангомалар ўртага тушади. Сўзни телба-тескари ишлатганларнинг мазаммати, таржимадаги баъзи ажабтурвурликлар ҳангомаси баҳсга енгил рух беради. Талашиб тортишсак ҳам кулиб, яйраб қайтамиз. Лекин тилшунос олимлар билан тортишув жуда мушкул иш. Араб, форс тиллари ни сув қилиб ичиб юборган тадқиқотчилар сўзнинг энг чукур илдизига етиб аслиятни маҳкам тутиб оладилар. Дунё хатога тўлиб кетганидан жонфиғон бўладилар. *Риштон* эмас, *Рошидон*; *Бувайдада* эмас, *Биби Убайдада*; *арава* эмас, *ароба* деб ёзиш ва айтишни талаб қиласидилар. *Уламолар*, *фузалолар* дейиш саводсизлик, инсон ҳуқуқлари эмас, ҳақлари дейиш керак, чунки уламо, фузало, ҳуқуқ олим, фозил, ҳақ сўзларининг кўплиги деб қизишадилар. Айниқса, *ахборотлар* сўзини эшитсалар борми, соchlари тик бўлади. Ҳакиқатдан ҳам *хабарнинг жамъи – ахбор*. *Ахборотга* айланиб яна бир кўплик қўшимчаси ортди. *Ахборотлар* десак энди *хабар* учта лардан лорсиллаган бўлади.

Азалий қадриятлар тикланаётган замонда тилшунос олимларимизнинг бу жонбозликлари, айниқса, зиёлиларни “қора” халққа эргашиш эмас, балки йўлбошли бўлишга чорлашлари адолатли нидодир.

Лекин орзулар бошқа-ю, ҳаёт бошқа экан. Мен ҳам она тилимизнинг Ҳазрат Навоий замонидаги кўрки, бўй-бастига қараб хавас қиласман. Қани



ди, буюк шоирнинг сўз бойлиги шу кунда ҳам тўлиғича тасарруфимизда истифода бўлса, дея орзу́лар қиласан. Не иложки, жамиятнинг ҳам, тилнинг ҳам тараққиёт конунлари бизнинг ихтиёrimизда эмас экан. Оғиздаги тилга хўжайинлик қилишимиз мумкин, лекин жамият ҳодисаси бўлган Тилга хукм ўтказиш иложсиз экан.

Биз илму ижод ахли қанча талашиб тортишмайлик, бир фикрда ҳаммамиз яқдилмиз: тил ёлғиз мутахассисларнинг мулки, хатлаб берилган ери эмас. Уни бойитиш, гўзал қилиш, хас-хашаклардан тозалаб бориш – умумхалқ ишидир.

Мен ҳам шу буюк хазинанинг битта баҳраманди сифатида Сўз ҳақида кўнгил сўзларимни айтмоқчи, сиз – азиз муштариylарни баҳсга чорламоқчи бўлдим.

Улғайган сўзлар

Сўз бамисоли тирик жондек ҳаёт кечирап экан. Унда ҳам туғилиш, камол топиш, қариб заволга юз тутиш бор экан.

Умр давомида инсон неча қайта ўзгаради. Болаликда бир, йигитликда ўзга, улуғ ёшга етганда яна бошқа қиёфа касб этади. Дунё кезиб баъзан ўз юртига бошқа одам бўлиб қайтади. Сўзнинг ҳам ўз қисмати, таржимаи ҳоли бўларкан. Гоҳ узоқ-яқин элларда макон тутиб, тамоман бошқа маъно олиб юрга қайтар экан.

Тилимизда истак, хоҳиши англаувчи *ирода* сўзи бор. Бир пиёла сув ичишни *ирода* қилдим, десак аслида хато бўлмайди. Лекин биз шундай демаймиз. Чунки бу сўз *истак* маъносидан ўсиб қалб қудратини, инсон табиатидаги мустаҳкамлик, қатъиятни англаувчи атамага айланибди. Иродали инсон энди хоҳиш эгаси эмас, балки ўз хоҳишини

бошқара олган, керак бўлса, қўнгилнинг хою ҳавасларига қарши тура оладиган инсондир. Сўз асл маъносидан узоқлашмаган ҳолда улғайиб, бўйига бўй, кўркига кўрк кўшилиди.

Лекин шундай сўзлар борки, вақт уларни таниб бўлмас даражада ўзгартириб юборган, асл маънодан деярли нишон қолмаган.

*Ёд этмас эмиши кишини гурбатда киши,
Шод этмас эмиши кўнгулни меҳнатда киши.*

Бу Мирзо Бобурнинг фарёди. *Меҳнат* сўзига эътибор беринг. Аслида *азоб-уқубатни билдирган* бу сўзга замон тамоман терс мазмун бағишилади, баҳт-саодат омилига, шон-шараф ишига айлантириди, қонун билан ҳукуқий мақом берди. *Меҳнаткаши* энди *азоб тортувчи* эмас, юксак фазилат эгаси бўлган кадрли инсон.

*Қарокўзум, келу мардумлиг эмди фан қилгил,
Кўзум қаросида мардум киби ватан қилгил.*

Ҳазрат Навоийнинг машҳури олам бўлган бу шоҳбайтидаги ҳар уч ўзак сўз – *мардум, фан, ватан* бизнинг замонга келиб улғайган, камол топган, асл маъно қобиқларини ёриб чикиб, янги миқёсга кўтарилган атамалардир.

Мардум – инсон. *Фан қилмоқ* – аён қилмоқ, намоён этмоқ, билдирмоқ. *Мардумнинг яна бир мазмуни кўзнинг гавҳари*. Байтнинг маъноси – билсангиз ҳам яна кайтарай – эй, қоракўзим, кел, бир инсонийлик кўрсатгину кўзим корасида гавхар бўлиб жойлашгин. *Қора кўз ва кўз қораси, мардумнинг икки маъноси, шакл ва мазмуннинг гўзал ва олижаноблиги байтни шеъриятнинг аршига кўтариб қўйган.*

Мардум сўзининг кўз гавҳари маъноси бугун унут бўлди. Унинг инсон маъноси эса ҳалқ тушун-



часига айланди. Сўз кенг миёсга чиқди, жўнгина қилиб айтадиган бўлсак, ўзидан қўпайди.

Фан сўзининг бугунги камолоти ҳайратлидир. Унинг ҳунар, санъат маънолари ҳам, *фан* қилмоқ шакли ҳам энди йўқ. *Фан* бугун билимлар мажмумига, илмий тафаккурнинг умумлашма номига айланди.

Байтнинг яна бир ўзак сўзи – *ватан*. Бу ерда у жой, масканни англатади.

Ҳозирда ҳам уй қурган, жой сотиб олган одами билан, *ватанли бўлди*, деймиз. Лекин менинг *ватаним* фалон қўча, фалон хонадон, деб айтмаймиз. Ҳовлисини сотган одам, мен *ватанимни* сотдим, демайди. Шундай деб кўрсин-чи?!

Бугунги инсон онгига Ватан муқаддас тушунчага айланди. Миллат учун у – мамлакат, инсоният учун Курраи Замин қадар юксалди.

Москва, Токио шаҳарларида буюк бобомиз ҳайкаллари очиларкан, ўша мўътабар издиҳомда туриб Ҳазратнинг бу ўлмас байтларини хаёлда тақорлаган эдим. Қарангки, Устоз Навоий ўзлари ўзбек халқи учун *ватан* тимсолига айланибдилар!

Бир пас неча дақиқа?

Болаликдаги шеърий машқларимнинг бирида, *шаббода, тўхта бир пас*, деб ёзган эканман. Деворий газета муҳаррири, ўзбек адабий тилида *бир пас* деган сўз йўқ, *бир нафас* дейиш керак, деб ўзи қизил қалам билан тўғрилаб қўйган.

Кўп йиллар ўтиб Навоийнинг “Лайли ва Мажнун”ида шундай байтни кўрдим:

*Бир пос чу тундин ўтди ул хайл,
Тушлуқ туши қилди уйқуга майл.*

Луғатларга қарадим. *Пос* – туннинг саккиздан бири, деб шарҳланибди. Демак, тахминан бир соат-

га тенг тунги муддат – пос, бир соатлик тунги соқчи – посбон, русча *часовой маъносидаги атама* бўлиб чиқди.

Ажабки, ўз сўзимиз бўлган *пос* жаҳон кезиб, яна ўзимизга *пост* шаклида, қўриқланадиган жой, соқчининг ўрни ҳамда лавозим маъноларини олиб қайтибди.

Пос – ўзимизнинг сўз, деб хато айтмадим. Асли форсча ёки арабча ўзакка эга бўлган, асрлар давомида тилимиз таркибида яшаб бизга хизмат қилаётган сўзлар ҳам албатта ўз сўзларимиздир.

Худди шундай, рус, можар, араб, тожик ва бошқа тилларда хизмат қилаётган ўзбек сўзлари ҳам ҳозирги эгаларига буюрсин.

Биз *бир пас* деб ишлатадиган *пос* – жайдари сўзимизнинг жаҳон саҳнида топган юксак марта-баси кечаги чопқиллаб юрган бўз боланинг аскар бўлиб ҳарбий кийимда виқор билан қайтганини эслатади.

Демак, ўзбекнинг *бир паси* бир соат бўлар экан. Гапимни *бир пасда* тугатаман, деган сўзнинг маъносини ўзингиз тушунаверинг.

Фуқаролар дейиш тўғрими?

Бамисоли уламо, фузало олиму фозилнинг кўплик шакли бўлганидек, *фуқаро* ҳам факирлар, яъни камбағаллар, йўқсиллар демакдир. Коидага кўра *фуқарога* ҳам *лар* қўшиш хато бўлади.

Илмий, мантиқий нуқтаи назардан ҳам, шаклу мазмун жиҳатдан ҳам бу ҳуқукий атама устида турли баҳслар юради.

Лекин замон кўзи билан карасак, *фуқаро* ҳам меҳнаткаш атамаси билан қисматдош экан. Ҳар икки сўз мажруҳлик, тубанлик, баҳтсизлик соҳидан озод бўлиб қадр-қиммат минбарига юксалибдилар.



Шундай камол топган сўзларга дуч келганимди, ўзбекнинг сўзи – ўзбекнинг ўзи, деган фикр қўнглимдан ўтади.

Қадим замонларда Миср султонлари асирикка ошиб ўз мулкига айлантирган, яъни мамлук қилган искарлар вақт келиб султонларни қулатгани, беш юз йил Мисрда хукм сургани тарихдан маълум.

Аслида қул маъносини англатувчи мамлук Мамлуклар салтанати бўлиб соҳиблик мақомини олган ёди.

Келиб чиқиши *фақир* бўлган фуқаронинг бутуниги соҳиблик мақоми ана шу тарихни эслатади. Фарқ шуки, фуқаро ҳозирги мақомга қадам-бақадам кўтарилган, аввал хожанинг фуқароси, сўнг амиру султоннинг, бора-бора мамлакатнинг фуқароси қадар етиб келган. Камбағаллик маъносини йўқота бориб, аввал тобелик, сўнг муайян жамоага аъзолик даражасига етган. Мана энди Юрт фуқароси деганда биз Юрт эгасини тушунамиз. Бу эврилиш, бу метаморфозани кўринг! Тобеликнинг соҳибликка айланishiغا назар солинг!

Навбатдаги савол: *Фуқаро сўзига лар* қўшиш мумкинми? Асли маъносида, албатта, йўқ! Лекин янги маъно касб этгач мумкин экан.

XIX аср бошларида Кўконда яшаб ижод этган ўз замонининг малик уш-шуароси бўлган Фазлийнинг: *Сенга арз этар фуқароларинг*, – деган сўzlари бор. Бу ғазалга шоир Вола боғлаган мухаммас “Бозургоний” куйига солиб ҳали-ҳамон айтилади. Демак, бундан икки аср аввал фуқаро амирликка тобе инсон маъносида ишлатилган ва фуқаролар шакли ҳам мавжуд бўлган.

Бугун энди *фуқаро* сўзи жулдор тўнини ечиб, замонавий либосда кад кўтарган. Бир қўли билан русча *гражданин*, иккинчи қўли билан инглизча *сити-*

зен сўзларини маҳкам ушлаб дунё саҳнида мағрур турибди.

Зотан гражданин ҳам, ситизен ҳам ўзларининг аввалги шаҳарлик деган маъноларини аллақачон тарк этиб, олий мақом олган атамалардир.

Мадина ва маданият

Маданият арабча *мадина*, яъни шаҳар сўзидан олинганини биламиз. Қадим замонлардан саҳройи араблар бадавий, шаҳарликлар *маданий* бўлганлар. Ўзбек тилига ҳам айни маънода кириб қелган. Аёнки, ҳамма давр, ҳамма эл-элатларда шаҳарлар маданият ўчоғи ҳисобланган. Биз бугун қишлоқ *маданияти* деганда ҳам қишлоқнинг шаҳарлашуви ни тушунамиз.

Мадина ва маданият ҳақидаги ўйлар мени маданият ўзи аслида нима, деган саволга рўбарў қилди.

Маданият оқ кўйлак кийиб, галстук тақиш, тавозе ва мулизаматни ўхшатиши? Ёки рисоладагидек уй тутиш, саранжом-саришталиқми у?

Замон шаҳар ва шаҳарлик атамаларига ҳам, *маданият* тушунчасига ҳам ўзгача маъно берди.

Аввало, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовут йўқолиб бормоқда. Қишлоқлик энди илгариги қишлоқи эмас. Кийинишда, муомалада, юриштуриш ва рўзғор тутишда бугунги қишлоқликлар ҳеч бир шаҳарликдан кам эмаслар.

Қолаверса, *маданият* ҳам энди шаклий, майший маъноларини йўқотиб, эстетик-ахлоқий тушунчага айланиб бормоқда. Маданият деганда бугун биз кўпроқ ички маданиятни кўзда тутамиз, юксак фазилатлар мажмуини тушунамиз.

Агар бугун барча инсоний фазилатлар ичida энг олий, энг қадрлиси нима, деб сўров ўтказилса, ишонаманки, ер юзи халқларининг кўпчилиги меҳр-



шифқатни айтади. Зотан, бу замонда одамзод энг мухтож бўлган, лекин жуда камёб, жадал тараққиёт биробарида кўпайиш ўрнига озайиб кетаётган туйғу – *мехр-шафқат*дир.

Мабодо сўровни давом эттириб, *мехр-шафқат* қаерда кўп ва қаерда кам, дея сўралса, ҳамма баробар шахарда камрок, қишлоқда кўпроқ, деб жавоб беради. Худбинлик ва бетоналик ошиёни бўлиб бораётган мегаполисларда истиқомат қилувчилар ўзлари шу сўзни айтадилар.

Мехр-шафқат инсоний маданиятнинг энг олий даражаси экан ва бу ноёб туйғу қишлоқларда макон тутган экан, *маданият* сўзининг мадинага эгизлиги қаёқда қолди?

Шоирлар қишлоқларда туғиладилар, шаҳарларда яшаб ўтадилар, деган гап машхур бўлиб кетган. Лекин аслида шаҳардан чиққан *маданият* ўз масканидан бош олиб қишлоққа кўчиб кетибди, десак ҳакиқатга яқин мажоз бўлар экан...

Ғариб сўзлар, гаройиб сўзлар...

Юртдан кетиб баъзан гадо бахтга ёр бўлур, ғариблиқда тахтга ёр ҳам хору зор бўлур, деганларидек мусофирилик Сўзнинг бошига ҳам яхши-ёмон кунларни солар экан.

Иигит сўзи Россияга кетиб джигит бўлди, *баҳодир* – богатырь бўлиб қадр топди. Лекин *полвон* – болванга, *паҳлавон* – ахламонга айланиб хорзор, шармандаи шармисор бўлдилар.

Туркиялик бир дўстимиз бор. Ўзбек адабиётининг катта билимдони, тарғиботчиси. Кўп китобларимизни туркчага таржима қилиб нашр эттирган. Исми нима денг? Ёвуз! Ёвуз Оқбинор.

Усмонли турк тилида ёвуз сўзи *ботир*, *баҳодир* маъносини билдиради. Туркия тарихида Ёвуз исмли сultonлар ўтган.

Қарангки, бизнинг *полвон* ва *паҳлавон* сўзларимизга келган қўргилик қардош тилдан ўтган ёвуз сўзининг ҳам бошига тушибди.

Уста таржимонлар кўпинча қардош тиллардан таржима қилишни унча хуш кўрмайдилар, бу ишдан иложи борича қочадилар. Юзаки карашда осон кўринган бу иш аслида жуда мураккаб экан. Негаки таниш сўзинг сени чалғитиб, уялтириб қўйиши ҳеч гап эмас.

Бундай ҳолатга мисол қилиб ўзбек мұхожирларининг бир ажиб саргузаштини ҳикоя қиласидилар.

Инқилоб йилларида Туркистондан қувғин бўлган бир гурух ватандошларимиз Истанбулда паноҳ топган эканлар. Шаҳар волийси уларни ҳузурига чорлаб хурмат кўрсатибди, қандай истак-орзулари борлигини сўрабди. Шунда меҳмон ўзбекларнинг улуғи тавозе билан бундай дебди: Илтифотингиз учун ташаккур, жаноб волий, ҳар нарсамиз етарли. Фақат бекормиз, бизга корхона керак.

Бизга бобо бўлган ўша содда ўзбек қаердан билсинки, Туркияда бекорнинг маъноси *бўйдоқ, корхонанинг маъноси эса ишратхона, исловотхона...*

Ана кўринг ҳангомани! Шундай табаррук юртдан келган иззатли мусофиirlар биз бўйдоқмиз, ишратхона керак деб турса, волийнинг аҳволини кўз олдингизга келтиринг.

Москванинг Воровская кўчасидаги ёзувчилар уюшмаси биноси бир вақтлар доим гавжум бўлар, пойтахтга йўли тушган ижодкорлар қўниб ўтадиган карvonсарой эди. Ҳиндистонга борадиган тошкентлик ҳам аввал Москвага бориб, ҳужжат расмийлаштириб, яна уч минг километр учиб қайтар, Тошкента қўниб, кейин Ҳиндистонга учарди-да.

Осиё – Африка ёзувчилар бирдамлик хара-



Тилнинг қотибияти жойлашган мўъжазгина кабинетда бўлиб ўтган бир сухбат ҳеч ёдимдан чикмайди.

Мен кўп таъна эшитаман, – деганди Чингиз Айтматов ёнида ўтирган Мустай Каримга, – қирғиз тилида ёзмайсан, деб танқид қилишади. Не килайки, ўзона тилимда ҳатто ҳақиқат маъносини билдирувчи сўз йўқ.

Улуғ ёзувчи шундай деб қўлидаги газетани машҳур шоирга узатди. Газетанинг номи “Фрунзе иравдаси” эди.

– Ҳасрат қилма, азизим, – деди Мустай ога, ўзига хос назокат ва маданият билан, – менинг бошқирд тилим олдида қирғиз тилини улуг ва қудратли, деса бўлади. Яқинда бир журналимида мақола чиқди. Номи шундай: Советлар Россиясинда крестьянлар положениеси!

Суҳбатга Иброҳим Юсупов қўшилди:

– Қорақалпоқнинг бош газетаси яқин-яқинларда ҳам “Қизил Қорақалпоғистон” бўлган.

Воиз айтар: тақдир шул, шу эсаҳоний иродада. Тиллар йўқолар бутқул, бир тил қолар дунёда, дейилганидек, агар эски тузум яна давом этганда яқин ўн йиллар ичida тилларимиз унутилиши аниқ ёди.

Тилнинг жони бор

Ха, тилнинг жони бор экан. Бекорга жонли тил деб аталмас экан.

Агар тилни хазина десак, у кўмиб қўйилган ё сандиқда сақланадиган хазина эмас, балки ипак курти каби тирик хазина экан.

Хозирги замонда кичкина дискеталарга сиғиб кетган юз минг сўзлик луғатлар менга гугурт кутисига жо бўлган сонсиз пилла уруғини эслатади.

Хитойдан қадимда бу уруғни ҳасса ичида яширин олиб чиқкан сайёх ангишвонадек тешикчадай оламга битмас хазина тарқатган эди. Ўша сайёх ўзбек бўлганига менда шубҳа йўқ.

Ажабо, тариқдек уруғдан жонивор униб чиқиб пилла ўраши, капалакка айланиб учиши биз юқотрида тилга олган ва тилга олмаган минг-минг сўзларнинг замон ва макондаги эврилишларини эслатмайдими?

Тил – хазина. Улкан адабимиз Пиримқул Кодиров ёзганидек, эл ганжинаси. Ҳеч бир инсон, мен тильтунос ёки ёзувчи эмасман, деб ўзни четга олмаслиги керак. Бу ганж сохиблари ҳам, посбонлари ҳам барчамиз.

Бу йил “Давлат тили тўғрисида”ги Қонун қабул қилинганига роппа-роса йигирма йил тўлади. Ҳам байрам, ҳам сархисоб санаси бу!

Мустақиллик йилларида маънавиятимизнинг узвий қисми бўлган она тилимиз ривожи учун талай амалий ишлар қилинди. Лекин қилинадиган ишлар беҳисоб.

Мұхтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” номли асарида тил маданияти тўғрисида айтилган фикрлар,adolатли танқидий мулоҳазалар бизни ўйлатмоғи, сафарбар қилмоғи керак:

Дарҳақиқат, тилни англаш, Сўзни идрок этиш ўзликни англашнинг узвий қисми ҳисобланади.

Олдингдан оқсан сувнинг қадри йўқ, дегандай биз баъзан ўз она тилимиз бойликлари, назокати, ҳусну тароватини теран билиб ҳис этолмаймиз. Оғзимиздан чиқкан сўзнинг тагзаминига етмаймиз. Гап қўп, қўмир оз, деб қўямиз-у, нега шундай дейишимишни чуқур ўйлаб ўтирмаймиз.

Шундай китоб ёзилишини орзу қиласман. Унинг



номи Сўзниң қисмати бўлса. Она тилимиздаги сўнгарилик узоқ босиб ўтган йўллари, бошдан кеширганлари, зафар ва мағлубиятлари, гоҳ шуҳрат ғониб, гоҳ унут бўлишлари, камолу заволлари таснир этилса... Дунёда бундан қизик асар бўлмасди.

У китобнинг илмий номи ҳам бор: Этимологик түзат. Фоят мушкул ва мураккаб, юз Суқротнинг билими, минг Алпомишнинг кучини талаб киладиган меҳнат.

Ишонаманки, ўзбекнинг шундай тафаккур нахлавонлари бор. Саксонда тиниб тинчимаган, бундай луғат тузиш ишига астойдил бел боғлаб дастлабки залворли қадамни қўйган, “Буюк хизматлари учун” ордени соҳиби устоз Шавкат Раҳматуллаев, “Сўз хақида сўз” китоби аллақачон библиографик ноёбликка айланган Алибек Рустамовдек сукротлару алпомишларимиз, уларнинг ғайратли ва истеъододли шогирдлари бор.

Она тилимиз меҳри ва ғуури кўнгилларга илҳом, тоғларни талқон қилгудек куч-қувват бағишиласа ажаб эмас.

3. СЎЗ – ЗАБАРЖАД, СЎЗ – ГАВҲАР, ОЛТИН

Ибтидо

Дунёning энг ажиб, энг сирли ва сеҳрли саёҳатларидан бири Сўз оламига саёҳатдир. Негаки, Сўз яралишдан мўъжиза. Аввал Сўз бўлган, дейилади муқаддас китобларда. Ҳазрат Навоий айтганлар:

*Сўз келиб аввалу жаҳон сўнгра,
Не жаҳонки, кавн ила макон сўнгра.
Чунки мавжуд бўлса нуктаи “кун”,
Бўлди мавжуд тоза, йўқса кукун.*

Яъни, аввал Сўз келган, Оллохнинг “бўл” деган нидоси келган ва майда заррачалар оламидан янги Олам яралган. Агар шу илохий Сўз келмаганда олам кукунлигича колган бўларди.

Холики олам одамзодга идрок ва Сўз айтиш неъматини бериб, уни барча хилқатларидан устун яратди, жонли ва жонсиз оламга ҳоким қилди. Оламни идрок қилган инсон Сўзни идрок қилади. Сўзни идрок қилиб оламни янада теранроқ идрок қилади. Сўзниг илдизига етган киши дунёнинг тагига етгандек баҳра топади. Инсоният тарихи сўзлар қисматида яшириниб ётар экан.

Оламни охиригача англаб бўлмаганидек, Сўзниг ҳам тубига етиш имконсизdir. Биз *кўзламоқ, кўзиқмоқ, кўзгуниng кўздан* келиб чиқишини биламиз, лекин кўз нима сабабдан *кўз* дейилганини, нега уни бирор *айн*, бирор *чаим*, бирор *глаз*, бирор *ай* деб аташини билмаймиз. Нега тошни бизнинг аждод *тоши* деган, бошқалар *хајсаr, санг, камень, стоун, штайn* атаганлар, бу юзлаб номлар қаердан келган, билолмаймиз. Биз фақат фаразлар қиласиз, асл ҳақиқат эса сирлар уммони тубида ётибди. Лекин барибир тинчимас идрок эгаси бўлган одамзод ғаввос бўлиб бу уммон остини кезади, кашфиётлар қилади ва кашфиётлари ҳам чексизdir.

Яна ўйласам, изланишларимиз каби ғофиллигимиз-да поёнсиз экан. Сўзни эшитамиз, сўзлашни қотирамиз, лекин Сўз мағзини чақиш аксар хаёлимизга келмайди. Нега шундай деймиз, дея ўзимизга савол бермаймиз. Бу синоат тўла олам бамисоли олисдаги юлдузлардек ноаён қолаверади. *Узум едим, “узум” дедим, бишсам, токдан узиб едим*, дегандек, ўз қўлим билан ишкомдан узум узатуриб, бу сўзниг *узмоқдан* олингани хаёлимга келган эди. Ахир *унган нарсани унум, гуж ўсган ме-*



шини *гужум*, жамият *тузилишини тузум*, чўғнинг қўридан колган кулни *курум*, деймиз. Оғизга солиб қиттанимиз *ютум*, томоқдан *қулт* этиб ўтган сув *қултум* бўлганидек ишкомдан *узиб* еганимиз узум бўлади-да, дея ўз содда кашифийтимдан суюнган ўдим.

Курайдиган куролимиз *курак*, ички аъзо *ичак*, тул тубида турадиган идиш *тубак* – биз уни *тубак* деймиз. Кафтни кафтга уриш – олқиши белгиси. Чиқсан товуш чапилласа *чапак*, қарсилласа *қарсак* бўлади. Буни англаш қийин эмас, лекин кўксимизда турсиллаб урган юракни *юрак* дейиш тўғрими ёки *урак?* *Юрак* юрадими, урадими? Кўкрак-чи? Нега кўксимизни шундай атаймиз? *Кўксим осмон*, дегандек бу ном *кўк*, яъни осмон билан боғлиқми? Ундоқ десак, эмикдош маъносида келувчи *кўкалдош* сўзидағи *кўк* ўзаги нимани англатади? Козоклар акани *кўка* деб чақирадилар. Бу сўзларнинг кўкракка алоқаси йўқмикан?.. Бундай жумбоклар юзлаб, минглаб сўзларимиз замирида ётибди. Улар бизни қийнаши, уйқу бермаслиги керак, Махмуд Кошғарий бобомизнинг китоби ёстиғимиз остида бўлмоғи керак.

Биз табаррук қадриятларимиз тикланаётган замонда яшамоқдамиз. Истиқлол йилларида она тилимиз ривожи учун сезиларли ишлар қилинди. Лекин кўп асрлик йўқотишни саноқли йилларда тиклаш мушкул экан.

Она тили умуммиллат мулкидир. Демак, тил олдидаги масъулият ҳам умуммиллий. Мен ўзбекман, деган ҳар бир инсон ўзбек тили учун қайғурмоғи керак. Унутилган сўзларни тиклаш, борини бойитиб бориш, хорижий атамаларга муносиб истилоҳлар топиш ёлғиз тилшуносларнинг эмас, миллатнинг ишидир. Эски тузум барбод бўлди, *Остановка* тур-

ганда *бекат*, *район* турганда *туман*, *вилка* турганда *санчқи* дейишга нима бор, дегувчиларни даври ўтди. Тилимиз секин-асталик билан бўлса-д ўзбекчалашиб бормоқда.

Адабий ижод ҳамиша Сўз оламига саёхатdir. Ижодкор Сўзни тирик жон деб билади ва Сўз билан сўзлашади. Менинг бу ёзганларим ана шундай жонли тил билан жонли суҳбат бўлишини истайман. Умрини яшаб бўлган ва барҳаёт, мен англаган ва англаб етмаган соҳир хилқат билан кўнгил боғларида кезиб, хаёлан Сўз билан сўзлашсам, Тил билан тиллашсам, дейман. Сиз азизларимни ҳам бу сайдра ҳамроҳ бўлишга таклиф этмоқчиман. Сўз мўъжизаси кошидаги ҳайратларимга ошно килмоқчиман.

Уч дарёдан сув ичган денгиз

Она тилимни муazzам ва улуғ десам, эъзозлаб бошга кўтарсам, бунинг боиси ўзимники бўлгани, жонимга яқинлиги учун эмас. Шунга ишонганим, иймон келтирганим учун, менинг ҳам бир-икки тилдан хабарим бўлиб, киёслаш имкониятларим борлиги учундир.

Бир томчи шабнамдек мўъжаз ва тиник *элчи* деган соф ўзбекча туркий сўзда қанча ҳикмат бор!

Эл деб, *элат* деб ҳалкни айтамиз. Яна ёв ҳеч качон *эл* бўлмайди, деймиз, ёмонга *элакиши* деган ўгитимиз бор. Бу ўринда *эл* дўстлик, якинлик маъноларини билдиради. *Эл* қадимда *давлат* тушунчасини ҳам ифода қилган. *Элчи* бир ҳалқдан, бир давлатдан бошка юртга юборилган вакилгина эмас, балки *элни элга эл* қиласидиган одам, ҳалқлар ўртасида меҳр риштасини боғловчи, дўстлик кўргини қурувчи ҳамдир.

Сўзниг ўзида шахс зиммасидаги залворли юк



Бор. Ёлчи адолат ва эзгулик йўлида ҳақ сўзни айнишга бурчли инсон.

Унинг жонига эса кафолат ҳужжати қилиб, конундек мустаҳкам, шохлар ҳукмидек катъий хикмат айтилган: **Элчига ўлим йўқ!**

Омонат деган ўзбекона сўзга қалб қулоғини тутинг. Қанчалар теран инсоний туйгулар бор бу сўнда. У мулк ҳақида айтилса бирорвнинг омонати, жон ҳақида айтилса Оллоҳнинг омонати. Банда учун дунё омонат, дунё учун банданинг ўзи омонат.

*“Ёғилур ҳар дам фалакдан бошингга гарди фироқ,
Ўт равонроқким, омонатдир басе бу эски ток”*

Инсон бошига осмондан гард ёғилиб туради. Биз бугун бу гардни космик чанг, деймиз. Фазовий жисмларнинг Ер атмосферасида ёниб кетишидан ҳосил бўлган кул, деймиз. Бундай гардни Ҳазрат Павоий беш аср мукаддам қаёқдан билган, дея ҳайрон бўлманг. Берунийлар, Улуғбеклар яшаган юртда фазо сирлари аён эди. Ҳайратга сабаб бошка, яъни бу илмий ҳакиқатнинг фалсафий хulosаси, бадиий тимсолидир. Эй одамзод, дейдилар ҳазрат, бошингга ёккан само чанглари айрилик гардлари дир. Томидан тупроқ ёғилган уйда узоқ туриб бўлмайди. Бундай уй омонат. Чириган том остида яашаш хатарли. Осмонидан гард ёғилган дунёни, бу эски токни ҳам равонроқ, тезроқ тарқ этган яхшидир. **Омонат** сўзининг маъно товланишига қаранг. Уй омонат, олам омонат.

Сўз – забаржад,
Сўз – гавҳар, олтин,
Заргарликнинг машаққати кўп.
Сўзни байтга қадашдан олдин
Кафтингга қўй, тўйиб қара, ўп!

Она тилимни севмасам, сўзларига махлиё бўл-
масам, хайратланмасам менга шоирлик қайда эди!

*Офтоб чиқди, қуёш чиқди, кун чиқди,
Мехру шамсу хуршиди гардун чиқди.*

Бир замон болалар учун айтилган шу жўнгина
ва ғўргина икки сатрнинг ўзида қуёшнинг олтида
номини топасиз! Саноқни яна давом эттириш мум-
кин. Олимлар, топиб беринг, қайси тилда қуёшнинг
ўндан ортиқ исми бор! Қайси тилда осмонни ка-
малак ранглариdek етти хил ном билан атайдилар?
Осмон, фалак, само, чарх, гардун, фазо, кўк... Бу-
лар дафъатан хаёлга келганлари холос! **Ари, дав-
вор, мину** сингари кам ишлатиладиган хос сўзлар
ҳам саналса рўйхат янада узаяди.

Маънодош сўзларимизнинг кўплигига сабаб бор.
Ўзбек тили уч дарёдан сув ичган. Диний, илмий, иж-
тимоий атамаларимиз асосан араб тилидан, кўпгина
иш қуролларимиз, **жомадон, хокандоз, дастшу,**
жомашу, дазмол, қофоз каби ҳунармандликка оид
сўзларимиз, шунингдек юксак шеърий услубга хос
суханлар форс тилидан келган. Лекин бу қатъий
қоида эмас. Аксар ҳолат десак тўғрироқ бўлади.
Араб тилидан ўтган нарса ва буюм номлари ҳам ти-
лимида кўп: **Ароба, мусаллас, истехком, қалам**
сингари. Шунингдек, форс тилидан кирган фал-
сафий атамалар ҳам талайгина. **Жавонмард, сар-
бадор, чархи қажрафтор, Оинаи Искандар** ва
хоказо. Ҳаракат номлари асосан туркӣчा. Кўпгина
сўзларнинг ўзбекчаси ҳам, арабчаси ҳам, форсчаси
ҳам тилимизда баробар ишлатилади. Арабча **Аллоҳ**
ёнида форсча **худо**, туркий **тенгри**, сўзларимиз бор.
Юрак ҳам, **қалб** ҳам, **дил** ҳам деймиз. Арабча **исм**,
форсча **ном**, ўзбекча **от** – учови ҳам ўзимизники.
Тил, забои, лисон бизда шу сабабдан бекиёс бой ва
рангин.



Алишер Навоий туркий тилдаги юзта харакат шоми, яъни феълларни санаб, форс тилида уларнинг муқобили йўқ эканини айтганлар ва туркий тилимизнинг бойлиги, қудратини намойиш этганлар.

Қадимда туркий тил оддий халқ тили ҳисобланган. Аскарликка оддий халқдан олингани учун на феъл ўзаклари тур, ёт, юр, от, чоп сингари асосан бир бўғинли сўзлардан таркиб топгани ва буйруқ беришга қулайлиги боис ҳарбий тил туркча бўлган.

“Темур тузуклари”ни бизга етиб келган форс тилидаги матндан ўзбекчага таржима қиласа экан, Алихон Тўра Соғуний, “мен таржима қилмадим, балки асл тилига қайтардим”, деган эдилар ва мисол тариқасида тингчи, болонғар, жалонғар каби туркий атамаларнинг форсча муқобили топилмай, матнда ўз аслича қолганини кўрсатган эдилар.

Ўзбек тилининг буюк денгизи ана шу уч буюк дарё – туркий, арабий ва форсийдан сув ичиш баробарида эски лотин, хитой, хинд, мўғул, рус, Европа тилларидан баҳраманд бўлган. Олимларимиз аллақачон унут бўлиб кетган кўҳна санскрит сўзларини ҳам тил хазинамиизда топганлар. Шу сабаб тилимиз бой. Ҳеч бир бошқа тилда бўлмаган шаклдош сўзлар санъати туюқ ўзбек тилида бор. Ҳеч бир бошқа халқда йўқ асқия, сўз ўйини бизда мавжуд.

Ҳазрат Навоий тўпори қора халқ тили ҳисобланган туркий ўзбек тилини шеърият осмонига кўтариб кўйдилар. “Муҳокаматул луғатайн”ни ёзиб она тилимизнинг форс тилидан устун бўлса устунки, кам эмаслигини исбот қилдилар.

Ушбу рисолада ёзилишича, Навоий ҳам ёшлик йилларида бошқа шоирлар каби асосан форс тилида шеърлар ёзиб нафосат ахлининг олқишини олган

эканлар. Хусусан, форсийда битилган “Тұхфатул афкор” касидасининг матлаи түғрисида ҳазрат Жомий “Баҳористон” номли асарда ёзмишларки, мазмунни шундок: “Бу давлат ёрлигини осмоннинг пештоқига осилса арзиди ва бу саодат тамғасини Муштарий юлдузининг бўйнига илиб қўйса, унга кувонч, ифтихор бўлгай.”

Навоийнинг сўз бойлиги бекиёс. Сабаби ҳазрат форс тилини қанчалар мукаммал билсалар – ўз эътирофлари бўйича: “*Форс алғозин киши мендин кўпрак билмайдур*” – араб тилини ҳам шу қадар баркамол эгаллаганлар ва уларни тўла истифода этганлар. Туркий тилнинг эса бутун назокатини, сўзга бойлигини “Мұхокаматул луғатайн”дагина эмас, бутун умр, бутун ижод жараёнида намоён килганлар. Ўзбекнинг содда, тўпори сўзларини ҳам, шеърга солиш мумкин бўлмаган даражада оддий ва жўн гапларни ҳам нозик ғазалга кирита олганларки, бундок сеҳрдан лол бўлмай илож йўқ.

*Саҳар ҳовар шаҳи чарх узраким ҳайли ҳашам чекди,
Шуои хат била кўҳсор уза олтун аlam чекди.*

Шундай юксак услубда ёзилган ғазалга “супурги” деган сўзни киритиб бўладими? Мутлако мумкин эмас, дейсиз. Энди шеърнинг давомини ўқинг:

*Қазо фарроши сунди чархнинг сиймин супургусин,
Музайян парлари андоқки, товуси ҳарам чекди.*

Ажабо, буюк истеъдод нафаси тегса ўзбекнинг қора ерда ётган супургиси ҳам осмонга кўтарилиб, қуёшнинг тарам-тарам шуъласига айланар экан.

Ёки “тиш қирчиллатиши” иборасини бугунги шоирларимиз арузий байт у ёқда турсин, ҳатто ҳалқона содда бармоқ вазнида айтишни ўзларига эп кўрмайдилар. Навоийга қулоқ туting:



*Тушда кўрдим ёрни, шодон рақибим ўтруда,
Рашқдин ҳар лаҳза тиш қирчиллатурман уйқуда.*

Бундай халқ иборалари, лапарлари, мақолларини “Хазойинул маъоний”да кўплаб учратамиз ва ҳар гал бу хил жўн сўзлар тагида ётган маънолардан, бадииятдан ҳайратга тушамиз.

Бизнинг шундай улуғ шеъриятимиз бор, бойлика бекиёс она тилимиз бор. Тил миллатнинг бош белгиси ҳисобланади. Тил бор – миллат бор. Тил йўқ – миллат йўқ. Истиқлол унут бўлган давлатчилигимизни тиклади, йўқ бўлишга маҳкум қилинган тилимизни, демакки миллатимизни асрари ва азиз қилди. Энди унинг биз йўқотиб улгурган бойлигини тиклаш, турлича “изм” тамгаларини кўйиб истеъмолдан чиқарилган сўзларни ўрнига қайтариш, бунинг учун мумтоз адабиётимизни чуқур ўрганиш ҳозирги авлод зиммасидаги шарафли бурчdir.

Гоҳи хаёл қиласман, агар мустақилликка эллик йил аввалроқ етишганимизда балки икки азим дарёдан сув ичган Орол денгизимиз бу аянчли ахволга тушмас эди ва агар собиқ тузум яна эллик йил яшаб қолганда уч дарёдан сув ичган она тилимизнинг қисмати ҳам Оролнинг қисматидек бўларди.

Тиклананаётган сўзларимиз истиқлол чечакларидир. Очилажак гуллар ҳали бехисоб...

Энг аввалги сўз

Холиқи оламнинг *Бўл* деган сўзидан борлиқ яралган, инсон бунёдга келган.

Одамзод тилга кириб у айтган биринчи сўз нима эди?

Бу саволга жавоб ҳеч бир китобда йўқ. Олимлар, инсониятнинг илк сўзлари товушга тақлидан пайдо бўлган, дейдилар. Дарҳақиқат, қадимги аждодларимиз тоғдан шовиллаб тушган сувни *шовва*, шар-шар

түкилганини *шаршара* деган. Кушларнинг чурқ-чурқ қилгани *чумчук*, лак-лак қилгани *лайлак* (аслида *лаклак*), қағиллагани *қарга* бўлган. *Фоз, чит-так, чугурчук, чағалай, олашақшақ, какку, гулгул товуқ (курка), жиблажибон...* санокни давом эттириш мумкин. Лекин қуш номлари ичида энг гўзали бул-бул дея ёқимли сайраган *булбулдир*.

Инсон бора-бора ўзи ясаган буюмларга ҳам шу тарзда ном берган. Тўқиллаб урилгани *тўқмоқ*, туёк остида тақиллагани *тақа*, зангилаған кўнғирок *занг* аталган. Энг муҳим хабарлар элга ноғора чалиб етказилган. *Дангилаған* бу садо ҳам сўзга айланди. Кимнинг номи элга ноғора бўлса, у *данғ* чиқарди. Тилимиз майинлашиб *боринг, келинг* ўрнига *бординг, келинг* дейдиган бўлдик ва *данғ* ҳам *донг* билан алмашди. Биз бугун шуҳратли одамни *донгдор* деймиз, *донг* таратган деймиз. Лекин эл ичида *донг* чиқарган уй *дангила ма* бўлиб аслича қолди. Қирғиз тилида ҳам бу сўз *данғ* деб айтилади. Лекин маъно товланишида озгина фарқ бор. Шон-шараф, олқиши мазмунида қўлланади. Қирғиз кўчаларида Эмгекка *данғ*, Эл-журтқа *данғ* каби шиорларни кўрасиз. *Яшасин меҳнат, яшасин эл-юрт* дегани. Буларнинг бари ўша ноғора садосидан туғилган сўзлар.

Юртимизда юз минг йил муқаддам яшаган неандертал одамнинг тарих музейимиздаги қиёфасига қараб яна ўзимга савол бераман. Расмана инсонга айланмаган бу ибтидоий онг эгасининг биринчи сўзи нима эди? Хаёлимга келган жавоб шу бўлди: у тошни тошга уриб *чақ* этган товушни эшитгану *чақ* дея овоз чиқариб ўзининг биринчи сўзини айтган. Тошни тошга чақкан, кейинроқ тош билан данак чақкан, ёнғоқ чақкан, боласига ҳам *чақ!* деб буюрган.



Бора-бора тошдан ўт чикариб уни ҳам **чақ** деди.

Кўкда **чақ** этиб ёнган олов ҳам **чақ** бўлди. Ке-йинчалик **чақмок**, **чақин**, **чақмоқтош** сўzlари пайдо бўлди.

Тош бир-бирига урилганда учган ери **чақа**. Тошга қокилганинг оёқ бармоғи **чақа**. Кўп гапирганинг тили **чақа**.

Тош майдалаб **чақа** деган инсон учун ҳамма майда нарсалар **чақа** бўлди. Пул майдалаб **чақа** леди. Майда боласини **бола-чақа** деди. Энг майда-си **чақалоқ** бўлди.

Тарақкиёт инсонга акл ва заковат берди. Заковатли инсон тош чақишини қўйиб **гап чақишига** ўтди. Тошдан учкун чиқарган бўлса, гапдан ўт чиқарди. Гап чақиб ўз қардошининг уйини куйдирди.

Гап чақувчининг оти ҳам **чақдан** узоқ кетмади. Уни **чақимчи**, **чақмачақар** дедилар. Чақимчининг ниши илоннинг тишидан оғрикли ва хатарли. Ари, илону чаённинг наштар уришини ҳам бесабаб **чақииш** демаганлар. Демак, чақимчи билан газанданинг ҳунари бир.

Чақмачақарнинг ҳам катта-кичиги бўлар экан. Бироннинг гапини бирорга айтса бу **чақимчилик**, инсоннинг гапини юкорига, подшоликка ёки ҳукуматга етказса **чақув** бўлади. **Чақув** олдида **чақмачақарлик** ҳолва бўлиб қолди. Чақимчиликдан бир инсонга озор етса, чақувдан юз мингларнинг ёстиғи қуриган.

Чақув давлат сиёсати даражасига этиб, чақувчи тенгсиз қудрат соҳиби бўлган замонларни кўрди жафокаш халқ. Бир имзосиз мактуб инсоннинг эмас, бутун бир авлоднинг, уруғ-аймоқнинг хонумонига ўт қўювчи гугурт бўлди. Инсон гугурт ёндиришни ҳам **гугурт чақииш** деди.

Одам боласининг бир ожизлиги бор. Бирон ҳақида ортдан ёмон сўз айтиш гуноҳ эканини

билади-ю, ўрганган одатини йўқотолмайди. Бирони сиртдан қоралаб роҳат қилади. Суҳбатнинг ширини ғийбат, дейдилар ҳазил қилиб. Лекин бу гапда ҳазилдан чин кўпроқ. Ғийбат ҳам чакув, бирони биронга эмас, бирони ҳаммага чакув демакдир. Биз бундай ширин суҳбатнинг номини **чақчақлашув** деймиз.

Башарият тош чақишдан **сўз магзини чақиши**гача бўлган масофани миллион йиллар ичида босиб ўтди. Биз ҳам сизлар билан **чақ** сўзининг аччиқкина мағзини чақдик, **чақ** тўғрисида **чақчақлашиб** олдик.

Ой фарзанди

Американинг Лос-Анжелес шаҳрида Ўзбекистоннинг садоқатли бир дўсти яшайди. Келиб чиқиши можар бўлган бу турколог олим Лос-Анжелес университетида маҳсус курс очиб, америкалик талабаларга ўзбек тилини ўргатади. Улар диёrimиз нафасини ҳис қилиши учун Ўзбекистондан олим ва ижодкорларни таклиф этиб, суҳбатлар уюштиради. Ислим Андраш, насаби Бодролигетти.

Талаффузи қийин, ёдда саклашундан ҳам қийин бўлган бу фамилияни илк бор эшитганимда олими италиялик деб ўйлагандим. Лос-Анжелесда кўришиб, унга шу саволни бердим.

— Фамилиям аслида Бадролигетти. **Бад** сўзи форсча ҳам, инглизча ҳам **ёмон** деган маънони билдиргани учун бу юртда насабимни бир ҳарф ўзгартириб Бадролигетти дейдилар. Лекин италиялик эмасман. Фамилиям соф туркча.— Шундай деб Андраш домла қўлига қалам олди ва ўз фамилиясини уч қисмга бўлиб ёзди: **Бадр оғли гетти**. **Бадр** сўзини биламиз, **ой** дегани. Колган сўзлар ҳам та-



ниш. Ўғуз туркчасидан ўзимизнинг шевага ўгирсак, **Ой ўғли кетди**, деган маъно чиқади.

– Тўйда туғилган Тўйчи, йўлда туғилган Йўлчи, жумада туғилган Жумавой, Одина деб исм олганидек, аллақайси бобокалоним ойдин кечада туғилгани учун **Бадр ўғли** деб ном қўйишгандир. Ўз юртидан кетиш наслимиз қисматида бор экан шекилли, мен ҳам асл ватанимдан узоқларда **Бодролигетти** бўлиб юрибман.

Шарқу ғарбнинг ўнлаб тилларини билган, уларни чоғишириб таҳлил қилган Андраш домланинг бу сўзларини аввал балки хаёлот меваси, шунчаки ҳазилдир, деб ўйладим. Ахир тилимиз шу қадар бой ва рангинки, ҳар сўзни ўн ёкка буриш мумкин, **ўт** деган сўзнинг ўттиз хил, **юз** деган сўзнинг юз хил маъно товланиши бор. Лекин миллат тақдирини ўйласам, можарнинг туркий халкларга тарихан туташлигини хаёлга келтирсан бу гап ҳазилга ўхшамади. Олис ўтмиш манзаралари кўнглимдан кечди. Ўз юртида кўним топмаган, қисмат дунёнинг турли бурчакларига тарқатиб юборган қадимги аждодларимизнинг сарсон-сағардонлиги фикримни чулгади.

Бадр ўғли кетди... Бу сўзларда бутун бир тарих намоён бўлди. Тўрт юз йил наридан Бухорони тарк этиб олис ва совуқ Сибирга кетган ўзбекларнинг ноласи келди, яна икки юз йил ўтиб улардан мингга яқин оиланинг Туркияга қўчгани, сибирликлари ҳам, туркияликлари ҳам то ҳануз ўзларини **бухорийлар** (русча *бухарицы*) деб аташларини ўйлаб кетдим. Тақдирни қарангки, икки карра беватан қолган ғарибларга Туркияда **Багри тилик** деб аталган тоғ этагидан жой берилибди. Хаёл мени яна минг йил нарида Идил ва Ёйик соҳилларида яшаган, ҳозирда Волга ва Урал аталган дарёлардан сув ичиб, беспоён

кенгликларда от сурган ўзбеклар юртига олиб учди. Халқимиз татар, булғор, можар, ўрус эллари билан елкадош кун кечирган яйловлар кўз олдимга келди.

Бадр ўғли кетди... Хаёлан мен ўн минг йиллар олисда Сибирдан Аляскага кўчган туркий кабилаларнинг қўшиқларини эшитдим. Америкалик ҳиндуларнинг баҳшилар каби бўғиздан чиқариб айтган қўшиқлари қулогим остида янгради. Бу минг йиллар тубидан келган дард садоси эди.

Можар халқи ўз илдизларини қадимги туркий қавмлар билан туташ кўргани учун Можаристонда туркология фани асрлар давомида ривож топган. Бу анъана ҳозир ҳам давом этади. Бу ўлкадан икки юз йилча аввал Марказий Осиёга келиб, Бухоро ва Мавороунаҳр тарихини ёзган Герман Вамберидан тортиб замондош дўстларим Иштван Конгор ва Андраш Бодроглигеттигача дунёга танилган неча-неча туркшунос олимлар етишдилар. Улар юртимизга сафар қилганларида Самарқанду Бухорони томоша қилишни кўзлаб эмас, можар халқининг теран томирларини излаб келганлар.

Бадр ўғли кетди... Можарнинг ҳам, ўзбекнинг ҳам Ой ўғли эканига ишончим бор. Бадр ўғли Сибирга кетди, Аляскага кетди. Идил ва Ёйик соҳилларидан Ҳазар ва Орол бўйларига кетди. Бу юртда минг йиллар яшаган ерлик аждодларимиз билан дунёнинг энг кўхна давлатларидан бири бўлган Хоразм давлатини тузди.

Яна минг йиллар ўтиб Босфор бўйларига кетди ва ҳозирги Турцияга асос солди. **Ой ўғли кетди.** У оламнинг тўрт ёғига кетди.

Жавоҳирлаъл Неру Мирзо Бобур тузган давлат тўғрисида ёзаркан, Марказий Осиёликлар дастлаб Ҳиндистонга тўрт минг йил муқаддам кўчиб кела бошлаганлар, дейди. Улар орасида туркий қавмлар



ҳам бўлгани, бу қавмларнинг қадимий ривоятлари, дистонлари ҳам Ҳиндистонга боргани шубҳасиз.

Ой арабча **бадр**, форсча **маҳ** дейилади. Туркий тилларда арабча ва форсча сўзлар кўхна замонлардан бор. **Ой** ёнида **бадр** ҳам **маҳ** ҳам ишлатилган. Ҳиндлар *Дехлини* Дели деганлари каби **Маҳ ўғлини Maugli** деган бўлсалар ажаб эмас. Инглиз адаби Редярд Киплинг Ҳиндистон мавзусида ёзган машхур асар қаҳрамонининг исми **Maugli**.

Демакки, Киплингга шуҳрат келтирган **Maugli** эртагининг мавзуси қадимги туркий халқлар афсонасидан олинган бўлиб чикади. Яна бизга маълумки, ривоятлар турк наслини бўри зотига боғлайди, она бўри эмизиб катта килган, дейилади. Мауглига ҳам бўри оналик қилган.

Бошкирд элининг зариф шоири Мустай Карим туркий халкларнинг бўри зотига боғланишига сабаб бу қавмнинг минг йиллар давомида ҳар ердан кувилгани, дерди. Ўз халқининг номини Бош курт, яъни Бош бўри дея ишонч билан айтарди. Турклар бир-бирини кўрганда ё хайрлашганда ўнг қўлининг учта бармоғи билан бўри бошини тасвирлаб, кардошлиқ изҳорини қиласилар. Қувғинди бўри эса тунлар ойга қараб увлайди. Онасини соғинган боладек нола чекади...

Қадим-қадим замонларда аждодларимиз қуёшга, ойга, юлдуз ва сайёralарга топингланлар. Даству сахролар оша олис, машакқатли йўлларда кундузи қуёш, кечаси ой ва юлдузлар уларга машъала, қибланамо бўлган. Ўғлонлари исмини Кунтуғмиш деб, Ойбек деб, қизларини Ойбарчин, Тўлганой, Юлдузхон, Зухро, Сурайё, Ситора деб атаганлар.

Икки юз йил аввал Ҳиндистонда яшаб ижод қиласилан ҳамюртимиз Мирзо Асадуллохон Ғолиб ўз аждодларини эслаб, мен асли самарқандликман, наслим Ойбеклар зотидан, дея гуур билин ёзган:

*Десам, Голиб, ерим – пок хоки Турон,
Асил зотим билан бағрим фараҳманд.
Ўзим туркзодаю наслим-да туркзод,
Буюклар қавми бирла асли пайванд.*

*Уруг бўлмиш менга Ойбеклар аслан,
Камолан ойга нисбат, балки ўнчанд.
Отам касбин десам дехқончиликдир,
Бобом бўлмиш заминдори Самарқанд.*

Бадр ўғли, Маҳ ўғли, Ойбек накадар ўхшашиб исмлар! Арабий, форсий, туркий маънодош сўзлар. Юртимизда қадимдан бу уч тилнинг ёндош яшаганига яна бир тимсол.

Америкалик дўстимиз профессор Бодроглигетти насаби хаёлимни шунча олисларга элтди, узоқ замону маъволарда кездирди. Сўз шундай мўъжиза эканки, унинг замирида катлам-қатлам бўлиб тарих ётар экан.

Молдавияда туркий тилда сўзловчи *гагауз* халки яшайди. Илм ахли бу номни *қора ўғизга боғлайдилар*. Ўша қариндошларни мен олимона эмас, шоирона сўз билан *қоракўз* дегим келади. Чунки *қоракўз* деб ўзбек ўзини, ўз биродарини, якин жигарини айтади.

Андраш Бодроглигетти ҳам ўша коракўзлардан бўлса, дунёга сочилиб кетган уруғларимиздан бўлса не ажаб! Олимнинг сўзи ҳақ. Бизлар ҳаммамиз Ой фарзандларимиз. Ойдан тушган каби соддамиз. Дилемиз ойдин, ниятимиз ойдин.

Бу тимсоллар ярим тунда тўлин ой ёруғида хаёлимга келди. Бамисоли неъмат тўла лагандек улкан кумуш гардиш кўқдан нуроний чехра билан сокин, меҳрли караб туради.

Ўзбек бежиз онани *оий* деб, Ойни *оимомо* деб атамаган. Эй, Ой, халқим йўлларини шуъланг билан мунаvvар қил, истиқболини ойдин қил, моможон!



Кўмирга айланган умр

Халқ мақоллари, маталларида бир ҳикмат бўладики, у ҳикматли сўз деб аталади ва асрлар оша оғиздан-оғизга кўчади.

Гап кўп, кўмир оз, деган иборада мен чуқур маъно, тагдор фикр кўрмадим. Суҳбат чўзилса сандалнинг чўғи совуб қолгани учун шундай дейдиларми? Бу гапда не бадиият, не ҳикмат бор?

Ўйлашимча, бу ибора аслида *гап кўп-ку, умр оз* бўлган.

Ку юкламасининг кейинги сўзга қўшилиб кетишидан *умр кўмирга* айланган. Аслиятни тикласак, дунёнинг дардини айтишга умр етмайди, деган фалсафий хулоса чиқади.

Бу сингари замонлар оша тилдан-тилга ўтиб, сўзлари, ҳарфлари ўзгариб кетган, асл маъносини йўқотган мақол ва маталлар кўп.

Халқда *Мехмон отангдан азиз, Устоз отангдан улуг* деган ҳикмат бор. Бирор ақлли зот, отадан улуг, отадан азиз инсон бўлмайди, деб айтган чоғи, кейинги вақтда *Мехмон отангдек азиз, Устоз отангдек улуг* дейиш урф бўлди.

Отадан улуг ва азиз кишининг йўқлиғи ҳақиқат. Айнан шунинг учун ҳам бу ташбех ишлатида. Мақол халқ ижоди. Ижод бадииятсиз, бадиият муболағасиз бўлмайди. Инсон боши тошдан каттиқ, деймиз. Тошдан қаттиқ нарса йўқлиги учун шундай деймиз. Тоғни урса талқон қиласиган йигит, деган гап бор. Тоғни майдалаб бўлмаслиги учун бу мақол кудратли ва бокий. Дунёни сув босса тўғиғига чиқмайдиган одам бўлмайди. Соч билан кўча супурилмайди, кўз ёши билан сув сепилмайди. Лекин ёр юрган кўчаларни супурай сочим билан, чанги чиқса сув сепай кўзлардаги ёшим билан, дея куйланади. Буни лутф дейдилар. Завқи йўқ одам лутфни

англамайди. Бир дўстимиз бўларди. Латифа айтсалар кулмас, “йўғ-ей, бунақа бўлиши мумкин эмас” деб туради. Шу дўстимиз адабий танқидчи бўлди, лекин адабиёт нима эканини, гўзаллик нима эканини англамай хўмрайганча дунёдан ўтиб кетди.

Меҳмон отангдан улуғ, деганда биз, аввало отани улуғлаймиз. Отадан азиз, отадан улуғ зотнинг йўклигини муболага воситаси билан тасдиқлаймиз.

Нега мен бу арзимас хатога ёпишиб олдим? Гап шундаки, одамларда тафаккур кучи ортгани сари тасаввур кучи камайиб бормоқда. Завқ-шавқ ўрнини совук ҳисоб-китоб эгалламоқда. Ақл ва юрак баҳсида ҳиссиёт енгилиб, қуруқ мантиқ ғалаба қилмоқда. Бу жамият учун хатарли ҳол. Ўзбек асқияни унутса, дўстона ҳазилларни эсдан чиқарса, сўзнинг латофатини англамай қолса, бу фалокатдир.

Мақолни таҳрир килувчи ҳушёр дўстларга маслаҳатим бор: Агар “дан” ўрнига “дек” қўшишни жуда хоҳласангиз, халқнинг бошқа бир ибораси борки, уни шундай таҳрир қиласа савобли иш бўлади.

“Тўйлар қилинг, қамишдан бел боғлаб хизмат қилай,” дейдилар. Аслида қамишдан бел боғлаш эмас, қамишдек бел боғлаб хизмат қилиш тўғрироқ бўлади. Қамиш неча бўғинли бўлса шунча карра бели боғлиқ. Ичининг бўм-бўшлиги емай-ичмай хизмат қилишга, шамолда тебраниши тинч турмасликка, иш учун эгилишга, елиб югуришга тимсол. Хипчалиги, ингичкалиги эса меҳнатга шай турган ёш йигитчадек. Мана буни ҳикмат деса бўлади.

Шу ўринда озроқ “лирик чекиниш”. Қамиш мумтоз адабиётимизда садоқат рамзи ҳисобланади. Мавлоно Жалолиддин Румийнинг машҳур байти ўзбекчада шундай :

*Тингла найдин, не ҳикоятлар қилур,
Айрилиқлардан шикоятлар қилур.*



Яъни, най аслида қамиш эди. Ботқоқ тўқайда ўсган эди. Уни кесиб най қилдилар, саройга келтирдилар, баҳмалларга ўраб олтин накшли ғилофларга солдилар. Эъзозлаб, суйиб лабга босдилар. У жа нола қилди, фарёд қўтарди. Ўзи ўсиб унган тўқайзорини соғинди. Ҳашаматли саройларни, топган иззат-икромини асл макони бўлган ташландик қамишзорга алмаштиrolмади. Шу боис найдан хамиша нола оҳанги чикади.

Ватанга садоқат, юрт соғинчи ҳақида айтилган абадиятга дахлдор байт! Ҳазрат Навоий айтганлари-дек, ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш.

Бир байтга шунча мазмун сиғдиролган, биргина қамишдан шунча фалсафий хулосалар чиқарган мавлонодек буюк аждодларимизни ўрганиш ўрнига ёшлигимизнинг олтин дамларида “Шумел камыш” ни айтиб юрдик. Мана буни ёниб кетган фурсат, кўмирга айланган умр деса бўлади...

Сўз мулкининг султонларини англаш учун, аввало ўзимизнинг жўнгина хатоларимизни англамоғимиз лозим. Чуқур фикр қилмай пойма-пой гаплар айтиш, ўзимизга осон қилиш учун сўзнинг ярмини ютиш, исмлар, жой номларини таниб бўлмас даражада қисқартириш тилга бехурматликдан бошқа нарса эмас.

Кўзингни оч, оёқ остингга қара, деган гапни қисқача қилиб, *кўзингга қара*, деймиз ва қизиқчиларимизга кулгу бўламиз. Сўзни қисқартиришга жуда устамиз. *Муҳаммад Раҳим* деган исмни *Мамараим*, бу ҳам узун туюлиб *Мараим* деймиз. Хоразмлик эса *Мирим* дейди, кўяди. *Анжан, Ангрен, Бувайдা, Риштон, Хўжаландарбува...* рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин. Бу номлар ўз асл маъносини йўқотиб бўлган.

Душманни яксон қиласиз, дейиш ҳам қис-

қартиш натижасидаги мантиқсизликдир. **Яксон** дегани **баробар**, **тенг** демакдир. Душман **ер билан**, **тупроқ билан** яксон қилинади.

Тўйга чорлагандан **таклиф қиласиз**, ёки **лутфан ташриф буюришингизни сўраймиз**, дейилади. Бизга биринчи жумла ўта қиска, иккинчиси ўта узун туюлиб, ўртачасини танлаймиз: **Лутфан таклиф қиласиз!** Узимиз билмаган ҳолда меҳмонни камситиб, ўз шахсимизни улуғлаймиз. Бу ҳақда ёзмаган тилчи, гапирмаган адабиётчи қолмади. Бизнинг хато одатимиз ҳам йўқолмади.

Бу гаплар тилшунос олимнинг ҳукми эмас, бир қаламкашнинг ўйлари холос. Сизнинг ҳам кўнглингизда шундай оғрикли гаплар кўп. Лекин, менга гапиришни ким қўйибди, дея индамайсиз, баҳсга кирмайсиз. Ваҳоланки, тил ҳаммамизники. Фақат тилшуносларга боғлаб берилган томорқа эмас.

Илм ҳам, ижод ҳам баҳс билан тирик. Маърифат излаган инсон хато қилишдан чўчимайди. Маърифатли инсон бировнинг хатосидан кулмайди. Билмасанг гапирма, жим ўтири, демайди. Хатони тузатади, ўз фикрини айтади. Хато айтган ҳам қизариб-бўзармайди. Баҳс қиласи, ё “фикриңиз маъкул,” дейди.

Оғзингни юм, овозингни ўчир, деган сўзни туғилгандан ўлгунча эшитамиз. Жим бўлиш бизга асрлар давомида сингдирилган. Ҳужайраларимизга жо бўлган. Яшаган юртимиз ўчган овозлар мамлакати бўлди. **Ғунча то оғзини очди, бўлди вайрон оқибат** деган шеърлар бизни тарбиялади. Озод ва мустақил бўлиб ҳам ички хавотирдан тўла фориғ бўлмадик. Дарҳақиқат, шаҳар куриш осону онгни ўзгартиш қийин экан.

Бу сўзлардан мурод она тилимиз жонкуярла-



рини баҳсга чорлаш, дадил фикрлар билдиришга чакирмокдир. Танкидан, эътиrozдан чўчиманг. Фақат айтганларингиз сукунат дарёсига чўкиб кетишидан, ҳеч ким муносабат билдирмаслигидан, ломмим демаслигидан кўркинг.

*Фикрат – дарё, гафлат кўлмакдир,
Дарё – ҳаёт, кўлмак ўлмакдир.*

Дамашкда машқ

“Девону луғотит турк”да **эдгу** деб битилган, яхшиликни англатувчи бу асл туркий сўз бугунги адабий тилимизда эзгу шаклида қўлланилади. Бамисоли арабча **дарбни зарб**, **даифни заиф** деб айтганимиз каби. Тил тараққий этгани сари қаттиқ товушлар юмшоқлари билан алмашиб боради, чоғи, қадимги **одоқ** сўзи **оёқ**, **адиқ** сўзи **айиқ** бўлди. Усмонли турк тилида қаттиқ қ товуши йўқолиб бўлган.

Эзгуга айланган **эдгу** сўзидан бора-бора жўн халқ тилида з ҳам тушиб қолди. **Эгаликнинг кечи йўқ**, дейдиган бўлдик. Дарҳакиқат, яхшиликнинг кечи йўқ.

Турк қардошларимиз талафузни енгиллаштиришда биздан ҳам ўзиб кетдилар. Улар **эдгу** ҳам, эзгу ҳам, **эзи** ҳам деб ўтирмай **иши** дедилар қўйдилар. **Яхши** сўзи турк тилида **иши** бўлди.

Агар тилни муайян халқнинг жамоавий интеллектуал мулки десак, сўзларни бузиш, қисқартириш, ҳар қандай ўзгартириш қатъий тақиқланиши керак эди. Лекин тил тўғрисида халқаро битим йўқ. Халқлар бир-биридан сўз ва атамаларни ҳеч бир ижозатсиз оладилар, ўзларига мос slab истаган шаклга соладилар, хоҳлаган маънони юклайдилар, таниб бўлмас ҳолга келтирадилар.

Ривоят қиласидиларки, Мирзо Бедил кўчада кета-

туриб ўз байтларини бузиб хиргойи қилаётган де-ворзан ёнида тўхтабди ва индамай унинг терган ғиштларини йикитаверибди. Ҳай-ҳайлаб дод соглан деворзанга қараб шоир шундай дебди: Мен факат деворингни буздим, сен шеъримни бузиб, менинг хонумонимни вайрон килдинг. Ким кўпроқ фарёд кўтариши керак, сенми ё менми?

Деворзан тавба килиб узр сўраган экан.

Ажабо, шеърнинг эгаси бор, лекин сўзнинг эгаси йўқ. У бамисоли чараклаган юлдуз, окиб ётган дарё, эсиб турган шамол каби ҳамманики.

Ҳеч ким ҳеч кимга, ҳеч бир ҳалқ бошқа ҳеч бир ҳалққа, менинг сўзимни олдинг, ўзгартирдинг, буздинг, дея даъво килмайди.

Руслар фирмъавнни *фараон*, Бобилни *Вавилон*, Сурияни *Сирия* деб айтсалар, бизнинг исмларимизни *Қадыр*, *Таджи*, *Гулям* деб талаффуз қилсалар, ёки инглизлар Россияни *Раша* десалар бирор, ҳай, нима қиляпсан, демайди. Чунки бу ҳол кўпга келган тўй. Ўзимиз ҳам талай хорижий сўзларнинг додини берганмиз.

Дамашқда бир араб шоирига Алишер Навоий девонларидан бирининг номи “Бадоиул-васат” деб тушунтиролмадим. Араб тилида бунака сўз йўқ, деб туриб олди. Ҳар қанча уринмай уқтириб бўлмади. Жаҳлим чиқиб ичимда, эх, ўзининг тилини билмаган араб, дедим.

Бу баҳсни узокдан эшлитиб турган бошқа араб ёнимизга келди-да, мендан сўради: – Балки “Бадоиул” эмас, “Бадоиъул-васат”дир?

У сўз ўртасидаги *айн* товушини чуқур бўғиздан чиқариб шундай ғайритабиий овоз билан айтдики, мен бунака товушни ҳеч қачон ўхшата олмасман.

– Худди шундай, дедим қувониб, – факат бундай талаффуз қилиш учун араб бўлиб туғилиш керак экан.



Ўша куни, ўзининг тилини билмаган араб, деб ичимда айтган гапимни яна ичимда қайтиб олдим.

Биз меҳмон бўлган Сурия арабларининг катта қисми христиан динида. Халафдан қайтишда йўл четидаги насронийлар мозорида тўхтаб ўтдик. Мармар лавҳаларга арабча хат ўйилган, устида хоч – крест ўрнатилган эди.

Араб ёзуви бизнинг онгимизга Куръони Карим хати, ислом белгиси бўлиб жойлашгани учун бу манзара менга ажабтовур бўлиб кўринди.

Мени ажаблантирган яна бир нарса шу бўлдики, араб адилари грамматика, яъни сарфу наҳв устида тортишиб қолсалар Замаҳшарийни “қози” қиласр эканлар. Замаҳшарий бундок ёзган, дейилса, тамом, баҳс тугар, эътиrozга ўрин колмас экан. Менинг бу икки ҳайратимдан Дамашқда бир тўртлик қоғозга тушган эди. Ён дафтарда қолган ўша машқ будир:

*Замаҳшарий бобом сарфу наҳв битиб,
Араб ўз тилини ўрганиб олмиш.
Дунёнинг ярмини мусулмон этиб,
Бу эл ўзи ярми насроний қолмиш.*

МАОШ ВА ОШ

Маош деганда биз бугун ойлик иш хакини тушунамиз. Маош олдингми, маошинг қанча, деб сўраймиз бир-биримиздан. Аслида бу сўзниң маъноси тириклик, ҳаёт кечириш, яшамоқдир. Ҳазрат Навоий ҳам “Маош айламак аждаҳо комида”, дея бу сўзни худди шундай маънода айтганлар. Яъни, шоҳ ҳузурида унинг истак-иродаси билан яшамок аждаҳо оғзида тириклик қилмоқ билан баробар.

Биз англаган **маош** асли шу маъно ҳосиласи. Қадимдан давлат хизматидаги кишиларга маош таъинланган, яъни тириклиги таъминланган.

Бу сўзга ўзакдош бўлган **майшатнинг** кисмати ажойиб. Яшамоқ маъносидаги бу сўз бугун ўзбеклар орасида **айш-ишратни** билдириса, урду тилида сўзлашувчи хиндлар уни **иқтисод** маъносига ишлатар эканлар.

Биламизки, хинд, урду тилларида бизга таниш сўзлар кўп. Бу сехрли юрт хонандаларининг қўшикларида **муҳаббат, инсон, олам, осмон** сўзларини эшитсак яйраймиз. Халқларимиз ўртасидаги асрий дўстлик ришталарини эслатиб туради бу жаҳонгашта сўзлар.

Яна унутмаслигимиз керакки, бизга таниш ҳамма сўзлар ҳам биз тушунган маънони англатмайди.

Агар Ҳиндистонга журналист сифатида борган бўлсангиз зинхор-базинҳор **камина мухбирман**, деяқўрманг. Мен **ярамас айгоқчиман**, деган бўласиз. Чунки **камина** тубан, пасткаш маъносини англатади. **Мухбир** эса айғоқчи, жосус демакдир.

Яна бир маслаҳат, ҳиндистонлик дўстингизни ватанга таклиф қилмоқчи бўлсангиз, асло, сенга таклиф олиб келдим, ёки таклиф юбораман, деб айтманг. Негаки, **таклиф** сўзи **қулфат** келтиришни англатади.

У юртларда бирор сизга хор-зор одамларни кўрсатиб, уларни **ифлос** деса, ёки ифлосдан кутулиш ҳақида гапирса хаёлингиз бузилмасинки, гап **қашшоқлар** тўғрисида, қашшоқликни йўқотиш устида бораётган бўлади.

Ифлос ва **муфлис** сўзларини мумтоз адабиёти-мизда ҳам факир, йўқсил маъносига кўплаб учратамиз.

Келинг, ёмон сўзларни четга суриб, ўзимизнинг ҳар жиҳатдан ёқимли **маоши** сўзимизга қайтайлик.

Бу сўзниңг емак ва ишҳақи маънолари бизга юонон тилидан кириб келган **диета** сўзининг икки



маъносини эслатади. *Диетани* биз *парҳез* ўрнида ишлатамиз. Лекин аслида диета *таом* демакдир. Емакнинг ҳамма хили, қази-карта ҳам, ёвғон шўрва ҳам диета ҳисобланади. Арслоннинг диетаси кийик, кийикнинг диетаси гиёх.

Қадимги Юнонистонда энг юкори давлат органи бўлган ҳалқ мажлиси аъзоларига бериладиган иш хақи ҳам *диета* деб аталган.

Юнонча бу сўзнинг ҳаёт кечириш маъноси ҳам, тановул маъноси ҳам, маблағ маъноси ҳам арабча *маошга* мувофик келди. Энди бир савол қолди. Ўзимизнинг *оиш маошдан* келиб чиқсан эмасмикин ва ё, аксинча, *оиш* сўзимиз *плов* сингари жаҳонгашта бўлиб араб юргига саёҳат қилмадимиликан?

Бу масала ечимини билимдон тилшуносляримизга қолдириб, сўзимни нуқта билан эмас, каттакон савол белгиси билан тугатаман.

ИСМИЯМИННИНГ ИСМИ ЯМИНМИ?

Исломнинг бағри кенг дин экани оламга аён. Куръони Каримнинг “Оманту” ояти билан ҳар бир мусулмон учун Оллоҳга, унинг фаришталари, расуллари, муқаддас китобларига имон келтирмоқ фарз этилган. Ёлғиз Муҳаммад алайҳиссалом эмас, балки насаро, яхудий динларининг-да барча пайғамбарларини азиз тутмоқ, танҳо Куръони Карим эмас, Таврот, Забур, Инжилни ҳам табаррук билмоқ буюрилган. Буни англаб етган Европа, Россиянинг буюк шоир ва ёзувчилари, олимлари Ислом динига юксак эҳтиром кўрсатганлар, чуқур ўрганиш, тарғиб қилишга жазм этганлар. Иоганн Ҳёте ва Лев Толстой бундай улуғларнинг энг улуғлариидир.

Диний бағрикенгликка ҳалқимиз табиатидаги очиқкўнгиллик, меҳмоннавозлик қўшилиб, букунда

Гарб учун табаррук фазилат ва юксак орзу бўлган толерантлик ғояси бизнинг азалий эътиқодимизга айланиб бўлган. Ота-боболаримиз толерантлик деган истилоҳни билмаган бўлсалар ҳам унга амал килиб яшаганлар. Амал килибгина қолмай, яхудий ва насаро динининг набийлари, азиз авлиёлари исмини фарзандларига қўйганлар. Исломдан кўп асрлар муқаддам яшаб ўтган Иброҳим, Исмоил, Исҳок, Яъкуб, Юсуф, Айюб, Мусо, Довуд, Сулаймон, Ильёс, Юнус, Дониёл – бизлар Дониёр деймиз, – Зикриё, Яҳё, Исо каби пайғамбарлар, Луқмон, Узайр, Искандар каби азиз авлиёларнинг исми билан аталган мусулмонлар дунёning ҳар ерида бор. Ҳеч ким бу исмларнинг асл эгалари қандай динга эътиқод қилганлари ва қандай миллат вакиллари бўлганларини суриштирмайди. Уларнинг аслида Абраам, Исаак, Иаков, Иосиф, Соломон, Даниил, Моисей, Иусус бўлганлари билан бирорнинг иши йўқ. Шуни биламизки, бу расуллар ҳам Оллоҳнинг элчилари бўлганлар, бу азиз авлиёлар ҳам бизникилар.

Диний мутаассиблик хатарли тус олган бизнинг кунларда Ислом маърифатини англаш ва англатиш, қонимизга сингиб кетган бағрикенгликни оламга тушунтириш бағоят зарур ишдир. Токи Куръони Каримни ўтга ёкиб савоб топмоқчи бўлган ғарблик жаҳолат бандалари билсинлар: Улар Куръонга кўшиб ўз худолари ва пайғамбарларини ёкаётирлар.

Истанбулда “Аё Суфия” жоме масжиди бор. У бир замон насронийлар ибодатхонаси бўлган. Ҳозирда қадамжога айланган масжид гумбази ва деворларида Исо алайҳиссалом, Биби Марям ва бошқа насаро азиз авлиёларининг музайян суратлари бор. Уларга боқиб Исломнинг буюк ва олижаноб қадриятини ўйлайман. Хаёлимда “Аё Суфия”



жомеси бамисоли ўзи жойлашган шаҳарда Босфор кўрфази устига қурилган маҳобатли кўприк каби Шарқ билан Ғарбни, икки буюк эътиқод қитъаларини туташтириб турибди. У диний бағрикенглик, эътиқодлар биродарлигига тимсол обида бўлиб Истанбул ва Константинопол дея икки эгиз ном билан аталган шаҳарда қад кўтарган.

Энди навбат сарлавҳадаги саволга келди. Ҳазрат Яъқуб алайҳиссалом Роҳила исмли хотинидан кўрган фарзандининг исмини **Бенямин** деб қўйган экан. Бу исмнинг маъноси иброний тилда “ўнг кўл” бўлиб, ҳазрат Яъқуб, ўғлоним менинг ўнг қўлим бўлади, деган ният билан шундай ном қўйган экан. Бу ном Куръони Карим тафсирларида Ибн Ямин тарзида келади. Бенямин, ёки Бенжамин Ғарбда кенг тарқалган исм. Ўн саккизинчи асрда яшаган, АҚШнинг мустақиллиги учун курашган маърифатпарвар олим, мутафаккир, давлат арбоби Бенжамин Франклин уларнинг улуғидир. Букунда Американинг юз долларлик пулида шу буюк инсоннинг сурати бор.

Дунёда машҳур бўлган Беняминлардан бири Исроил Бош вазири Нетаньяху бўлса, яна бири Ўзбекистонда таниқли бўлиб ўтган ҳофиз Сосон Беняминовдир. Унинг “Тошкент осмони” деган қўшиғи қулоғимизда ҳамон янграб туради.

Бу исм ўзбекчада Ибниямин, Эмниямин, Исмиямин шаклида айтилади. Бугун халқимизнинг гўзал хонанда қизи Дилноза Исмияминова боис бу исм яна шухрат топди.

Демак, Исмиямин исмининг ўзаги, дарҳакиқат, Яминдир. Ямин эса ўнг томонни билдиради. Бағри кенг ўзбекнинг овози дунё бўйлаб таралсин, иши ҳамиша ўнгидан келсин.

ҚАТАҒОН

Тилимизда қаттиқ сўзига асос бўлган қат ўзаги бор. **Қатқалоқ** десак қат, қотган лой десак қот бўлади. Бу ўзакнинг яна бир маъноси қават. **Қат-қат**, **қатлам**, **қатлама** сўзлари шундан. **Қатилмоқ** сўзининг илдизи ҳам қат. **Қўшилмоқ**, **аралашмоқ** деган мазмунда. **Маъдан қотишмаси** шу тушунчадан. Мис билан калай эритиб аралаштирилса **қотишма** бўлади. **Қатнинг** бу маъноси ҳозир кўпроқ мақолларда, шеваларда қолган. **Қўшилув**, **аралашув**, **биралинув** сўзлари қатилувни четга суриб қўйганлар.

Ажабки, мен қаттиқни сутнинг ивиб қаттиқ ҳолга келгани, котгани, деб тушунар эканман. “Девону лугатит турк”да ёзилишича **қаттиқ-қатилувчи**, яъни таомга кўшиб, аралаштириб тановул килинувчи емак экан. Шу ўринда бир илова. Бир канча Оврупо тилларида катикни **йогурт** дейдилар. Бу соф туркий ўзбек сўзи. Уни дунёга совға қилиб, ўзимиз қаттиқ деймиз. Бамисоли олов, чўғ маъноси-даги **ўт** сўзидан ясалган **ўтуг** сўзимизни **утюг** шаклида бошқаларга бериб, ўзимиз **дазмол** деганимиз, ёки **қафтанимизни** бировга кийдириб, ўзимиз **тўн**, **чопон** кийганимиз каби. Бундай ҳиммат инглизларда бор. Улар **апельсин** деган инглизча сўзни бутун оламга улашиб, ўзлари **оранж** дейдилар.

Қат билан қот ўзагининг Кошғарий бобо битмаган маънолари бугун бизда бор. Ишни, гапни **қотирамиз**, фаргонача айтсак, **қатириб** ташлаймиз. Сўзамоллик билан бошқаларни лол қилиб, **қотириб** кўямиз. Бундай “**қотириш**”лар қадимда бўлмаган чоғи, эски лугатларга кирмаган.

Қаттиқ деган сўзнинг ўзи қулоқقا қаттиқ эши-тилади. Гўё оҳангда маъно яширингандек. Араб тилида ҳам **қатъий**, **қатъият** сўзларининг ўзаги



қатъ. Бу қаттик товушли сўз *узиш*, *кесиши*ни англатади. **Қатъий сўз** – кесиб айтилган сўз. Қизикки, инглиз тилида ҳам кесиши, қирқиши **кам** дейилади. Ҳеч бир қариндошлиги бўлмаган бу уч тилдаги оҳангдошликка сабаб нима? Ўзбекча **қатнинг** каттиклиги, арабча **қатъ**, инглизча **катнинг** мато кесгандаги товушга ўхшашлиги аён. Демак, ҳар бир атама замирида инсоннинг нозик ҳиссиёти, қалби ва онгидаги товушлар, ранглар дунёси, яна биз англаб етмаган олтинчи, еттинчи, саккизинчи туйғулари яширин экан.

Сўз орасида сўз: ўзбекча **емак** билан русча **есть** сўзларининг ўзаги битта – *e!* Биз *e*, десак, руслар *ешь*, дейдилар. **Еда, ем, едим** сўзлари рус тилида **емиш, емоқдаман, емоқдамиз** деган маънони билдирса, ўзбекчалаб, *e-да*, десак, *егин-да*, деб қистаган бўламиз. **Ем**, деганда биз молга бериладиган емишини англаймиз. **Едим** эса еб тугатдим, деганимиз бўлади.

Агар бу ҳолни тилларнинг ўзаро таъсири, десак, туркий халқларнинг Русия билан алоқаси узоқ минг ийларга бориб тақалиши керак. Чунки ҳар икки тилдаги бу ўзак сўзниң тарихи халқларимиз тарихи қадар кўхнадир. Мабодо ҳар икки халқда *e* ўзаги мустақил равишда азалдан бор, бири-биридан олмаган десак, бундай мувофиқликка ҳайратланишимиз керак.

Мана энди асосий мақсадга келдик. Ўзбекча **қат** ўзагидан ясалган яна бир атама бор. Бу **қатагон**. От **чопагон**, ит **қопагон**, одам **топагон** бўлганидек, **қаттиқланган** нарса **қатагон** дейилади. Каттиқ беркитилган эшик, қаттиқ ўрнатилган тартиб, қаттиқ ман қилинган ишга нисбатан бу сўз айтилади. Чор Россияси ҳукмрон бўлган вақтлар ўзбекларнинг Ўрда кўпригидан ўтиб рус зодагонлари яшайдиган

янги шаҳарга кириши **қатагон**, русча айтганда **запрет** эди. Ундан ҳам аввал Тошкентнинг ўн икки дарбозасидан бири **Қатагон** деб аталган. Кейинча **Қўймас** деганлар. Қатағон ҳам, Қўймас ҳам битта маънени англатади. Бу дарвоза ёпик.

Қаттиқ нарса **қатагон**, дедик. Қандай қилиб бу сўз **берк** маъносини олди? Бу саволга жавобни Самарқанддан топдик. Шахар айланиб юриб бир дўконга кирдик. Пештахта ёнида чой ичиб ўтирган сотувчилардан бири бизга қараб: – **Маҳкам!** – деди. Биз бу сўзга эътибор қилмадик. Бирор Маҳкам исмли ўртоғини чакирайти, меҳмонларга қара, хизмат қил, демоқчи, дея ўйладик. Кириб келавердик. Со тувчи ўрнидан туриб, жаҳл билан сўзини такрорлади: – Ҳой, мен сизга айтиёбман: – **Маҳкам!** – Шунда англадикки, **маҳкам** сўзи – берк, кириш мумкин эмас, дегани экан. Бир тилда сўзлашувчи одамлар бир-бирини тушунмаса қизиқ бўларкан. Биз узр айтиб дўконни тарк этдик.

Маҳкам деган сўзни биз **қаттиқ**, **мустаҳкам**, деб тушунамиз. Бу сўз берк маъносини ҳам англатса, демак **қаттиқ** сўзидан чиққан **қатагон** ҳам ёпиқ, кириш мумкин эмас, деган тушунчани англатиши табиий. Маҳкам ва мустаҳкам сўзларига ўзакдош бўлган **истеҳкомда** ҳам шу маъно бор.

Қатагонни бугун **репрессия** ўрнида ишлатамиз. Сўзнинг ўзаги **пресс** бўлгани учун тўғридан-тўғри таржима қилиб, **босим** ҳам дейдилар. Дарҳақиқат, у машъум йилларда босим ҳам, таъкиқ ҳам кучли бўлган. Лекин репрессия биз учун атамагина эмас, аянчли тақдир, фалокатли тарих ҳамдир. Шу маънода иккала истилоҳ ҳам халқимиз бошдан кечирган даҳшатни ифода қилолмайди. Миллионларнинг ёстигини қуритган **репрессияни** қатағон, босим эмас, **истибодд** деса тўғрироқ бўлади. **Ис-**



тибдоҳ чекланмаган ҳукук билан жабр-зулм ўтка-зиш демакдир. Бу сўзда босим ҳам, ҳақсизлик ва шафқатсизлик ҳам, зиндан азоблари ҳам бор. Истиб-дод **доҳ** сўзига ўзакдош эмас. Лекин бу калимада жабрдийдаларнинг доду фарёди эшитилиб туради.

Мустабид тузумнинг тутқунлиги – *истибдоҳ*, **мустақил** Ватаннинг эркинлиги – *истиқдол*. Истибдоднинг заволи, истиқдолнинг камоли мангу бўлсин.

ҚОЙИЛ!

Биз гапни қойил қиласиз, бошқаларга қойил бўламиз, лекин **қойил** ўзи нима, маъноси қандай – суриштирмаймиз. **Қойил** – сўзловчи дегани. Бу сўз аслида сўзамол одамга нисбатан ишлатилган. Гап билган **қойил**, иш билган **омил** аталган. Қойиллар ва омиллар баҳсида сўзамоллар устун келган чоғи, **омил** сўзи чекиниб, **қойил** сўзи ғолиб бўлди ва **омилнинг** худудларини-да эгаллади. Ишга устани ҳам **қойил** дейдиган бўлдик. Бирор тўп тепишни **қойиллатса**, бирор ёғоч йўнишни **қойиллатади**. Биз эсак уларга қараб жим турсак ҳам **қойил** бўламиз. Ҳунар эгаси **қойил** мақомини олгач, ўринлатиб бажарилган ишни **қойилмақом** дейдиган бўлдик...

Бу оламда қойилмақом ишлар кўп. Ёқа ушлаб тавбалар дейсиз. Нашриётда муҳаррир бўлиб ишлардим. Бир шеърий баёзни босмахонага топширдик. Бир ой ўтиб терилган нусха – корректура келди. Не кўз билан кўрайлики, бирор сахифа бехато ёзилмаган. Ҳарф терувчи ҳамма шеъларни ўзи тушунганча тўғрилаб чиккан. **Музофот мукофотга, муҳаммас мусалласга, пеша тешага** айланган. Ҳаммасидан қизифи, бир ғазалхон шоиримизнинг, **Не муаттарлики бор, ул мушки анбардин келур,** деган сатрини **мушук омбордан келур**, деб ту-

затибди. Ўша ҳарф терувчини суҳбатга чакирдик. Хатоларини кўрсатдик. У эса узр айтиш ўрнига биз билан баҳс қилишга тушди. “Мушук омбордан келади-да, бошқа каердан келади”, деб туриб олди. Биз сўзларнинг маъносини чақиб, қозоқнинг тўқиз пулидек қилиб тушунтирганимиздан кейин ҳам хатосини бўйнига олмади, ўзимизни айбдор килди. – Одамзод тушунадиган қилиб ёзинглар-да, – деди у бизга ва ғолибона қадам ташлаб чиқиб кетди.

Ўшанда биз ижодкорлар, муҳаррирлар эмас, оддий ҳарф терувчи устун чиқди. Унинг айтганлари ўша замоннинг сўзи, давлатнинг, ҳоким мафкуранинг талаби эди. Йўқсил маданияти дея аталган дунёқараашнинг ифодаси эди. Биз ҳаммамиз насл-насабимизнинг уламо, мударрис ўтганини яшириб қашшоқ, батрак бўлган дея кечмишимизни улуғлардик, ёзган шеърларимизнинг оддийлиги, жўнлиги билан мактанар эдик. Шоир учун энг буюк мақтov – шеърининг оддийлиги хисобланарди. Етмиш йил ҳокимлик қилган бу сиёsat бошқа тиллар каби ўзбек тилини ҳам абгор қилди.

“Одамзод тушунадиган қилиб ёзинглар-да!”
Қойил! Лисоний бойлик юз минглаб сўзларни ўз ичига олади. Лекин инсонга тириклик ўtkазиш учун уч-тўрт минг сўзни билиш кифоя. Кўчада ўйнаб юрган гўдакнинг луғат бойлиги юзта сўздан ошмайди. Унга шу етарли. Уни ҳам қойил деймиз. Агар ўша қашшоқликка сиғиниш мафкураси яна эллик йил давом этса, сўз хазинамиз гўдакнинг луғат бойлигидек бўлиб қолиши ҳеч гап эмас эди.

Жаҳолатнинг энг олий даражаси нодонлик билан ғуурланишдир. Қуръонни танимаслик, тасаввуфни англамаслик, мумтоз шеъриятни уқмаслик, тарихимизнинг улуғвор саҳифаларини тан олмаслик, халқ қадриятларини билмаслик ва бу билан



гердайиш ҳар бир амалдор учун фарз эди, юксак мартабаларга кўтарилишнинг равон йўли эди. Бундай кўзқарашни юрагига жо қилган кишилар ҳозир ҳам бор. Кулликка қўнган ва қўниккан бу тоифа кишилар ҳануз кечмишни соғинадилар, эгаллаган ўриндикларини кўмсайдилар. Уларга ҳам **қойилмиз**.

Айтар сўзни айтдим. Яна нима демоқчи эдим? Дарвоқе, гап орасида **қозоқнинг тўққиз пулидай**, деган ибора тилга олинди. Тўққиз пул нима эканини ёши улуғ кишилар билишади. Билмаганлар билиб кўйса ёмон бўлмас.

Аввало **пул** ўзи нима? Луғатларда **пул** юонча сўз дейилган. **Тийин** маъносида. Форс тилида бу сўз **кўприк** демакдир. Ажабки, юонча **пул** билан форсча **пулнинг** мазмуни туаш. **Кўприк** кирғокларни туаштиrsa, **пул** олди-берди килувчи одамларни туаштиради.

Юртимизда пул муомаласи тарихи жуда қадим замонларга бориб етади. Соҳибқирон бобомиз зарб килдирган олтин тангалар дунё сахнида ҳозирги доллар, евро каби қурдатга эга бўлган. **Тангамиз** Россияга бориб **деньги** бўлди, **олтинимиз алтын** шаклига кириб пул бирлигига айланди. Карангки, рус тангалари олтин эмас, кумушдан, кумуш аралашмасидан, бора-бора мисдан зарб этилиб, қадри тўққиз пулга тушганда ҳам номи **алтын** бўлиб қолаверди. Энг қадрсиз нарса **тўққиз пулга қиммат** дейилганидек, руслар, **ни гроша, ни алтына нет**, деб куруқ чўнтакни айтадиган бўлдилар.

Қозоқ тўғри ва содда халқ эмасми, сартчалик, ё ўзбекчалик савдога уста бўлмаган. Бухорода зарб қилинган турли-туман тангаларнинг ўлчовини фарқламай, савдони жўнгина русча пул хисобида қилган. Русларнинг **гроши** дегани уч **пул, алтын** де-

гани *тўққиз пул* бўлган. Шу сабабдан оддий тушунарли нарсани *қозоқнинг тўққиз пулидай*, дейилади. Ажабки, бундай пул бирликларининг йўқ бўлиб кетганига юз йилдан ошса ҳам маталга айланган ибора ҳали тирик. Ҳикматли Сўзнинг умрбоқийлигига қойил бўлмай илож йўқ.

Пул ҳакидаги сўзни Ҳазрат Навоий сатрлари билан тугатгим келади. Улуғ устоз бу сўзнинг ҳар икки маъносини истифода этганлар:

*Кирпик эрмаским, Навоий ўтгай ул чобук дебон,
Кўз қаро суйига боғлайдур қамишилар бирла пул.*

Яъни кўз ёшим бамисоли оқиб келган сел, тошқин қора сув. Севгилим бу сойда ғарқ бўлмасин дея киприкларимни қамиш қилиб кўприк солдим. Гўзал ташбих, бекиёс муболаға!

“Сабъай сайёр”да нўноқ котиблар устида сўз бораркан, улар учун китобат санъатидан кўра моддий манфаат юқори туриши шундай тасвиrlанган:

*Қора пул узра можаро қилса,
Юзи́дек сафҳани қаро қилса...*

Қора пул бу ўринда *арзимас чақа* маъносида келган. Қора чақа учун қофозни қора қилувчи хаттот қофозни эмас ўз юзини қора қиласди. Бошка бир байтда айтиладики, инсонни икки дунё баҳту саодатига олиб боручи йўл – сироти мустақим, ҳақиқат кўприги орқали ўтгувчи шариат йўлидир. Бу пулдан, яъни кўприкдан ўтмай жаннатга киролмассан.

*Сироти мустақим ўлди шариат
Ки, жаннат топмогунг ўтмай бу пулдин.*

Ҳазратнинг ушбу байти ила *қойил* сўзи ҳакидаги сўзга нуқта қўйдик.



ҚИЛИБ ТУРКЛАРЧА ЯГМОНИ

Шаркнинг буюк шоири Ҳофиз Шерозийнинг дунёга довруғи кетган нодир ғазалини биласиз, ёд олгансиз, севиб тақрорлайсиз. Ғазал шундай байт билан бошланади:

*Агар он турки шерозий ба даст орад дили моро,
Ба холи ҳиндуяш бахшам Самарқанду Бухороро.*

Шоир Хуршид маромига етказиб уни ўзбек тилига таржима қилган:

*Агар кўнглимни шод этса ўшал Шероз жонони,
Қаро холига бахш этгум Самарқанду Бухорони.*

Рус тилида бу байт шундай жаранглаган:

O, если та ширазская турчанка

*Захочет сердцем моим обладать,
Я не поскуплюсь за родинку на щечке
Ей Самаркандин и Бухару отдать.*

Бу гўзал байтда *Турки шерозий*, ёки *Шероз жонони* ва ё *Ширазская турчанка* дея ким тасвир этилган? Бунда не мажоз борки, қариyb етти юз йил ўтса ҳам унутилмайди, бизни ҳайратга солади. Нега Рум гўзали эмас, Чин париси эмас, айнан турк жонони учун шоир дунёning энг чиройли икки шаҳрини бағищлади? Бунда не ҳикмат бор? Туркнинг бошқалардан айрича белгиси нима?

Бу саволга жавоб излаб “Девону луғатит турк”ни варақлаймиз:

**ТУРК – Тангри ярлақагур Нуҳ ўғлининг оти.
Бу от Нуҳ ўғли Турк авлодларига Тангри берган номдир.**

Улуг Тангри айтади: “Менинг бир тоифа аскарим бор. Уларни Турк деб атадим. Уларни кунчиқарга ўринлаштирдим. Бирор халқдан

газаблансан, туркларни уларга қарши йўллайман.”

Бу нарса уларнинг (туркларнинг) бошқаларга нисбатан фазилатли эканини кўрсатади. Ҳатто Тангри уларга ўзи от қўйган, исм берган. Уларни энг баланд ерларга, хушҳаво жойларга ўрнатган ва ўзининг ботирларидан санаган. Туркларда кўркамлик, ёқимлилик, одоблилик, сўзининг устидан чиқишилик, дадиллик, камтарлик каби мақташга сазовор хулқлар сону саноқсиз...

Ушбу иқтибос “Девон...”нинг ўзбекча таржимасидан айнан кўчирилди. Эътибор беринг, туркларнинг фазилатлари саналганда биринчи навбатда **кўркамлик** айтилган. Дарҳақиқат, тарихга оид рисолаларда туркларнинг адил қоматли, хушсуратли инсонлар экани ёзилади. Айниқса шеъриятда **турк** сўзи гўзаллик тимсолига айланган. Ҳофиз байтида ҳам **турки шерозий Шероз гўзали** маъносида келган. Шоир Хуршид байт моҳиятини чукур англаб, **Шероз жонони**, дея аслиятга мос сўзни топабилган.

Турк атамасининг яна бир мазмуни бор. Барча эски луғатларда бу – **халқ номи** экани билан бир қаторда **жангарилик**, **жанговарлик**, **аскарлик** маънолари ҳам айтилган. Турк ёнида **турктоз**, **турки торож**, **турки яғмо**, **турки фалак**, **турки хито**, **туркизарб**, **турки ҳижоз**, **туркона аёғ**, **туркона соғ**, **туркигўй** сингари сўзлар келади ва уларнинг ҳар бирида халқ тарихи, хос белгилари яшириндир.

Сиз **турктознинг** отлик аскар эканини, **турки торож**, **турки яғмонинг** жангу жадал маъносини биласиз. **Турки фалак** – Миррих сайёраси, Марс демакдир. Қадимги юнонлар жанг, кирғин тангрисини Марс деганлар ва Миррих сайёрасининг қизил рангига қон белгисини кўриб, уни ҳам Марс атаган-



лар. Шарқда туркнинг жанговарлиги шу даражада машхур бўлибдики, Миррихни ҳам *турки фалак* дея атабдилар. Бу халқнинг кўркам чехраси, юзидаги нур тилларда достон бўлибдики, *қуёшни турки хито*, яъни Хитойдан, шарқдан кўтарилган *турк* дебдилар. Туркнинг хусни, баходирлиги, шаҳарлар устига от солиб келиши шеърий мажозга айланибди. Шоирлар маъшуқанинг гўзаллигини ҳам, юракни забт этишини ҳам, ошиқ жонига офатлигини ҳам, ёрдан етган хижрон изтиробларини ҳам *турки яғмо* сўзи билан ифодалайдиган бўлдилар.

Ҳофизнинг ўша машхур ғазалида шундай байт бор:

*Фигон к-он лўлиёни шўхи ширинкори шаҳрошиб
Чунон бурданд сабр аз дилки, туркон хони яғморо.*

Бу байт маъносини таржимон шоир соддагина қилиб ўзбекчага шундай ўғирган:

*Шу алдоқчи, қизиқчи, фитнагар шўхлар қўлидан
дод,
Кўнгулдан элтдилар сабрим, қилиб туркларча
яғмони.*

Алдоқчи, қизиқчи, деган сўзлар сизга жуда жўн, мумтоз шеърият услубидан йироқ туюлиши мумкин. Балки, байтдаги форсий сўзларнинг ҳаммаси ўзбек мумтоз адабиётда бор-ку, нега Ҳофиз сўзлари таржимада айнан қолдирилмаган, дерсиз. Гап шундаки, халқимиз эски ўзбек тилини унутиб қўйган, буюк шоир ишора қилган тимсолларни англашдан йироқ эди. Ҳозир ҳам шундай. *Лўлиён, ширинкор, шаҳрошиб* сўзларини замонавий луғатлардан тополмайсиз. Шу боис шоир Хуршид байтни жўнгина, бизга тушунарли қилиб ўғирган.

Фақат турклар эмас, бошқа бир неча халқлар ҳам

ўзларининг хос белгилари билан тимсолга айланганлар. Ўзбекнинг тўғрилик ва соддалиги, лўлининг шўхлик ва алдоқчилиги, хиндунинг нозу карашмаси, корачалик белгилари ташбиҳларга сингиб кетган. Ҳофизнинг ушбу ғазалида хинду ҳам, – ***ба холи ҳиндуяши баҳшам*** – турк ҳам, – ***турки яғмо, турки шерозий***, лўли ҳам, – ***лўлиёни шўх*** – бор. Уларнинг ҳар бири катта меҳр билан тилга олинган. Дунё билган, таниган халклар, шуҳрат топган жой номларининг тизилиб келгани – ***Самарқанду Бухоро, Рукнободу Мусалло*** – дилбар самимият, юксак маҳорат билан омихта бўлиб, ғазалнинг жаҳоншумул довруғини таъминлаган.

ИЛМИ ҒАЙБ

Болалигимизда “мушт кетди” деган ўйинимиз бўларди. Маҳалла болалари бир қаторга тизилиб ўтирадик. Ёши каттароқ, донороғимиз бошловчилик килар, қаторда биринчи ўтирган боланинг қулоғига шивирлаб бир сўз айтарди. У бола эшитган сўзини ёнидаги ўртоғининг қулоғига шивирлар, ўртоғи ўртоғига айтиб, ўн-ўн беш тилдан ўтгач, охирги бола эшитган сўзини овоз чиқарib айтарди. Бу сўз одатда бошловчи айтганидан тамоман бошқа бир сўз бўларди. Аслида ***тошибақа*** бўлса, охирида ***мошқичирига*** айланарди. Маза қилиб кулишардик. Бошловчи ким нима эшитгани, қўшнисига нима деганини бирма-бир сўраб чиқарди. Тошибақанинг қай йўсин мошқичирига айлангани маълум бўларди. ***Тошибақа – бошқача*** бўлиб, ***бошқача мошқачага*** айланиб, у ҳам ***мош қанча*** шаклини олиб, яна уч-тўрт юмалаб ***мошқичири*** бўлгани ажиб ҳангома эди.

Ўйласам, Сўз оламининг эврилишлари улкан “мушт кетди” ўйини экан. Ҳар калима минг-



лар, миллионлар тилидан ўтиб, баъзан аслиятга мутлақо алоқасиз сўзлар пайдо бўларкан. Биз эсак шаҳру қишлоқларимиз, минг хил ашёларимиз, дарахту кўкатларимиз номини танимай, асли нима эди, деб юрар эканмиз. Қўкон – хўк – тўнғизга кон бўлган, Форишнинг номи Париж, Паркент аслида Париент эди, дея тахминлар қиласиз. Форишга кўшиб Фарғонадаги Бағдод, Самарқанд яқинидаги Мотритга Соҳибқирон бобомиз ном берганлар, Париж, Мадрид, Бағдод шаҳарлари номи билан қишлоқларни атаганлар, дея ривоят тўқийиз. Ҳақиқат эса тилсим қулфлик сирлар сандиги ичиде яширин, уни аниқлашдан кўра тошбақанинг мошкичирига айланганини билиш осонроқ экан.

Бундай ҳол фақат бизларда эмас, дунёning барча тилларида бор. Жуда кўп мамлакатлар, элу элатларнинг номи қандай маънони англатиши, аслида қандай аталгани номаълум. Биз ўзимиз ҳам ўзбек деган номимиз қачондан бери мавжуд, асл маъноси нима, тахмин қиласиз холос. Ҳар янги топилган хужжат шаҳарларимиз ёшини улғайтириб боргани каби ҳар янги археологик қашфиёт тарихимиз тўғрисида янги фаразни яратади.

Дейдиларки, ҳалқ ва мамлакат исмининг мазмунини бошқа тиллардан ахтариш даркор. Негаки, ном ҳалқнинг ўзига эмас, яқин ва узоқ қўшниларга керак, уларни бошқалардан фарқлаш учун керак. Араблар бошқа ҳамма ҳалкларни *Ажам* деганлар, ҳиндлар учун ўзларидан бошқа барча *Хуросоний* бўлган. Тошкентлик ҳам тошкентлик бўлмаганларни *Анди* атаган. “Ўтган кунлар”да бу тўпори одат ёрқин бадиий ифодасини топган.

Биз ўз миллатимиз номини ўзбек деймиз ва ўзига бек бўлган ҳалқ дея талқин қиласиз. Қозоклар, ўзбек ўз оғам, дейди. Бу ҳикматли сўз ўзбеклар ҳам

қадимда кўчманчи чорвадор халқ бўлгани, қозоқ билан ёндош поёnsиз яйловларда от сургани учун айтилган бўлса ажабмас. Ҳазрат Навоий ҳам ўзбекни чўл фарзанди, бағри кенг, содда бир қавм шамойилида суйиб тасвир этганлар.

*Ҳалол она сутидекдур гар ўзбаким тутса
Тобук қилиб юкуниб тўстағон ичида қимиз.*

Тобук қилиш – эгилиш, тавозе кўрсатиш дегани. Тўстағон – қимиз ичадиган ёғоч коса. Бугунда чойхўр дея ном чиқарган ўзбек, демакки, Навоий замонида қозоқ қардоши каби қимизхўр бўлган, қўшни халқнинг ўз оғаси бўлган. *Қозоқ-чи?* Унинг номи қандай пайдо бўлди? Мирзо Бобур ўзининг кувғинда юрган чоғларини *қозоқ* деган ибора билан баён этган: “Андижонга келгандан сўнг Али Дўстнинг атвори тамом ўзгача бўлди. Менинг била *қазоқлиқларда* ва меҳнатларда бўлғон кишилар била ёмон маош қилиша киришди.” Қазоқлиқ ва меҳнат – *қочоқлик* ва азоб-уқубат демакдир. Яна бир ўринда: “Тўлун Хожа отлиқ Бориннинг мардона ва саромад *қазоқ* йигитларидан эди...” дейилган. *Қазоқ* бу ерда *саҳро одами*, кенгликларда юрган *озод одам* маъносida келган. Бу каби ном олган халқлар, қавмлар дунёда бор. Дон, Кубан *казаклари* ҳам қозоққа отдош бўлганлар. Қозоқнинг эрки ўз кўлида бўлганидек, казак ҳам *вольный казак* дейилган. *Поляк* дала одами, сахройи дегани. Қипчок даштидан Русияга таҳдид солган кўчманчи халқлар ҳам *половец*лар, яъни сахройилар эди. *Украина* – чекка ер, эски ўзбек тилида айтсак, *қир* маъносини билдиради. Бу ўлкада яшаган *гайдамаклар* ўзимизнинг *ҳайдамак* сўзимиздан ном олганлар. Улар ҳам, болқонда озодлик учун курашган *гайдуклар* ҳам қозоққа отдош десак бўлади. Руслар *край* деб атаган жами ерларни



қир десак адашмаймиз. Айтаберсам, дунёning ярми қозок бўлиб чиқади.

Агар бирор сизга Ўзбекистон, Козогистон – ўзбек на қозоқлар тўхтаган *станция*, деса албатта куласиз. Кулманг. Форсча *истодан* ва *ситон*, инглизча *stand* ва *station*, русча *становиться* ва *стан* (*полевой стан*, *летний стан*), француз тилидан русча орқали бизга етиб келган *станция* ва казаклар яшайдиган *станица* – бари бир ўзакдан чиққан. *Стан* – туриладиган ер, *село* – ўтириладиган ер. Шу ўринда бир савол: *остона* сўзи ҳам *ситон* билан қариндошми? Ундай десак, *дўстона*, *мардона*, *ошиқона* деган сўзларимиз бор. Уларда ўзак *дўст*, *мард*, *ошиқ* бўлгани каби *остонанинг* ўзаги *ост* бўлиши керак. Ахир *остона* остимизда бўлади-ку! Мабодо сиз бу ишончли, мантиқли гапга хўп десангиз... янглишасиз. Шоир сўзи ёлғондир, деган қадимги ибора рост бўлиб чиқади. *Остона* ҳам *ситон* ўзагидан. *Ситона* ва *остона* бир сўз.

Остонани биз *бўсага* деб ҳам атаймиз. *Бўсага* қандай сўздан олинган? Бу саволга шоирона жавоб шундай:

*Ўпмоққа қўлин бермади, остонани мен зор
Ўндиш, бўсага бўсага ном олмади бекор.* Яъни, ёр қўлидан ўпмоққа борган ошиқ ниятга етолмай, остонасини ўпиб қайтди. *Бўсага* аслида бўса учун, *бўсага*, асл ўзбекча айтсан, *бўсага* жой демакдир. Сиз бу лутфни тушунасиз ва шоирни ёлғончига чиқармайсиз, деб ишонаман. *Бўсага* асли қандай сўздан олинган? Буни бизга олимларимиз айтсин.

Ситон сўзи аслида санскрит тилидан тарқалган, дейилади. Ҳозир ҳеч ким санскрит тилида гапирмайди. Бу каби умрини тугатган тиллар дунёда кўп. Улар минг-минглаб сўз ва атамаларни ўzlари билан қабрга олиб кетганлар. Бизга Сўз қандай шаклда

етиб келган бўлса, шундай айтамиз, қай мазмунни касб этган бўлса шундай қабул қиласиз. Одамзодга аён бўлмаган ва аён бўлмас, биргина Тангри таолога маълум сирлар олами *илми гайб* дейилади. Сўзнинг мўъжизавий дунёси ҳам инсон ақли етмас *илми гайб*дир.

БАРКАМОЛ СОДДАЛИК

Одатда шоирлар маҳорат пиллапояларидан юксалиб, аввал соддаликтан мураккабликка, сўнг мураккабликдан яна соддаликка қараб борадилар. Лекин бу орқага қайтиш эмас. Икки соддалик ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Дастребки соддалик жўнлик даражасида бўлса, кейингиси баркамоллик саналади. *Шеърим соддаликда шухрат қозонган*, деб ёзгандаFaфур Гулом бадиий маҳоратнинг юксак босқичини кўзда тутган.

Ўйласам, тиллар тараққиёти ҳам шундай босқичлардан ўтар экан. Дунёда луғат бойлиги мингта сўзга етиб-етмайдиган ибтидоий қабилалар ҳам, сўз хазинаси миллиондан ошадиган мутараққий миллатлар ҳам бор. Қабила учун мингта сўз етиб ортади, лекин маданияти юксак халқларга миллион ҳам камлик қилиб, бошқа тиллардан сўз оладилар.

Тилларни қиёсий ўрганувчи олимлар сўз қурилишининг соддалигини, қоидаларнинг аниқ ва изчиллигини, истисноларнинг камлигини муайян тилнинг баркамоллиги деб қарайдилар. Бу айни ҳақиқат. Тил тараққий этгани сари чигалликлардан қутулиб борар экан. Шу ўлчов билан торозуга қўйсак, ўзбек тили дунёнинг энг ривожланган тиллари қаторида туради.

Баркамоллик сўз ясашнинг соддалиги, кулайлигидан бошланади. Биз икки сўзни ёнма-ён қўйиб, ортиқча қўшимчаларсиз янги сўз ясаймиз. *Сопол*



товорқ, темир йўл, бол қошиқ, ёғоч оёқ, тахта кўприк, тилла узук, деймиз-кўямыз. Бошқа тиллардаги каби икки сўз ўртасига воситачи тиркама қўйиб ўтирумаймиз. Инглизларда ҳам сўз ясаш жуда оддий. *Оёқнинг ёнига тўпни кўйиб, футбол* сўзини қурганлар. Ўзбекчада *оёқ тўп* деса бўлади. Лекин рус тилида *нога* билан *мяч* ўзича бириколмайди. Уларни кўшиш учун дастлаб *нога* сўзини сифатга, яъни *ноjnойга* айлантириш керак. Энди *мяч* сўзининг музаккар ё муаннаслигини, мужской ё женский родда эканини аниқлаш лозим. Охирида юмшатиш белгиси бор сўзларнинг ярми музаккар, ярми муаннас. Буни аниқлашнинг коидаси йўқ. *Мяч ножной* бўладими ё *ноjnая?* Нега *нога* сўзи сифат шаклига кириб *нож* бўлди ва *пичоқ*ка айланди? Билмаган одам билмайди. Бундай мураккабликлар тилнинг безаги эмас.

Биз ўз тилимиздаги соддалик ва аниқлик қадрига етишимиз керак. Бошқа тилларга таклид қилиб сўз ясаш коидасини илмий таҳрирдан ўtkазишга ҳожат йўқ. *Нон дўкони, қўл соати, қор одами, кўз ёши – ясама сўзлар*. Оддий халқ – *қўл соат, нон дўкон, қор одам, кўз ёши* дейди ва ўзбек тили коидасига риоя қиласи. Коида яратувчилардан кўра тўғрироқ айтади. Ахир *билак узуги, ер ёнгоги* демаймиз-ку. Ҳамма бирдай *билағузук, ерёнгок* дейди.

Ўзбек тилида отлар ва феъллар жинси фарқланмайди. Сўзларнинг музаккар-муаннаси, эркакча-аёлчаси йўқ. Ҳаммаси бир хил. Бу ҳам сўзлашни осонлаштиради. Мен ўзим шунча йил рус тилида муомала қилиб, ҳали-ҳамон родларни адаштираман. Нега день – мужской, ночь – женский родда? Нега октябрь – тёплый, осень – тёплая? Не сабаб дичь – бошқа, соболь – бошқа жинсда? Мен учун тушунарсиз. Ўз тилимдан кўймасин, дейман.

Биз бирор калимага оддийгина *чи* қўшсак касб-хунар эгасининг номи чиқади. *Иичи, ёзувчи, ўрмончи, бўёқчи, асалчи* каби. Бундай содда сўз ясаш ҳам барча тилларга хос эмас. Руслар биз сана-ган атамаларни *рабочий, писатель, лесник, маляр, пчеловод* дейдилар. Хунар эгаси ясашнинг шакли кўпу аниқ қоидаси йўқ. Ҳар бирини алоҳида ёдлаб олиш керак бўлади.

Биз бирор ишга ё воқеага сабаб бўлган одами *сабабчи* деймиз. Рус тилида *причина* бор, лекин бу сўздан *сабабчи* ясад бўлмайди. Шу боис тўйтантана сабабчисини ярим ҳазил билан *виновник торжества* дейдилар. Бошқа сўз бўлмаса нима қилсинлар?

Жўналиш келиши ясаш ҳам ўзимизда осон. Ҳамма сўзга тиркаса бўладиган *га* қўшимчамиз бор. Руслар Киевга борсалар *в Киев*, Украинага борсалар *на Украину*, дейдилар. Уйга кетсалар – *домой*, ишга кетсалар – *на работу*, ишхонага эса – *в кабинет*. Кавказга бошқа, *Бокуга* бошқа, *далага*, *овга* бир хил, *тогларга*, *дарёга* бошқа хил, *даволанишга* алоҳида, *шифохонага* алоҳида сўқмоқ орқали борадилар. Бу сўқмоқларда адашиш ҳеч гап эмас.

Киймоқ ва кийдирмоқ кўпгина тилларда бир хил айтилади. Руслар ҳам ҳар икки ҳолатда *одевать* сўзини ишлатадилар. Бизлар ўзимиз *киямиз*, бошқага *кийдирмиз*, иккинчи одамга айтиб учинчи одамга *кийдиртирамиз*, ҳатто уч кишини ўртада восита қилиб тўртинчи одамга *кийдиртиргизамиз*. Қани бу ишни бошқа исталған тилда бир сўз билан айтиб кўринг-чи! Овора бўласиз!..

Бу сўзларни сиз ўзбек тилига teng келадиган тил йўқ экан, деб тушунманг. *Мұҳоказатул лугатайн* ҳам бундай мақсадда ёзилмаган. Баҳсимиз она тилимизнинг кенг имкониятлари тўғрисида, ҳеч бир



тилдан кам эмаслиги устида бормокда. Очигини айтиш керак, лугат бойлигидан биздан устун, сарфу нахви бизникidan мукаммал тиллар бор. Абдулла Қодирий **мехробдан чаён** иборасини русча шаклдан олган. Ўзбекчада **мехробдан чиқсан чаён** бўлиши керак эди. Биз ҳеч вакт **қишлоқдан одам**, ёки **тандирдан патир** демаймиз. **Қишлоқдан келган одам**, **тандирдан узилган патир** деймиз. Лекин сўзнинг энг яххиси энг қисқаси бўлади. Рус тилидаги шакл қисқароқ ва соддароқ бўлгани учун Қодирий бобоға маъқул келибди. Улуғлар қўйган кадам албатта ўзининг издошларини топар экан. **Мехробдан чаёнга** таклидан ён дафтардан кўчирма, **қишлоқдан хушихабар, яхшидан ибрат** каби сарлавҳалар кўя-миз. **Мозийдан садо** номли журналимиз бор. Пуш-киннинг машхур шеърини **Куръондан иқтибос** деб таржима қилганмиз.

Ўзбек тилининг яна бир фазилати – маънодош сўзларга бойлиги. Бошқа бир мукобили йўқ кали-мани топиш қийин. Бу сифат илмда тафтalogия деб аталувчи меъдага тегадиган қайтарикларнинг олди-ни олади. Ҳозиргина сўз деган сўзни такрор айтмас-лик учун **калима** дедик. **Сухан** десак ҳам бўлади. Бошқалар, масалан, тил мавзусида рисола ёзсалар, **тил** деган сўзни жонга теккунча қайтарадилар. Чун-ки уларда бу тушунчани билдирувчи бошқа истилоҳ бўлмайди. Биз **тил** ҳам, **лисон** ҳам, **забон** ҳам дейи-шимиз мумкин.

Тилимизда шаклдош сўзлар ҳам бисёр. **Тур** сўзида юз тур маъно ва маъно ранглари бор. Ўрнингдан **тур**, жойингда **тур**, сўзингда **тур**, ҳали шошмай **тур**; маҳсулот **тури**, **турлича** ҳолат, **турланадиган одам**; мусобақанинг биринчи, иккин-чи **тури**; **Тур** тоги; сарфу нахв истилоҳи – **турла-ниш** ва тусланиш... Ёки **бор** сўзининг рангинлигига

каранг! Мактабга *бор*, вактинг *бор*, неча *бор* айтдим... Мумтоз адабиётда *бор* сўзининг *юк* маъноси ҳам бор. *Бори дил* деб дил юки, калб изтироблари айтилади. Сарой маъмурлари *бор аҳли* дейилади. *Бор – мевани ҳам, ижозатни ҳам, ёғдирувчини ҳам* англатади. *Зулфи анбарбор*, деганда хушбўй анбар таратувчи сочни тушунамиз.

Бир сўзда кўп маъно бўлса тилнинг шираси ортади. Чиройли сўз ўйинлари қилиш, асқия айтишга имкон беради. Бундай нозик маъно товланишлари зукко одамларга завқ бағишлайди, шеъриятда ийхом санъати, туюқ санъатини ҳосил қиласди. Мирзо Бобур: *Нечаки бориб эшигига бор топмадим*, деганда *бор* сўзининг тўрт маъносини кўзда тутган. *Эшигига бориб* деганда *бор – бормоқ* феълининг ўзаги, *бор топмадим*, дегандаги *бор борлик, мавжудлик* ифодаси. *Бор топмадим* иборасининг яна бир яширин маъноси – *ижозат топмадим, рухсат олабилмадим*. Байтда ошкор айтилмаган, фақат кўзда тутилган яна бир маъно – *нечаки бориб* иборасининг *нечаки бор* кисмида яширилган. Бу ўринда *нечаки бор – неча марта* мазмунида келади. Ошиқ маъшука эшигига неча *бор борди*. Ёр ҳар гал уйда йўқ бўлади, *бор топиб бўлмайди*. Кўрмоққа ижозат, яъни *бор* олиш ҳам имконсиз. Чунки ёрнинг ўзи *бор* эмас. Бундай санъат имкони ўзбек тилидек бой ва рангин тилдагина бор.

Ўзбек тилининг яна бир қулайлиги – кўплик ясашнинг осонлиги. Рус тилида *дед – деды, отец – отцы, мать – матери, брат – братья, сестра – сёстры, ребёнок – дети* шаклида кўпайтирилади. Мана сизга биргина яқин қариндошлар ичидаги кўплик шакллари. Бу хил усуллар кўп, лекин умумий қоида йўқ. Ҳар бир ҳолатни ёд олиш керак. Араб тилида ҳам шу мураккаблик бор. *Фанлар –*



фунун, олимлар – уламо, набийлар – анбиё, хаёл – хаёлом кўринишида жам бўлади. Уларнинг барини ёд олиш араб тилини ўрганувчиларга осон эмас. Ўзбеклардаги битта **лар** шоху гадога баробар.

Тилимиздаги яна бир енгиллик шуки, саноғи айтилган нарсаларга кўплик белгиси **лар** қўшилмайди. Бу мантикан тўгри, чунки саноқнинг ўзи кўпликни ифода киласди. Рус, инглиз тилларида саноғи маълум нарсаларга ҳам кўплик белгиси қўйилади. Бу икки тил таъсирида бизларда ҳам **ўнта китоблар, ўн иккита курсилар** дегувчи чала муллалар пайдо бўлди. Бу ҳол ўз она тилининг фазилатини билмаслик, менсимаслиқдир.

Дунё тилшунослари эътироф этган, соддалиқда буюк, бойликда уммон тилимиз бор. Унинг ижодкори донишманд халқимиз, элнинг минг йиллар давомида етиштирган улуг олимлари, шоирлари, закий фарзандлари. Бу улкан бойлик бизники, конуний мерос эгаси биз бўламиз. Биз миллионерлармиз. Бу хазинани асраб кўпайтирмоқ ҳам, совурмоқ ҳам мумкин. Очифини айтганда сўнгги юз йил ичидаги тил бойлигимиз совурилди.

Бир замон сафарда, турли миллат адилари жам бўлган даврада, **до свидания** сўзининг ўзбекчаси нима бўлади, деган саволга **чао** дея жавоб қайтариб дўстларимни кулдирган эдим. Ўша вактда, дарҳакиқат, **чао** бутун дунёда удум бўлган, инглиз ҳам, хитой ҳам, ўзбегу қозок ҳам **чао** деб хайрлашар эди. У жавобим ҳазил эди, холос. Энди кардошлар даврасида бу хил саволдан чўчийман. Кўпгина ривожланган тилларга таржима бўлган халқаро атамалар ўзбекчада йўқ. Жуда узоқ вақт ҳоким бўлган, ҳозирда ҳам ўрнини бўшатмаган қўзқараш, яъни бундай истилоҳларни таржима қилиб ўтириш керак мас, деган ғоя тилимизнинг бой имкониятларини

йўққа чиқариш демакдир. Нега арабчага, немисчага, русчага таржима килинган атама ўзбекчада бўлмаслиги керак? Руслар оксиген, ҳидроген, аэроплан каби сўзларни аллақачон кислород, водород, самолёт қилиб олганлар. Биз дангасалар эсак русчадан кўчирғанмиз-кўйғанмиз.

Истиқлол билан бирга ўзликни тиклаш замони келди. Тил – ўзликнинг бош белгиси. Ўз қадрини билмаган ўзганинг қадрини билмас, деган ҳикмат бор. Биз ўз она тилимиз қадрига етсак, араб тилининг бойлиги ва мукаммал қурилишини қадрлаймиз, форс тилининг нафосати ва гўзаллигидан баҳра оламиз, инглиз, рус тилларининг қудратини ҳис қиласиз. Уларни чуқур ўргансак рақобат тўла бу оламда бамайлихотир қадам ташлаймиз.

НАРХИ НАВО ВА ОБУ ҲАВО

Биз **наво** сўзининг биргина маъносини биламиз. Ҳазрат Навоийга тахаллус бўлган **қуй**, **қўшиқ**, **оҳангни** тушунамиз. Дарҳақиқат, **наво** аксар шумазмунда келади.

Бир вактлар “Муштум” журналининг, **нарх-навони** қандай тушунтирасиз, деган саволига шундай ҳазил жавоб берилган эди:

*Наво – қўшиқ, мусиқа, оҳанг,
Нарх маъноси – баҳо бўлади.
Нархни кўриб ашула айтсанг,
Ўшанда нарх наво бўлади.*

Бу асқиянамо жавоб **наво** сўзини фақат бир маънода тушунувчиларга ҳам қаратилган ҳазил эди. Аслида, **нарх-навонинг** ашулага алоқаси йўқ. Ҳаёт учун зарур бўлган нарсалар мажмуи ҳам **наво** дейилади.

*Навосиз улуснинг навобаҳии бўл,
Навоий ёмон бўлса, сен яхши бўл!*



Сиз кўп бор эшитган бу байтдаги **наво** айнан шу мазмунда. **Навосиз** улус – эҳтиёжманд халқ. **Бенаво** ҳам шу. **Навобахи** бўлмоқ – бенаволарга нажоткор бўлмоқdir. Улуғ шоир ва давлат арбобининг ўз укаси Дарвешалига қилган насиҳати юксак инсон-парварлик тараннуми бўлиб қалбларимиздан жой олган.

Нархи наво – фақатгина лозим нарсалар баҳоси эмас. У кенг тушунча – бозорнинг ахволи, қимматчилик ё арzonчилик белгиси, халқнинг турмуш даражасига кўрсаткич.

Наво сўзи тўғрисида бир оғиз сўз: Бу калиманинг маънолари кўп. **Тартибу интизом, ризқу емак, лашкару қурол, бойлигу равнақ, фарзанду авлод, сабру шукrona, тухфаю садақа, тутқунилигу занжир ..**

Хофиз Хоразмийнинг шундай байти бор:

*Фақр йўлига бос қадам, изла навони дам-бадам,
Хони жаҳонда чунки йўқ ҳеч наволага наво.*

Биринчи сатрдаги **наво** – *сабру шукrona* маъносида келган бўлса, иккинчи сатрдаги **наво** – *равнақни* билдиради. Шоир айтмоқчики, эй инсон, бойликка ружу қилма, фақирликка сабр қил, шукrona айт. Бу дунё дастурхонидан еган луқманг – наволанг сенга руҳий равнақ, камолот келтирмайди.

Донишманд халқимиз икки сўзни қовуштириб учинчи сўз ё атама ясашга омил. **Сув** билан **ҳаво** бирикиб русча *pogoda*, инглизча *weather* маъносидаги **об-ҳаво** сўзи пайдо бўлди. Дарҳақиқат, об-ҳаво сув билан ҳавонинг ҳолати, ҳаракатига боғлиқ тушунча. Намлик, ёғин-сочин, оқар сув, денгиз ҳамда ҳавонинг иссиқ-совуқлиги, шамолнинг кучи об-ҳавони белгилайди.

Бобур Мирзонинг **об-ҳаво** сўзи гўзал шеърий санъатга айланган шундай байти бор:

*Оҳу ёшимдин ортадур заъф, эй табиб,
Билдим, ярашмас эмди бу обу ҳаво манга.*

Яъни, йиглаб кўз ёш тўкканим, ох урганим саинин заифлигим ортиб бормокда. – Кўз ёш тўкишда сувга, ох тортишда ҳавога ишора бор. – Демак бу сув, яъни об ва ҳаво менга тўғри келмай қолди, дейди шоир ва кўз ёш, оҳу фарёднинг фойдасизлигини айтиш билан бирга Ҳиндистоннинг об-ҳавоси ўзининг соғлиғига ярашмаслигига ҳам ишора килади. Кося тагида яна бир нимкоса бор. Маълумки, дарди оғирлашган беморга табиб, об-ҳавони ўзгартиринг, дейди. Шоир қалбидаги юрт соғинчи, айрилик дарди, об-ҳавони ўзгартириш орзуси ҳам байтда ўз ифодасини топган. Мана бу сатрлар ҳам Мирзо Бобурники:

*Қовун бирлан узумнинг ҳажсридан кўнглимда ғам
ҳар су,
Оқар сувнинг фироқида кўзимдан ҳар дам оқар
су(в.)*

Ҳиндистон меваларга бой, лекин ҳеч бири қовун билан узумнинг таъмини бермайди. Бу ҳақда Бобурномада ҳам айтилган. Шоир қовун ва узум воситасида ўз она юртининг бекиёс табиати ва иклимини таърифлайди ва қалб соғинчини изҳор қилади. Байтда ҳар томон маъносидаги *ҳар су* билан *оқар су* (сув) ёндош келиб ажиб шеърий санъат – ийҳом пайдо бўлган. *Оқар сув* билан кўзимдан *оқар сув* ибораларида *оқар* сўзи бир ўринда сифат, яна бир ўринда феъл.

Биз нархи наво билан обу ҳаво истилоҳларининг мағзини чақишига ҳаракат қилдик. Тилимизнинг сўз ясаш имконлари устида фикрлашдик. Гапни шу ерда тугатсак ҳам бўларди. Лекин об-ҳавонинг инглиз тилида *weather* деб аталиши менга бошқа бир



сўзни эслатди. Ҳавонинг ҳаракати рус тилида *ветер* дейилади. Бу сўз *weather* билан қариндоши? Ва ё фалак маъносидаги *спекхрнинг sphere, сфера, атмосфера, стратосфера*га алокаси борми? Бу саволларга жавобни инглиз, рус тилларини сув қилиб ичиб юборганлар берсин. *Фирдавс* билан *paradise, ситора* билан *star, йўгурт* билан *yogurt* эгизак эканини ўзимиз ҳам биламиз. Жаҳон тилларида туркий, форсий калималар тўлиб ётибди. Биз турли тўқималар билан уларни кўпайтиришимизга ҳожат йўқ. *Граммни – гирромга, матрасни – мадрасага* боғлаб маъно чиқараман, десак бошқаларга кулгу бўламиз. Яқинда бир ўртоғимиз янги гап топиб келди: Аргентинани ўзимизнинг *аргин* деган уругимиз очган эмиш. *Аргентина – аргин тинган* жой экан. Бу кашфиётга жавобан бошқа бир дўстимиз қочирим қилди: – Гапинг тўғри. Бу юртдан чиқсан *Марадона* ўзимизнинг *Мардон* бўлади. *Чили* – чиллакидан, *Куба* – *Кувадан* олинган. Яна бирор, *Аляска* ҳам ўзимизнинг сўз, сафарга чиқсан ўзбек, қаёқка кетаяпсан, деган саволга – *олисга*, деб жавоб берган, ўша *олисга – Аляска* бўлган, деди. Аския пайрови уланиб кетди. – Бизнинг қишлоқдан Fafir ва Amir деган ака-ука сайёхлар чиқсан, – деди яна бирор, – Икковлон йўлга чикиб, Fafir ака борган ер – Faфрика, Amir ака етган ер – Америка бўлган. Африка аслида – Faфрика эди. У ерлилар F ни айтолмаганлар. – Ўша куни ҳазил-ҳазил билан дунёни эгаллаб қўйдик.

Бу ҳикояни айтишдан мақсад, биз қилган айрим тахминлар ўша пайровга ўхшаб кулгили эмасмикин?

Ветер билан *weather, спекхр* билан *сфера* тамоман бошқа сўзлар бўлса-чи? Яна бир сұхбатимизга нуқта эмас, савол белгиси қўйиб тугатдик.

ХОТИН ТИЛИ

Устоз Абдулла Қаҳхорнинг олима ва таржимон, мумтоз шеъриятнинг ҳассос билимдони Кибриё Қаҳхорова билан бирга кечирган ҳаёти, ижодий ҳамкорлиги ўзи бир тарих. Бу меҳмондўст хона-дон ўзига хос ёзувчилар уюшмаси эди, ижодкорлар билан ҳамиша гавжум бўларди. Устоз вафотидан кейин ҳам бу анъана давом этди. Абдулла Қаҳхор чироғи ўчмади, бу азиз даргоҳдан қадамимиз узилмади. Кутлуғ хонадон ўз эгаларидан кейин ҳам ҳувуллаб қолгани йўқ. Уй-музей ҳануз муҳлислар билан, бу икки ижодкорни кўрган ва кўрмаган шогирду муҳиблар билан тўла.

Абдулла Қаҳхор билан Кибриё Қаҳхорованинг турмуши оддий эр-хотинлик муносабатидан юксакроқ эди. Кўнгил яқинлиги, ижодий ҳамкорлик ўз йўлига. Икки сўз устасининг сухбатлари лутфга, тутилмаган гапларга, гўзал кочиримларга бой бўларди. Абдулла аканинг тагдор гапларига Кибриё опанинг назокатли жавоблари бизга ҳам завқли, ҳам ибратли эди.

Кибриё Қаҳхорова эсдаликларидан:

“Турмуш деганинг аччиғи ҳам, чучуги ҳам бўлади. Эrim умрида мени уришмаган, қаттиқ сўзламаган, дегувчи хотинлар бекорнинг бештасини айтибдилар. Сизлар Абдулла акангиз билан ширин сухбатларимизни кўргансиз холос. Қаҳхорнинг қаҳрини сиз билмайсиз. Мен билганман. Эшитадиганимни эшитганман. Лекин Абдулла акангиз жаҳли чиққанда ҳам сўзни тобига келтириб, чийратма қилиб айтарди. Уйда тожикча гаплашардик. Мен ўзим тожик бўлганим учун, Абдулла акангиз Кўқонда ўрганган тожикчаси эсдан чиқмаслик учун. Кунлардан бир кун мен, хотин киши эмасманми, иззат талаб бўлиб, гинахонлик қилибман. У кишининг



жавоби кулоғимдан кетмайды: – Яна нима килай? Ҳамма хотинини *сен* деганда мен *сиз* десам, *она тилимни қўйиб хотин тилида гапирсан*, бундан ортиқ иззат қайда бор?.. – Шу гапдан кейин мен қайтиб истиғно қилмайдиган бўлдим.”

Устоз Қаххорнинг *хотин тили* деган ўткир ибораси мени кўп хаёлга толдирди. Шу ибора билан боғлиқ ҳодисалар, ривоятлар, шеърий сатрлар ёдимга келди. Хаёлим дунёни кезиб чиқди. *Хотин тили*. Улуғ адиб бу лутф билан *она тили* деган сўзнинг азиз ва мўътабарлигини ҳам, аёлга эҳтиромнинг юксак мақомини ҳам гўзал ифода қилган. Гап фақат тожик тили устида эмас, кўнгил устида, эркак ва аёлнинг бир-бирини англаши устида бормоқда. Бу осон иш эмас. Хотин тилини англаш турмушнинг энг оғир ва мураккаб муаммоси, тирикликнинг мангу ечилмас жумбоғидир. Холики олам аёлнинг жинси ва жисминигина эмас, тафаккур тарзини ҳам бошқача яратган экан.

Эшитганим бор, дунёнинг қадам етмас узоқ оролларида яшовчи бир қабиланинг эркаклари бошқа, хотинлари бошқа тилда гаплашар, бир-бирларини тушунмас эканлар. Эркакнинг хотин тилида, аёлнинг эркак тилида гапириши уят ҳисобланар экан. Ўзаро муносабат фақат имо-ишора орқали экан. Буни эшитиб аввал ҳайрон бўлгандим. Маданиятдан узоқ, ибтидоий қабила-да, дегандим. Кейинроқ ўйласам, дунё тамаддуни етиб бормаган ўша қадам етмас ернинг халқи донишманд одамлар экан. Эркак ва аёл ўртасида ўтли нигоҳ, сирли имо, диллар талпинишидан бошқа яна қанақа гап-сўз бўлиши мумкин? Тилларнинг гаплашганидан юракларнинг тиллашгани минг бора авло эмасми?

Эр-хотин ўртасида меҳр – кўз орқали, можаро – сўз орқали бўлар экан. Севиштанларда гап кам,

термулиш кўп бўлади. Турмуш кургач, гаплашиб оладиган масалалар чиқади. Кўргиликлар шундан бошланади. Бошимизга не бало келса, тилдан келади.

Ўша ибтидоий қабилага ҳавас қилдим. Қадим замонларда бизда ҳам шундай донишмандлик бор эди. Хотин билан гаплашиб ўтирган эр кишини **хотинчалиши** дейиларди. Эр хотиннинг, хотин эрнинг отини айтиб чакирмаган. Чорлаганда фарзанд номи, зарур гап бўлса фарзанд тили восита бўлган. Аёл кўзидағи ҳаё, эр кўнглидаги меҳру шафқат барча муҳокаманинг ўрнини босган. Биз шундай муносабатга гувоҳ бўлган, “қолок”лардан қолган авлодмиз. Эр-хотин ўртасида тилсиз муомалани олис ороллардан кидириш шарт эмас, ўзимизнинг чекка кишлоқларда ҳали-ҳамон йўқолиб кетмаган.

Ўзбек тилида эркаклар тилга олмайдиган, фактат аёлларга хос сўзлар бор. Булар асосан нозу карашма, эркалик билан боғлиқ сўзлар. Факат аёлларга хос қарғишилар ҳам борки, йиғса китоб бўлади.

Ўн тўққизинчи асрда яшаган маърифатпарвар шоира Осима Ҳоним эрдан зорланган хотин тилидан шундай сўзларни шеърга солган:

*Илоҳи, дарбадар юрган ватансиз жонни ер ютсун,
Ҳамиша уйда ётган беҳунар ҳайвонни ер ютсун.*

*Жаҳону осимону жумла моғиҳони фаҳм этмас
Ўлукмас ё тирикмас бисмили нимжонни ер ютсун.*

*Емак-ичмак, фалон қилмоқ, жаҳонни кори шулдир деб
Шароби гафлат ичган бехабар нодонни ер ютсун.*

*Хотинлар сўзи бўлса гарчи маънан бегубор олтун,
Кулоқ солмас жамоди маҳздек қотгонни ер ютсун.*

*Надоматдур биза ўлгунча нодон эрлара кетмак,
Бизи ҳайвон каби боғлаб семиртирғонни ер ютсун.*



Ўқув билмас, ёзув билмас, яна дунёни фаҳм этмас,
Бу аҳмакдин туғулгон баҳтсиз ўғлонни ер ютсун.

Узун тўн, катта салла, кирмаган ҳаммома умрида,
Сасиб битган қаро кўйлак била иштонни ер ютсун...

Гирифтори ҳавои нафс ўлуб шайтонга алданган,
Боқолмай қарзга ботуб, уч хотун олғонни ер ютсун.

Қилиб дорию дармон, бел буқулган чоғда айш истар,
Ҳалокатларни тавлид айлаган дармонни ер ютсун...

Гаройибдур жаҳоннинг кори сартосар назар солсанг,
Ямон эр бирла кўрган роҳами давронни ер ютсун.

Кичкина луғат: **Моғиҳо** – дунёда бор нарсалар.
Жамоди маҳз – бу ўринда қуруқ кесак маъносида.
Тавлид – туғдириш, дунёга келтириш.

Ер ютсин деган сўзни фақат аёл айтиши мумкин, фақат қизу жувонларга ярашади. **Хотин тилининг** хатто қарғишида ҳам назокат бор. Нозу карашмали сўзларини айтмаёқ кўяй. Бошқа ҳеч бир тилда бўлмаган тотли, жозибали калималарни эшитиш бизларга насиб қилган. Айниқса Хоразм қизларининг ишвали сўзлари ҳеч бир таърифга сиғмас. **Жоним сиза**, деру жон олар, ўлдиради **ўлмагайсиз**, деб. Олтмишинчи йилларнинг бир девона ёш шоири айтган экан:

Тинглайман кўп ўзбек сўзларин
Хоразмча талаффузини.
Хуш кўраман у ер қизларин
Кўйсангиз-а, деган сўзини.

Улар буни айтса мулойим,
Тилларидан шакар тўкилар.
Хоразмлик қизларни доим
Кўйсангиз-а, дегизгим келар.

Ўша ҳаваскор шоир улғайиб, ёши бир жойга борганда ҳам дилидаги завқини йўқотмабди, замона иигитларига насиҳат қилиб, уларнинг қулоғига бир сўз айтган экан:

*Қиз боланинг рост гати оздир,
Ёлғонлари бисёр, адашма.
Тегманг менга дегани ноздир,
Нари туринг, деса карашма.*

*Ишва билан, қуриб кетинг, дер,
Кўнгилга ҳеч қаттиқ олмагин.
Ўлинг, деса яшнаб юрабер,
Кочинг, деса қочиб қолмагин.*

*Ҳеч гул борми ахир тикансиз?
Тиканига фидо қилгин жон.
Бир кун айтар: Ёмон экансиз,
Маъноси – сиз энг яхши инсон!*

ДАСТУРХОН

Даст – қўл эканини биламиз. Лекин бу форсий сўзнинг бошқа кўп маъноларидан ҳаммамиз ҳам хабардор эмасмиз. Ўзимиз ўнг қўл, чап қўл, қўли баланд, қўлбола, қўли гул, қўл қўймоқ, қўлламоқ... деганимиз каби *даст* ҳам рангин калима. *Даста, дастак, дастгоҳ, дастёр, дастхат, дастпеч, забардаст* – булар факат қўл маъносига тулаш сўзлар. Бу суханинг *тараф, аҳвол, хил, нав, галаба* каби мазмунлари бор. *Куч-қудрат, амал-мартабани* ҳам ифода қиласи. Бундан ҳосила бўлиб *дастур* атамаси вужудга келган.

Дастур – қоида, йўл-йўриқлар мажмуи. Биз бу кунда уни ана шу маънода тушунамиз ва ишлатамиз. Эски замонда шоҳ фармонлари асосида бундай қоидаларни тайёрловчи *вазирни* ҳам *дас-*



тур деб атаганлар. Агар сиз Туркияда ишланган “Мұхташам юз йил” күп қисмли фильмини томоша қылған бўлсангиз, шоҳ ва шаҳзодалар ташрифи чоғида жарчи – *Дастур!* – деб ҳаммани огох қиласди. Улуғлар олдида ўзни қандай тутиш *дастур*-да белгиланган ва бу *дастурни* ҳамма билган.

Хон эса бугунги тилимизда – *стол*. Ота-боболаримиз чордана қуриб ўтирганлари учун бизнинг столимиз пастроқ қилиб ясалган. Уни *хонтахта* ҳам дейилади. Назаримда, *подшо* маъносидаги *хон* сўзидан фарқлаш учун шундай аташган. Аслида бу сўзлар араб хатида икки хил ёзилган. *Столни* англатувчи *хон* – *хавон* деб битилган ва *хон* деб ўқилган. Бамисоли *Хаворазм* ёзиб *Хоразм* ўқилгандек.

Дастур билан *хон* нима эканини билган киши *дастурхоннинг* маъносини сизга тушунтириб бера олади. Стол тузаш тартиб-қоидаси *дастурхон* бўлади деб айтиш мумкин. Лекин сиз бунга ишонманг. Негаки, *дастурхоннинг* *дастурга* ҳеч бир алоқаси йўқ. Аслида бу сўз – *дасторхон*.

Дастор деса биз фақат *саллани* тушунамиз. Йўқ. *Дастор* ҳам *рўмол* сингари бир бўлак матони англатади. *Даст* – *қўл*, *рў* – *юз*, *мол* – *мато*. Уч сўзни қўшса – *дастрўмол*. Кичкина рўмол *рўмолча* дейилгани каби кичик дастор *дасторча* дейилади. Бу сўз кўпроқ *белбог* маъносида келади. Ўзбекнинг тўни – тўшаса – кўрпача, устига ёпса – кўрпа, бошига қўйса – ёстиқ бўлганидек, *дастор* ҳам бошга ўраса – салла, қўл ювса – сочик, ибодат қилса – жойнамоз, ёзса – дастурхон, ўлса – кафанлик бўлган.

Бу ибтидоий маълумот *хонни* ҳам, *дасторни* ҳам билмайдиган ёшлар учун. Ўзим тенгилар, шу ҳам гап бўлдими, деб кулмасинлар. Яна ўйламасинларки, мен ҳаммага ақл ўргатиб, бундан буён *дастурхон* эмас, *дасторхон* деб айтинг,

демокчиман. Ундей эмас. Агар тилимиздаги барча сўзларни асл тарихий илдизларига қайтарамиз, та-лаффузини тўғрилаймиз, десак бирорта бутун қалима қолмаса керак. Сўзлар, товушлар ўзгариши хаётий жараён. Биз **дастурхон** деймизми, **дасторхон** атаймизми, қайсар халқ ўзи билганини ўзига қулайини айтаберади. **Дастархон** сўзидан бир ҳарф ташлаб **дастахон** дейди. Тўғри қилади. Чунки **дастурхон** дейишдан кўра **дастархон** дейиш маъқулроқ. *A* ва *O* товушларининг алмашуви тилимизда азалдан бор, қоидага кирган. *P* товушининг юмшатиб айтилиши, ёки тушириб қолдирилиши эса фақат ўзбек тилига хос эмас. Айникса инглизлар бу товушни ёзсалар ҳам оғзаки нутқда сира талаффуз қилмайдилар.

Қоида, йўл-йўриқ маъносидаги **дастур** сўзи тилимиздан мустаҳкам жой олаётгани қувончили ҳол. Бу йўлда событқадам бўлишимиз керак. Лекин тилимизни тозалаймиз, деб, халқаро атамаларни ялпи суриб чиқариш ҳам тўғри келмас. Улар ҳам янги замонда топган бойлигимиз. **Инсон** деган сўз ёнида, **одам, башар, одамзод, жон, шахс, зот, банда** каби атамаларимиз турганидек, **дастур** ёнида **программа, муаммо** ёнида **проблема, атама, истилоҳ** қаторида **термин** ҳам бўлса, **арава, улов, маркаб** билан ёндош **транспорт** ҳам кунимизга яраб турса, ўзбекча айтганда, тешиб чиқмайди. Лекин ҳар бир атама муқобили ўз она тилимизда бор бўлсин ва сўзлар сафида биринчи қаторга қўйилсин, дейман.

Маънодош сўзларнинг ҳеч бири ортиқча эмас. Улар бир-бирига, ё сен тур, ё мен турай, демайдилар. Тилимизда фаол ишлатилған **дорилфунун** қалимаси бор эди. **Университет** деган сўз турганда **дорилфунунга** нима бор, дея уни қувғин қилдилар. Аслида университетни дорилфунун – фанлар уйи дейиш хато эмас эди. Расмий истилоҳ баҳсини



килмай, лекин адабиёт учун, айникса шеърият учун бу гўзал сўз аъло даражада хизмат қилиб турган ўди. **Дорилфунуним** деб шеърлар ёзган эдик, кўз олдимиизда бу сўз архаизмга айланди-қолди.

Такрор айтай, максад зинхор-базинхор мавжуд халкаро атамалардан воз кечиш эмас. Фақат бор сўзларимизни йўқотмасак, хазинамизни сонурмай, тўлдириш йўлидан борсак, дейман. Араб, форс тилларидан баҳраманд бўлиб ютқизмадик. Уларга қарши ялпи кураш очиб ҳароб бўлдик. Турк қардошларимиз ҳам бу кўргиликни бошдан кечиргандар, афсусларини яширмайдилар.

Вазифа сунъий руслаштириш сиёсати натижасида тилдан суриб чиқарилган, унutilган бойлигимизни тиклашдир. Тиклаганда ҳам ҳар томонлама ўйлаб, мантиқ асосида етти ўлчаб бир кесганимиз яхши.

Биз ёзув куролимизни *ручка* деймиз. **Қалам** деб русча *карандаши* айтамиз. Аслида *ручкани қалам* десак тўғри бўлади. Чунки **қалам** – **кесмоқ** сўзидан олинган. Қамишни кесиб **қалам** қилинган ва уни сиёхга текизиб хат ёзилган. Демак, сиёҳли ёзув куроли – **қалам**. Биз **қалам** дейдиган *карандаш* ҳам асл туркий атама. Русча луғатларнинг барида бу қайд этилган. Фақат аслиятни бирор **қоратош** деса, бирор **қоринтош** дейди. Биз ўз сўзимизни қайтариб олсак ёмон бўлмасди. Лекин амалда бу қийин иш. Шунинг учун иккала ёзув куролини **қалам** деб айтсак, хато бўлмас. *Карандаш қаламни* ҳам учини очиш учун кесилади, яъни **қалам** қилинади.

Балки **хон** деган сўзимиз ҳам вақт келиб **столнинг** ўрнини олар. Ахир у қисқа ва гўзал сўз. **Кўқон хони, Хева хони** билан адаштириб юбормасмиз. Биз **тур** ва **бор** сўзларининг олти-етти маъноларини айтиб, бир сўзда кўп маъно бўлса тилнинг безаги, дедик. Икки маънодаги хон ҳам асқия мавзуси бўлса

ажабмас. **Хонимиз хонларча безатилган**, десак, ёки ҳазилкаш дўстимизни столга таклиф қилиб, **хон хузурига марҳамат**, дея лутф қилсак, ҳам чиройли, ҳам ўзбекча бўларди.

Ҳазрат Навоий **хон** сўзини ҳам ясатилган **стол**, ҳам **неъмат** маъносида ишлатганлар. **Стол** тушунчи кўп тилларда фақат ёғоч ашё эмас, ризқ маъносини ҳам англатади. Хон ҳам шундай. Ҳазратга қулоқ тутинг:

*Хони ҳусн ул юз, намакдон оғзи дур, ул хон аро
Нутқи шўрангездин пайдо намакдонида туз.*

Ёр чехраси неъмат тўла хон, оғзи хон устидаги намакдон, туздон, жонга ғавғою офат келтирувчи сўзи эса ўша туздандаги туз. Қарангки, Навоий замонида ҳам гўзалларнинг тили аччик, сўзи нордон бўларкан. Чиройли қочирим баробарида ғавғо маъносидаги шўрангез билан туз ажиб шеърий санъатга айланган. Яна бир ўринда Ҳазрат айтадилар:

*Кўйки, ул юз хонига наззора айлай тўйғуча
Ким, кўзум бўлмиш бу қаҳти ҳусн айёмида оч.*

Маъноси: Ул гўзал юз неъматига бир тўйиб олай, қўйиб бер, чунки жамолини кўп замон кўрмай, ҳусн камёблигидан, висол қаҳатчилигидан кўзим оч.

Хон сўзини ҳар қанча тарғиб қилмай, биламанки, у дарҳол тилимизга сингиб кетмайди. Киши умрида татиб кўрмаган таомни ейиши қандоқ қийин бўлса, умрида айтиб кўрмаган сўзни айтиши ҳам шундай мушкул. Бирини кўнгил тортмайди, бирига тил келмайди. Лекин она тилимизга ўзбекча сўзларни олиб кириш фақат кўнгил иши эмас, бурч ҳамдир. Бурчни адо этишда эса уятчанликка ўрин йўқ. Миллий, ватаний иш шаҳдамлик, жасорат ва мардликни талаб қиласди.



4. СҮЗ ЛАТОФАТИ

ТАҚДИМ

Зариф инсон Сўз қадрига етади. Сўзнинг мағзини чакиб, туб илдизини кидиради. Инсонни улуғлайдиган, уни қаро ердан осмони фалакка кўтарувчи фазилат баҳрамандликдир. Ўз она тилини севмаган, тил замирида ётган тарихни билмаган, қизикмаган одам баркамол саналмас. У ким, қайси юрт ва қайси миллатга мансуб эканидан, ўз она тилининг бою камбағаллиги, майин ё дағаллигидан катъи назар. Ўз тилинг ўз ватанингдек азиз, ўз онангдек табаррук.

Расул Ҳамзатов авар тилида гапирганда эшитиб ҳайратга тушганман. Қойил қолиб эмас, шу тилда ҳам шеър ёзиб бўладими, деб ёқа ушлаганман. Икки авар сўзлашса, ўдағайлашаяпти, деб ўйлайсиз. Тишда ёнғоқ чаққандек қарсилаган, тош йўлда арава ютургандек тарақлаган овозни эшитасиз. Лекин авар ўз тилини севади. Улуғ шоирлари бу тилда ўлмас шеърлар ёзиб колдирганлар.

Ўзбек тилим бошқаларга кандок, билмайман, лекин мен учун дунёда энг бой, энг гўзал, энг баркамол тил. Ўзбекча гапириб тилим чиқкан, қўлимга қалам олиб ўзбекча ёзганман, қалбим севинчлари ва изтиробларини ўзбекчада қоғозга туширганман. Унга меҳримни, миннатдорлигимни изҳор этиб бир китоб ёzsам деган ниятим бор. Ёзганларим шеър бўлмаса-да шеърдек ўқилса, дейман. Она тилимнинг кўрки, барваста қомати сахифалардан бўй кўрсатиб турса, дейман. Орзуларим кўп. Қани эди парвозим орзуларим қадар юксак бўлса...

Муаллиф

АДАШ, ДЕДИМ, АДАШДИМ

Икки шоир, икки адаш, икки Турсунбой дўстларимга бағишлиланган ҳазил рубоий:

*Турсунбойга деди Турсунбой: Адаш,
Шартми иккимизни Турсунбой аташ?
Шеърхон адашмасин, бўлайлик энди
Сен Турсун Али, мен – Турсунбой Адаш.*

Бу сўзлар фақатгина икки шоирга эмас, **адаш** дейадаашувчиларга ҳам ҳазилдир. Нега исми бир одамларни **адаш** дейдилар, деб савол берсангиз, кўпинча, уларни бир-бирлари билан адаштирганлари учун, деган жавобни оласиз. **Адаш** сўзининг асли **отдоши** эканини бирор билса, бирор билмайди. Шундай, **қир** сўзининг чекка ер деган маъносини билмаган киши **қирғоқ**нинг қаердан пайдо бўлганини англамайди. Даланинг чеккаси **қир**, сувнинг чеккаси **қирғоқ**, эшик ё деразанинг чеккаси **қирра**.

*Шаҳ ёнин фарзин киби кажлар мақом этмиши,
не тонг
Ростравлар арсадин гар чиқсалар руҳдек қироқ.*

Арса – майдон, **қироқ** – чекка ер. Ҳазратнинг бу машҳур байтида биринчи сўз шахмат тахтаси, иккинчиси – тахтанинг чеккасини билдиради. Фарзин ва рух – сипохлар. Рух тўғри чизиқ бўйлаб тикка юргани учун у кўнгли тўғри, ҳақсўз, ҳалол инсонга ўхшатилмоқда. Фарзин эса гоҳ тик, гоҳ қиялаб, ҳар ёнга кетавергани учун дили эгри, қадами эгри, ҳар мақомга йўрғалайдиган кишиларга қиёс бўлди. Рух тўғрисўз бўлгани учун шоҳдан йироқда, шахмат тахтасининг чеккасида туради. Шундай бўлгач, фарзин каби кажравлар, эгри қадамлар шоҳ ёнидан жой олса не ажаб?

Гўзал ва баркамол ташбих. Сўзларнинг маъно



юки залворли. Ўзаги *қир* бўлган *қироқ* сўзи бамисоли узукка кўз қўйгандек ўз ўрнида. Афсуски, Навоий бобомизнинг тил бойлигидан тўла баҳраманд ёмасмиз. Бошқа кўп сўзлар каби *арса* ҳам, *қироқ* ҳам унут бўлган.

Бир эртакда айиқ билан дехқон шерикликда қарам экишади. Дехқон айиқни алдаб ҳосилнинг *тупи* сенга, япроғи менга, дейди. Алданган айиқ келгуси йил, энди *тупини* сен оласан, барги менга, деб яна алданади. Чунки бу гал шолғом экишган эди. Нега илдизни *туп* дейдилар? Нега ёш келин ва күёвга, *туп* қўйиб, палак ёзинглар, деймиз? Илдиз ернинг *тубида* бўлади. Демак, *туб тупга* айланди. Бамисоли *турб турупга, чўб чўпга, қолиб қолипга, қўршабпарак қўршапалакка* айлангани каби, оғзаки тилда *китоб, мактаб* сўзлари *китоп, мактап* дейилганидек. Гулнинг тагида, бешикнинг тагида турадиган, биз *тувак* деб атайдиган сопол идиш аслида *тубак* экан. *Туб* сўзининг тубини изласа, балки биз эътибор қилмаган яна кўп сўзлар чиқар. Паст одамни *тубан* дейдилар. *Туп* илдиз бўлса, илдизли ер *тупроқ* бўлади. Гўё ўтли ер *ўтлоқ, тошли* ер *тошлоқ*, гулнинг, меванинг ёпинчиғи *ёпроқ* (*япроқ*) бўлгандек.

Тупроқни биз *турпоқ* ҳам деймиз. Бу – ёғумурни *ёмғир* деганимиз каби оддий харф алмашинганими, ёки ўзбекча *тупроқ* билан арабча *турбат* сўзларининг қўшилиши натижасида ҳосил бўлган янги сўзми? Нима дейсиз?

Инсоннинг гавдаси *бошдан бошланиб оёқда тугайди, одоқ бўлади*. *Оёқ* қадимда *одоқ* дейилган. Демак одамзоднинг *боши бош, одоги одоқ* экан.

Бошга *сочилган соч*, уни *чоч* ҳам деймиз ва *кўп* деган маънода ҳам ишлатамиз. Соч толасидек кўп нарса *чоч* бўлади. Неки тўкилиб ётса *тўкин*, со-

чилиб ётса *сочин*. Мўл-кўлликни *тўкин-сочинли*, дейдилар.

Сочдан пастда, бошнинг *пешида*, яъни олдида *пешона*. Пешонадаги ажинлар хатга ўхшайди. Ижодкор халқ бу чизикларни қисмат ёзуви деб таъсаввур қилган ва тақдирга тан берганда, пешонада борини кўрамиз, деган. Яна дейдиларки, инсоннинг пешонасига тескари хат битилган, баҳту омад ундан юзини терс ўгирган. Мирзо Бедил бу ривоятдан гўзал ташбих чиқарган:

Нақши маъкуси нигин аз сажда мегардад

дуруст,

Сарнавишти војсгуно рост месозад намоз.

Яъни нигинга – муҳр ўйилган узукка терс хат нақш этилган. Бармоқ букиб нигин қоғозга босилса, муҳрнинг терс хати ўнг бўлади. Эй, инсон, сенинг ҳам пешонангга тақдир хати чаппа ёзилган. Уни ўнг хатга айлантириш учун пешонангни саждага қўй. Сенинг халоскоринг намоздир. – Ажиб қиёс, бедилона чукур фалсафий байт!

Пешона билан боғлиқ яна бир сеҳрли сўз. Руслар *пешонани чело*, инсон умрини *век*, дейдилар. *Человек* дегани пешонага битилган умр экан.

Бошимизнинг икки томонидан ўсиб чиқсан, кўзанинг туткичидек ўзимизга ярашиб турган *овозтумтқич* “локатор”имиз *кулок* бўлади. Дарҳақиқат, *кулок* кўпинча *тумтқич* маъносида келади. Чойнакнинг, қумғоннинг, қозоннинг *кулоги* бор. Қозончидаги ихтиёр қайдан *кулок* чиқарса, деймиз. Сув тутилган, боғланган ер ҳам *кулок*.

Сўзимиз аввалида ўртага тушган саволларга қайтсак. Юрагимиз макон тутган ер – *кўкрак*. *Кўксим осмон* деганимиз билан *кўксу кўкракнинг кўк* осмонга ҳеч бир алоқаси йўқ чиқди. *Кўк*



қадимги туркий тилда **эммоқ** сўзининг ўзаги экан. Бир кўкракдан сут эмган **кўка**, **кўкалдош** бўларкан. Џемак, чинакам кўкрак аёлнинг кўкси экан. Биз эсак қурук кўкракни кериб, **кўксим қалқон**, деб юрган ёканмиз.

Кўксимида уриб турган **юрак** аслида юракми, ёки **урак**? Юрак урадими ё юрадими? Мен ўзимча **урак** дегим келади. Мантиқан шундай бўлиши керак. Лекин “Девону луғатит турк”да **юрак** дейилган. Дарҳақиқат, **юр** ўзаги фақат юришни англатмайди. Умуман **ҳаракат** маъносини билдиради. Масалан, **шамол юрди**, деймиз, **ишишим юриб кетди**, деган гапимиз бор. Навоий ҳазрат ҳам **юрак** деганлар, **Дил**, **кўнгул** сўzlарича кўп бўлмаса-да, **юрак** ҳам турфа хил жилолари билан “Маънолар хазинаси”дан кўркам ўрин олган.

*Ғам кулбасида, жоно, ул ҳастага раҳм этким,
Тебранса бағир оғрир, дам урса юрак санчар.*

Соф ўзбекона ибора! Кўкракдаги оғриқни **юрак санчиғи** дейиш халқимизда узоқ замонлардан бор экан. Ҳазрат яна бир ўринда айтганлар: **Ким яна йўқдир алар оллига бормоқقا юрак**. Биз қўрқув маъносида ҳар кун ишлатадиган **юрак** йўқ бирикмасининг тарихи-да қадимий экан.

Бу сўз усмонли турк тилида **юрак**, аммо озарбайжонлар **урак** дейдилар. “Девону луғатит турк”дек, “Хазойинул маъоний”дек муқаддас манбаларда **юрак** бўлса, бошқа саволга ўрин қолмаслиги керак эди. Лекин тинчимас кўнгил, иштибоҳчи фикрат менга тинчлик бермайди, жуда қадимда, Кошғарийдан ҳам минг йиллар нарида бу сўз **урак** бўлгандир, деган хаёл кўнгилни тарқ этмайди.

Тилимизда ўз асл маъносини аллақачон йўқотган, бизни адаш кўчаларга етакловчи сўзлар кўп. Дафъатан эсга тушганларини айтай: **зимистон**, **ху-**

нук, меҳнат, фуқаро, мард, магиз, мастава, нишор, тоза, ироди, таманно, фан, жазо, жазира, пул, сиёҳ, ватан, қалам, гайрат, қатагон, салом, раҳмат, табрик, афанди, девона, дарвеш, мархум, тақлиф, тақсир, таҳрир, муҳаррир, дағал, дағдага, бисот, кунж, чекиш, лавҳа, мақола, гараз, ювоши, галати, тасаддуқ, бадал, арава, асбоб, асия, айёр, артист, пир, жувон, қароқчи, қоп, қопқоқ, қопагон, разм, татбиқ, таҳаллус, сиёсат, табиб, арбоб, ҳамира, доя, кошона, мусаллас, овқат, жаҳл, жоҳил, иснод, маймун, андиша, фаромуш, алвон, алфоз, ушок, сандал, авзо, хавотир, адабиёт, сарбаст, чўпчак, рўзгор, бағир, қайсар, ўксук, сайл, гаш, нушиҳурт, қойил, қойилмақом... Санаб адо қилиш мушкул. Ўйласам, асл маъносини йўқотган сўзларни санагунча асл маъносига колган, ҳеч бир янги мазмун, янги оҳанг касб этмаган сўзларни санашиб осонроқка ўхшайди.

Бир ўтириш охирлаганда меҳмонлардан бири мезбонга шундай деган эди: “Жуда яхши ўтирдик. Ҳам хўрдани ичдик, ҳам бурдани урдик. Энди бизга жавоб беринг.” Мезбон бухоролик эди. Тожикчани яхши биларди. У кулиб қўйди-да: “Энди сизларга жавоб йўқ. Ишорани тушундим. Олиб кетишингиз учун бирор нарса тайёрлашим керак бўлади,” деди. Сўнг хайрон бўлиб колган меҳмонларга **хўрдан** ва **бурдан** нима эканини тушунтирди. **Хўрдан – емоқ, бурдан – олиб кетмоқ** экан. **Ҳам хўрдани, ҳам бурдани**, яъни ҳам ейиш, ҳам олиб кетиш, деган ибора ўзи тўйса ҳам кўзи тўймас меҳмонга нисбатан айтиларкан.

Адаш дедим, адашдим. Биз кўп адашамиз. Тилимиз поёнсиз ўрмон. Унинг сўқмоқлари кўп. Ҳар бир сўз бамисоли бир туп дараҳт. Шоху навдалари бисёр дараҳт. Агар биз барчамиз ҳамжиҳат бўлиб уларнинг хусусиятларини ўргансак, асл макони қай



замин эканини билиб, меҳр билан парвариш қилсак, бу ўрмой боғу чаманга, сўқмоқлар равон йўлга айланади. Тил гулшанида сайр этиш ҳам мароқли бўлади. Лекин барибир... бу сайр сирлар оламига, мўъжизалар мамлакатига саёҳат бўлиб қолаберади.

АХИЙ, МЕН БИТДИМ

Тил тараккиётининг қонуни шундай эканки, халқ қанча қадимий маданиятга эга бўлса, минг йиллар оша сўзлари ҳам ўзгаришга юз тутиб борар экан. Инглиз тили ҳам асрлар мобайнида ўзгара-ўзгара ёзув билан оғзаки нутқ фарки таниб бўлмас ҳолга келган. Ўзлари ҳазил билан, биз Ливерпул деб ёзамизу Манчестер деб ўқиймиз, дейишади. Лекин кўплаб нокулайликларга қарамай, табиати мозийпарастликка мойил бўлган инглизлар имлони ўзгартирмайдилар. Тарихни асраш учун, мумтоз адабиётни унутмаслик учун шундай қиладилар. Бунга тан бериш керак.

Англия ўзининг узоқ тарихида ҳеч қачон бирор га қарам бўлмаган. Кўп замонлар улкан империянинг соҳиби эди. Ўз эрки ўзида эди. Биз қарам ўлка бўлганимиз учун ёзувимиздан, демакки тарихимиздан жудо қилинди. Қайта-қайта саводсизликка маҳкум бўлдик. Тилимизга бегона бўлган кирилл алифбоси мажбуран киритилди. Тўғри, араб алифбоси ҳам туркий тилга ётмаган. “Девону лугатит турк”ни араб тилида, араб ёзувидаги битган Маҳмуд Кошғарийга осон бўлмаган. Талай туркий товушларга мос ҳарфлар тополмаган. Абдулла Қодирий ҳам ўз романларини араб ёзувидаги битган. Қипчоқ шевасига хос *туринғ*, *ўтиринғ* сўзларидаги асл туркий “иғ” товушини ифода қилолмай, сахифа тагида батафсил тушунтириш берган. Бу товушга кирилл ёзувидаги ҳам мос белги йўқ.

Туркий халқларнинг кўргилиги шундаки, қадимги

турк ёзуви йўқолиб кетган. Мўғилистоннинг Урхун, Россиянинг Енисей дарёлари соҳилидан топилган ёдгорликлар хати бир замонлар поёнсиз кенгликларда макон тутган халқларимизни бирлаштирган эди. Бамисоли хитоий тасвирхат – иероглифлар турли лаҳжаларда сўзлашувчи бир ярим миллиардлик халқни боғлаб тургандек. Бизнинг ҳам кўхна ёзувимиз барҳаёт бўлиб, тараққий топганда тилларимиз бу қадар йироқлашиб кетмас, кардош элларимиз мулоқотида учинчи тил восита бўлмас эди. Бизлар ягона буюк тилнинг усмонли, ўзбек, қозок, қирғиз, татар, бошқирд, тува, қораўғиз шеваларида сўзлашардик. Ёзи жазирама Туркман чўлларидан то аёзи бешафқат Ёкутиягача поёнсиз маконда бизга тилмоч керак бўлмасди.

Бу армонни айтиш бугун энди жасорат эмас. Кеча бундай сўзлар пантуркизм тарғиботи дея баҳоланаар, айтувчига омонлик йўқ эди. Дунёни ларзага келтирган Турк хоқонлиги, қудратли Амир Темур давлати Мағрибу Машриқ хотирасидан ўчиб кетмаган ва қондаги таҳлика унут бўлмаган. Шунинг учун ҳам дунё сиёсатининг жиловини тутиб турганлар паневропеизм, панславянизмдан эмас, пантуркизмдан чўчийдилар.

Етмишинчи йилларнинг боши эди. Ёзувчилар уюшмасининг ижод уйида бир кекса ёқут адиби билан кўшни бўлиб қолдим. Жажжи набираси билан келган экан. Қизалоқ ҳар гал таом еб бўлгач, “*Ахий, мен битдим*”, дерди. *Битдим* деган қадими туркӣ сўзниңг *бўлдим, тугатдим* маънолари бизга таниш. Шунингдек татар, бошқирд тилларида отани *атий*, онани *аний* дейишлари ҳам аён. Лекин бобони *ахий* аталиши менга янгилик бўлди. Ўша кекса адиб билан тилларимизнинг ӯхшаш томонлари тўғрисида гаплашмоқчи эдим. Лекин қулоғи оғир экан, сўзларимни яхши уқмади. Бунинг устига



у рус тилида ёзар экан. Мен билан русча сўзлашди. Адибнинг айтишича, ёкут тили йўқолиб бораётган тиллар қаторида. Ёшлар бу тилда гаплашмайдилар, ўқимайдилар. Халқ русланиб бўлган.

Бу кичик халқларнинг катта фожиаси. Нуфузи миллионга етмаган, тўрт юз йил Россия мустамлакаси бўлган, мустамлака бўлганда ҳам улкан давлатнинг энг чекка, овлоқ еридан жой топган халқнинг ҳоли бошқа не кечиши мумкин? Тағин ҳам тил сақланиб қолибди. Чол набирасига она тилини ўргатибди. Араб тили ҳам, форс тили ҳам етиб бормаган, кўзлардан йироқ бу юртда, камчилик орасида бўлса ҳам, туркий тил ўзининг ибтидоий софлигини асраб қолибди.

Ёкутиядан келган қизалоқнинг, **мен битдим**, деган сўзи қулоғимда қолди. Шу болажоннинг тили билан бир кичик халқ, **мен битдим, тугаб бораёттирман**, дегандек эди тасаввуримда. Дунёнинг ишларини қарангки, агар чигиртқанинг бирор тури камайиб кетса, табиат мувозанати учун ўша турни сақлаб қолишга киришадилар. Табиатнинг қизил китоби бору, жамиятнинг қизил китоби йўқ экан. Бутун бошли бир тил йўқолаётган бўлса, тил эгаси бўлган халқ тугаб бораётган бўлса, бунга бирор парво қилмас экан. Наҳотки тирик инсонлар жамоасининг ўша зааркунанда ҳашаротчалик қадри йўқ бўлса!

Туркий тилда сўзлашувчи икки улуғ халқ номи айтилса, биттаси ўзбеклар бўлади. Жаҳон сахнида ўз ўрнини топган давлатмиз, тараққий этган илму фанимиз, маърифатимиз бор. Ман-ман деган тилшуносларимиз бор. Олимларимиз зиммасида шарафли бир вазифа ҳам турибди. Бу – фақат ўзбек тили учун эмас, умуман туркий тиллар тараққиёти учун қайғурмоқ, уларнинг қисматини ўйламоқ масъулиятидир. Тили йўқолиб бораётган кичик халқлар

катта қардошларига умид кўзини тикадилар. Тиллар, айникса илдизи туташ тиллар бир-бирларидан баҳра олиб ривож топадилар. Қилни қирқ ёрган тил билгичларимиз эски замондан қолган тор қулбани тарк этсалар, қардош тилларимизни чоғишириб ўрганишга қаттикроқ киришсалар, туркий тилда сўзлашувчи оз сонли халқларнинг йўқ бўлиб кетмасликлари учун жон койитсалар, дейман. Бу ишни биз қилмасак ким қиласди? Ўзингни бил, ўзгани қўй, дейиш энди бизга ярашмайди. Қардош тилларни асрараш ва ўрганиш, аввало ўзимиз учун керак. Тилимизнинг ўзаги бўлган туркий сўзлар тарихи, бугуни ва эртасини ойдинроқ тасаввур қилишимиз учун, она тилимизнинг имкониятларини кенгайтириш учун керак. Катта кемага катта йўл, дейдилар. Бор илмий салоҳиятимиз, ғайратимиз, жасоратимизни кичик қардош тиллар химоясига бағищламасак бўлмас. Бу биз учун тарихий масъулият, келажак олдидағи улкан бурчdir.

КЕНГУРУ ВА БЕЛМЕС

Ўн саккизинчи асрда яшаган, ер юзини уч бор айланиб чиққан, талай оролу кўрфазу бўғозларни кашф этган машхур инглиз сайёхи Жеймс Кукни албатта биласиз. Унинг аянчли қисматидан хабардорсиз. Гавай оролларида ёввойи қабилалар уни тутиб еб юборгандар.

Ўша Кук Австралияга келганда қорин халтасида боласини кўтариб икки оёқда сакраб юрган ажабтовор ҳайвонни кўрибди ва ерли одамлардан, бу нима, деб сўрабди. Улар албатта инглиз тилини билмаган ва бир-бирларига қараб, *тушунмадим*, деган. Бу сўз маҳаллий халқ тилида *кенгуру* экан. Сайёҳ дафтарига ўша ҳайвонни *кенгуру* деб ёзибди ва бу ном дунёга тарқалибди.

Шоҳ Иван Грозний замонида руслар Қозон хон-



лигини забт этиб, маҳаллий халқ билан мулоқот килғанларида татарлар русча тушунмаганлар, тил билмасликларини айтганлар. Орадан уч юз йил ўтиб руслар Марказий Осиёда ҳам **білмасам** деган сўзга кўп дуч келдилар. Русчани тушунмаган **белмес** бўлди. Бора-бора ҳамма гап уқмас, ғалча одамлар **белмесга** айландилар, **балбес** бўлдилар.

Зобит халқнинг тилини билмаган, хатини ўкимаганнинг шўри қуриди экан. **Полвонларимиз балван, паҳлавонларимиз ахламон** бўлдилар. Олиму уламолари, фозилу фузалолари беҳисоб бўлган навоийхон, бедилхон халқимизнинг саводхонлиги икки фоиз ҳисобланди...

Бир вақтлар Москва телевидениесининг “**Ералаш**” деган ҳажвий кўрсатуви бўларди. Мен бир рус шоиридан *ералаш*нинг маъносини сўрадим. У, *ералаш* дегани *кавардак* бўлади, деб тушунтирди. Қозон кавлагандек қўлини айлантириди. Шундан сўнг мен ўзбекча *аралаш*, *қовурдоқ* сўзларининг маъносини айтдим. Қовурдоқ қозонда аралаштирилади. Демак сизлар бу сўзни қозондан топгансизлар, дедим. Ҳам ўчоқдаги қозондан, ҳам татар ютидаги Қозондан.

Ўша оқшом рус тилига кирган туркий-ўзбек сўзлари устида узоқ баҳс бўлди. **Пост** ҳам, **карапул** ва **есаул** ҳам, **калпак** ҳам, **штаны** ҳам қолмади. Қозок дўстим Ўлжас териб чиққан минг бир сўзнинг ҳаммаси бўлмаса-да, юзга яқини саналди. Москва-река яқинидаги “Бальчуг” меҳмонхонаси номини дўстим ўзича жемчуг сўзига қиёслаб, марварид маъносида деб юрар экан. Дарёning балчиқли қирғоғида тикланган бу мусофирихона исми мазмунини эшитгач, ҳафсаласи пир бўлди. Билмаган эканман, деди. Гап келганда **белмес** сўзининг тарихи устида ҳам сухбатлашдик.

Дўстим деди:

— Москваликнинг илдизини очсанг, ҳар биридан битта татар топасан, — дейдилар, — рост экан. Тилимизда туркий сўзлар тўлиб-тошиб ётибди. Биз уларнинг кўпини билмаймиз. Аслида *белмес* деб бизни айтса бўлар экан.

Бўйинбоғ десанг ўлармидинг?

Бу воқеани мен бир турк адибидан эшитганман. Унга ўша ҳодисани бошдан кечирган полвон жијани хикоя қилган экан. У йигит бир халқаро кураш мусобакасида ўзбек полвони билан танишиб қолибди. Улар бир меҳмонхонада ёнма-ён турар эканлар. Гаплари қовушиб, дидлари мос келиб, оз вакт ичидаги қадрдан бўлиб олибдилар.

Бир кун ўша йигит ўзбек дўстидан, бир кечага краватингни бериб тур, деб сўрабди. Ўзбек ҳайрон бўлибди. Краватим сенга нега керак, дебди. Турк унга шивирлабди:

- Бир жонон билан танишиб қолдим. Бугун кўришадиганмиз. У жуда гўзал экан...
- Тушундим, кроватинг йўқми?
- Бор, лекин эскироқ.
- Менинг кроватимда айш-ишрат қилмоқчимисан?
- Бир кеча холос...

Ўзбекнинг жони ҳалқумига келибди:

— Қани, бир туёгингни шиқирлат! Чиқ, кўзимга кўринма! — дея уни ҳайдаб чиқарибди. Турк ҳам қизиқкон экан, сенга нима ёмонлик қилдим, нега мени ҳайдайсан, деб ўзбекнинг ёқасидан олибди. Бақир-чакирга қўшнилар йигилиб, икки полвонни зўрға ажратиб қўйибдилар. Улар ичидаги озарбайжонлик полвон ҳам бор экан, жанжал нимадан чиққанини сўрабди.

— Мен ундан фақат крават сўрадим холос, — дебди турк.



– Менинг кроватимда бузуқлик килмоқчи бўлди бу беномус, – дебди ўзбек.

Озар йигит бу гапни эшишиб роса кулиди. Ўзини тўхтатолмай, корнини чанглаб узоқ ханда урибди. Жанжал устида қах-қаҳ урган йигитга караб ҳамма ҳайрон эмиш. У ниҳоят ўзини аранг босиб кўзидан оқкан кулгу ёшларини артиб ўзбекка дебди:

– Сен қардош, бекорга хафа бўлибсан. Крават турк тилида галстук дегани. Дўстинг сендан, галстугингни бериб тур, деб сўрабди.

Ўша оқшом ўзбек полвони зиёфат берибди. Минг узрлар билан дўстига ҳамма галстукларини совға килибди.

– Крават нима, десанг бўлмасмиди? – дебди турк.

– Бўйинбог десанг ўлармидинг? – дебди ўзбек.

ТЕСКАРИ ТУШГАН ТОВУШЛАР

Болалик кунларимдан унутилмас хотира бўлиб дил тубига чўккан қувонч лаҳзаларидан бири уйимизга патефон келгани эди. Ҳозирда музейларда турадиган бу ибтидой техника воситаси ўша замоннинг мўъжизаси эди. Эсимдан чикмайди, қари бувим ёқа ушлаб ҳайратланар, “тавба-тавба, қора лаппакдан овоз чиқади-я, бунинг ичига ажина кириб олган”, – дерди. Аввал бошда эшитишга кўркиб юрган, кейин ўрганиб, патефондан нари кетмай қолганди. Ҳалима Носирова қўшиқ айтса, авж пардаларга етганда, “бай-бай-бай, мен ашулани бунақа айтолмайман”, – дея ҳаммамизни кулдирап эди.

Ўша патефондан эшитган қўшиқларим ҳамон қулоғимдан кетмайди. Лутфихоним Саримсоқова маромига етказиб айтган катта ашулани унутмайман: *Хулқи хуши ўйқ сен каби жонона, айналсин қулинг.* Қўшиқ айнан шундай айтилган эди. *Айлан-*

син эмас, айналсин қулинг! Фарғонада *айналай* деган сўзни ҳар кун эшитганим учун менга у эриш туюлмаган. Аксинча, Тошкентга келиб, аёлларнинг *айланай* дегани мени ҳайрон қилган эди. Кейинча Фурқатнинг ўша ғазалини топиб ўқиганимда яна ажабландим. Бу сўз ҳозирги имло қоидасига кўра *айлансан қулинг* тарзида ёзилган. Лекин кўқонлик Фурқат ўзи қандай ёзган ва аслида қайси шакл тўғри?

Огаҳийнинг бир ғазали шундай бошланади:

Юзинг очким, қуёш садқанг бўлиб бошингдан айлансан, Янги ой юз тавозе кўргузиб қошингдан айлансан. Мумтоз шеъриятимизнинг нодир на- мунаси бўлган бу ғазални кўп ҳофизларимиз турли оҳангда ижро этганлар. Тошкентлик Ориф Алимаҳсумов *айлансан* деб айтган бўлса, фарғоналик Алижон Эркаев *айналсан* шаклида ижро этган. Яна савол: қайбири тўғри? Козоқлар *айна- лайн* дейдилар. Биз турли шеваларда турлича айтамиз. Бухорода *айлонайин*, Хоразмда *айнанайин* дейилади. Аслида қандай эканини ҳазрат Навоийдан сўраймиз. Жавоб шундай: *Музтариб кўнглим аро ул юз хаёли айланур, Мавжлиг суда қуёш акси нечукким чайқалур.* Яна бир ерда айтганлар:...*теграмга онча саъб гирифторлиг айланди.* Демак, *айлансан* дейилгани тўғри экан. Адабий тилимизга бу сўз асл шаклида олинибди. Кўнглимиз жойига тушди.

Тилимизда бу каби товуш алмашган сўзлар кўп. Алмашувнинг бир тури айтиш қийин бўлгани учун мажбурият юзасидан содир бўлган. *Кифт, қулф, авф, бўйра, киприк* сўзлари аслида *кимф, қуфл, афв, бўрё, кирпик* бўлган. *Тилсим* ҳам *тилисм* дейилиши керак. Лекин бу сўзлар талафғузига тилимиз келмайди. *Ёмгир* аслида *ёғмур. Ёғмак, ёғин* шу ўзакдан. Айтиш осон бўлсин учун *ёмгирга* ай-



ланди. *Тупроқни* ҳам қулайлик юзасидан *турпок* деймиз. Лекин кўргина товуш алмашуви, ёзуда ҳарф алмашуви ихтиёrsиз, яна ҳам тўғрироғи, сўзга эътиборсизликдан юз беради. *Салтанат* исмининг *Санталатга*, *Марямхоннинг Майрамхонга*, *Назрулланинг Нарзуллага* айланиб қолгани бунга мисол бўлади. *Айналсин қулинг* деб куйлаган *Лутфихон* аяни ёшлигига ўз қариндошлари *Луфтихон* деб чакирганлар. Чунки водийда шундай айтилади. *Тўғрамоқни тўргамоқ, қийналмоқни қийланмоқ, юмронқозиқни юрмонқозиқ* дейиш ҳам водийга хос. *Сумалакни* туркистонлик ўзбеклар *суламак* дейдилар. Шоир Юсуф Сарёмийнинг ватани Туркистон яқинидаги *Сарём Сайрамга* айланди. Турк кардошларимиз *қўрсатиши*ни *қўстарии* (*гўстарии*) килиб олганлар. Биз *ўргатиши* десак, улар *ўгратиши* дейдилар.

Тилимизда *ўргилай* деган сўз бор. *Айланай* маъносида. Лекин аслида *ўргилай* бўлиши керак. Чунки орқага қараганда биз *ўргилмаймиз*, балки *ўгириламиз*. Хонандаю ракқосага пул *ўгирамиз*. Яъни бошидан айлантириб, сўнг дўпписига кистирамиз, чўнтағига соламиз, ё машшоқлар олдига ташлаймиз. Айланиш ва *ўгрилиш* бир мазмунли сўзлар. Лекин *ўгрилиш* демакка тил қовушмайди, шу боис бу сўз бир шевада *ўргилиш*, яна бир шевада *ўврилиш, эврилиш* бўлган. *Ўгрилик* сўзи ҳам шундай. У ҳам икки товуш ўрин алмасиб *ўгирилкка* айланди. Бу нотўғри. *Ўгир* – дон-дун майдалайдиган узун ёғоч *ҳовон*. Уни *кели* деб ҳам айтамиз. *Ўгирилик қилиши* ўғир вазифасини бажариш, туйиш, янчиш бўлади. Афсуски, *ўгирилик* луғатларимизга кириб конунлашди. Бу – илм сўзи қадрсиз, авом сўзи мўътабар саналган замондан бизга мерос қолган хатолик. Агар *ўгириликни* *ўгирилик*

десак, *тӯғриликни ҳам тӯғирлик* дейишимиз керак бўлади.

Ўйласам, икки товушнинг ўрин алмашуви жуда узоқ тарихга эга экан. *Александр Македонский*-нинг *Искандар Мақдунийга* айланиши бунга бир мисол. Араблар *Александр* номини бамисоли *Ал-Хоразмий, Ал-Бухорий, Ал-Фарғоний* дегандек *Ал-Иксандар* деб қабул қилганлар. Исмларни оддийгина қилиб *Термизий, Беруний, Марғилоний* деган каби бора-бора бу номдан ҳам *Ал* қўшимчаси тушиб қолган. Лекин *Иксандар* ҳам талаффузга қийин. Шу боис қулайлик қоидасига қўра исмдаги икки ҳарф алмашиб, *Иксандар* *Искандарга* айланган. Бундай эврилишни ҳис қилмаган кишига *Александр* қаёқдаю *Искандар* қаёқда!

Одатда халқ ўзи тўқиган ривоятларни машҳур шахслар номи билан боғлайдилар. Чингизхон, Амир Темур, Наполеонга нисбат берилган ҳикматлар, ҳикоятлар жуда кўп. Шохдор подшонинг сартароши ўзи билган ҳақиқатни бировга айттолмай қорни шишиб кетгани, охир қудукқа сўзлаб азобдан қутулгани ва кудукдан ўсиб чиққан қамиш най бўлиб сирни оламга ёйгани тўғрисида ибратли эртак бор, яхши биласиз. Подшо ва саркардалар ичида Искандардан машхури бўлмагани учун ривоят унинг номига боғланган, эмишки, най *Искандарнинг шохи бор*, деб куйлаган. Тириклигидаёқ шуҳрати оламга кетган бу улуғ саркарда шу эртак боис Искандар Зулқарнайн – икки шохли Искандар номини олди.

Асрлар ўтди. Зулқарнайн лақаби ҳам замонлар оша ўз асл маъносини йўқотган сўзлар қаторига кирди. Унинг икки шохлик деган мазмуни унутилиб, Искандар адолат, акл-заковат, мардлик ва саҳоват тимсолига айланди. Инсонларнинг одил шох тўғрисидаги орзузи шу номда мужассам бўлди.



Куръони каримда ҳам Зулқарнайн зикр этилган. У хақда ўлмас достонлар битилган. Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” асари бундай достонларнинг энг сараси ва энг улуғидир.

Тескари тушган товушлар ҳақидаги суҳбатни шу ерда якунласак бўларди. Мен ўзим билган, ёдимга тушган сўзларни айтдим. Хотирамдан кўтарилиган яна қандай тескари товушли сўз бор, дея хаёлан излайман. Бор экан! Қайси сўз денг! Суҳбатимиз мавзуси бўлган *тескари* сўзи! Унинг ўзаги *терс* бўлади. *Галати*, яъни *хатолик* сўзини бугун қизиқ маъносида ишлатишимиш *галат* – хато бўлганидек, *тескари* сўзининг ўзи *тескари* экан.

Чукур бўлмаган нарса *юзаки*, пишмаган нарса *хомаки*, хонада ўсган гул *хонаки*, чиллада пишган мева *чиллаки*, ҳар гапга жизиллаб кетадиган одам *жиззаки*, борингки, ўша жizzакининг тарс этиб ургани *тарсаки* бўлганидек, *терс* қўйилган қадам, *терс* килинган иш *тарсаки* бўлади. Лекин *тарсаки* дейиш қийин. *Тескари* осонрок.

Сиз бу фикрга шубҳа қилишингиз тайин. Тўғри киласиз. Иштибоҳ йўқ ерда тафаккур йўқ. Айтишингиз аниқки, *тескари* сўзи *хонаки* билан шаклдош эмас. Урхун-Енисей ёзувларида ўқиганман. Қадимги тилимизда йўналишни билдирувчи *қару* қўшимчаси бўлган. Бугунда факат *ташқари*, *ичкари* сўзларида сакланиб қолган. Аксар ҳолда *қару* қисқариб, *қа* бўлди. *Қа* ҳам маданийлашиб, юмшаб, аввал *ға*, сўнг бугунги *ға* шаклига кирди. *Тескари* ҳам бошда *терсқару* бўлган. Айтишга қулай бўлсин учун бир товушни ютамиз-да, тескари деймиз.

Бу сизнинг фикрингиз. Агар далил билан исбот қилсангиз, тан бермаган номард. Мен *терсаки* дейман. Лекин бирор тарихий манбада бундай сўзни учратмаганман. Агар сиз унинг *терсқару* шаклини учратган бўлсангиз, қаерда кўрганингизни айт-

сангиз, сиз ғолибсиз. Илму ижоднинг жони бўлган ҳалол баҳс асли шу. Ютқизган кўпроқ ютади. Билмаганини билиб олади.

Терсаки билан шаклдош **тобаки** деган сўзимиз бор. Унинг қисмати ажойиб. **Тоб** ўзак сўзнинг кизитиш, куйдириш маъноларидан келиб чикқан, **тоба** (яssi қозонча. Биз уни **това**, **тава** деймиз), **тобланиш**, **обу тоб**, **тобига келтириш** сингари калималар кўп. **Тобаки** деб **тобада** пиширилган ёки умуман қовурилган таом айтилади. Ток баргига қийма ўраб товада тайёрланган дўлма ҳам **таваки** дейилади. Хуллас, **тобаки** деган сўз сафарга чиқиб, Россияга борди ва ўрис бўлиб қайтди. Мелибой Миша, Сафарбой Саша, Эргашбой Эрик бўлиб қайтгани каби **Тобаки** деган номини **Табака** қилиб келди. Тобада пишган таом экани эсидан чиқди ва қовурилган жўжага айланди. Биз ҳам ўзимизнинг боламизни танимай **Табака** деб чақирадиган бўлдик.

Тилшуносликда **жўналиш келишиги** деган атама бор. **Йўналиш** сўзидан. **Отланиш**, **сафланиш**, **ривожланиш**, **ўнгланиш**, **нурланиш**, **боғланиш**, **нозланиш**, **турланиш** деганимиз каби бу сўзни ҳам **йўлланиш** десак тўғри бўларди. Чунки ўзак **йўл**. **Йўн** эмас. **Йўллаш** деб осонгина айтамиз-у, **йўлланиш** дейишга тилимиз қайрилмайди, **йўналиш** деймиз. Қипчоқ шевасида сўзлашувчи ўзбеклар, яъни “жўқчилар” **йўлни жўл** дейдилар. Сўзнинг қисматига қарангки, **йўлланиш** **йўналишга**, **йўналиш жўналишга** айланди ва биз сарфу нахвдаги бир атамани **жўналиш келишиги** дедик. **Йўлга тушибди** деган маънодаги **йўллаб кетди** шевага кўчиб **жўллаб кетди** шаклини олди. У ҳам эскириб, бугун биз, меҳмон ўз юртига **жўнаб кетди**, деймиз. **Жўнаш** сўзининг ўзаги **йўл** деб кўринг, бирор ишонармикин?



Халқ асрлар давомида тилга ишлов беради, айтишга қулай ҳолга келтиради. Сўз маънолари ўзгаради, товушлар тушиб қолади, ўрни алмашади. Бундай холат беистисно барча тилларда бор. Ҳамма сўзларни аслига қайтариш иложсиз. Ким бугун **кифтни китф**, **қулфни қуфл**, **ёмғирни ёғмур** дея олади? Ёки ким тилимизга кирган арабча сўзларни арабдек, инглизчани инглиздек айта олади? Ҳатто тил мутахассисларига осон эмас. Бугунги тил талаф-фузимиз тарихан таркиб топган ва у бизники. Фақат сўзларнинг асл маъносини билиб қўйсак, хатоларимизни имкон қадар тұғрилаб борсак ёмон бўлмас.

ТҮННИ КИМ ТЕСКАРИ КИЯДИ?

Тилимизда шундай иборалар борки, уларнинг асл келиб чиқиши маълум эмас, мазмун бошка, сўзлар бошка. Ишинг ошиб-тошиб ётганда эрмакка **бало борми**, дейилади. Ёки бирор хато иш килса, **қовун туширди**, дейдилар. Бу жумлаларда **бало** ҳам, **қовун** ҳам гап маъносига алоқасиз. **Оғайни чалиши** деймиз. **Оғайни** маълум, лекин **чалиши** нима? Оғайнилар бир-бирини **оёғидан чалгани** учунми? Ёки бир-бирининг айбини **ногора қилиб чалгани** учунми? **Тан берди**, ё **тан олди**, деган ибораларимиз бор. Бири койил қолиш, иккинчиси икрор бўлишни билдиради. Бу маъноларга **тан** сўзининг нима алоқаси бор? **Дабдала** сўзининг **далага**, **дабдурустдан** сўзининг **дурустга** боғлик жойи борми? Шундай сўз бирикмаларини тилшунос олимларимиз мажхул ибора дейдилар. Жаҳли чиккан одамга нисбатан, **түнни тескари кийди**, дейиш ҳам мажхул саналади. Дарҳақиқат, жаҳлнинг тўнга нима алоқаси бор?

Лекин шу нарса аёнки, хеч бир сўз, хеч бир ибора бекор айтилмайди. Оғиздан оғизга ўтиб сўзлар

алмашади, тушиб қолади, ҳарфлар ўзгаради ва таниб бўлмас ҳолга келади. Агар биз кўпроқ изласак, тарихни ўргансак, Сўзнинг сўзига қалб қулоғимизни тутсак, тилимизда мажхул ибора қолмас. **Оғайни чалиши** ҳам бесабаб айтилмаган. Мақол аслида: **оғайни чалиши – бир жуфт калиши** бўлиши керак. Бамисоли эру хотин қўши хўкиз дегандек. Калишнинг икки пойи бир-бирисиз бутун эмас. Оға-ини ҳам шундок. Халқимиз шоиртабиат, қофияпарвар эмасми, мақол чиройли бўлсин учун бир оҳангдош сўз кўшиб, **оғайни чалиши – бир жуфт калиши**, дейдиган бўлди. **Чалиши** шунчаки кофия учун. **Тақ-туқ, масаддуқ** деган каби.

Оғайни аслида иккита сўз. Ака-ука дегани. Бора-бора бу икки сўз қисқариб бир сўзга айланди. **Ўртоқ, ошно** маъносини билдирувчи **оғайни** ҳолига келди. Оғайни бир кишини билдиргач, **жуфт** сўзига ҳожат колмади. Энди **оғайни чалиши – бир пой калиши** дейиладиган бўлди. Ҳозирда **бир пой калиши** ҳам истеъмолдан чиқди ҳисоб. **Оғайни чалишининг** ўзи қолди ва мажхул иборага айланди.

Бу ўйларни қоғозга тушираркан, ўзимга савол бераман: Нега энди бу гапларни тилшунос олимлар эмас, мен айтишим керак? Эрта бир кун уларга кулги бўлмайманми? Одамлар, шеърингни ёzsанг бўлмайдими, нима қиласан бирорнинг ишига аралашиб, демайдими? Яна ўзим жавоб бераман: Мен айтган фаразни олим айтиши мумкин эмас. Илмда тахминий гап кетмайди. Аниқ манба, асосли исбот керак. Факат шоирларгина хаёлга эрк беришлари, кўнгилга кулок солишлари мумкин. Шунинг учун ёзган сўзларимга илм ахли бирор муносабат билдирамсалар хафа бўлмаслигим керак. Бу гаплар ҳеч бир мўътабар манбада йўқ, ҳеч ким тадқиқ қилмаган, суянадиган ҳеч нарса йўқ. Олим ишончли



таянч бўлмаса жойидан қўзғолмайди. Биз доктор ҳам, профессор ҳам эмасмиз. Хато қилсак айб эмас. Мана, узр ҳам топилди. Энди гапни бемалол давом эттиришимиз мумкин.

Тўнини тескари кийди ибораси ҳам маъносиз эмас. Тўнни ким тескари кияди? Бу саволга бошқа бир мақол жавоб беради. *Камбағални урма, сўкма, тўнини йирт*. Ҳозирги ёшлар бу мақолни англамаслар. Ўн тўққизинчи асрда туғилган шоир Ҳабибийни кўриш, ҳамсухбат бўлиш менга насиб килган. Шоир ёшлигини эслаб, бўздан тикилган иштон тиззадан йиртилиши, тўзиган жойга солинган ямоқ ҳам тўзиб, ямокқа ямоқ солинганини айтиб ўтиради.

Тўнни ким тескари кийган? Фазаб отига миниб, муштлашаман деган камбағал тескари кийган. Кон тегса, лой тегса астарга тегсин, йиртилса астар йиртилсин, ямоқ тушса астарга тушсин деб *тўнни тескари кийган*. Камбағалнинг тўни икки бўлмаган. Йиртилса бошқасини киёлмаган.

Эндиликда тўн кийиш урфдан қолди. Кийган елим камзулимиз юз йилда ҳам йиртилмайди. Муштлашиш ҳам удум эмас. Қасд олиш учун муштнинг кераги бўлмай қолди. Оёқдан чалишнинг минг бир хил усули топилган. Тўнни тескари кийишга ҳеч бир зарурат йўқ. Лекин қанотли ибора унут бўлмаган. Бу ҳам Сўзнинг сехри. Сўз замирида тарих яшириниб ётганига тимсол.

Бир мақолнинг қулфини очишга бошқа мақол калит бўлди. Ким билсин, балки қовун *туширди* иборасига ҳам бошқа ибора, *тарвузи қўлтигидан тушиди*, деган мажоз очқич бўлар. Буни аниқлаш энди сизлар – Сўз уммонининг ғаввосларига ҳавола. Изланг, баҳс қилинг, талашиб тортишинг. Лекин зинҳор тўнни тескари кийманг!

ИНСОН ВА ҚОРАЧИҚ

Ҳазрат Алишер Навоий шоҳбайтларига яна ва яна қайтиш эҳтиёжи кўнглимизда ҳар лахза пайдо бўлади.

*Қарокўзим келу мардумлиғ эмди фан қилгил,
Кўзим қаросида мардум киби ватан қилгил.*

Аввалги сұхбатларда байтни шарҳ қилиб, унда жам бўлган теран мазмун, гўзаллик, санъатларга биргаликда ҳайрат қилганмиз. Ҳозир энди гапимиз факат биргина **мардум** сўзи тўғрисида, бу форсча атаманинг **инсон** ва **кўз қорачиги** деган маънолари тўғрисида бўлади. Бир-биридан жуда узок бўлган бу икки тушунча нега шу бир сўзда ифода этилган? Бу саволга жавоб излаб бошқа тилларга мурожаат қиласиз. Араблар кўз қорачигини **инсонул айн** дер эканлар. Яъни **кўзнинг инсони**. Араб тилида ҳам **қорачик** ва **инсон** бир сўз экан.

Мардум сўзида **инсон** маъноси ҳам, **халқ** маъноси ҳам бор. Инглизлар халқни *people* (пипл) дейдилар. Кўзнинг қорачиги эса *upil* (пюпл) бўлади. Ажабо! Инсонлар ва кўз гавҳари деярли бир хил айтилади. Рус тилида қорачик кандай ифода қилинади? Владимир Даль луғатини очиб қараймиз. **Зрачок, зеница** қаторида **человечек, мальчик** атамалари ҳам бор экан. Араб, форс, инглиз, рус тилларидаги бундай ўхшашлик кишини ҳайратга солади, бу холнинг сабабини излашга мажбур қиласи, албатта.

Ўйласам, одамзоднинг кўзига яқиндан тикилиб қараса, инсон акси кўринар экан. Бу, аёнки, тикилиб қараган инсоннинг ўз акси. Лекин тасвир жуда кичик ва таниб бўлмас даражада бошқача на-моён бўладики, биз қорачикда ўзимизни эмас, но-таниш бир одамни, яъни умумият-ла инсонни



кўрамиз. Кўз қорачиги шу боисдан **инсон, мардум, риріл, человечек** аталган, десак хато бўлмас.

Riril сўзининг яна бир маъноси **талаба, ўқувчи бола**. Русча корачик маъносидаги **мальчик** сўзини эслатади. Биз ўзимиз ҳам фарзандимизни **қарогим** деймиз. Болани кўз қорачигига тенглаш деярли барча туркий тилларга хос. Дарҳақиқат, инсон кўздек азиз, азиз инсонлар яшайдиган юрт кўздек ардокли. Дўланадеккина ер курраси ҳам кўз шаклида. Ватанимиз унда бамисоли гавҳар. Шу боис **юртни кўз қорачигидек асроймиз**, деган сўз бизга юртнинг ўзиdek қадрлидир.

Қарокўзим, келу мардумлиг эмди фан қилгил. Ҳайрон бўлманг, байт сўзларини бузиб ёзмадим. Биз **қаро қўзим** деб икки сўз тарзида ёзишга ўрганиб қолганмиз. Ваҳоланки, **қарокўз** ягона тушунчани англатувчи яхлит сўздир. Ажабо, **сарвиноз, дилрабо, гулчехра, гулбадан** сўзларини кўшиб ёзамиз, ҳатто, исм бўлгани учун **Гулбаданбеким**, дея уч сўзни яхлит битамиз-у, **қоракўзга** келганда иккига бўлиб қўямиз.

Атокли адаб Пиримқул Кодировнинг дастлабки романларидан бири “Қора кўзлар” деб аталарди. Эсимда бор, ёзувчи, бу ном кўшиб ёзилиши керак, мен кўзлар ҳақида эмас, инсонлар ҳақида ёзганман, дея ноширлар билан кўп талашган, лекин сўзини ўtkаза олмаган эди. Имло коидаси шундай, деб туриб олишган. Балки, гап имло коидасида ҳам эмас, муҳаррир **қоракўз** атамасининг таг маъносини тушуниб қолгандир. Гап миллат ҳақида кетаётганини англаб ўзини эҳтиёт қилгандир. Дарҳақиқат, **қоракўзлар**, дея муаллиф **ўзбекларни** кўзда тутган эди. Лекин китоб “Қора кўзлар” номи билан чиқди ва чин маъно пинҳон қолди.

Навоийнинг шухрат топган шундай байти бор:

*Менга шоҳлар ҳилъатиким, эл тамошо қилгали,
Ўзбаким бошида қалпоқ, эгнида ширдоги бас.*

Қарокўзим, дея Ҳазрат ўзбекни атамаган, албатта. У замонда миллатни кўккўз, малласочлардан айириб номлашга эҳтиёж йўқ эди. Овруполиклар хали Хурсонга келмаган эдилар. Лекин мен, барибир, **қарокўзим** деганда **ўзбекимни** ўйлайман. Бу ғазал ўзининг теранлиги билан, унга боғланган куйнинг гўзаллиги ва нафислиги билан ўзбекнинг тимсолига айлангандек туюлади.

РАНГ СЎЗИНИНГ РАНГИНИЛИГИ

Тонготар уфқидан эндиғина кўтарилган, ҳали яллиғланиб, кўзни олар даражага етмаган қуёшга қараганмисиз? Нурланиб турган бу улкан олтин баркаш қалбингизга завқ берганми? Ёки офтобнинг ботишига назар солғанмисиз? Оқшом ва тонготарда хуршиди жаҳоннинг тамоман ўзгача, бир-бирига ўхшамас рангларидан ҳайратланғанмисиз? Биласизми, ҳовлингизда ўсган гули раъно қандай рангда? Эътибор берганмисиз? Албатта разм солғансиз, биласиз. Сиз, ахир, бебаҳра инсон эмассиз. Бу рангларни билганингиз учун Ҳазрат Навоийнинг гўзал байтидан завқ-шавққа тўлгансиз:

*Куёшиқа гаҳ қизармак, гоҳи сарғармоқ эрур андин
Ки, сунъунг бодида бор ул сифат юз минг гули
раъно.*

Куёшнинг тонгда сарғайиши, оқшомда қизариши шунданки, дунёни яратган Оллоҳ жаҳон боғига юз минглаб гули раъонони сочиб кўйган. Гули раъонинг эса бир томони қизил, бир томони сарик бўлади.

Яна бир савол. Ёниб турган оловда неча хил ранг бор? Тикилиб қараганмисиз? Шубҳасиз, назар сол-



гансиз. Лекин юзаки қараган бўлсангиз қизил тусни кўргансиз холос. Диққатни жам қилган бўлсангиз аланга марказида тонготар офтобининг сарғиш тобини ҳам сезгансиз. Олов шуъласидаги яшил нурла-нишга эса эътибор ё қилгансиз, ё килмагансиз.

*Хилъатин то айламиши жонон қизил, сориг, яшил,
Шуълаи оҳим чиқар ҳар ён қизил, сориг, яшил.*

Яъни, оҳим алангаси қизил, сариқ, яшил бўлиб ёнса, бунинг боиси жононим қизил, сариқ, яшил рангли либослар кийганидир.

Биз кўриб турган олам рангинлиги билан гўзал. Бу гўзалликни қалб кўзи билан кўра олиш, завқланиш, лаззатланиш алоҳида истеъдоддир. Ҳазрат Навоий тасвир этмаган, ташбеҳларга солмаган ранг йўқ, десак муболаға бўлмас. Ҳар гал бундай ташбиҳлардан баҳраманд бўлганимда, улуғ устоз қалбida Беҳзоднинг кўзи бўлган, дегим келади.

Оврупонинг рутубатли ҳавосида занг босган ҳайкалларни томоша қилгансиз. Кетмас яшил доғ бўлиб бу занг улуғ сиймоларнинг биринж – бронза танасида қотиб қолган. Дейдиларки, тоза пўлат қиличда ҳам қон қотиб қолса шундай яшил рангли занг тутар экан. Бу ҳолатни Фузулий қойилмақом байтга кўчирган:

*Муқаввас қошларингким вусма бирла ранг
дутмишлар,
Қиличлардирки, қонлар дўкмак ила занг
дутмишлар.*

Яъни, ёрнинг қавс белгисидек қошлари ўсма билан яшил рангга кирди. Бамисоли қон тўккан қиличлар занглаб яшил тус олгандек. Ҳаётий хақиқат бадиий мажоз билан қовушиб гўзаллик туғилди.

Дунёда қанча жонзот бўлса, барчасининг ўз

химоя услуби бор. Буқаламун, яъни хамелеон кавмидаги жонзотлар гиёҳ ичида гиёҳ, хазон ичида хазон, шоҳ-шабба ичида шоҳ-шабба рангига кириб ўзларини яширадилар. *Ҳар ранг билан ўзни қутқарии* деган қадимги ибора шундан. Мирзо Бобурнинг байтини эсланг:

*Ҳазондек қон ёшим, сориг юзимдан эл
танаффурда,
Ба ҳар ранге, биҳамдуллоҳ, улусдин ўзни
қутқардим.*

Эътибор қилинг, *ба ҳар ранге*, баъзи ҳофизларимиз куйлагандек *баҳор ранги* эмас. Байтнинг мазмуни шуки, ҳижронзадалиқдан ошиқ шоирнинг юзи сарғайган, кўзидан конли ёш оқади. Буни кўрган эл-улус, дарди оғир экан, менга юқмасин, деб ошиқдан ўзини олиб кочади. Улуснинг ғавголари жонига теккан ошиқ шоир бундан хурсанд. Кизил қоним, сариг юзим билан, яъни *ҳар ранг билан* улусни кочирдим-у, ундан ўзимни қутқардим, дейди. Ҳасратли, аммо ёрқин ва гўзал ташbihx.

Қадимги луғатларда *найранг* сўзи *ниранг*, *неранг* деб ўқиласди. Араб ёзувида ёй ҳарфининг икки хил айтилиши боис *неранг* *найрангга* айланган. Аслида *найранг* ҳам *ҳар ранг* деган маънони билдиради. Кўзни алдаб ҳар рангда тусланиш *найранг* ҳисобланади. Бугунда урфга кирган хислат.

Ранг форсча сўз, арабчаси *лавн*. Биз *алвон* деб қизил рангни айтамиз. Аслида *алвон* *лавннинг* кўплиги, *лавнлар*, *ранглар* демакдир. Биз туркий халқлар *тус* деймиз. Ҳазрат Навоий ҳар уч сўзни тенг эъзозлаб ғазалларга киритганлар.

*Новакининг парру пайконида рангин тус эрур,
Ёки кўнглимдан чу паррон ўтди, юқмиш
қон анга.*



- Ёр отган камон ўқига боғланган пар рангинидир.
 – Бу ўринда *рангин тус* кон юки маъносида келган.
 – Новакнинг пари қон юки бўлишига сабаб шуки, у юрагимни тешиб ўтган.

*Кўнглакинг лавнидан ўлдим, атридин топдим
ҳаёт,*

Қайси гул баргода бор эркин бу янглиз рангу бў?

Навоий асарлари лугатига қарасангиз, *ранг* сўзининг бешта маъносини топасиз. Мабодо Шарқ қўлёзмалари ҳазинасига кирсангиз, “Қанзул луғот”, “Мунтаҳабул луғот”, “Бахрул жавохир”, “Луббул албоб”, “Кашфул луғот”, “Фирдавсул луғот”, “Муаййидул фузало”, “Латоифул луғот”, “Бурҳони қотеъ”, “Фарҳанги Жаҳонгири”, “Сирожул луғот”, “Рашидий арабий”, “Рашидий форсий”, “Чароғи ҳидоят”, “Жавоҳирул ҳуруф”, “Баҳори ажам”, “Фарҳанги сурори”, “Музилул алғот”, “Шаръуш шуаро”, “Мажмуъул луғот”, “Баҳри маввож”, “Фиёсул луғот”, “Мадорик”, “Муҳаззабул луғот”, “Нафоисул фунун”, “Ойини Акбарий”, “Фусули Акбари”, “Чорбардий”, “Абушқа” сингари луғатларни варакласангиз *ранг* сўзининг ўттиз бир маъносини топасиз. Фақат соддалиқ қилиб, бу китобларни кутубхоналаримиздан излаб овора бўлманг. Уларнинг ҳеч бири Ўзбекистонда нашр этилган эмас. Тил бойлигимизга, нафис адабиётга эски беписандлик давом этса, ҳеч қачон нашр этилмас. Ҳар бир саводли инсон яхши тушунадики, луғат кўрмай тарихимизни, кўп асрлик адабиётимизни ўрганиб ҳам, ўргатиб ҳам бўлмайди. Навоий сўzlари луғати бор-ку, дерсиз. Аввало, мумтоз адабиётимиз ёлғиз Навоийдангина иборат эмас. Тилнинг бутун бойлигини биргина шоир қамраб олиши имконсиз. Колаверса, бу луғатларда Навоий сўз хазинаси тўлиқ акс этган эмас. Шу номукаммал манба ҳам

кўп йиллардан бери қайта нашр этилмагани учун китоб дўконларидан топиш иложсиз. Ҳаммасидан ҳам Ота луғатимиз саналган, ҳар бир ўзбекнинг бош китоби бўлиши зарур ҳисобланган “Девону луғатит турк”нинг эллик йил (!) давомида қайта нашр этилмагани аламлидир. Бу вақт ичида беш авлод табаррук манбадан бебаҳра мактаб битирди. Китоб чиккан йил уни сотиб олишга улгурганларнинг кўплари дунёдан ўтиб кетдилар. Жуда оз миқдорда, фақат уч минг дона чоп этилган асар ўша замондаёқ ноёб эди.

Биз қаламга олган луғатлар асосан форс тилида битилган. Айтишингиз мумкин, уларни эронийлар нашр этсин, тожиклар нашр этсин. Бизга нима зарурати бор? Бу иddaога жавоб шуки, мен айтилган луғатлардан дуч келганини олиб, дуч келган саҳифани очиб карадим ва бир талай туркий ўзбек сўзларини кўрдим. Ҳукмдор маъносидаги қоон, дарвоза маъносидаги қону, қозон маъносидаги қозғон, бугунги тилимизда мавжуд бўлган қон, қои, қатиқ, қошуқ, қилич, қонун, қақнус, қулоч, қаймок, қайчи сўзларини топдим. Менга янгилик бўлгани – қонун билан қақнус аслида юонча экан. Колган сўзларнинг барига *лафзи туркий* дея изоҳ берилган. Эринмай санаб чиқдим. Туркий ўзбек сўзлари араб, форс сўзларидан кўп чиқди. Арабий, форсий сўзларнинг ҳам бари беистисно менга таниш экан. Уларнинг кўпи бугунги жонли тилимизда бор. Колганлари мумтоз адабиётимиз хазинасидан жой олган. Энди айтинг, нега у луғатлар бизники бўлмасин? Нега улардан баҳраманд бўлмаслигимиз керак?

Ўзбек тилининг ривожи аҳамиятсиз ҳисобланган, тарихимизнинг бойлиги ва улуғлиги тўғрисида гапириш миллатчилик саналган давлар ўтди. Қадриятларимизни тиклаш давлат сиёсати даража-



сига кўтарилилган замон келди. Лекин ўриндан қўзғолишимиз қийин кечмоқда. Қарамликдан қутулсак ҳам, узоқ вакт давомида жонимизга сингиб колган ҳадикдан қутулмадик.

*Дил сўзи қатагон эрксиз тузумни
Биз кўрдик, кўрмасин ҳеч ким ҳеч замон.
Кўп қаттиқ тишлаган эканмиз мумни,
Оғиз очолмасдан юрибмиз ҳамон.*

Жонкуяр аждодларимиз сонсиз луғатлар тузиб, келажак авлоднинг саводини ўйлаганлар. Минг йиллар қаъридан етиб келган Сўз жавоҳирини асраб-авайлаб бизга етказганлар. Уларни ўрганиш, нашр этиш ёлғиз мумтоз адабиётимизни англаш учунгина эмас, турлича ижтимоий, илмий, ахлоқий атамаларни билиш ва тилимизга дадил киритиш учун керак. Агар ўша луғатлар кўлимизда бўлганда фаннинг барча соҳаларида ўзбекча сўзлар кўпроқ ва устунрок бўларди. **Юридик шахс, жисмоний шахс, хуқуқбузарлик** сингари зўрма-зўраки таржималарга эҳтиёж колмасди. **Олтин пробаси**ни ўзбекча нима десак бўлади, деб бош котирмас эдик. Ўзбекистоннинг тўқсон тўккиз **ёргитли** тилласи бор, дея ифтихор билан айтардик. Олтинимиз ёнида олтин сўзимизга-да эга бўлардик. Мустакил юртимизнинг ўз мустакил армияси ўз ҳарбий атамаларини топарди. **Саркарда** ёнида **сартиб, сарҳанг, сарлашкар, сипоҳсолор** каби жанговар унвон-даражаларимиз бўлар, авангард, аръергард ўрнида **хировул, чиндовул** деб, ўнг ва сўл флангни **буронгор, жувонгор** дея Темур бобомиз айтгандек, Ҳазрат Навоий шеърга солгандек айтардик:

*Ҳам бурунгор, ҳам жувонгор кинсигол,
Ҳам яна гулу ҳировулда бу ҳол.*

Бу соф туркий сўзларнинг талаффузи қийин бўлса, **маймана, майсара** дердик. Мен асл ўзбекча

юзбоши, мингбоши, айникса *қўрбоши* унвонларини тилга олмадим. Ўтмишимизни қоралаш урф бўлган замонда улар шу қадар лойга қорилганки, эшитган одам бугун ҳам сесканади. Ўрни келганда айтиб қўяй: *қўрбоши* эмас, *курбоши* десак тўғри бўлади. Чунки *қур* тўплаш, йифиш маъносини англатувчи *қурмоқ* сўзининг ўзаги. Йигитлар давра курса бир *қур* йигит деймиз. Бир *қур* ичидаги йигитлар *қурдош* бўладилар. Ёши тенглари *тенгқур* аталадилар.

Тилшунос олимларнинг кўплари билан дўстман. Дўст ачитиб гапиради. Лекин фақат аччиқ гапларги на айтсак инсофдан бўлмас. Шубҳа йўқки, истиклол йилларида тилшунослигимиз бирмунча ривожланди. Катта жамоанинг кўп йиллик меҳнати – беш жилдли изоҳли луғатнинг нашр этилгани, гарчи у мукаммалликдан йироқ бўлса ҳам, эл маърифати учун фойдали иш бўлди. Профессор Қосимжон Содиқов “Девонул туғатит турк”нинг қайта нашри устида иш олиб бормокда. Академик Эргаш Фозилов Навоий асарларининг тўлдирилган ва батафсил шарҳланган луғатини тайёрламоқда. Алломанинг айтишича, бу луғат ҳар бири минг саҳифалик бешта китоб бўлади. Атоқли тилшунос Шавкат Раҳматуллаев уч китобдан иборат ўзбек тилининг этимологик луғатини чоп эттириди. Академик Нематулла Иброҳимов раҳбарлигига тайёрланаётган арабча-ўзбекча мукаммал луғат яқин ойларда дунё юзини кўражак. Шарқшунос олим Муҳаммаджон Имомназаров ўз шогирдлари билан “Хамса”нинг тўла сўзлиги, конкардансини тузмоқда. Булар, албатта, олижаноб ишлар. Лекин армон армонлигича қолади. Мусулмончилик астачилик, дея ўзимизга таскин бераб, шитоб замондан ортда юриш энди ярашмайди. Олимларимиз зиммасида мумтоз ада-биётимизнинг мукаммал сўзлигини тузиб беришдек



улкан бурч турибди. Ўзбек тилининг ўз грамматикиси – сарфу нахви йўқ. Кимга тобе бўлсак унинг тили қоидаларини олганмиз. Ҳозирда рус тилининг сўз ясаш, гап қуриш, имло талабларини шундокқина қабул килганмиз. Тилшунослик атамаларимиз бари русчадан таржима килинган. Ўз она тилимизга мос грамматика яратиш ҳам олимларимиз бўйнидаги қарз. Ҳам бугунги авлод, ҳам келажак насллар олдидা ўташ зарур бўлган, кечиктириб бўлмас қарз бу.

Мана, узоқ чўзилган, зинхор лирик бўлмаган чекиниш ниҳоят тугади. Энди мавзуга қайтамиз. Дарҳақиқат, *ранг* сўзининг ўттиз бир маънода келиши китобларда кўрсатилган: Биринчиси ва энг машҳури оқ, қора, қизил деган каби *тус*, иккинчиси *ҳисса, насиба*, учинчиси *айб ва орият*, тўртинчиси *ранжу изтироб*, бешинчиси *кувват ва имкон*, олтинчиси *жон*, еттинчиси *нор түя*, саккизинчиси *мол-мулк, олтин*, тўққизинчиси *фойда*, ўнинчиси *дарвешларнинг кўк тўни*, ўн биринчиси *равиши, тарз*, ўн иккинчиси *тоз эчкиси*, ўн учинчиси *макру ҳийла*, ўн тўртинчиси *кўкариши, юз очиши*, ўн бешинчиси *яхишилик*, ўн олтинчиси *саломатлик*, ўн еттинчиси *шарму ҳаё*, ўн саккизинчиси *қон*, ўн тўққизинчиси *чирой ва латофат*, йигирманчиси *миқдор*, йигирма биринчиси *ўгрилик*, йигирма иккинчиси *қимор ва қимордан топилган бойлик*, йигирма учинчиси *тангри ва эга*, йигирма тўртинчиси *ота*, йигирма бешинчиси *юздаги хол*, йигирма олтинчиси *лутф ва рамзу ишора*, йигирма еттинчиси *кувноқлик ва шўхлик*, йигирма саккизинчиси *қўнгироқ*, йигирма тўққизинчиси *қахру газаб*, ўттизинчиси *ипак*, ўттиз биринчиси *хиёнат*. Ўзбек тилида рангнинг ўттиз иккинчи маъноси ҳам бор. **Юз, афт, башара** маъносида. *Ранги рўй*, яъни юзнинг ранги сўзидан *рўйнинг* тушиб қолиши натижага-

сида ҳосил бўлган. **Ранги синик, ранги бузук, ранги совуқ, ранги қурсин** иборалари бунга мисол.

Фузулий байтида *ранг* биринчи, асосий маъносида келган бўлса, Бобур байтида ўн учинчи маъно, яни *ҳийла* ўрнида қўлланган. Навоий байтидаги *рангин тус* қон тузи, яъни ўн саккизинчи рақамли мазмунга эга. Ҳазратнинг “Лисонут тайр” достонидан олинган қуйидаги байт ўн биринчи рақамли маъно, яъни *тарз, равишни* билдиради:

*Ун чекиб ноқус оҳанги била,
Куфр элининг шевау ранги била...*

Бу ўринда Шайх Санъоннинг ишқдан мажнун бўлиб, диндан чиққани ва куфр элига хос тарзда ноқис сўзлар айтгани, бутга чўқингани, чўчқа боққани тўғрисида сўз боради.

Ранг тушунчасини ифода қилувчи сўзлар кўп. Олтин куз, феруза осмон, зумрад дала, деганда сарик, кўк, яшил рангларни кўзда тутамиз.

Японияда рангларни ўрганувчи маҳсус илмий институт бор. Оламнинг рангинлиги, рангларнинг киши кайфиятига таъсири, турли рангларнинг бир-бирига мос тушиши, рангларга нисбатан инсон дидининг шаклланиш жараёнидан тортиб, оддийгина галстукни тўғри танлашгача шу даргоҳда ўрганилади. Японлар рангларга жуда эътиборли. Бизнинг ҳам улардан кам жойимиз йўқ. Юртимиз уларнинг юртидан ўн ҳисса рангинроқ, шеъриятимиз ўн карра бойроқ. Элимизга ўн баробар кўп неъмат ато этган тангришимиз япондаги хафсала ва уринчокликнинг ўндан бирини бизга берса эди...

ТУТАШМАС ҚАЛБЛАР ТУТАШСА

Икки қалб бор. Улар шу даражада бир-биридан узоқки, туташмоғи сира мумкин эмас. Бири – *инсон юраги*, поклик, тўғрилик, олижаноблик тим-



соли бўлган **қалб**. Бошка бири – **қалбаки**, **қаллоб** сўзларининг ўзаги, яъни эгрилик, алдамчиликни ифода қилувчи **қалб**. Бир-бирига батамом карама-карши бўлган тушунчаларнинг бир сўзда жам бўлгани таажжубли.

Қалб сўзининг нечта маъноси бор, биласизми? Балли! Мен ҳам билмайман. Келинг, бу саволни ҳам Ҳазрат Навоийга бериб қўрайлик. “Хазойинул маъоний” бизга шундай жавоблар беради:

*Зулф аро холинг кўнгуллар ҳайлини торож этар,
Қалб шабравлар либосин кеча олгандек асас.*

Яъни, ошиқ кўнгли ёр соchlарини соғинган, хаёлан зулф васлига етган эди. Лекин гажак орасида яширин пойлаб ётган қора хол ошиқ кўнглини тутиб олди ва торож қилди. Бамисоли **қалб шабрав** – **қоронгида эгри юрган** кишини асас – мираншаб тутиб олгани, либосини ечиб жазолагани каби. Лекин бу насрый баён холос. Байтнинг нафосати шундаки, Ҳазрат тажнис санъати билан **қалбнинг** икки маъносига ишора қилганлар. Ёр соchlари қора тунга, соchlар орасида хаёлан кезган ошиқ кўнгли, яъни **қалби** қоронги тунда юрган **қалб** – саёқ бир дайдига ўхшатилган. Буюк истеъдод нафаси тегса, ковушмаган калималар қовушар экан.

Икки қалбни туташтирган яна бир байт:

*Қалб эрур кўнглимки, боғлабдур сочинг
зуннорини,
Турфа буким, бир нафас чиқмас қошинг
мехробидан.*

Яъни, кўнглим аслида сочингни белга зуннор қилиб боғлаган бир кофир. Лекин ажабки, қошинг меҳробидан бир лаҳза чиқмайди ва мусулмонлик даъво қиласи. Байтнинг мазмуни шу. Бадииятчи? Санъат-чи? Биринчи санъат – ташбих, ёр соч-

лари зуннорга – кофирлар белбоғига ўхшатилади, қошлари эса меҳробга қиёс қилинади. Иккинчи санъат – тазод. Зуннор билан меҳроб бошқа-бошқа олам тимсоллари, кофирлик ва мусулмонлик белгилари. Улар ёндош бўлиши мумкин эмас. Мана шундай мумкин бўлмаган ишни мумкин қилувчи кудрат шеъриятда бор. Зид тушунчалар ёндош келиб, бадиий унсур – тазодга айланади ва гўзаллик пайдо киласди. Учинчи санъат – ийҳом. Шакли бир, лекин мазмуни турлича сўзнинг бир маъносини айтиб, бошқа маъносига ишора қилиш ийҳом бўлади. **Қалб эрур кўнглим** деган жумлани биз, аввало, кўнглимнинг мусулмонлиги қалбаки, у алдоқчи, кофир, деб тушунамиз. Ишора этилган яширин маъно – **Қалб эрур кўнглим – кўнгил** менинг **қалбим, юрагим**. Унинг кофирлиги ҳам, мусулмонлиги ҳам менинг ўз хислатимдир, деган фалсафий холосадир.

Кўнгил билан юрак битта тушунча экани “Ҳайратул абров”да аниқ қилиб айтилган:

Буки қўнгул дерсан эрур бу юрак,
Исми қўнгул бирла анга муштарак...
Каъбаки оламнинг ўлуб қибласи,
Қадри йўқ андоқки қўнгул каъбаси.

Ийҳом энг қийин ва энг юқори қадрланувчи санъат ҳисобланади. Ҳазрат демишларки: *Агар хосса маъни гар ийҳом эрур, анинг кунда юз байти ҳалвом эрур*. Яъни, агар шарт шу энг мараккаб ийҳом санъати билан ёзиш бўлса, ҳар кун юз байт битиш менга ҳолва шимганчалик осондир.

Яна байт:

Эй Навоий, ишқ ила кўнглим хаёл этди масоф,
Рўбарў бўлгач менинг қалбим сари тушиби шикаст.

Ишқ менга кўп азоб берди. Кўнглим бу азобларга чидолмай исён қўтарди ва ишқ билан жангга



кирмоқни хаёл килди. Лекин рўбарў бўлгач калбим шикаст топди. Яъни ишқقا асиригича колди. **Қалбим сари тушиби шикаст** жумласида ҳам икки маъно бор. Бир маъно **қалб**, яъни юрак. Бошқа маъно – ҳарбий атама – кўшин маркази. Лашкар жангга кирганда шоҳ марказда боради. Мақсад – ҳам қўрикланиш, ҳам сафларни бошқаришга қулайлик. Шу сабаб қўшиннинг маркази **қалб** дейилади. Шоҳ ўнг ё сўл қанотга ўтса, у ер ҳам қалб ҳисобланади. Сипоҳнинг юраги шоҳ турган жой бўлади.

Навоий байтида қўнгил озодлик жангига кирди. Лекин ишқ устун келиб қўшиннинг марказига – **қалбига** зарба берди. Бошқа маъноси – шоир қалбига зарба берди.

Қалбнинг ҳарбий атама экани бошқа бир байтда янада аникроқ қўринади:

*Бир диловардур қўнгулким, гам сипоҳи қалбида
Оҳи новак, тоза догидур қизил қалқон анга.*

Менинг қўнглим ғам сипоҳининг марказида турган бир диловар – қўрқмас – фидойи аскар. Чеккан охлари камон ўқлари бўлиб фалакни тўлдиради. Бағридаги жароҳат, қотган қон унинг қизил қалқонидир.

Шу ўринда навоийхонларга айтар сўзим бор. Агар Ҳазратнинг бирор байти тагида яширин маъно ётмаган бўлса, бирор ишора, санъат бўлмаса, билингки, байт Навоийники эмас. Бу гап даҳо шоир асарларини тарғиб қилувчи муҳтарам олимларимизга ҳам тегишли. Устоз ғазаллари сизга завқ-шавқ бермаган, қалбингизга ўт солмаган бўлса, яххиси гапирманг. Гўзал ижод шарҳини математика дарсига айлантиргманг. Навоий тўғрисида қовоқ солиб гапириш гуноҳ. Доно гапларни ҳамма айтиши мумкин. Олам аҳли, билингизки, иш эмас душманлиғ, ёр ўлинг бир-бирингизга... дейиш учун Навоий

булиш шарт эмас. Агар Навоий шу сўзларни айтган бўлса, демак бунда бир сир-синоат бор, ё чиройли мажоз, ё яширин муаммо, ё бирор ташбех бор. Агар сиз бу синоатни илғамаган бўлсангиз, факат мазмунни баён қилсангиз, ҳазрат руҳи олдида шаккоклик қилган бўласиз.

Мана, сиз билан бирга “Хазойинул маоний”ни варақлаб қалб сўзининг тўрт маъносини топдик. Изласак бу сўзниң коса тагидаги нимкоса мазмунлари яна чиқади. Тўрт девон бежиз “Маънолар хазинаси” деб аталмаган.

Сўнгги савол қолди. Нега юрак **қалб** дейилган? Унинг қаллобликка, ёлғончиликка нима алоқаси бор? Биласизки, инсон онги шаклланган замондан бери ақл ва юрак ўртасидаги баҳс тугамаган. Ақл онг билан, юрак ҳиссиёт билан ошно. Одамзодни ҳиссиёт қўп алдаган. Ҳамма халқларда, кўнгил кўчасига кирма, деган мазмундаги хикмат бор. Демак, юрак сўзига кириб алданган одамлар унга **қалб** дея ном кўйибдилар.

Эмишки, тақдири азал инсон пешонасига тескари хат битгани каби юракни ҳам одам кўкси ичida тескари осиб қўйган. Шунинг учун эгасини терс йўлларга бошлармиш. Бу гапга ишонмаган, юрак сўзига кирган бир девона ёш шоирнинг ёзганлари будир:

*Айбли эмас бунда иродам,
Маъзур тутинг, дўстлар, сиз мени.
Ақл қанча ҳақли бўлса ҳам,
Тутар бўлдим юрак измини.*

*У баҳш этган оташда ёндим,
Ўзи бўлди менга раҳнамо.
Унга, фақат унга ишондим,
Юрак мени алдамас асло!*



ЗИМИСТОН

Тилимизда **зимистон** деган сўз бор. Бофистон, гулистон сўзлари каби чиройли, ёруғ қалима. Лекин негадир зулматни билдиради. У аслида тиник ва оппоқ сўз. **Баҳористон, тобистон** каторида туради. Форс ва рус тиллари қариндош бўлганидек, **зимистон** русча **зима** сўзи билан эгизак. Қишининг ўзига хос ҳусни, таровати бор бу сўзда. Баҳористон – баҳор, тобистон – ёз, зимистон – қиши. Лекин биз қайсар ҳалк қоронғи кечани **зимистон** деймиз ва сира фикримиздан қайтмаймиз. Шу маъно билан луғатларга киритиб қонунлаштириб олганмиз.

Ажабо, **қиши** қандай қилиб **қоронғига** айланди? Бу икки сўз тамоман бошқа-бошқа тушунчалар-ку! Бу хатонинг сабабини топишга бир чистон ёрдам қилди:

*Ялдо кечаси бирдур, бир йилда бир ялдо,
Ё раб, бу нечук ялдо? Бир ойда икки ялдо!*

Ялдо кечаси қишининг энг узун, энг қоронғи туни. Ҳозирги йилойкун – календар ҳисоби бўйича йигирма иккинчидан йигирма учинчи декабрга ўтар кеча. Чистоннинг, яъни жумбоқнинг маъноси: Ялдо кечаси бир йилда бир келади. Лекин бир ойда икки ялдо бор. Топ-чи, бу қандай ялдо? Жавоб: Ёрнинг юзи – ой, икки ўрим сочи қоралиги ва узунлиги билан – ялдо кечаси. Бир ой юзли ёр икки ўрим сочини ташлаб қўйса, бир ойда икки ялдо бўлади. Гўзал ташбех.

Карангки, бир жумбоқ бошқа жумбоқни ечишда кўмаклашиб турибди. Қиши кечасининг узун ва қоронғилиги учун зулматли тун **зимистон қоронғиси** дейилган, яъни **қиши қоронғиси**. Лекин биз гапни қисқа қилишга устамиз-ку. Асса-

лому алайкум, демаймиз, салом, деймиз-қўямиз. Қалайсан, деган сўзимиз узундан узоқ ахвол сўрашиш ўрнига ўтади. *Зими斯顿 қоронгисини* ҳам қисқа қилиб *зими斯顿* деяқолдик. Тилшунос олимларимиз барака топсинлар, халойиқнинг айтгани бўлақолсин, деб, луғатларда зими斯顿га қопкоронғи кеча дея изоҳ бердилар. Хато қонуний тус олди.

Хунук деган сўзни биз кўрксиз, бадбашара деб тушунамиз. Аслида бу сўз *совуқ* дегани. Таşқари хунук, иссиқ кийиниб ол, десак тўғри бўлади. Лекин бундай деб айтсак, кулгу бўламиз. Ажабо, совуқ маъносидаги сўз қандай қилиб кўрксизга айланди? Бунга ҳам сабаб – қисқартишга ўчлигимиз. Аввалда уни совуқ маъносида тўғри ишлатганмиз. *Турқи совуқ* оламни *турқи хунук* деганмиз. Кейинча *турқ* тушиб қолди, *хунукнинг* ўзини айтадиган бўлдик. Тилчиларимизга яна раҳмат, буни ҳам расмийлаштириб бердилар.

*Ўзгалар васлин таманно айласам навмид ўлай,
Ўзга бир дил ҳамки васлингни таманно айласа.*

Таманно – истак, хоҳиш, орзуни англаатади. Биз *таманно* деб *нозу карашмани*, *тенноз аёлни* айтамиз. Бундай маъно ўзгаришига ҳам сабаб ўша, – гапнинг шох-бutoғини кесишига омилигимиз. Ўзини яхши қўрадиган одамнинг таманноси, истаги қўп бўлади. Айниқса, ўзига бино қўйган аёлларда бу хислатнинг аёнлиги учун уларни *таманноли*, *таманноси қўп*, дейилган. Бора-бора сўз қўшимчалари йўнилиб *таманнонинг* ўзи қолди, от сифатга айланди. Маъно тамомила бошқа бўлди. Тилшуносларимизга қайта-қайта таъзим, бугун ўзбекча-русча луғатларни очиб қарасангиз *таманно – кокетство*, деб таржима қилинган. *Мечта, желание* эмас.



Энди Навоийнинг **таманноси** билан бизнинг **таманнони** солишитиринг! Яна Навоийни нега тушунмаймиз, дея хайрон бўламиз.

*Бу тоза туганким ғамидин кўнглум ародур,
Кўнглум қушии ғам дашти аро бағри қародур.*

Кўнглим аро ёр ғамидан янги, битмаган жароҳат бор. Шу сабаб ғам даштида кўнглим қушининг бағри каро. Туган – жароҳат. **Тоза – янги.** Тоза сўзини биз ювилган, артилган, пок маъносига тушунамиз. Аслида бу маънони билдирувчи **тамиз** деган сўзимиз бор. **Бетамиз** ювиксиз, нопок дегани. Биз эса бетамиз деб гап уқмас, маънисиз одамни айтамиз. Луғатларда ҳам **тоза – чистый, бетамиз – недогадливий, болван** деб таржима қилинган.

Тилшунос олимларимизга қарата айтилган ярим ҳазил, ярим чин сўзларни зинҳор кесатик, таъна деб тушунманг. Улар **зимиstonнинг** асл маъносини билмаган эдиларми? Яхши билганлар. Лекин мафкура аталган қудратли куч бор эди. Олимларнинг эса бола-чакаси... Илм сўзи эмас, авом сўзи, фозил инсонларнинг бой ва зарофатли тили эмас, йўқсилнинг ўзи каби қашшоқ ва ғариб тили муқаддас саналган замонларни ҳозирги ёшлар билмайдилар. Билмасинлар ҳам. Зимиston давронининг ортда колгани рост бўлсин. **Зимиston** сўзини **қоронғилик** деб тушунсангиз, тонг отгани, **қии** деб тушунсангиз, баҳор келгани чин бўлсин.

ҒАЗАЛ СЕҲРИ**ШОИР ҚАЛБИНИНГ ФИГОНИ**

*Жунун водийсига мойил кўрармен жони зоримни,
Тилармен бир йўли бузмоқ бузулгон рўзгоримни.*

Улуг Навоийнинг ҳар бири бир жаҳон маъно, бир олам ҳис-туйғу ифода қилғувчи байтларини такрор-такрор ўқиб ҳар сафар кўнглимиз суур ва ҳаяжон билан тўлади, ҳар сафар бу олмос сатрларнинг янги кирраларини кашф қиласмиш, янги-янги маъно товла-нишларини кўриб ҳайратланамиз.

Мана шу матлаъ билан бошланувчи ғазал ўз-бекнинг хонадонида дам-бадам меҳмон бўлади. Уни машхур ҳофизларимиз мақом йўлларида жуда таъсири ижро этганлар.

Бу ғазал дунёнинг ғаму андухидан зардобга тўлган шоир қалбининг афғонидир.

Инсон юраги ва тафаккури ҳаддан зиёд севинчни ҳам, ғамни ҳам қабул қилолмаслик хусусиятига эга. Туйғуларнинг офатли сели кишини телба қиласди. Шоир ўз жонини жунун, яъни телбалик водийсига мойил кўради, бузулган ҳаёти – рўзгори уни ақлдан оздиргани, энди телбаликни бўйинга олиб дашту сахролар кезишдан ўзга иложи қолмаганини ва телбалик – бузиш, вайрон қилиш экан, демак, бузилган ҳаётини бир йўла вайрон қилмоқ тилагини фарёд билан ифшо қиласди:

*Жунун водийсига мойил кўрармен жони зоримни,
Тилармен бир йўли бузмоқ бузулгон рўзгоримни.*

Шоир дунёдан шунчалар кўнгли қолган, совуғанки, оқибатсиз одамлардан шунчалар меҳри қайтганки, бу ҳаётдан ҳеч бир нишонсиз йўқ бўлиб



кетишни тилайди. Инсон жисми-ку хоки ғубор бўлмокка маҳқум, лекин шоир истаги:

*Фалак бедодидин гарчи мени хоки ғубор ўлдум,
Тилармен, топмагайлар тўтиёлигқа губоримни.*

Яъни, золим одамлар мени тириклигимда хўрладилар, қадримга етмадилар. Вакт келарки, менинг одамларга кўргузган меҳру садоқатим, фидойилигим аён бўлар. Кишилар менинг қадримга етарлар, мозорим хокини кўзларига тўтиё қиласлар. Лекин тириклигимда бедодлик килганлар мен дунёдан ўтгач ўқинмоқлари бенаф, кўзларига тўтиё қилмоқ учун ғуборимни топмагайлар. Ўшанда, эй ахли ғафлат, Навоий қайга азм этти, деб сўраманг, мен тириклигимдаёқ ихтиёрим жиловини қазонинг кўлига бериб қўйганман:

*Деманг, қай сори азм этгунг, манга йўқ ихтиёр,
охир*

Қазо илкига бермишмен инони ихтиёримни.

Ошиқ дунёнинг жабру жафосидан қўп қонли ёшлар тўқди. Оқибат кўзларида ўша қон ёшлар ҳам қуриб тамом бўлди, фақат заъфарондек сарғайган юзи қолди. Шоир бу ҳолатни ҳайратомуз ташбеҳга боғлайди: Золим фалак менинг баҳоримни олиб ҳазон фаслини менга берди. Бу лоладек қон ёшларим тугаб, ҳазондек сарғайган юзим қолганидан намоён бўлиб турибди.

*Туганди ашки гулгун, эмди қолмиш заъфароний
юз,*

Фалак зулми бадал қилди ҳазон бирла баҳоримни.

Навоий даҳр зулмидан бошига ёғилган балоларни байтдан байтга кучлироқ фарёд билан баён қиласди. Биринчи байт ошиқнинг “жунун водий-

сига мойил” бўлганини, иккинчи байт дунёдан та-
мом йўқ бўлиб кетиш тилагини ифода қилса, ғазал
сўнгига яқин шоир буларнинг барчасидан ортиқ
оғатни қаламга олади – бу оғат телба бўлишдан
ҳам, дунёдан беному нишон кетишдан ҳам оғир бир
оғат. Бу – ёру диёрдан жудо бўлиш мусибати. На-
воий шундай ёзади:

Диёрим аҳли бирла ёрдин бошимга юз меҳнат,

Не тонг, бошим олиб кетсан қўюб ёру

диёrimни.

Яъни, агар мен ёру диёrimни ташлаб бош олиб
кетар бўлсан, бунинг боиси ёрдан ва диёrim одам-
ларидан бошимга минг балолар ёққанидир. Такдир
менинг бошимга солган бу савдо шундай оғир сав-
доким...

Ёмон ҳолимга бағри оғригай ҳар кимсаким

кургай,

Бағир парголасидин қонга булғонғон узоримни.

Бағрим пора-пора бўлганидан қонга бўялдим, бу
холимни кўрган ҳар бир кимсанинг бағри оғримай
иложи йўқ.

Тириклик шоирнинг наздида – дард. Бу дарднинг
давоси эса ёлғиз ўлим. Асли шаробдан келган бош
оғриқнинг давоси шароб. Аммо шоир учун тириклик
шаробининг дафъи хумори заҳри қотилдир.

Ҳаётим бодасидин саргаронмен асру, эй соқий,

Қадаҳқа заҳри қотил қўй, даги дафъ эт

хуморимни.

Яъни, ҳаёт бодасини ичиб бошим оғирдур, эй
соқий, қадаҳга заҳар қуйиб бергин-да, менинг бо-
шим оғриғини даф эт. Чунки бу дунёда ўлмай туриб



тинчимак мумкин эмас, шу боис мени дардлардан
озод қилмоқчи бўлсангиз, бору йўғимни ёкинг:

*Жаҳон таркини қилмай чунки тинмоқ
мумкин эрмастур,
Навоий, қил мени озод ўртаб йўқу боримни.*

Навоийнинг бу машхур ғазали фалак бедодидан, замон бедодидан шоирнинг чеккан ноласи бўлиб, неча асрлар оша девондан девонга кўчирилиб, оғиздан-оғизга ўтиб, ҳам китоб варакларида, ҳам қўшиқлар қанотида бизгача етиб келди. Бу кун биз – улуғ бобомизнинг олис набиралари бекиёс истеъодд қаламидан тўкилган мана шундай сатрларни ўкиб, эшитиб онгимиз ва юрагимиз билан баҳрамандлик топамиз, узоқ-узоқ замонларнинг садосини тингла-
гандай бўламиз:

*Жунун водийсига мойил кўармен жони зорими-
ни...*

“ҚАРОҚЎЗУМ...”

*Қарокўзум, келу мардумлиг эмди фан қилгил,
Кўзим қаросида мардум киби ватан қилгил.*

Бу сатрлар битилган вактдан буён беш асрдан зиёд вакт ўтди. Неча-неча авлодлар дунёга келиб кетди, неча-неча тахтлар қулади, сулолалар кечди, замонлар алмашди. Кадимий жафокаш халқимиз бошидан не-не ҳодисалар ўтди, уруғчилик тарқоклиги оша, бекликлар, хонликлар низолари, қирғинлари оша ўзбек халқ бўлиб, миллат бўлиб бирлашди... Ва ҳануз буюк Навоий байтлари билан айтиладиган қўшиқ унинг вужудини ларзага солади, юксак туйгулар оламига етаклайди. Боиси шуки, Алишер Навоий каби даҳолар фактат ўз замонаси эмас, балки

ҳамма замонларнинг шоири бўладилар. Улар таранум этган туйгулар инсон юрагининг азалий ва мангалик хоссаларидир.

Биз Навоий ва Бобур, Фузулий ва Оғаҳий, Машраб ва Муқимий, Нодира ва Фуркат сингари ўтмиш шоирларимиз ижодини севамиз, ўрганамиз. Чунки уларнинг ижодий мероси бизни эзгуликка ундаиди. Она юртни, халқни фарзандлик меҳри билан севишига, руҳий покликка, вафо, садокатга ўргатади.

*Қароқўзум, келу мардумлиғ эмди фан қилгил,
Қўзим қаросида мардум киби ватан қилгил.*

Бу сўзларда канчалар вафодорлик, фидойилик бор, баркамол муҳаббат бор, шеърий ифода эса нақадар теран, жозибали, сержило. “Мардум” сўзининг икки маъноси бор. Мардум – одам, мардум – кўз гавҳари. “Қароқўзум” дея мурожаат этиди шоир севикли ёрга, келу мардумлиғ, яъни одамлик, одамгарчилик фанини кўрсат, кўзум қаросида мардум киби, яъни гавҳар каби ватан қилғил, макон қилғил. Биргина байтда неча маъно товланишлари – ҳам мардумнинг икки маъноси, ҳам “қароқўзум”га муқобил “қўзим қароси” ифодаси – нақадар теранлик, нафосат, мукаммаллик бор. Ошиқ ёрни фақат кўриб туришни эмас, кўз қорачиғига жо қилмоқни истайди ва қаён боқмасин, ойгами, гулгами, шабнамгами – барига ёр жамоли орқали боқишини орзу қиласди, барида унинг тимсолини кўришни тилайди. Бу фикр Навоийнинг бошқа бир ғазалида очикроқ, равшанроқ бир шаклда намоён бўлган:

*Ўзгалар ҳуснин тамошо айласам чиқсун қўзим,
Ўзга бир кўз ҳамки ҳуснингни тамошо айласа.*

Севгили ёр ошиқ кўзининг қорачиғида ватан қиласа бу унинг учун кувонч, катта байрам, ошиқ



кўнгли боғ, равзага айланади ва бинобарин, маъшуқа юзининг гули бу равзада макон топади.

*Юзинг гулига кўнгил равзасин яса гулшан,
Қадинг ниҳолига жон гулшанин чаман қилгил.*

Яъни, кўзларимда гавҳар бўлиб жойлашганинг баҳтидан боғ бўлган кўнглим юзинг гулига гулшан-у, бу саодатдан гулшанга айланган жоним қадинг ниҳолига чаман бўлсин. Ёрга фидоий муҳаббат изҳори кейинги байтларда янада ёрқин ифода этилган.

*Таковарингга бағир қонидан хино боғла,
Итингга замзада жон риштасин расан қилгил.*

Шоирнинг юрак қони ёр отининг туёкларига хино бўлиш учун, жон риштаси – жон или итининг бўйнига расан, яъни тасма бўлиш учун фидо. Негаки, ошиқ шоир бағридаги коннинг ҳар томчиси ишқ билан йўғрилган, жони вафо учун шу қадар фидоки, вафодорлик рамзи бўлган ёр итининг бўйнида колишга тайёр.

Кейинги байтда ошиқ шоир чархга – такдири азал тимсоли бўлган фалакка мурожаат этади: Мен-ку бутун умрим, жоним, вужудимнинг ҳар бир зарраси-да ёр муҳаббатига фидо, хижронида адо бўлиб бу дунёдан ўтарман. Замон-замонлар танимни фироқ чоғида тупроққа айлантиради. Лекин орзум шуки, эй чарх, минг йиллар сўнгида топилган тупроғимни хамир қилиб ўша фироқ тоғида ошиклик рамзи бўлган Фарҳодни – ул кўҳкан, яъни тоғ кесувчини яратгилки, менинг янги умрим ҳам муҳаббатга фидо бўлсин, ёр ишқи йўлида меҳнат билан ўтсин.

*Фироқ тогида топилса тупроғим, эй чарх,
Хамир этиб яна ул тогда күҳкан қилгил.*

Ошиқ кўнгил тупроқ бўлиб ёр оёғи остида ётибди. Шоир лутф ила ёрга мурожаат қиласди:

*Юзинг висолига етсун десанг кўнгулларни,
Сочингни боштин-аёғ чин ила шикан қилгил.*

Бу байт фикрнинг нозик яширинганлиги билан нақадар гўзал. Шоир кўнгилларнинг ёр оёғи остида тупроқ бўлиб ётганини ҳам, ёр сочининг нақадар узунлиги, агар бурама-бурама, тўлқин-тўлқин қилиб ташлаб қўйса то ергача етишини ҳам ошкор айтмайди. У фақат “ошиқ кўнгиллар юзинг висолига етсун десанг, сочингни бошдан оёқ жингалак қилгин” дейди. Шоир тасаввурида ёр сочининг учига етишган ғубор – яъни ошиқ кўнгли жингалак тўлқинли ўримлар пиллапоясидан маъшуқа юзининг висолига етишади.

Кейинги байтда фикр мантиқий ривожланади. Унинг маъноси бундай: бу дунёда гўзаллик ғанимат, ёшлиқ ғанимат. Бу ўткинчи ҳаётда ишқу висол баҳтидан қувонмок керак.

Негаки:

*Хазон сипоҳига, эй боғбон, эмас монеъ,
Бу боғ томига гар игнадин тикан қилгил, –*

Яъни хазон лашкари бостириб келгач, эй боғбон, бу боғ деворларига қанча тикан босиб ғов қилмагин, бари бир бу ғов кузнинг истилосига моне бўлолмайди. Инсон умри ҳам шу – у ниҳоясига етгач, ҳеч бир тадбирдан фойда йўқ. Демакки, тириклиқ ғанимат, ёшлиқ ғанимат, маъшуқанинг ошиқ бошига солгувчи уқубатлари, хижрону жафолари ғофилликдан, тириклиқ қадрига етмасликдандир.



Аммо ошиқ шунча тазаррулар сўнгида яна ёрга вафою садоқатини шундай сўзлар билан ифода қиласди:

*Юзида терни кўруб ўлсам, эй рафиқ, мени
Гулоб ила юву гул баргидин кафан қилгил.*

Мен агар ёрнинг гул юзидаги гулобдек терни кўриб ўлсам, ўйламангки, бу гул, бу гулобни мен ортиқ кўрмокни истамайман. Билъакс мени гулоб билан ювинг, гул баргидан кафан килингки, сўнгги йўлимда ҳам ёр хаёли менга ошно бўлсин.

Ғазал сўнгги байтга етиб келди. Шоир фидойилик, садоқат ҳакида, дунёнинг боқийлиги ва инсон умрининг фонийлиги ҳакида теран хаёлларга берилди. Нихоят бу хаёлларнинг холосаси сифатида шоир ўзига мурожаат қиласди:

*Навоий, анжумани шавқ жон аро тузсанг,
Анинг бошоглиқ ўқин шамъи анжуман қилгил.*

Ошиқ юрагига ёрнинг бошоқ учлик – қайтиб чиқмас ўқлари санчилган. Аммо ошиқ бу ўклардан озод бўлишини истамайди. У жон аро анжумани шавқ – шодлик базми тузиб, ёрнинг ўқларини шамъи анжуман – шамлар давраси қилиб ёқиб қўймокчи. Демак, маъшуқа отган ўқлар ошиқ учун шодлик манбаи, нур манбаи.

Мана, “қаро кўзум” дея ёрга мурожаат билан бошланган бир ғазалнинг қисқача баёни. Бу ғазал инсоний туйғуларнинг ҳаётийлиги, ҳакконийлиги, бадиий тафаккурнинг теранлиги билан, ташбеҳларнинг бойлиги, мукаммаллиги билан фақат Навоий ижодининг эмас, балки кўп асрлик шеъриятимизнинг энг нодир намуналаридан бири бўлиб қолади ва ҳали кўп замонлар шеърият мухлисларини ўзига ром этади.

ОЗОДЛИК ҚАЙГУСИ

Навоий ижоди шу қадар поёнсиз туйғулар оламики, ундан инсон ҳиссиётининг барча жилоларини топиш мумкин. Севги, соғинч, рашқ, умид, айрилиқ укубати, висол шодлиги, юрт меҳри, фидолик, жасорат... бу саноқни чексизлик қадар давом эттириш мумкин. Тасаввуримда инсон руҳиятининг бирор ҳолати йўқки, Навоийда унинг ифодаси учун бир байт топилмасин. “Хазойинул маъоний” фақат маънолар ҳазинаси эмас, инсоний туйгулар қомуси, ҳиссиётининг бепоён олами ҳамдир.

Ҳазратнинг бир ғазали “Ваҳки умрим барча зое бўлди эл коми билан” деб бошланади. Шеър бошдан оёқ озодлик туйғуси ҳакида. Ғазалнинг биринчи сатриёқ кишини чексиз хаёлларга гарқ қиласи:

*Ваҳки умрим барча зое бўлди эл коми била,
Бодаи ноб ўрнида хуноба ошоми била.*

Нақадар буюк изтироб бор бу сўзларда. Биргина шоирнинг эмас, бор инсониятнинг, ҳамма замон ва маконларнинг дарду алами бор. Ком – истак, хошиш демак. Комронлик ўз истагига кўра яшамоқ, яъни озод бўлмоқдир. Шоир таассуф билан, мен ўз истагимга кўра яшамадим, бошқаларнинг ръйи билан, замона зайдига бўйин эгиб кун кечирдим, ҳеч қачон эҳтиёрим ўзимда бўлмади, демоқда. Шу боис ичганим бода эмас, қонли ёшлиарим бўлди. Ҳаётим зое кетди.

Бу факат ўн бешинчи асрнинг эмас, барча замонларнинг изтиробидир.

Буюк шахсияти, кенг билим ва дунёқараши билан ўз даврининг тор қолипларига сифмаган Навоий фарёд қиласи:



*Кимсә юз йил комронлиг қиласа, билким, арзимас
Даҳр аро бир лаҳза бўлмоққа бирор коми била.*

Эрксизлик шундай аламли ҳолатки, агар юз йил ўз эркинг билан яшасанг, бир лаҳза ихтиёrsизлик бу юз йиллик баҳтдан нишон қолдирмайди. Эрксизликнинг бир дақиқаси ҳам оғир кўргилик экан. Умрга татигувлик қайғу экан.

Бирор коми нима? Бу ўзганинг истаги, хоҳиши, иродаси, изми, рухсати, раъий демакдир. Навоий учун эрксизликда ичилган обиҳаётдан кўра ўз хоҳиши билан ичилган заҳар яхшироқдир.

*Заҳрни ўз коми бирла ичса ондин яхшиким
Ичса ҳайвон шарбатин нокомлиг жоми била.*

Бирор зўрлаб ичирган кадаҳ нокомлик жомидир. Байтнинг маъносини лўнда қилиб айтса, эрксиз яшагандан кўра ўлган яхши, демакдир.

Ғазал давом этади. Навоий байтлар оша гўзал ташбеҳлар, аниқ ҳаётий манзаралар орқали инсон ҳурриятини улуғлайди, бандилик уқубатини чукур дард билан тасвиirlайди.

*Юз дилором айлагандан равза ҳибси яхшироқ
Бўлса ўз вайрони ичра кўнгли ороми била.*

*Эй кўнгил, эл субҳи айши сори боқма, хўй қил
Фардлиг вайронида меҳнат қаро шоми била.*

Агар жаннат боғига кирсанг, юзта пари сени ўраса-ю, сенда бирор ёққа кетиш ихтиёри бўлмаса, равза ичра ҳибсда бўлсанг, ундан кўра ўз вайронангда кўнглинг ороми, озодлик, тинчлик ва хотиржамлигинг билан қолганинг яхши. Шоир юксак санъат билан “дилором” ва “кўнгил ороми” сўзларини ёнма-ён келтириб бу ўхшаш сўзларнинг икки таоман бошқа маъноларини очади. “Дилором”нинг

маъноси бу ўринда парипайкар бўлса, “кўнгил ороми” деганда хотиржамлик, тинчлик, осойишталик холати тушунилади.

Навоий ёлғизлиқ истагини кўп ёзган. Ҳиротдек зарифлар шахрида ҳам фикри тор, қалби нурсиз, сұхбати саёз, ғийбатчи, майда одамлар йўқ бўлмаган чоғи, “парим бўлса учиб қочсам улусдин то қанотим бор,” деган каби сатрлар “Хазойинул маъоний”да талайгина бор. Бу газалда Навоий ана шундай тоифа ичига тушиб қолмоқни тутқунликка қиёслайди, уларнинг чароғон субҳи айшидан меҳнат шомини, яъни азобли коронғиликни, уларнинг чаманзордаги анжуманидан фардлик вайронасини, харобада ўтган ёлғизлиқни афзал билади.

*Күшқа юнг маскан аро хушроқдуурур озодлиғ,
Бўлғонидин банд аро сайёд ипак доми била.*

Куш ўз уясини оддий жундан тўқийди. Овчи эса тузоқни қимматбаҳо ипакдан ясади. Ипак тузоқ бойлиқдаги тутқунлик рамзи, юнгдан тўқилган уя эса камина камтарлик аро озодлик тимсоли. Яна ҳам тўғрироғи ватан тимсоли. Байтнинг маъноси шуки, текин неъмат тамасида ўзни тузоққа урма, ўз ватанинг, озодлигинг қадрига ет. Кўргинки, қушга эркин парвоздан ортиқ баҳт борми? Лекин у ҳам гоҳ нафс қутқуси билан сайёд домига илинади. Бу сенга ибрат бўлсин.

Бошдан оёқ озодлик қайғуси билан ёзилган бу газал зимнида Навоийнинг сўнгсиз ҳасрати бор, эрксиз ўтган умри учун чеккан надомати бор. Бир карашда бу ўкинч таажҷубли туюлиши мумкин. Шоҳнинг энг яқин дўсти ва маслаҳатчиси, замонининг энг давлатманд одамларидан бири, ёшлиқ чоғиданоқ шухрати мамлакатга ёйилган, элда



хурмат-эътибори бекиёс даражада юксак, “Гар қуёш янглиг эрур қадрим менинг шаҳ олдида” дея-олган шоир туткун бўлиши мумкинми? Инсониятга ўзидан маънолар хазинасини қолдирган, кўплаб мадрасалар, дорушшифолар, кўприклар қурдириб элга яхшилик қилган, умрининг ҳар лаҳзасини эзгулик хизматига бахш этган Навоийдек инсон “ваҳки, умрим барча зое бўлди” деса, бошқалар нима десин?

Шундай деймизу кўнгилда бошқа бир савол туғилади. Ким эркинроқ? Оддий одамларми ёки юксак мартаба ва шон-шуҳрат эгаларими? Чумолидай ўз ризқини териб, аравасини хайдаб, ашуласини айтиб юрган одам озод ва баҳтлими ёки ҳар қадами эл назарида, подшолик назарида бўлган улуғ амирми?

Шеър маъносига кирган сари кишига саволлар ёғилиб келаверади. Мутлақ озодлик борми ўзи? Инсон факат ўз истаги билан яшashi мумкинми? Жамиятда яшаб туриб инсон бу жамиятнинг қонун-коидаларидан ташқарида бўла оладими?

Одамзод ҳамиша кўнглим нима дейди дебмас, эл-юрт нима дейди деб яшар экан. Керак ва кераксиз ғам-кайғу, ташвишларни бошига ортар экан, қалбнинг энг ҳассос эзгу туйғуларини яшиromoққа мажбур бўларкан. Инсон жамиятда яшаб туриб жамиятнинг қонун қоидалари, урғ-одатларидан, ҳаёт тарзидан четда туролмас экан. Озодлик англаб етилган зарурат, дейилади. Жўн сўз билан айтса, озодликнинг ўзи тутқунлик экан...

Одатда шеърни таҳлил қилганда биз, шоир ундоқ дейди, бундоқ дейди, фалон ғояни олға суради, дея сўз юритамиз. Аслида шеър насиҳат, тарғибу ташвиқ эмас, юрак тебранишлари эканини унутамиз. Навоий ушбу ғазалда инсон эркини тараннум

этган, десам ҳақиқатнинг ҳаммаси бўлмас. Агар фақат шундай бўлганда беш юз йил ўтиб бугун у бизнинг юрагимизни ларзага солмас эди, хаёлларимизни чулғамас эди.

Ғазал инсоннинг мангу дарди тўғрисида, кўринмас кишанлари тўғрисидаги ҳасратли қиссадир. Шоир юрагини тўлдирган армон, ичидан чиккан чукур хўрсиниқдир.

“АЙЛАГАЧ...”

Шоир қўлида қалам, шеър хаёли билан банд. Унинг қархисида майин нур таратиб шам ёниб турибди. Алишер қаламнинг учи билан шам пилигиги ёйиб кўяди. Шам равшанроқ ёнади. Ана шунда шоир хаёлида шеър туғилади. Шам ёруғлиги ва куйдириши билан унинг кўз олдида севикли ёри бўлиб жонланади. Ахир унинг дил уйини ёритган, зулматли ҳаёт ичра унинг хаёлинин чароғон килган ва тунлар ҳижронида ўртаган ёр шам эмасми? Ахир ёр ҳам сочини ҳар томонга ёйиб тараса, хусни ортади – бамисоли пилигини, торини тараб ёйиб кўйса шам равшанроқ ёнгандек. Шоир бу гўзал ташбеҳни гўзал байтга кўчиради.

*Хусни ортар юзда зулфин анбарафшон айлагач,
Шамъ равшанроқ бўлур торин паришин айлагач.*

Алишер қаламни кўйиб яна хаёлга чўмади. Пойнисиз яшил кенглиқда ханда уриб, бошига чечаклардан чамбараклар килиб, ёқаларига гуллар тақиб яйраб юрган ёри кўз олдига келади. Бу ёр муҳаббатнинг тирик тимсоли. Аммо шоир учун у фақат хаёлда намоён бўлгувчи баҳт, аслида унинг юраги қон, минг хил дарду азоблар курбони. Али-



шер хаёлида гул кийган, юзини гуллар билан безабан ёрга мурожаат қилади:

*Юзни гуллардин безабму бизни қурбон айладинг,
Ё юзингга тегди қонлар бизни қурбон айлагач.*

Йўқ, сен юзларингни гуллар билан безаб мени курбон қилмадинг, аксинча мени қурбон қилгач, сараган қонларим юзингда гуллар бўлиб турибди. Шоир учун ҳаётнинг беаёвлиги ёрнинг қотил ва бешафқатлигига кўринади. Бетиним жангу жадал, қирғинлар ёрнинг яғмогарлигига, зулмкорлигига намоён бўлади. Ганим лашкари юртни вайрон қилса, йироқдаги ёрнинг юборган ғам лашкари, фироқ лашкари кўнгил мулкини хароб қилади. Дашибти қипчоқдан келган ёв шаҳарларни бузиб, текислаб боғларни кесиб буғдой сепгувлук дала қилгандек, ёр ошиқнинг кўнгил кишварини вайрон қилиб, тиф билан ўйиб, жароҳатдан оқкан қонга суғориб, пайкон бошоқларини қадамадими?

*Тиз ила пайконларинг итти кўнгул бўлоч хароб,
Сув қуюб тухм эктинг ул кишварни вайрон айлагач.*

Яъни: “тиф ила ўқларинг кўнглимнинг боғи эди, сен уни хароб қилдинг, мени боғимдан маҳрум этдинг...”. Аммо ишқ йўлида тўкилган қон ҳамиша табаррук. Агар у дунёда жаннат бўлса, унга чин ошиқлар бормоққа ҳақли.

Мана, ошиқни тутиб, калтаклаб-жароҳатлаб, катл этмоққа олиб келдилар. Ҳозир уни ечинтирадилар, қотил ханжари унинг бўғзига қадалади.

Шариллаб оқкан иссиқ қон унинг танидаги жароҳатларни ёпади. Йўқ. Бу оддий қон эмас. Ошиқни муборак қилгани жаннат малаклари келган. Бизга қон бўлиб кўринган нарса жаннат хазинадори

ошиқнинг устига ёпган алвон либос – олий мартаба, табарруклик тимсоли.

*Қон эмаским, ёпди гулгун ҳулла жаннат хозини,
Ишқ мақтулин шаҳид айларда урён айлагач.*

Ғазал давом этади. Шоир энди севги домига қай куни қандай асир бўлганини ўйлади. Ошиқ айборми? У катл этилишига лойик нима гуноҳ килди? Айби дунёга очиқ кўз ва ёниқ юрак билан келганими? Гунохи гўзалликдан кувониши, оламга ҳайрат кўзи билан боқишими?

*Ошкор айлаб юзин кўзимни ҳайрон айлади,
Ёшурун олди кўнгил кўзимни ҳайрон айлагач.*

Париваш юзини ошкор қилди-ю, кўзни ҳайратга солди.

Кўзни ошкор ҳайратга солди-ю, кўнгилни ятирин забт қилди.

Мана, султон неча элу юртларни торож қилиб йиккан ганжини хилват ерга қўмиб яширмоқда. Султон амри билан бу ишни бажарган маҳрамнинг гуноҳи нима?

Ганж қўмиб бўлингач, унинг боши кетади. Маҳрамнинг ёлғиз гуноҳи – сирдан воқифлиги. Маҳбуба – ёр ҳам шоир хаёлида султон, муҳаббат эса битмас бойлик – ганж.

Оlamda шундай ганж борлигини, муҳаббат аталган бойлик борлигини ошиқ билади. Чунки бу ганж унинг жонида. Хазина соҳиби ёр, уни жонга қўмган ошиқ шоирнинг кўнгли. Махфий сирдан ёлғиз у воқиф. Демак у маҳкум.

*Жонда қўйғоч нақди ишқин қилди кўнглимни
ҳалок,
Ултуурур маҳрамни султон ганж пинҳон айлагач.*



Мана, ғазал битди. Замоннинг каттоллиги, ёрнинг бешафқатлиги, ошиқнинг маҳкумлиги намоён бўлди. Ошиқнинг гуноҳи нима деган саволга жавоб чиқди. Энди ёлғиз бир савол қолди. Ўша ошиқ ким? Бу Навоийнинг ўзи. Ахир ишқ шоир кўнглини мажруҳ этмаганда бу қонли афғон, бу дард тўла сатрлар туғилармиди?

*Эй, Навоий, ишқ агар кўнглунгни мажруҳ этмади,
Бас, недурким, қон келур оғзингдин афғон айлагач.*

Навоий афғони асрлар ўтиб бизга етиб келди. Қалбимизда акс-садо топди. Мен боғлаган тахмис ана шу акс-садонинг кичик бир ифодаси.

НАВОИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Кўз очар гулшанда ғунча, булбул афғон айлагач,
Нега афғон айлай, ул гул юзни тобон айлагач,
Мисли ойким, кўрк очур сайри шабистон айлагач,
Хусни ортар юзда зулфин анбар афшон айлагач,
Шам равшанроқ бўлур торин паришон айлагач.

Нега ул кун соchlарингни анбар афшон айладинг?
Рўзигорим тийра, кўзим кавқабистон айладинг?
Кўлга кўйгачму хинолар ё дилим қон айладинг,
Юзни гуллардин безабму бизни курбон айладинг,
Ё юзингга тегди қонлар бизни курбон айлагач.

Мехр сўндиргач дилида, жонни сўзон айлади,
Хуснини обод этиб, кўнглимни вайрон айлади,
Сеҳр айлаб ошикоро, банди пинҳон айлади,
Ошикор айлаб юзин, кўзимни ҳайрон айлади,
Ёшурун олди кўнгил, ўзимни ҳайрон айлагач.

Мен-ку содик маҳрам эрдим оғзи маҳкам,
кўнгли пок,
Ишқ сирин этмасдим ошкор бўлгунимча токи хок,

Шафкат истаб нола қилдим, онт ичиб ёқамни чок,
Жонда қўйғоч нақди ишқин қилди кўнглимни
халок,

Ўлдуурур маҳрамни султон ганж пинҳон айлагач.

Нолаю афғонинг, Эркин, дилбарингга этмади,
Етса ҳам ё бемехр ёр зарра парво этмади,
Битди қўп заҳминг ва лекин ишқ заҳми битмади,
Эй Навоий, ишқ агар кўнглингни мажруҳ этмади,
Бас, нединким қон келур оғзингдан афғон айлагач.

“КЎЙИДА ЙИҒЛАР ЭДИМ...”

Бугун тонгда бир қўшиқ эшидим. Кун бўйи
бу қўшиқнинг ноласи қулоғимдан кетмади. Унинг
сўзларини такрорлаб девона бўлиб юрдим.

*Кўйида йиғлар эдим мен зор ҳар беморга,
Эмди йиғларлар бари беморлар мен зорга.*

Инсон ўз юрагига чўккан ғуссанинг, укубатнинг,
зору андуҳнинг ифодасига минг йиллар чора
кидириб охири мусиқани, сўнг мусиқа оҳангига
ғазални топдимикин? Торлардан, бамисоли жон
риштасига уланиб кетган торлардан тўкилган мунг
мени хаёл қанотида яrim минг йил олисликка элт-
ди. Ҳиротнинг табаррук манзилларига, улуғ устоз
қадами теккан кўчаларга, боғларга олиб учди, На-
воий қўлида бўзлаб сайраган уд садосини эши-
дим. “Кўйида йиғлар эдим...” Ошиқ ўз севгилиси
кўчасида ҳар беморга, яъни ишқ дардига гирифткор
бўлганларга ўз ҳасратини айтиб зор йиғлар эди.
Бу ҳасрат шунчалик қайғули, шунчалик жон ўртар
эканки, ахли дард – беморлар ўз дардларини унутиб
ошиқи зорға қараб йиғлай бошладилар.

Чукур ғамгин ҳиссиёт ифодаси баробари-



да бу байт ажиб санъат намунаси сифатида кишини ҳайратга солади. Ҳолатга мос байт ичида сўзларнинг, сўз қўшимчаларининг маъно товланишлари фақат Навоийга хос баркамол санъаткорлик билан намоён этилади. “Зор” сўзи бир ўринда сифат (мен зор), бошқа ўринда ҳаракат белгиси (зор йиғламоқ)дир.

“Бемор” сўзи бошда “ишқ аҳли”, “дард аҳли”, кейинда “хаста”, “заиф”, “касал” маъноларига яқин келади. Ҳатто “ға” қўшимчаси икки ўринда икки хил маъно – товланишга эга.

Байтни хаёлимда такрорлайман:

*Кўйида йиглар эдим мен зор ҳар беморга,
Энди йигларлар бари беморлар мен зорга.*

Такрорлаганим сари бамисоли олмосда нур жи-
лонлангандек янги-янги қирраларни кашф қиласман.

Ғазал давом этади:

*Ҳажр бепоён йўлин қатъ айламак душвор эрур,
Заъфдин менким юрармен қўл таяб деворга.*

Агар мен заифликдан деворга қўл таяб, қўл билан суюниб юрсам, ажабланманг. Ахир мен ҳадду поёни йўқ хижрон йўлини ўтдим. Бу иш осон эмас. Шундай фикр байтда айтилган. Унда айтилмаган, лекин юқоридаги байтнинг мантиқий давоми сифатида келиб чиқадиган фикр ботинда ётибди: мен-ку дардимни ҳар беморга йиглар эдим. Энди беморлар менга йиғлайдиган бўлдилар, чунки мен бепоён ҳажр йўлини ўтиб заифландим, ўзим бемор бўлдим.

“Ҳажр бепоён йўли”. Йўқ, бу оддий хижрон эмас, севикли ёрдан жудоликкина эмас. Бу жуда буюк, илоҳий даражада буюк ниятнинг ҳижрони. Шунинг учун ҳам унинг йўли бепоён, инсоният тарихи дара-

жасида бепоён, борлик олам, юлдузли осмон қадар бепоён.

Навоий шеъриятининг қудрати, бекиёслиги яна шундаки, шоир бу янглиғ юксак, осмоний туйгулар ифодаси учун гоҳи оддий, заминий кундалик турмуш лавҳаларидан фойдаланади.

Заиф одамнинг деворга таяниб юриши жуда ҳәётый манзара. “Ҳажр бепоён йўли” каби теран фалсафий тушунчадан кейин бундай оддий халқона сўзларнинг қўйилиши ўша замоннинг юксак шеърияти учун ғайритабии туюлган бўлса ажаб эмас. Лекин бу шеърий жумланинг ҳәётийлиги ва хаққонийлигига, энг муҳими, гўзаллигига ўшанда ҳам, кейин ҳам барча тан берган.

*Телба кўнглимнинг қушидин қону юздин заъфарон
Қилсалар дафъи жунуним басдурур тумморга.*

Навоий байтларини англаш учун у яшаган замон турмушини ҳам яхши билмоқ керак. Баъзан улуғ шоир байтлари бизга ўша узоқ замоннинг урф-одатларини ўрганишга ёрдам беради. Маълумки, қадимда дафъи жунун учун, яъни телбаликни қайтариш учун bemорга тумор битилган. Бу туморга заъфарон тугиб, сувда эзиз ичирилган. Заъфароннинг бу хил дардга даво бўлиши қадимги табобатдан аён. Дафъи савдо учун қон чиқариш одати ҳам маълум. Туморга ёзиладиган дуо сўзининг сиёҳи ҳам қора рангда – савдойининг қони рангидан. Байт маъноси шундай: Агар жунуним дафъи учун тумор қилсалар, қон чиқарсалар, телба кўнглим қушининг қонию юзимнинг заъфарони басдур.

*Ишқ пайдову ниҳон ўлтурди, лекин йўқтурур
Захра бу ҳолимни ҳам ихфога, ҳам изҳорга.*



Яъни: ишқ мени ҳам ошкор ўлдирди, ҳам пинхон. Лекин менда бу ҳолимни яширмоққа ҳам, изҳор этмокқа ҳам журъат йўқ. Ишқ шундай бедаво дардки, уни яширмоққа чора, ошкор этмокқа илож йўқ. *Захра* сафро, ўт маъносини ҳам, шахдамлик, мардлик туйғусини, яъни юрак ўтини ҳам англатади. Бу ўринда *захра* журъат маъносида келган.

*Зулфида мен фонию тасбиҳ ила мағрур шайх,
Субҳа торин бас не янглиғ ўҳшатай зуннорга.*

Зуннор номусулмонлик белгиси бўлган боғич. Ўтган замонларда мусулмон мамлакатларида ғайридинлар белига боялаб юрадиган чивик бўлиб, улар буни тақишига ва шунинг эвазидан бож тўлашга мажбур бўлганлар. Субҳа – тасбех.

Байтнинг мазмуни бундай: Мен-ку ёр зулфининг – соchlарининг ишқида фоний бўлдим, йўқолдим, завол топдим. Қавс ичида айтамиз: диндан айрилдим, номусулмонлик йўлига кирдим. Аммо бу зуннорни, яъни соч толасини ҳеч нарсага алишмайман. Шайх ўз тасбиҳи билан мағрур, мен ўз зуннорим билан. Бу зуннорни тасбех торига сира ўҳшатолмайман.

*Йўқ ажаб ўлсам дози кавсар суйи бўлгай насиб,
Назъ вақти солсам ўзни кулбаи хамморга.*

Жон чиқар вақти жон талвасаси билан майфуруш кулбасига ўзни урсаму унда кўз юмсан жаннатга кирмоғим, кавсар суйига етмоғим ажаб эмас, чунки борлик дунёнинг неъмати жаннат фароғатининг ўзи демак.

Бу мисралар Навоийнинг фалсафий дунё қарашини, зоҳидлик, тарки дунёчиликни инкор этувчи ғоясини ифода этади.

Ғазал шундай байт билан якунланади.

*Зор ўлуб мискин Навоий нечаким чекди фиғон,
Қилмади ул ой тараҳҳум бу фиғону зорга.*

Ғазал билан шоир ўз дардини айтиб фиғон қилди, лекин бу фиғон бир гадонинг – мискиннинг кўкка нола қилганидек бўлди. Осмондаги ой гадога қулоқ солмаганидек, ой монанд ёр ҳам мискин Навоийга қулоқ солмади. Яна ботин маънога қулок тутамиз: Мискин Навоийга замон тараҳҳум этмади, ноласини эшитмади.

Мана беш юз йил ўтиб бу нола бизга етиб келди. Сўнгсиз ғусса, танҳолик дарди, изтироб тўла нола.

Бугун тонгда мен шу қўшикни эшитдим, тонгдан бери унинг сўзларини ичимда такрорлаб девона бўлиб юрибман.

ҲАМДАРДЛИКНИ КУЙЛАГАН ҒАЗАЛ

Қардош озарбайжон халқининг оташнафас фарзанди Мухаммад Фузулий туркий ғазал услубини камолот чўққисига қўтартган буюк сиймолардан бири саналади. Унинг ғазаллари равон ва мусиқийлиги, ўйноқилиги билан, гўзал ташбеҳларга бойлиги билан кўнгилларни банд этади. Фузулий ўзбек халқи учун ҳам севимли ва қадрлидир. Бизнинг боболаримиз Фузулий байтларини ибтидоий мактабдан ёд олиб кўнгилга жо қилганлар. Лайли ва Мажнуннинг ўтли муҳаббатига маҳлиё бўлганлар, бир қанча ўтмиш шоирларимиз Фузулий оҳангидага ўгуз лаҷжасида ғазаллар битганлар.

Ўзбек халқи бугунда ҳам Фузулийни астайдил севади, унинг ҳароратли мисраларини қўшиқ қилиб айтади. Қайси ўзбек мана бу сатрларни билмайди:

*Гул гунчалигинда хор иландир,
Очиlsa бир ўзга ёр иландир.*



Аслинда чекар тикан азобин,
Фаслинда ҳаким олур гулобин.

Ёки:

Ноладандур най киби овозаи ишқим баланд,
Нола маркин қилмазам найтек кесилсам
банд-банд.

Ва ёки:

Азал котиблари ушишоқ баҳтиң қора ёзмишлар,
Бу мазмун ила хат ул сафҳаи рухсора ёзмишлар.

Фузулий ҳаво тўлқинлари оркали ҳар кун хона-
донимиз меҳмони. Шоир нидоси асрлар оша биз-
нинг қалбларимизда акс-садо топади.

Шифои васл қадрин ҳажр ила бемор ўландан
сўр,
Зулоли завқ шавқин ташнаи дийдор ўландан сўр.

Шоирнинг мана шу ажойиб байт билан бошла-
нувчи газали ҳалқимиз орасида айниқса машхур.
Етук санъаткор ҳофизларимиз бу ғазални жозибали
куйга солгандар ва таъсирли ижро этганлар.

Фузулий бу ғазалда инсондаги олижаноб хислат,
ҳамдардлик туйғусини тараннум этади. Дардмандга
ким ҳамдард бўлиши мумкин? Фақат дарднинг азо-
бини билган одам! Бир дақиқалик висолнинг дард-
манд ошиқ қалбига шифо бўлишини ёлгиз ҳижрон
азобида бемор бўлган одам билади... Бу оби ҳаётдек
жонбахш завқ қадрини танҳо ёр дийдорига ташна-
лик қийноғини тортган англайди. Шу боис ҳам:

Лабинг сиррин келуб гуфтора мандан ўзгадан
сўрма,
Бу пинҳон нуктани бир воқиғи асрор ўландан
сўр.

Яъни ёр лабининг сирларини, бу офати жон лаълларнинг килмишини ошиқдан ўзга, бу балолар жонига ёғилган кимсадан ўзга ким билсин. Дунёда неки пинҳон сир бор, уни билмок бўлган одам викифи асрордан – сирлар хабардори бўлган кимсадан сўрамоғи жоиздур.

Осмон узра сонсиз-саноқсиз юлдузларнинг сайри кимга аён? Албатта кечаларни ғафлат уйқусига берилган бедард, парвосиз, ғами йўкларга эмас, балки тунги осмонга ҳасратли кўзларини тикиб тонгга қадар бедор ётганларга аёндур. Ва бинобарин, осмондаги юлдузларнинг оқишидек кўз ёшлари оқкан, юрак бағри тунги осмондек тийра бўлганлар аҳволини ғофил одамлар қаёқдан билсин?

*Кўзи ёшлуларинг ҳолин на билсун мардуми гофил,
Кавоқиб сайрини шаб то саҳар бедор ўландан
сўр.*

Маъшука кўзлари бамисоли камончи мерган. Қошларни ёй қилиб, киприкларни ўқ қилиб ошиқ кўксига бало тийрларини отади. Бу кўзлар мастона кўзлар, улар мастларча бедодлик, бераҳмлик қилса, бу бедодликнинг жабрини хабарсиз мастлар – фаттон кўзлар қаёқдан билсин. Mastлар қилмишидан мастлар воқиф бўлмаслар. Уларнинг бедодини, яъни шафқатсизлигини ҳушёрларгина биладилар:

*Хабарсиз ўлма фаттон кўзларинг жаврин
чеканлардан,*

Хабарсиз мастлар бедодини ҳушёр ўландан сўр.

Шоир ёр фироқида кечалар уйғоқ шеър устида тонг оттиrsa, шоирнинг ўзи каби ёна-ёна ўзини адо қилғувчи шам билан тонг қадар улфат бўлса, бу юрак дардларини ким билиши мумкин? Албатта шўх, бепарво маъшука тимсоли бўлган шамол эмас.



Чунки шамол – озодлик фарзанди, унга тутқунлик азоби бегона. У ошиқ қалбидек пирпираб ёнган шам жонига балодур. Демак, ҳижрон азобида бедорликка маҳкум бўлган шоирнинг, ошиқнинг азобларини сабо кайдан билсин, бу ҳолатни шоирга ғурбат ке-часида ёр бўлган шам билади, шам атрофида учиб, ўзини ўтга уриб куйдирган парвона билади:

*Гамингдан шамътак ёндим, сабодан сўрма
аҳволим,
Бу аҳволи шаби ҳижрон маним-ла ёр ўландан сўр.*

Ошиқнинг маскани – харобот, бир лаҳза бўлса-да бу дунё азобларини қадаҳ тубига чўқтирувчи – майхона. Ошиқ майхонада оламни унугади, қандайдир бир дақиқада ёр кўзлари сингари ғофиллик хобига кетади. Ҳалигина “Кўксимга ёғилган бало ўқларидан кўзларинг бехабар” деб турган шоир ёр кўзларига ўзининг мастилик ҳолати кайфияти билан қарайди ва “Мана энди менинг бу ҳолатим мастона кўзларингга аёндур, чунки дунёни унутиш лаззатини ёлғиз дунёни унуганлар билади” дея харобот ахли тилидан ёзади:

*Хароби жоми ишқам, наргиси мастинг билур
ҳолим,
Харобот аҳлининг аҳволини хуммор ўландан сўр.*

Ғазал ўзининг сўнгги юксак нуқтасига келди. Шоир барча қилган рози дили шарҳига якун ясайди: Оламда муҳаббат деб аталган буюк ва тенгсиз қудрат бор. У ҳам азоб, ҳам лаззат, ҳам қийнок, ҳам ҳузур. Дунёга келиб тириклик саодатига мушарраф бўлган жон, агар у муҳаббат оташида ёнмаса, муҳаббат лаззатини билмаса, у оламга келмади ҳисоб, тириклик баҳтидан бенасиб. Дунёда яшаб

туриб тарки дунё қилган зоҳид муҳаббат лаззатини каёқдан билсин?

*Муҳаббат лаззатиндан бехабардир зоҳиди ғофил,
Фузулий, ишқ завқин завқи ишқи вор ўландан сўр.*

“ХАЗОН ЯПРОФИ...”

Хазон яфроги янглиғ гул юзунг ҳажсрида

сарғардим,

Кўруб раҳм айлагил, эй лоларух, бу чехраи

зардим.

Бу нола, бу аламли фарёд ўрта асрлар қаъридан бизга етиб келиб, юрагимизга ларза солади. Андижон тупроғининг фарзанди, “толе йўқи” бошига балолиғ бўлган саркарда ва аламдийда шоир Захириддин Бобур қисматини баён килади, унинг ватандан йирокда, соғинч изтироби билан кечган зардобли кунларидан ҳикоя қилади.

Бобур шеърияти бошдан-оёқ ёр ва диёр ҳижрони шарҳидан иборатдир. Унинг ҳар бир байтида айрилиқ дарди, фироқ азоби ошкор бўлиб туради:

Мана, юртдан олисда, ғариблиқда шоир сарой деразасидан бокқа қараб ўлтирибди. Куз фасли да-рахтларнинг баргини заъфарон қилған. Салқин шабада хазон япроқларини учиради. Борликда юракни эзувчи бир сокинлик, диккинафаслик. Шоир қўлига қалам олади. Унинг хаёлида ана шу сарғайиб бораётган боғ – ўз умри – ғариблиқда ғам билан кечаётган ҳаёти. У берашм ёр сиймосида намоён бўлгувчи тақдири азалга мурожаат қилади:

Хазон яфроги янглиғ гул юзунг ҳажсрида

сарғардим,

Кўруб раҳм айлагил, эй лоларух, бу чехраи

зардим.



Хазон япроғи, ҳажр, сарғариш, чехраи зард – бир байтда шунча ғамли ташбихлар...

Ким билсин, балки, шоир хаёлида гулюз, лоларух ёр тимсолида олисдаги гүзал Фарғона водийси намоён бўлгандир, ахир шоир учун ёр ва диёр тушунчалари доимо эгиз. Ахир шеъриятнинг минг йиллик анъанасида ёр тимсоли – инсон қалбининг гүзалликка бўлган ташналигини, соҳир қудратга эга бўлган холик олдидаги ҳайратини ва бу гүзалликлардан вакт келиб агадул-абадга маҳрум бўлишга маҳкум этилган жонларнинг ғуссасини ифода килиб келди. Шунинг учун ёр – гүзаллик тимсоли, бераҳмлик тимсоли, бевафолик тимсоли. Бамисоли дунё, тириклиқ, умр, жон каби.

Шоир куз либосидаги боғ аро юксалган, баҳорий тўн кийган, гүзал ва мағрур сарвга боқади ва унинг қоматида етолмаган орзуларининг юксаклигини кўради. Сарв ёр қиёфасига киради:

*Сен, эй гул, қўймадинг саркашлигинги сарвдек
ҳаргиз,
Аёгинга тушуб, барги хазондек мунча ёлбордим.*

Сарв остида ётган хазон баргидаги шоир ўзининг ҳолатини кўради. Чунки хазон япроғи – ўзи жудолик рамзи. Шоирни ҳам умр кузидаги қисмат шамоли ўз она дараҳтидан – ўз юртидан йироқларга учирди ва тупроқ аро йўқ бўлиб кетишга маҳкум қилди.

Бобур ёр саркашлиги заминида қисмат саркашлигини кўради ва ўзининг қудрати олийдан нажот сўраб қилган илтижоларини сарв оёғи остида ётган хазон баргининг бенажот аянчли садоси ва титроғига қиёс этади.

Шоир хаёли олисдаги ватанига учади. Унга чексиз муҳаббат билан, жудолик алами билан мурожаат қиласиди: Мен-ку ўз она-дараҳтидан узилган япроқ

каби тақдир қуюнида узок-узокларга кетдим, аммо сен омон бўл, ғарип фарзандинг тилаги:

*Латофат гулшанида гул киби сен сабзу хуррам
қол,*

Мен арчи даҳр боғидин хазон яфрогидек бордим.

Ўз ватанидан хазон япроғидек узилиб кетган шоир ўз қалби билан, жони билан туғилиб ўсган ватанида, қисмат уни юртдан айирган бўлса-да, юрт меҳридан айирган эмас. Ахир уни ватанидан жудо қилган – тожпарамт шаҳзодалар, вафосиз қариндошлар, хулласи – бешафқат замон, гардуни дун – чархи қажрафтор... Бобур бу оқибатсиз элни, қадр билмас улусни тарқ этиб ғурбатни ихтиёр қилди ва ғурбат азоби қанчалар мушкул бўлмасин, бу тоифадан ўзини қутқаргани учун шоир шукронга айтади:

*Хазондек қон ёшим, сориг юзимдин эл
танаффурда,
Ба ҳар ранге, биҳамдиллаҳ, улусдин ўзни
қутқордим.*

Яъни, менинг қон ёшимни, хазондек сариг юзимни кўриб эл нафрат қилса, ҳазар қилса майли, мен хурсандман, не қилсан-да, биҳамдиллаҳ, ўзимни улардан қутқардим.

Шоир ўз бошига тушган кўргиликларни омадсизлик, бебахтилкдан кўради. Ахир мунажжимлар ривоят қиласидилар – ҳар бир тирик жоннинг осмонда бир юлдузи бўлади. Бу юлдузнинг ҳолатига кўра одамзоднинг кунлари баҳтли ё баҳтсиз кечади. Шоҳларнинг-да нусрати ва ё мағлубияти шу юлдузларнинг мавқеига боғлиқ, дейдилар. Не кўргуликким: шоирнинг умр бўйи бирор куни баҳтли кечмади, бирор дакиқа ҳақиқий шодлик



нашъасини сурмади. У афсус билан нола килади: “Ҳамманинг осмонида ўз юлдузи бўлганда, балки менинг юлдузим аслида йўқмикин?”

*Не толеъдур мангаким, ахтари баҳтим
топилмайди,
Фалак авроқини ҳар нечаким дафтардек
ахтардим.*

“Фалак жадвалларини, осмон хариталарини неча бор вараклаб ахтариб чиқдим, менинг баҳт юлдузим кўринмайди”.

Бу мисралар бетолеъ замондан, бешафқат одамлардан, андуҳли тақдирдан улуғ шоирнинг аламли фарёдидир. Байтнинг теран маъноси, сўнгсиз дард ифодаси бизни канча изтиробга солса, ундаги бадият, санъат шунча дилимизни нурга тўлдиради. *Ахтар* сўзининг бир маъноси *юлдуз*, яна бир маъноси *изла, қидир* демакдир. Бобур мирзо ўзининг бетолеъ умридан ҳасратга тўлганда ҳам унинг баёнига гўзал сўз излайди. *Юлдузимни қидирдим*, деган ибора ўрнида *ахтаримни ахтардим*, дейди ва байтни юксак санъат даражасига кўтаради.

Шеър сўнгги байтга келди. Шоир хаёлан ўзининг ўтган бутун умрини фалак дафтарини вараклагандек вараклайди. Бу дунёда кўрган машаққатларини, ошган довонларини, жангу жадалларни, ҳамсуҳбат бўлган яхши-ёмон одамларни кўз олдига келтиради ва бирмунча ўзига тасалли беради. У айтади:

*Улуснинг таъну таърифи манга, Бобур,
баробардур,
Бу оламда ўзумни чун ямон-яхшиидин ўткардим.*

Майли, улус менинг тўғримда нима деса десин, қандай таъналар ёғдирса ёғдирсинг, таънаю мақтовлар мен учун аҳамиятсиздир. Чунки мен

ўзимни яхши-ёмондан ўткардим, яъни яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам кўрдим.

Барча улуғ даҳолар нидоси каби Бобурнинг нидоси ҳам фақат ўз замони ва замондошлариагина эмас, олис авлодларга ҳам қаратилгандир. Не ҳайратки, биз улуғ шоирнинг узоқ набиралири Бобур шеъриятини ҳам таърифладик, ҳам Ҳиндистонни истило қилган шоҳ деб, таъналар ҳам отдиқ. Лекин вақт ҳаками ўз ҳукмини чикарди. Тарих Бобурни Ўрта Осиёдаги шоҳу шаҳзодаларнинг ўзаро низолари қувфиндиси сифатида баҳолади, унинг дарду аламга тўла шеърларини юксак қадрлади. Бобурийларнинг Ҳиндистон маданияти, адабиёти, санъати, меъморчилиги ривожидаги ўрни тўғрисида ҳинд халқининг буюк намояндалари таҳсин сўзларини айтдилар. Қуйидаги сўзлар Ҳиндистоннинг тараққиётпарвар давлат ва жамоат арбоби Жавоҳарлаъл Нерунинг “Дунё тарихига наzar” деб аталган китобидан: “...Бобур ўз замонининг энг маданиятли, жозибали одамларидан эди. У хурофий жаҳолатдан, мазҳаб маҳдудлигидан озод бўлган шахс бўлиб, ўз аждодларига ўхшаб (Неру бу ўринда Чингизхонни кўзда тутади) вайронгарчилик қилмади. Бобур санъатни яхши кўрар ва форс тилида шеърлар ёзар эди (Неру ўзбек тилини билмаган ва араб алифбосида ёзилган шеърларни форсий деб англаган бўлиши мумкин.) У гулларни, боғларни севарди, жазирама Ҳиндистонда кўпинча ўз ватани Ўрта Осиёни соғиниб ёллар эди. “Фарғонанинг бинафшалари нақадар гўзал”, – деб ёзган эди у ўз эсадликларида. – У ерда лолалар, атиргуллар беҳисоб”.

Бу мустақил Ҳиндистонга асос солган, янги давлатнинг биринчи раҳбари бўлган шахснинг сўзлари. Мана бу эса Захириддин Муҳаммад Бобурнинг ўз сўзлари:



*Толеъ йүқи жонимга балолиғ бўлди,
Ҳар ишиниким айладим – хатолиғ бўлди.
Ўз ерни қўйиб Ҳинд сори юзландим,
Ё Раб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди??!*

Биз улуғ шоиримизни севамиз, унинг ёниқ сатрларини калбимизга жо қиласиз, ҳазон япроғи каби ўз ошиёнидан жудо бўлган ҳижронзада юрак изтиробларини англаймиз ва ярим минг йил оша Бобур ғазалларини қўшиқ килиб айтамиз...

Ҳазон япроғи янглиғ гул юзунг ҳажрида сарғардим...

МУНДАРИЖА

ҚИШ ҲАЛОВАТИ

Орзули дунё

Шоирга мактуб	6
Кўзунг, не бало қаро бўлубтур	8
Ҳамма болам дейди	9
Яхшилик	9
Ўлмас эди балки одамзод	10
Вафо	11
Қай бири азиз?	12
Дўстлик ва адсоват	12
Кексалик илтижоси	13
Айрилик	13
Қалам	14
Сен учун	15
Дўстларинг бўлсин	16
Бедор тунлар	17
Сўз – забарждад	17
Эркак бўл	18
Тўқислик	19
Нўноқ шоирлар	20
Тақдирда бор эдинг	22
Буюк садоқат	22
Рост гап	23
Ҳаёт йўли	24
Йўл тадориги	24
Қиз боланинг севгиси	25
Бўсаға	27
Соя	27
Амалиётдан сўнг	28
Ўчмас чироқлар	30



Устоз	31
Ҳазил тўғрисида жиддий шеър	32
Бодом ва одам	35
Игнанинг ҳасрати	35
Ёмонга ёндошмоқ	36

Табассум

Замона зайли	38
Шоир ва танқидчи	38
Карашма	39
Ожиз кўзлар	40
Топишмоқ	40
Гўдак	41
Ўзбекнинг сўзлари	41
Замон жонони	42
Дангасалар	43
Нега япон юз йил яшар	45
Ҳазрат Ҳизр ва замон аёли	46
Ёмон деб бўлмас	47
Ўғрига насиҳат	48
Сочилган байтлар	50
Келажакнинг Матмусалари	51
Яшавор	53
Зўравон	53
Инглизча кетиш	54
Иш буюрсанг	54
Қўлингни пардалар қилдинг	55
Янги бошлиқ	56
Жоҳил	56
Шоирлар ҳақида	57
Икрор	57
Сирнинг қаноти	58
Ким нима ичади?	58
Уста келди	59

Насиҳат	60
Донишманд ва жоҳил	60
Паришонхотирлик	61
Ноаҳил жуфтлар	61
Дўрмон мушоараси	62
Матмусанинг шеърлари	67
Сўз боши	67
Ҳикматлар	68
Бизнинг мотам	69
Нарх-наво	69
Арслон ва эшак	70
Дўндиқча	70
Тухум кулгудан муҳим	71
Кўктерак бозорида	72

Дафтарда қолган сатрлар

Умрим кечар бошқа ватанда	74
Енгил иш қидирма	75
Биздан қолгани	75
Бизни буюк ишлар кутмоқда	76
Юртнинг эгаси	76
Ҳазилкашлар қишлоғи	77
Бир жанжал тарихи	80
Дўстлик шарти	81
Камон ва ўқ	83
Бегуноҳ одам	83
Янги йил кечасида	84
Шогирдлик ҳазиллари	85
Айрилик	88
Қудуқ	88
Бизнинг жон	89
Шошқалоқ одам	89
Ошноларинг	90
Мард сўзим шу	90



Бекасам	91
Мум тишлиганлар	91
Хамиша ўздик	92
Агар ҳар ғамга қуйсанг	93
Қарилик	94
Нодонга илтифот	94
Иймон	95
Ёруғ дунё	96
Юрак	96
Инсоф	97
Камолот	97
Бизнинг қишлоқ одати	98
Кўнгил, десам кўнмайди кўнгил	99
Кафтгир навоси	100
Қиз танлаш	100
Шеъриятни англаш	101
Қизил чироклар	102
«Май – қизил...»	103
Душманга ташаккур	103
Ўтмишни соғиниш	104
Сохта дўст	105
Армонлар кўп	106
Қариганда	107
Даврондан ўқинч	107
Бироннинг қизи	108
Ҳамлет	109
Тангрига илтижо	110
Ақл топмадинг	112
Шундоқ сўз айт	113
Келишувчи томонлар	114
Қора лама	115
Паришон дўстлар	115
Черчиллнинг ғиштлари	116
Шоир	117

Замон роҳатлари	118
Менга не қайфу!	119
Ғазалга қайтиш	120

Малоҳатга мактублар

Тўққиз манзарали фантасмагория	122
Биринчи манзара	123
Иккинчи манзара	126
Учинчи манзара	133
Тўртингчи манзара	136
Бешинчи манзара	143
Олтинчи манзара	150
Еттинчи манзара	155
Саккизинчи манзара	170
Тўққизинчи манзара	172

Дил тубига чўккан лаҳзалар

Мен айтиб турай, сен ёз!	176
Бу дунёга саволим кўпдир	177
Парткомнинг ўғли	178
Одобли нодон	180
Болалигим боғлари	182
Ишқибозлик балоси ёки мукофотга айланган жазо	183
Кўмилган тракторлар	187
Ҳаётнинг биринчи зарбаси	188
Бир хатонингиз тироблари	191
Қофиясини тополмадим	194
Билмаганинг билағонлиги	197
Уч соқовнинг саргузашти	199
Дурангга розимисиз, гроссмейстер?	201
Шафтоли гуллагандা	204
Полиглотлар	208
Антика видолашув	209



Соф ўзбекча сўз	210
Индамас директорнинг башоратли ҳазили	212
Кўнгилчанлик	214
Кечиккан қаҳқаҳа	216
Берлинга қанча йўл	217
Яхши ният қилинг, шоирлар!	219
Мерғанлик мактаби	222
Шифокор сўзининг қудрати	224
Одам таниш илми	228
Соддалик	230
Түёна	233
Тугатилган мушоара	237
Илк мужда	238
“Салом, болажонлар!”	239
Жазавага кўчган жозиба	241
Кўркувнинг кўзи катта	244
Ажралмас дўстлар	247
Тафаккурни уйғотган сўз	249

Сўз латофати

1. Она тилим	254
2. Тирик ҳазина ёхуд жаҳонгашта сўз	269
3. Сўз – забаржад, сўз – гавҳар, олтин	281
4. Сўз латофати	341
Ғазал сехри	380

Эркин Вохидов

ТҮЛА АСАРЛАР ТҮПЛАМИ

4-жилд

ҚИШ ҲАЛОВАТИ

Шеърлар, драма, адабий мақолалар

“Sharq” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент – 2016

Масъул мұхаррир *Носиржон Жўраев*
Рассом *Лазиз Омонов*

Бадиий мұхаррир ва дизайнер *Феруза Башарова*
Саҳифаловчи *Мастура Атхамова*
Техник мұхаррир *Раъно Бобохонова*
Мусаххихлар: *М. Зиямуҳамедова, С. Аллаева*

Нашриёт лицензияси: AI № 201, 28.08.2011 йил.

Босишига рухсат этилди 23.12.2015. Қоғоз бичими: 84x108^{1/32}. Офсет босма. “Times New Roman” гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табоғи 21,84+8 в. зарв. Нашриёт-хисоб табоғи 18,31. Адади 5000 (1- завод – 3000) нусха. Буюртма № 4097. Келишилган нархда.

**“Sharq” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси.
100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон, 41.**

ЭРКИН ВОХИДОВ

АСАРЛАР

14200

*Киши
ҳаловати*



ISBN 978-9943-26-419-9

9 789943 264199

ЭРКИН ВОХИДОВ

АСАРЛАР
Тўртминчи жилд

Киши
ҳаловати

